135^Q
6

М. ПАРДАЕВ, Қ. МИРЗАЕВ,
О. ПАРДАЕВ

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

М.Пардаев, Қ.Мирзаев, О.Пардаев

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган)

ТОШКЕНТ
«IQTISOD-MOLIYA»
2014

УДК:65.0143
КБК:65.05.2
65.43.e43

Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2014. 384 -б.

Тақризчилар: и.ф.д., профессор И.С.Тухлиев
и.ф.д., профессор Р.Сейтмурадов

Ўқув қўлланмада хизматлар соҳаси иқтисодиётининг назарий масалалари, соҳани тармоқлар бўйича ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари, ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу соҳа фаолиятини баҳолаш ва ҳисобга олиш йўллари қараб чиқилган.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган магистрларга, катта илмий ходим-изланувчиларга мўлжалланган. Ундан профессор-ўқитувчилар соҳа мутахассислари ва мавзуга қизиқадиган кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

Мазкур ўқув қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия этилган.

(2014 йил 28 март, 9-сон баённома)

ISBN 978-9943-13-486-1

© «IQTISOD-MOLIYA»2014
©Қ.Ж .Мирзаев, М.Қ.Пардаев 2014.

КИРИШ

Хизмат кўрсатиш соҳасига эҳтиёж кундан-кунга, ойдан-ойга ва йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунки бунга объектив шароит яратилмоқда. Биринчидан, аҳолининг даромадлари кўпайиб, яшаш сифатининг ортиб бораётганлиги кўпгина янги-янги хизматларни талаб қилса, иккинчидан ишлаб чиқаришнинг такомиллашаётганлиги ҳам ушбу соҳанинг жадал ривожланишини талаб қилади. Хизмат кўрсатиш етарли бўлмаган жойда юқори самарадорликка эришиш ҳам бир мунча қийин. Шу туфайли ушбу соҳа энг тез ривожланишини талаб қиладиган соҳалардан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг миллмй иқтисодиётдаги ўрни ва роли йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги (ЯИМ) улушининг ортиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин. 2013 йилда ушбу кўрсаткич 53,0 % ташкил этиши юқорида қайд килинган фикрни тўлиқ тасдиқлайди.

Шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимиз Президенти ушбу соҳага катта эътибор бериб келмоқда. Охирги йилларда айнан хизмат кўрсатиш соҳани ривожлантириш бўйича бир канча Фармон ва Қарорларни қабул қилди. Булар жумласига 2006 йил 17 апрелда имзоланган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини киритиш мумкин. Бу қарор хизмат соҳасини ривожлантиришга қаратилган, олдинги олиб борилган ишларни янада аниқлаштириш ва мамлакатда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган амалий табирлардан бири бўлди. Мазкур қарорга асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини мамлакат миқиёсида ривожлантириш бўйича 2006-2010 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ва алохида ҳудудларда эса ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг 2006 йилги натижалари кўрсатдики, мазкур дастурда кўзда тутилган кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилди. Аммо ушбу соҳани ривожлантириш бўйича имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, унинг ҳали жуда кўп ички имкониятлари мавжудлиги аён бўлиб колди. Буларни ишга солиш мақсадида Президентимизнинг 2007 йил 21 майда яна

AXBOROT RESURS MARKAZI

"Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудлар бўйича янгиланган асосий параметрлари ҳамда "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007-2010 йилларда ривожлантириш Дастури"нинг мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олиб аниқлаштирилган ва тўлдирилган асосий йўналишлари ва тадбирлари ишлаб чиқилди. Олдинги қабул қилинган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

2006-2010 йилларда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари кўрсатдики, мазкур дастурда кўзда тутилган барча прогноз кўрсаткичлар ва параметрлар бажарилди. Аммо, ушбу соҳа мамлакатимиз раҳбарининг диққат эътиборидан четда қолмади. Бир мунча вақт ўтгач Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ - 1754-сонли қарори эълон қилинди. Унда ҳам мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича унинг алоҳида турлари ва ҳудудлар бўйича прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур соҳани ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиё-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган объектив зарурият экан.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш ва сифатини кўтариш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали талайгина. Биринчидан, ушбу соҳада хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган янги шароитларга мослашиш жараёни такомиллашишни талаб қилса, иккинчидан, уни комплекс ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина муаммолар ҳам ўз ечимини кутмоқда. Учинчидан, ҳаёт шиддат билан ўзгариб бормоқдаки, улар хизматларнинг янги-янги турларини жорий қилишни тақозо қилади. Буларнинг барчаси мазкур соҳада фундаментал тадқиқотларни олиб бориш билан бирга мутахассисларни тайёрлашда ўқув адабиётларига ҳам киритиб, мукаммал ўқитиш заруратини ҳам туғдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда 08.00.05 "Хизматлар соҳаси иқтисодиёти" ихтисослиги бўйича докторантура мавжуд бўлиб, докторлик диссертацияси тайёрланмоқда. Аммо шу ном билан аталадиган фан шаклланмаган. Бу ҳолат ҳам айнан "Хизматлар соҳаси иқтисодиёти" номли фанни яратишни тақозо қилмоқда. Буларни инобатга олиб, ушбу курсни хизмат кўрсатиш иқтисодиёти бўйича магистрларга "Хизматлар соҳаси иқтисодиёти" номи билан киритилган. Ушбу дастур асосида мазкур ўқув қўлланмани яратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Мазкур ишда хизмат кўрсатиш соҳасига тизимли ёндашиш, уни яхлит соҳа сифатида қараш ва ҳар бир тармоғининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга қаратилган методологик ёндашувни кўрсатиб бериш, унинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш ҳамда мазкур соҳанинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларга аниқлаш киритиш борасида қисқагина тўхталдик.

Шу ўринда муаммонинг ўрганилганлик даражасини ҳам эслаб ўтиш ўринли, деб топдик. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид тадқиқотлар билан бир қатор чет эллик ва республикамиз олимлари шуғулланиб келишмоқдалар. Булар жумласига хорижлик олимлардан Г.А.Аванесева, А.Г.Аганбегян, Е.И.Балалова, В.Х.Грибов, В.М.Дмитрев, С.Л.Калачев, В.Н.Кряжев, М. А. Морозов, И.А.Раманович, В.В.Семенихина, Ю.П.Свириденко каби олимларни киритиш мумкин. Шунингдек, мазкур соҳадаги фаннинг ривожланишига мамлакатимиз олимларидан Б.А. Абдукаримов, Қ.Ж.Мирзаев, Х.М.Маматкулов, М.М.Мухаммедов, М.Қ. Пардаев, А.С.Солиев, Н.Тухлиев, И.С.Тухлиев, Қ.Б.Уразов, Ж.М. Қурбонов, Ғ.Ҳ.Кудратов, Т.С.Шарипов кабиларнинг ҳиссаси катта. Мазкур олимлар асарлари иқтисодиётни модернизация қилиш ва дверсификациялаш шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг умумий муаммоларини ўрганиш учун назарий асос бўлаиб хизмат қилади. Чунки, ушбу илмий изланишларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, ривожланиш тарихи, табиати ва тавсифи, миллий иқтисодиёт тизимидаги роли, мазкур соҳа корхоналари хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари алоҳида тармоқлар бўйича қисман ёритилиб берилган. Лекин уларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг назарий

ва методологик муаммолари ва уларнинг ечимлари масалаларида турли ёндашувлар кузатилмоқда. Кўпгина таърифларга ҳам аниқлик киритилишини тақозо қилади. Буларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмада барча тушунчаларнинг такомиллашган, назарий жиҳатдан асосланган таърифларини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Ушбу заруратдан келиб чиқиб, мазкур ўқув қўлланманинг мақсади шакллантирилди. Тадқиқот мақсади хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий масалаларига тизимли ёндашиш орқали унинг ривожланиши стротегиясини ишлаб чиқиш, кўпгина атамалар ва тушунчаларга аниқлик киритиш, соҳанинг таркибий тузилиши бўйича назарий-методологик асоларини яратиш, уларни мувофиқлаштириш каби масалалар бўйича илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик масалаларни ёритишдан иборат, деб белгиланган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ўқув қўлланма мазмун жиҳатидан икки қисмдан иборат ҳолда шакллантирилди. Биринчисида, унинг назарий ва амалий муаммолари умумий тарзда қараб чиқилган бўлса, иккинчи қасмида, хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида тармоқларига тегишли масалалар ёритилди.

Мазкур қўлланма "Хизматлар соҳаси иқтисодиёти" фанини ўрганувчи магистрларга мўлжалланган. Ундан ИТИ олиб борувчи катта илмий ходим-изланувчилар, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва мустақил илмий тадқиқот олиб борувчи илмий ходимлар, талабалар, малака ошириш маркази тингловчилари, соҳа мутахассислари ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиёти билан қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

1-мавзу. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

РЕЖА:

1. **Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг предмети ва вазифалари.**
2. **Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг методологик асоси, методи ва усуллари.**
3. **Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг ўзига хос принциплари ва бошқа фанлар билан алоқаси.**
4. **Мамлакатимизда хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг шаклланиш ва ривожланишга оид асарларнинг яратилиши.**
5. **Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг таркибий тузилиши.**

*****

1. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг предмети ва вазифалари

Хизматлар соҳаси иқтисодиётини фан сифатида ўрганиш муаммоси билан боғлиқ масалалар билан бир қанча мутахассислар шуғулланмоқда. Чунки ҳозирги иқтисодиёт шаклида ушбу соҳа жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ушбу соҳага оид мутахассислар ҳам тайёрланмоқда. Бироқ, "Хизматлар соҳаси иқтисодиёти" номи билан махсус фан шакллантирилмаган. Буларни инобатга олиб, мазкур соҳа бўйича фан шаклланган бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Ушбу соҳа бўйича фан бўлиши учун қуйидаги масалалар ҳал бўлиши лозим:

- унинг предмети ва вазифалари;
- методи ва усуллари;
- назарий ва методологик асослари;
- ўзига хос принциплари ва бошқа фанлар билан алоқаси;
- мазкур фаннинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи;
- фаннинг таркибий тузилиши ва ундаги ҳар бир мавзу бўйича назарий ва амалий масалалар.

Мазкур фаннинг предметига аниқлик киритиш учун, ушбу соҳанинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш лозим. Мамлакат иқтисодиётида хизматлар соҳаси бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, хизматлар соҳасининг жуда кўп тармоқли эканлиги ва уларнинг бир-бирига фаолияти, мазмуни жиҳатидан ўхшамаслиги. Масалан, коммунал хизматлар билан таълим хизматларини олайлик, ёки маиший хизматлар билан йўловчиларни ташиш хизматлари. Уларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан фарқ қилади.

Иккинчидан, уларнинг турлари ҳаёт даражасининг ошиб бориши билан муттасил равишда кўпайиб бориши. Масалан, кечагина уяли телефон билан мулоқот қилиш ҳеч кимнинг хаёлида йўқ нарса эди. Бугунги кунда инсонлар ҳаётини ушбу хизматсиз тасаввур қилиш қийин. Худди шундай ҳолатни копьютер хизматлари, глобал тармоққа уланган интернетлар бўйича ҳам айтиш мумкин.

Учинчидан, хизматлар соҳасининг бир қисми инсонлар маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилса, иккинчи қисми, моддий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Масалан, маданий, таълим каби хизматлар инсоннинг бевосита маънавиятини, уларнинг интеллектуал салоҳиятини кўтаришга хизмат қилса, уй-жой ва коммунал хўжалиги хизмати, маиший каби хизматлар бевосита инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Тўртинчидан, хизматлар соҳаси нафақат аҳолининг эҳтиёжларини, балки иқтисодиётнинг моддий неъмат ишлаб чиқарувчи тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби) эҳтиёжларини ҳам қондиради.

Бешинчидан, моддий ишлаб чиқариш инсонларнинг фаровонлигини таъминласа, хизматлар соҳаси уларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланаётганлигидан далолат беради. Чунки, оилада моддий ва бошқа энг зарурий эҳтиёжлардан ортиб қолсагина одамлар ўз маблағини хизматларга сарфлаши мумкин.

Мазкур фаннинг мазмунида ушбу хусусиятларни инобатга олиш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида унинг предметининг шаклланиши учун ҳам асосдир. Бизнинг фикримизча ушбу фаннинг предметини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Ҳизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг предмети дейилганда, кўп тармоқли хизмат кўрсатиш соҳасининг барча жабҳаларини ўзида мужассам этган ва соҳани муттасил ва барқарор ривожланишини ҳамда самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади.

Мазкур хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг предметини назарий жиҳатдан қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, унда кўп тармоқли хизматлар соҳаси ўз аксини топган. Чунки ушбу фаннинг таркибида хизматлар соҳасининг барча асосий тармоқлари ўрганилади. Иккинчидан, ҳар бир тармоқ ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги туфайли, уларнинг барча жабҳалари атрофлича қараб чиқишга тўғри келади. Учинчидан, мазкур фанда соҳани муттасил ва барқарор ривожланишини ҳамда самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган иқтисодий муносабатларни мужассам этган барча тадбирлар ҳам қараб чиқилади. Чунки уларнинг мажмуи тўлиқ қамраб олинишини тақозо қилади. Шу жиҳатдан ушбу таъриф фаннинг мазмунини тўлиқ ифода этади, деган хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Ҳозирги пайтда мамлакат иқтисодиётида, шу жумладан, хизматлар соҳасида ҳам модернизация жараёни кетмоқда. Унга инновациялар кўплаб жорий қилиниб, инновацион иқтисодиёт шаклланмоқда. Бу эса ўз навбатида диверсификация жараёнларини ҳам юзага келтирмоқда. Бундай шароитда ҳар бир фан ўзининг олдига қўйган вазифасига эга бўлиши керак. Шу жиҳатдан олиб қарайлиган бўлсак, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин, деб ўйлаймиз.

1. Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг алоҳида соҳаси сифатида яхлит ҳолда қараб чиқилиши лозим. Ушбу соҳанинг иқтисодиётдаги ўрни ва инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳам қараб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

2. Ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг ярмидан кўпини хизматлар соҳаси ташкил қилишини инобатга олиб (ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 54,0 %дан кўпроғини ташкил қилишинини), ушбу соҳани жадал ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилади.

3. Ҳозирги пайтда хизматлар соҳасида синергетик самара ва кластер усулларидан фойдаланишнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, ушбу масалаларга ҳам алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

4. Хизматлар соҳасини ривожлантиришда замонавий омиллардан модернизация, диверсификация ва инновацияларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, ушбу омилларнинг мазкур соҳани ривож-

лантиришдаги роли ва ўрни очиб берилиши ҳам муҳим вазифалардан бирига киради.

5. Асосий эътиборлардан бири, хизматлар соҳасига кирадиган алоҳида тармоқлар иқтисодиётини ўрганишга қаратилиши лозим. Чунки юқорида таъкидланганидек, ҳар бир тармоқ ўзига хос хусусиятларга эга.

Кўриниб турибдики ҳар бир мустақил фан сифатида хизматлар соҳаси иқтисодиёти фани ҳам ўзига хос предмети ва вазифаларига эга. Ушбу вазифаларнинг характерли хусусияти шундаки, улар фақат шу соҳагагина дахлдордир.

2. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг методологик асоси, методи ва усуллари

Ҳар қандай фан ўзининг методи ва методологик асосига эга. Унинг методологик асоси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг асарлари, фармон ва қарорлари, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўлиб ҳисобланади. Чунки ушбу масалага бундай ёндашувнинг аҳамияти шундаки, мамлакатимизда ўзимизга хос тараққиёт йўлини танлаганмиз. Бу йўл шу қисқа вақт ичида ўзини оқлаганлигини дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди ва этилмоқда. Мустақил тараққиёт йўлимизни дунё ҳамжамияти тан олиш билан бирга тан берганлиги ҳам ҳақиқат.

Хизматлар соҳаси иқтисодиётининг методи ва методологиясини фарқламоқ лозим. **Метод** деганда асосан шу фаннинг предметини ўрганиш усули тушунилади. **Методология** деганда эса, содда қилиб айтганда, шу фаннинг предметини ўргатиш усули, ўргатишда қўлланиладиган ёндашувлар, усуллар мажмуаси тушунилади.

Хизматлар соҳаси иқтисодиётининг методологик асоси, яъни уни ўргатишда қўлланиладиган ёндашувлар турли йўналишда бўлиши таъбиий. Шу туфайли уларни тўғри таснифлашни тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, уларни ўрганишда ёндашувларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ўрганилаётган объектга диалектик нуқтаи назаридан ёндашиш, яъни барча жараён ва ҳодисалар бир-бири билан узвий боғлиқликда ва ҳаракатда.

2. Ўрганилаётган объектга тизимли ёндашиш. Бунда ўрганилаётган объектга макон ва замон нуқтаи назаридан узлуксизликни таъминлаган ҳолда ёндашиш лозим бўлади.

Биринчи ёндашиш бўйича таҳлил қилинса барча иқтисодий жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқликда, ҳаракатда ва доим ўзгаришда деб қаралади. Бундан келиб чиқадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий жараёнларни ифодалайдиган кўрсаткичлар ҳам бир-бири билан узвий боғлиқликда ва ўзгаришда, деб қаралади. Бу ёндашув, айниқса, хизматлар соҳаси субъектлари фаолиятининг натижавий кўрсаткичларига омиллар таъсирини аниқлашда кенг қўлланилади.

Иккинчи ёндашув бўйича ўрганилганда, ўрганилаётган объектни мураккаб иқтисодий жараёнлар мажмуасидан иборат деб баҳолаб, уларнинг барча қисмлари бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқликдалигидан келиб чиқиб, уларни ўрганишда барча жиҳатларини тартибга солган ҳолда яхлит хулосага келгунча қилинадиган ҳодисаларга узлуксиз равишда системали тарзда ёндашиш лозимлигини тақозо қилади. Бунга ўрганилаётган объектни деталлаштириш, тизимлаштириш ва умумлаштириш орқали эришиш мумкин.

Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг объектини **деталлаштириш** деганда мураккаб иқтисодий жараёнларни соддалаштириш ва улардан тўғри ва яхлит хулоса қилиш учун уларни майда бўлакларга бўлиб ўрганиш тушинилади.

Тизимлаштириш деганда ўрганилаётган объектни ўрганиш учун унга мантиқан кетма-кетликни таъминлаган ҳолда тартибга солиш тушинилади. Чунки иқтисодий жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Шу туфайли уларни ҳар томонлама, чуқур ўрганиш учун кетма-кет равишда батафсил таҳлил қилиш лозим. Масалан, натижа кўрсаткичи ўзгарса унга таъсир қилувчи барча ижобий ва салбий омиллар батафсил таҳлил қилинади, уларнинг таъсири кетма-кет равишда ҳисоблаб чиқилади.

Ўрганилаётган объектни таҳлил қилганда **умумлаштириш** деганда унинг барча жиҳатларини атрофлича ўрганиб, яхлит хулосага келиш тушинилади. Бу йўналиш таҳлилнинг бошқарув функциясидан келиб чиқади. Бошқарув учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишда таҳлил орқали ўрганилаётган объект хақида тегишли тўғри ва яхлит хулосага келиш лозим.

Хизматлар соҳаси иқтисодиётига диалектик ёндашишда турли фалсафий категориялардан фойдаланилади. Улардан бири **индукция ва дедукция** категорияларидир. Ушбу категория хизматлар соҳаси иқтисодиётининг муҳим методологик асослари сифатида намоён бўлади. Ушбу категориялар хизматлар соҳаси иқтисодиётининг кетма-кетлигини таъминлайди.

Индукция, деганда ўрганилаётган объектнинг хусусийликдан умумийликга қараб ўрганилиши тушинилади. Бунга мисол қилиб, соҳа ходимлари меҳнат унумдорлигини олиш мумкин. Унга вақт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уни бир соатлик меҳнат унумдорлиги, бир кунлик, ўн кунлик, бир ойлик, бир чоралик, ярим йиллик, тўққиз ойлик, бир йиллик меҳнат унумдорлиги даражасигача умумлаштириш мумкин. Ёки айнан ушбу кўрсаткични макон нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, олдин бир кишининг меҳнат унумдорлиги, бир бўлинманинг меҳнат унумдорлиги ва бутун меҳнат жамоасининг умумий меҳнат унумдорлиги даражасигача ўрганиш мумкин.

Дедукция методида ўрганилаётган объект умумийликдан хусусийлик сари, яъни умумий кўрсаткичлардан хусусий (кичик) кўрсаткичларга қараб ўрганиш тушинилади. Бу усулга мисол қилиб хизматлар соҳасида фойда режасининг бажарилишини олиш мумкин. Ушбу кўрсаткич олдин бутун бирлашма (соҳа) бўйича ўрганилади, сўнгра унинг алоҳида корхоналари (фирмалари) бўйича, уларнинг алоҳида бўлинмалари бўйича кетма-кетликда ўрганилиб, умумий натижага қайси буғин ва бўлинмаларнинг ижобий ёки салбий таъсир қилганлиги тўғрисида хулоса қилинади.

Макон ва замон категориялари ҳам хизматлар соҳаси иқтисодиётининг муҳим методологик асосларидан биридир. Зеро, барча иқтисодий жараёнлар маконда (хўжалик юритувчи субъектда) маълум бир замон доирасида (вақт мобайнида) содир бўлади. Шу туфайли замоннинг ўтиши билан макондаги натижа ўзгаради ва унинг тескариси, яъни маконнинг ўзгариши билан замон ўтгандан кейин натижа бошқача бўлиши мумкин. Масалан, маконга корхоналарни, иш жойларини, фирма каби хўжалик юритувчи субъектларни мисол келтириш мумкин. Булар мазкур фаннинг объекти. Замон деганда эса уларнинг маълум бир ҳисобот даври тушинилади. Маконда содир бўлган жараёнлар маълум бир ҳисобот даври

(замон) ўтгач жамланади ва умумлаштирилади. Бу ҳам шу ҳисобот даврини ўрганиш учун маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Анализ ва синтез категорияси ҳам хизматлар соҳаси иқтисодиётининг методологик асосларидан бири ҳисобланади. Таҳлил деганда бир бутун яхлит предметни алоҳида бўлакларга бўлиб ўрганиш тушинилади. Умумлаштириш (синтез) эса ўрганилаётган объект тўғрисида яхлит хулосага келиш учун фойдаланилади. Унда объектнинг барча бўлаклари бўйича қилинган хулоса умумлаштирилади.

Ўрганилаётган объект ёки иқтисодий жараён ҳақида яхлит ва аниқ хулосага келиши учун у таҳлил қилинади ва барча хулосалар умумлаштирилади. Таҳлил бор жойда умумлаштириш, умумлаштириш учун эса таҳлил қилиш лозим. Шу туфайли ушбу категориялар бир-бири билан узвий боғлиқликда қаралади. Аммо шуни эътироф этиш лозимки ўрганишнинг турлари жуда кўп. У табиатда, жамият ва инсон тафаккурида содир бўладиган соҳага оид жараёнларни ўрганади. Биз ўрганадиган масала хизматлар соҳаси иқтисодиётининг фақат микроиқтисод даражасига мансуб. Лекин бозор муносабатлари шароитида хизматлар соҳаси иқтисодиёти, ўрганиладиган масалалар тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Сабаб ва оқибат категорияси ҳам бевосита хизматлар соҳаси иқтисодиётининг методологик асоси сифатида намоён бўлади. Хизматлар соҳаси иқтисодиётида натижа ва омиллар тушунчаси мавжуд. Иқтисодий фаолият натижасини ифода этган бирорта кўрсаткич натижа кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Буни фалсафий жиҳатдан қарайдиган бўлсак оқибатдир. Аммо шу оқибат ўз-ўзидан содир бўлмайди. Унинг замирида бир қанча сабаблар бор. Бу сабабларни хизматлар соҳаси иқтисодиётида омиллар деб қаралади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат ҳажми (оқибат) бир қанча омилларга, яъни ходимлар сони, уларнинг малакаси, меҳнат унимдорлиги, қўлланилаётган техналогик жараёни, хом ашёнинг ўз вақтида сифатли таъминоти каби омилларга (сабабларга) боғлиқ.

Сабаб оқибатга олиб келганидек, омиллар (сабаблар) таъсири ҳам бирор натижага олиб келади. Ижобий сабаб яхши оқибат, ижобий омил юқори натижага олиб келганидек, салбий сабаб ёмон оқибатга, омилларнинг салбий таъсири натижанинг пасайишига олиб келади.

Шакл ва мазмун категорияси ҳам бевосита иқтисодиётга, хусусан, хизматлар соҳаси иқтисодиётига алоқадор. Шаклнинг ўзгариши мазмун ўзгаришига, мазмуннинг ўзгариши шакл ўзгаришига олиб келади. Иқтисодиётда ушбу боғлиқлик жуда ёрқин номоён бўлади. Масалан, аёллар сумкасининг шакли чиройлик ва чидамли бўлиши учун, унга қимматбаҳо материаллар, турли безаклар ишлатилади. Натижада унинг мазмуни чидамлилиги, нархининг нисбатан қиматлилиги билан ўзгаради. Ёки оддий материал ўрнига сифатли материал ишлатиб, унинг мазмунини бойитиш керак бўлса албатта шакли ҳам ўзгаради.

Шу жиҳатдан хизматлар соҳаси иқтисодиётида шакл ва мазмун бир-бири билан узвий диалектик алоқада бўлганлиги билан ҳам методологик асос сифатида қўлланилади. Масалан, бирор бирлашма таркибида корхоналар сони унинг шаклини ташкил қилса, уларнинг нима билан шуғулланиши, қандай технология ишлатилиши, қанақа кадрлар билан таъминланганлиги каби жиҳатлар унинг мазмунини ташкил қилади.

Миқдор ва сифат категорияси ҳам хизматлар соҳаси иқтисодиётида айниқса, иқтисодий жараёнлар натижасини кўрсаткичларда ифодалашда кенг қўлланилади. Кўрсаткичлар мазмуни бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади. Масалан, корхонада банд бўлган ҳодимлар сони миқдор кўрсаткичи бўлса, уларнинг меҳнат унимдорлиги сифат кўрсаткичидир. Корхонанинг фойдаси муҳим натижавий кўрсаткич. Аммо у иқтисодий мазмуни жиҳатидан миқдор кўрсаткичи бўлса, рентабеллик даражаси унинг сифат кўрсаткичидир. Яна бошқа бир мисол. Жамоа хўжалигининг бир йилда етиштирган пахтаси 50,0 минг тоннани ташкил қилди. Бу миқдор кўрсаткич. Унинг 60 фоизи биринчи нав, 20 фоизи иккинчи, 15 фоизи учинчи ва 5 фоизи тўртинчи навга топширилди. Булар пахтанинг сифат кўрсаткичлари. Ёки яна шу пахтадан соф толанинг чиқиш миқдори 35 фоизни ташкил қилади. Бу ҳам унинг сифат кўрсаткичларига мисол бўлади.

Ушбу бобда хизматлар соҳаси иқтисодиётининг айрим методологик асосларига тўхталдик. Фалсафий категориялар ҳаёт иникоси. Иқтисодий жараёнлар эса ижтимоий ҳаётнинг бир бўлагидир. Шу туфайли иқтисодий жараёнларни ўрганишга бағишланган хизматлар соҳаси иқтисодиёти шу фалсафий категорияларга асосланади.

Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг методини ўрганишда унинг луғовий маъносига аҳамият бериш лозим бўлади. Метод қадимги грек тилидан олинган бўлиб, табиат ҳамда жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ва билиш усулидир. Табиат ва жамиятда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ ва алоқадордир.

Худди шу назарий хулосадан келиб чиққан ҳолда хизматлар соҳаси иқтисодиёти фани методининг моҳиятини очиш лозим. Бизнинг фикримизча, ушбу фан методининг моҳияти назарий жиҳатдан ҳамон тўғри ҳал қилинган эмас. Бунга турли олимларнинг турли даврларда турлича ёндашганлигини асос қилиб олиш мумкин.

Таҳлил методининг шундай қоидасини яратиш лозимки, у объектнинг ёки тузумнинг ўзгариши билан ўзгармайдиган бўлсин, чунки ҳар қандай фан, хусусан хизматлар соҳаси иқтисодиёти фани ҳам қайси тузумдан қатъий назар, ўзининг назарий жиҳатдан асосланган методига эга бўлиши лозим.

Тадқиқотларимиз натижасида хизматлар соҳаси иқтисодиёти фани методининг таърифини ишлаб чиқишда унинг бир қанча талабларга жавоб бериши лозим деган хулосага келдик. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ҳар қандай фан методининг назарий асоси бўлиши керак;

2) унда нимани ўрганиши ва унинг қаерда ифодаланиши кўриниб турмоғи лозим;

3) қаерни, қайси объектни ва қайси даврни ўз ичига олишини ифодалаши даркор;

4) нима мақсадда амалга оширилиши кўзга ташланиб туриши керак;

5) шу мақсадни амалга ошириш учун нималар қилишниши алоҳида таъкидланиши лозим .

Ана шу талабга жавоб берадиган таъриф, фикримизга, хизматлар соҳаси иқтисодиёти фани методининг мазмунини тўлиқ ифода қилади. Бу назарий хулосадан келиб чиқиб, биз хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг методига қуйидагича таъриф берамиз. **Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг методи дейилганда, соҳада содир бўлаётган бир-бири билан узвий боғлиқ иқтисодий-ижтимоий жараёнларни макон ва замон асосида ҳар томонлама комплекс ва тизимли равишда ўрганиш,**

унинг иқтисодий кудратини юксалтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланиладиган турли ёндашувлар ва усуллар мажмуи тушунилади.

Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хизматлар соҳаси иқтисодиётига қўйиладиган барча назарий ва амалий талабларга жавоб беради. Чунки унда биринчидан, соҳада содир бўлаётган бир-бири билан узвий боғлиқ иқтисодий-ижтимоий жараёнлар қамраб олинган. Иккинчидан, ушбу жараёнларнинг мокон ва замонда содир бўлиши кўрсатиб ўтилган. Учинчидан, мазкур таърифга ушбу ҳолатни ҳар томонлама комплекс ва тизимли равишда ўрганиш масаласи ҳам киритилган. Тўртинчидан, барча тадбирлар соҳанинг иқтисодий кудратини юксалтириш ва самарадорлигини ошириши мақсадида амалга оширилиш кўзда туилган. Бешинчидан, юқоридагиларга эришиш учун турли ёндашувлар ва усуллар қўлланилиши ҳам ўз ифодасини топган.

3. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг ўзига хос принциплари ва бошқа фанлар билан алоқаси

Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фани ҳам бир қанча фанлар сингари ўзига хос тамойилларга асосланади. Бу тамойиллар турли бўлиши мумкин, аммо улар шу фаннинг ўзига хос хусусиятини ифода этишини тақозо қилади.

Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанида асос қилиб одатда қуйидаги тамойиллар олинади:

- мазкур фанда ўрганиладиган ҳодиса ва жараёнларнинг бир-бири билан **ўзаро боғлиқлиги**;
- кўриладиган масалаларнинг **комплекс характерга эга эканлиги**;
- соҳадаги ҳар бир ходимнинг **эркинлигини** таъминлаш билан бирга иш натижаларига **масъуллигини** оширишдан иборатлиги;
- тижорат сирининг мавжудлиги ва ушбу шароитда **рақобат устунлигига** эришиш иштиёқининг мавжудлиги;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига **миқдорий ва сифатий** жиҳатдан баҳо бериш мумкинлиги;
- субъектлар фаолиятига баҳо беришда **таққослаш** усулидан кенг фойдаланиш лозимлиги;

- соҳа ичида илғор тажрибаларни ёйиш ва улардан кенг миқиёсда фойдаланиш лозимлиги.

Ушбу тамойилларни алоҳида қараб чиқадиган бўлсак, мазкур фан объекти бўлган хизматлар соҳаси тармоқлари ҳолатига баҳо беришда уларга иқтисодий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишнинг зарурлиги ва ўрганиладиган ҳодисаларнинг моҳияти ва бир-бири билан узвий равишда **ўзаро боғлиқлиги** эътиборга олинади.

Иккинчидан, барча жараёнларни ўрганишда ёндашувнинг **комплекс характерга эга эканлиги** ҳам муҳим тамойиллардан бўлиб ҳисобланади. Мазкур масалага замон ва макон нуқтаи назаридан ўзаро бир-бирига узвий равишда боғлиқ, деб қаралиши лозим.

Учинчидан, бозор муносабатлари шароитида соҳанинг ва унда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимнинг эркинлигини таъминлайди. **Эркинлик** эса, ўз вақтида ҳар бир субъектнинг **масуллигини** таъминлайди. Бир томондан эркинлик ва иккинчи томондан масъуллик фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, соф рақобат шароитида маълум маънода тижорат сирининг ҳам мавжудлигини инобатга олиб, фаолият самарадорлигини оширишда **рақобат устунлигига** эришиш масаласи ҳам бугунги куннинг асосий тамойилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бешинчидан, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатадиган субъектлар фаолиятига баҳо беришда иқтисодий маълумотларга асосланади. Шу жиҳатдан ахборотларни қайта ишлаш натижасида уларнинг фаолияти натижаларига **миқдорий ва сифатий жиҳатдан баҳо берилади**. Бу ушбу ҳолат тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш имконини беради.

Олтинчидан, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатадиган субъектлар фаолиятига баҳо беришда горизантал ва вертикал таққослаш усулларидан фойдаланилади. Бунда натижалар шу субъект ичида ўтган йиллар, режа топшириқлари, меъёрий кўрсаткичлар кабилар билан солиштирилса, ташқи кўрсаткичлар сифатида тармоқ маълумотлари, рақобатдош корхоналар ахборотлари кабилар билан ҳам **таққосланади**. Корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилишда кўрсаткичларни таққослаш орқали ички хўжалик имкониятларини аниқлашда ҳам қўл келади

Еттинчидан, соҳа ичида илғор тажрибаларни ёйиш ва улардан кенг миқиёсда фойдаланиш лозимлиги ҳам муҳим тамойиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки бозор муносабатлари шароитида

VA SERVIS INST
AXBOROT RESURS MARKAZI

корхоналар соф рақобат билан бирга ҳамкорликда ҳам фаолият олиб боради. Ҳамкорлар ўртасида **илғор тажрибаларни кенг ёйиш** ва меҳнат жамоасини корхоналарни бошқаришга янада кенг жалб этиш ҳам самарадорликни ошириш имконини беради.

Юқорида қайд қилинган тамойиллар хизматлар соҳасида фаолият кўрсатадиган субъектлар иқтисодиётининг ривожланиши ва самарадорлигининг муттасил ошиб боришига асос бўлади. Мазкур соҳа субъектлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсад – яшириниб ётган ички имкониятларни аниқлашдан иборатдир. Бунинг учун эса уларни илмий асосда туркумлаш лозим бўлади.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатадиган субъектларнинг имкониятлари қуйидагилардан иборат: бутун иқтисодиёт миқиёсида, соҳа даражасида, тармоқ миқиёсида, ҳудудий даражада ва ниҳоят ички хўжалик имкониятлари. Ушбу имкониятларни хизматлар соҳасининг ҳар бир тармоғида фойдаланиш мумкин. Масалан, хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган имкониятлардан бири, узлуксиз электр энергияси билан таъминлашни йўлга қўйиш учун мукобил энергия манбаларидан фойдаланишни мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай имкониятлар бутун иқтисодиёт миқиёсидаги имкониятлар қаторига киради. Ихтисослаштириш даражасини ошириш эса тармоқ имкониятлари қаторига кириб, у асосан шу соҳа субъектларининг корпорация, концерн, вазирлик каби бошқарув идораларига мансублиги билан боғликдир.

Минтақавий имкониятларга, бир маъмурий туманда жойлашган турли хизмат кўрсатиш субъектларининг шу ҳудуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда хизматларни ташкил қилиш кабиларни киритиш мумкин. Масалан, тоғли ҳудуд бўлса, унга мавсумий экологик туризмни ташкил қилиш масаласини, агар дарё ёқасида жойлашган бўлса, чўмилиш билан боғлиқ дам оладиган хизматларни ташкил қилиш кабиларни мисол келтириш мумкин.

Хизматлар соҳасида ички хўжалик имкониятларини аниқлаш ва уларни хўжалик оборотига йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Буларга асосан, ишлаб чиқариш ресурсларидан иборат уч гуруҳ (меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари) омилларидан оқилона ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ имкониятларни киритиш мумкин бўлади.

Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фани жуда кўп иқтисодий ва иқтисодиётга оид бўлмаган фанлар билан узвий боғлиқ. Булар қуйидаги жадвалда келтирилган (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигининг мазмуни

Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фани билан боғлиқ бошқа фанлар	**Боғлиқликнинг мазмуни**
Иқтисодий назария	Хизматлар соҳаси кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда ўз ўрнига эга эканлиги ва иқтисодиётнинг ярмидан кўпи шу соҳага тўғри келганлигини инобатга олиб, унинг назарий масалаларини қарашда мазкур фан методологик асос бўлиб хизмат қилади.
Фалсафа	Жамиятда барча жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқликда ва ҳаракатда деб қаралиши, унинг фалсафадек, умумметодологик фан билан ҳам мустаҳкам алоқада эканлигидан далолат беради. Фалсафий категориялар ва қонунлар бевосита мазкур фанни ўзлаштиришда ҳам асқотади ва ёндашувларни танлашда методологик асос бўлиб хизмат қилади.
Корхона иқтисодиёти	Иқтисодиётнинг микро даражаси иқтисодиётини ўрганишда корхона иқтисодиёти катта аҳамиятга эга. Унинг таркибий тузилиши, масалаларнинг кетма-кет ёритилиши кабилар ҳам мазкур фанга услубий асос сифатида хизмат қилади.
Статистика	Бирорта соҳани чуқур ўрганиш тадқиқотларсиз амалга оширилмайди. Шу жиҳатдан мазкур фандаги қўлланиладиган усуллардан хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти фанида ҳам кенг қўлланилиши лозим. Ушбу фан соҳани ривожлантириш учун бошқарув қарорларини қабул қилишда, ҳисоб-китобларни амалга ошириб, аниқ тадбирларни ишлаб чиқишда асқотади.
Иқтисодий таҳлил	Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанини ўрганишда қўлланиладиган бир қанча усуллардан, айниқса, натижа ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлашда иқтисодий таҳлил усулларидан кенг фойдаланилади. Шу жиҳатдан ушбу фанлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Менежмент	Иқтисодий ишларнинг бир йўналиши менежмент бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида, иқтисодиётни бошқариш ҳам менежмент орқали амалга оширилади. Шу жиҳатдан хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти фани билан менежмент фани ҳам бир-бири билан узвий боғлиқликда. Бундан ташқари соҳа иқтисодиётини хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанида ўрганилса, айнан шу иқтисодиётни бошқаришни менежмент фанида ўрганилади.
Маркетинг	Бозор муносабатлари шароитида яратиладиган маҳсулот, иш, хизматларни ишлаб чиқаришдан пировард мақсад уларни сотишдан иборат. Сотиш жараёни билан маркетинг фани шуғулланади. Корхона иқтисодиётининг таркибий қисмларидан бири бўлган сотиш жараёнини амалга оширишда айнан шу маркетинг фани усулларидан фойдаланилади. Кўриниб турибдики, ушбу фанлар ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ экан.
Бухгалтерия ҳисоби	Том маънода айтиладиган бўлса, шуни эътироф этиш керакки, барча фанларнинг объекти иқтисодий жараёнлардир. Унинг бир қисмини, яни режалаштириш, самарали фойдаланиш йўлларини иқтисодиёт фанида ўрганилса, ушбу жараёнларни аниқ ҳисобга олиб бориш бухгалтерия ҳисобида ўрганилади. Шу жиҳатдан ҳам ушбу фанлар бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқада.
Математикага оид фанлар	Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанида ҳам математик усуллардан кенг фойдаланилади. Чунки иқтисодий жараёнлар, уларнинг тараққиёти мураккаблашиб борган сари, уларни оддий усуллар билан ўрганиш ҳам мураккаблашиб боради. Бундай шароитда математик усуллардан фойдаланилади, чунки бунинг учун реал имкониятлар ҳам яратилда. Зеро ахборот технологияларининг, айниқса, компьютерларнинг ҳаётимизга кириб келиши математик усуллардан фойдаланишни анча осонлаштирди.
Информатика	Ҳозирги пайтда барча фанлар сингари хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанида ҳам информатикадан кенг фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур фанларда ҳисоб-китоб ишларини анча енгиллаштириб, мутахассисларнинг ижодий фикрлаши учун катта имконият яратади. Шу жиҳатдан ушбу фанларни ҳам бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур фан жуда кўплаб фанлар билан боғлиқ экан. Чунки оламдага, яъни табиат, жамият ва инсон тафаккуридаги ҳодисалар бир-бири билан узвий

боғлиқ бўлганлиги туфайли, уларни ўрганадиган фанлар ҳам бир-бири билан боғлиқлиги табиий ҳол.

4. Мамлакатимизда хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг шаклланиш ва ривожланишга оид асарларнинг яратилиши

Хизматлар соҳаси иқтисодиётининг шаклланишини тадқиқ қилишда, шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда ушбу фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма нашрдан чиққан эмас. Аммо хизматлар ва сервисга оид турли мавзуларда асарлар яратилди.

Хизматлар соҳасига оид ҳам бир қанча адабиётлар яратилди. Булар жумласига М.Қ. Пардаев ва И.С. Очиловлар томонидан тайёрланган "Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари" мавзусидаги монографияни (Т.: "Иқтисодмолия", 2011. – 172 б.), З.Акбарованинг "Товар ва хизматлар бозори статистикаси" номли ўқув қўлланмани (Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 144 б.), Х.М. Маматқуловнинг "Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати"ни (Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2010.–398б.), М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов, А.Қ.Ғаппаровлар томонидан тайёрланган "Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари" номли рисолани (Самарқанд. "Зарафшон", 2009.-66 б.), Ю.П.Урунбаевaнинг "Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари" номли монографияси (Т.: "Фан" нашриёти, 2013.–9,0 б.т.), Ж.Р.Ураковнинг "Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш" номли монографияси (Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2013. – 127 бет.), Э.С.Файзиевнинг "Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни" номли рисола (Т.: 'Fan va texnoloqiya', 2007. – 16 б.), "Сервис тизими фаолияти асослари" номли маъруза матни (Самарқанд, 2007. – 208 б.), "Сервис тизими фаолияти асослари" номли ўқув қўлланма (Самарқанд: "Зарафшон" нашриёти, 2010. – 244 б.), Ғ.Ҳ.Кудратов, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримовларнинг "Сервис ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили" номли рисола (Т.: 'Fan va texnoloqiya', 2007 – 28 б.), Ғ.Ҳ.Кудратов, М.Қ.Пардаев ва Г.М.Шодиевларнинг "Касаначилик – аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш омили" номли рисола (Т.: 'Fan va texnoloqiya', 2007. – 32 б.) кабилар киради.

Савдо соҳаси бўйича бир қанча асарлар яратилди. Булар жумласига, Б.А.Абдукаримов томонидан тайёрланган "Ички савдо иқтисодиёти" номли дарслигини мисоли қилиш мумкин. Унинг иккинчи нашри 2010 йилда юзага чиқди (Т.: " IQTISOD-MOLIYA", 2010. – 384 б.) Шу йили Б.А.Абдукаримов, Н.А.Комилова, Ф.Б. Абдукаримовларнинг "Актуальные вопросы развития торговли в Узбекистане" номли монографияси нашрдан чиқди(Т.: "Иқтисодиёт", 2010. – 96 б.) Б.А.Абдукаримовнинг "Савдо иқтисодиёти" номли ўқув қўлланмаси ҳам "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" ДИ нашриётида нашрдан чиқарилди (2013.–264 бет.), Г.А.Солиева томонидан "Ўзбекистонда китоб нашри, савдоси ва маркетинги" номли монография ҳам ўқувчиларга етказилди (Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2013. – 128 бет.). Шунингдек, Д.И. Усманова томонидан тайёрланган "Пути повышения социально-экономической эффективности торгового обслуживания сельского населения" номли монографияси (Издательство «Навруз» ГУП, 2014. – 160 с.) каби асарларни киритиш мумкин.

Маркетинг хизматлари бўйича биринчи дарслик Р.Ғ. Ибрагимов томонидан "Маркетинг" номи билан 2002 йилда нашрдан чикди (Т.: Шарқ.-2002.-256 б.). И.Х.Ибрагимов томонидан "Совершенствование разработки стратегического маркетингового плана в гостиничном хозяйстве" номли монографияси (Самарканд, СамИСИ, 2013. – 100 с.) ҳам нашрдан чиқарилди.

Агросервис соҳаси бўйича ҳам айрим адабиётлар яратилди. Булар жумласига Қ.Ж.Мирзаевнинг "Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик масалалари" мавзусидаги монографиясини (Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2010.–164 б.), ушбу муаллифнинг "Агросервис иқтисодиёти" номли монографиясини (Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2013–212б.), Ғ.Ҳ.-Қудратов, Қ.Ж.Мирзаев ва М.Қ.Пардаевлар томонидан "Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари" номли рисола (Т.:'Fan va texnoloqiya', 2007.–16б.) асарларнинг киришини алоҳида қайд қилиш мумкин.

Йўловчиларни ташиш ва автомобил хизматлари бўйича ҳам бир қанча асарлар яратилди. Булар жумласига А.А. Рахимовнинг "Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусидаги монографияни (Т.: "Наврўз" нашриёти, 2012. – 188 б., М.Қ.Пардаев ва Ё.Ж.Исроиловларнинг "Автомобиль транспорти

хизматини кўрсатувчи корхоналар таҳлилининг айрим жиҳатлари" мавзусидаги илмий рисолани (Т.: "Ноширлик ёғдуси", 2011. – 65 б.) каби асарларни киритиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналари иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласига бағишланган қуйидаги китобларни мисол келтириш мумкин. Булар жумласига М.Қ.Пардаев раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар томонидан ёзилган "Ўзбекистон саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланиш босқичида: иқтисодий хавфсизлик масалалари" номли рисолани (Самарқанд, СамИСИ, 2008 . – 20 б.), М.Қ.Пардаев ва Э.Ю.Аминовлар томонидан тайёрланган "Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари" номли рисолани (Самарқанд, "Зарафшон", 2008. – 47 б.) киритиш мумкин.

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари бўйича ҳам О.М.Пардаев томонидан "Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик" номли монография нашрдан чиқди (Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2012.–162 б.). Таълим хизматлари бўйича "Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами"ни ҳам киритиш (Т.:ЎзР Адлия вазирлига, 2007.-776 б.) мумкин.

Туризм соҳасида ҳам мамлакатимиз олимлари самарали хизмат қилдилар. Булар жумласига Н.Тухлиев, Т.Абдуллаевалар томонидан тайёрланган "Услуги, технологии и продукты в туризме" (Т.: Гос. Науч. Изд-во "Ўбекистон миллий энциклопедияси", 2009 – 624 с.), "Формальности в системе в туризме Республики Узбекистоан" (Т.: Гос. Науч. Изд-во "Ўбекистон миллий энциклопедияси", 2007 – 504 с.), "Национальные модели развития туризма" (Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006.- 424 с.), "Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана" (Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi».2006.- 368 с.), "Экологический туризм: сущность, тенденции и стротегия развития" (Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi». 2006.- 416 с.), "Основы безопасности в туризме" (Т.: Гос. Науч.. Изд-во "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2008.-504 с.) каби йирик китобларни келтириш мумкин. Шунингдек, Б.Х.Тураев томнидан "Теоретико – методологические основы развития туризма" номли монография (Т.: изд. «Фан», 2008.–166с.), Н. Тухлиев ва А.Таксановларнинг "Экономика большого туризма" (Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»? 2001.- 208 с.), М.Қ. Пардаев, Р.Атабаев,

Б.Р.Пардаевларнинг "Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари" номли илмий рисоласи (Т.: 'Fan va texnologiya', 2007. – 28 б.), кабиларни киритиш мумкин.

Лизинг хизматлари бўйича Ш.У.Ҳайдаров, Х.А.Ортиқов, Х.А.Тухсановларнинг "Лизинг: Признание, оценка и учет" номли монографияси (Т.: ООО "NORMA", 2006. – 240 с.), Э.И.Носиров, Д.Ю.Хужамкулов, Б.С.Маматовлар томонидан тайёрланган "Основы лизинга" номли ўқув қўлланмаси (Т.:" IQTISOD-MOLIYA", 2009. – 144 б.) диққатга сазовар.

Оилавий корхона иқтисодиёти бўйича ҳам бир қанча ишлар нашрдан чиқарилди. Булар жумласига Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Худайбердиев У.Х., Пардаевларнинг "Оилавий корхона иқтисодиёти" номли монографиясини (Т.: Иқтисодиёт, 2012–232 б), У.Х.Худайбердиевнинг "Оила бюджети" номли рисоласини (Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 40 б.) кабиларни киритиш мумкин.

Мазкур соҳа бўйича Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида илмий мактаб яратилган. Шу туфайли бу жойда ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланди. Булар жумласига З.Ю.Аминовнинг "Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари" мавзусидаги 08.00.05. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациясини (Самарқанд, СамИСИ, 2009. - 24 б.), Н.А. Комиловнинг "Состояние и пути совершенствования внутренней торговли Узбекистана (На примере Самаркандской области)" мавзусидаги 08.00.05. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациясини (Самарқанд, СамИСИ, 2008. - 24 б.), И.С. Очиловнинг "Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари" мавзусидаги 08.00.05. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (Самарқанд, СамИСИ, 2010. - 24 б.), Ш.О.Қувондиқовнинг "Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари" мавзусидаги 08.00.05. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (Самарқанд, СамИСИ, 2010. - 24 б.), Т.С. Шариповнинг "Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш" мавзусидаги 08.00.05. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (Самарқанд, СамИСИ, 2010. - 26 б.), Г.М. Шодиеванинг "Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда таш-

килий-иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари" мавзусидаги 08.00.05. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (Самарқанд, СамИСИ, 2008. - 42 б.), А.Н.Халиқуловнинг "Меҳмонхоналарда сервис сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятлари" мавзусидаги 08.00.05. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (Самарқанд, СамИСИ, 2010. - 26 б.), Д.Т.Худайбергановнинг "Иқтисодиётни ривожлантиришда товарлар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш имкониятлари (Хоразм вилояти мисолида)" мавзусидаги 08.00.05. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (Самарқанд, СамИСИ, 2010. - 24 б.), Ш.О. Қувондиқовнинг "Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари" мавзусидаги 08.00.05. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (Самарқанд, СамИСИ, 2008. - 24 б.), А.М.Саидовнинг "Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш йўллари" мавзусидаги 08.00.05. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси (Самарқанд, СамИСИ, 2011. - 25 б.) кабиларни мисол келтириш мумкин.

Мазкур илмий мактабда бир қанча илмий асарлар, монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланмоқда. Кўплаб докторлик диссертациялари тайёрланмоқда.

5. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг таркибий тузилиши

Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг таркибий тузилиши бевосита унинг предмети, объекти ва вазифаларига мос келади. Агар унга шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, таркибий қисмини шартли равишда учта гуруҳга бўлиш мумкин:

-хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг назарияси;

- хизматлар соҳасининг умумметодологик масалалари;

- хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таҳлили.

Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг назарий масалаларига мазкур йўналиш бўйича ўқийдиган бакалаврларнинг ушбу фан бўйича дарслиги ва ўқув қўлланмаларида кам ёритилган масалаларни киритишга аҳамият бердик. Чунки ҳар қандай фан ўзининг предмети ва методига, мақсад ва вазифаларига, усул ва услубларига эга бўлиши керак. Аммо бакалавриатурага мўлжалланган адабиёт-

ларда ушбу масалалар эътибордан четда қолган. Буларни инобатга олиб дарсликнинг ушбу қисмига қуйидаги мавзуларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг назарий масалалари;
- хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари;
- хизматлар соҳасининг табиати, турлари ва ўзига хос хусусиятлари;
- хизматлар соҳасининг кенгайтирилган ишлаб чиқариш тизимидаги ўрни.

Хизматлар соҳасининг умумметодологик масалалари ҳам ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлардан биридир. Аммо ушбу масалалар биринчидан, бакалавриатурага мўлжалланган адабиётларда тизимли равишда берилмаган ва иккинчидан, бугунги кунниинг талабидан келиб чиқадиган кўпгина иқтисодий жараёнлар, механизмлар ва омиллар эътибордан четда қолиб кетган. Буларни инобатга олиб дарсликнинг мазкур қисмига қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- хизматлар соҳасида модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларни амалга ошириш йўллари;
- хизматлар соҳасида инновация, унинг моҳияти ва турларининг назарий масалалари;
- хизматлар соҳасида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари;
- хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самара ва ундан фойдаланиш имкониятлари;
- хизматлар соҳасида кластер усулидан фойдаланиш имкониятлари;
- хизматлар соҳасида рақобат ва бизнес муҳити, уларнинг соҳани ривожлантиришдаги аҳамияти
- аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар, уларнинг турлари, моҳияти ва ҳисобга олиш йўллари

Хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таҳлилига мазкур дарсликда тегишли тарзда аҳамият берилишига сабаб, мазкур масалалар ҳам бакалавриатурада етарли даражада ўрганилмайди. Унда фақат соҳага кирадиган тармоқлар ҳақида гап кетади. Аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги

туфайли мазкур дарсликка қуйидаги масалаларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- аҳолига кўрсатиладиган уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар, уларни ҳисобга олиш тартиблари;
- йўловчи ташиш транспорти хизматлари , уларнинг аҳамияти, турлари ва ҳисобга олиш йўллари;
- алоқа, телекоммуникация ва таълим тизими хизматларининг мазмуни ҳамда уларни ҳисобга олиш йўллари;
- маданий ва сайёҳлик–экскурсия хизматлари турлари, уларнинг мазмуни ва ҳисобга олиш йўллари;
- соғлиқни сақлаш (тиббий), санатория-курорт, соғломлаштириш, жисмоний маданият ва спорт хизматларининг турлари, мазмуни ҳамда уларни ҳисобга олиш йўллари;
- агросервис хизматлари: моҳияти, турлари, тавсифи ва таснифи;
- агросервис хизматларини кўрсатувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш йўллари;
- деҳқончиликда кўрсатиладиган агросервис хизматлари: моҳияти, турлари, тавсифи ва таснифи;
- чорвачилик соҳасида кўрсатиладиган агросервис хизматлари: моҳияти, турлари, тавсифи ва таснифи.

Булардан ташқари хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг таркибига яна бир қанча масалалар киради. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хизматлар соҳасида банд бўлган кадрлар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари;
- хизматлар соҳасида асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари;
- хизматлар соҳасида айланма маблағлар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари;
- хизматлар соҳасида номоддий активлар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари;
- хизматлар соҳасида харажатлар ва ушбу соҳада тежамкорликни йўлга қўйиш йўллари;
- хизматлар соҳасида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

- хизматлар соҳасида молиявий натижалар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари;
- хизматлар соҳасида фойда, унинг ташкил бўлиш ва ишлатиш механизмаларини такомиллаштириш йўллари;
- хизматлар соҳасида рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни ошириш йўллари;
- хизматлар соҳасида баҳо сиёсати ва уни шакллантириш механизмлари каби масалалар.

Мазкур дарсликка юқоридаги масалаларнинг киритилмаганлигига сабаб, ушбу мавзулар мазкур мутахассислик бўйича бакалавриатурада атрофлича ўрганилган. Шу туфайли уларни дарсликка киритмадик. Сабаби: биринчидан, саволларнинг такрорлашдан ҳоли бўлишни таъминлаш мақсад қилинган бўлса, иккинчидан, магистрларга асосан илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда зарур бўладиган масалаларга эътибор қаратилди. Бизнинг фикримизча, бир хил фанлар бўлсада, уларнинг мазмуни бакалавриатурада берилган бўлса, магистратурада такрорланишга йўл қўймаслик керак. Буни ушбу мутахассисликларга давлат таълим стандартларини ишлаб чиққан пайтлардан бошлаб эътиборни қаратишга тўғри келади.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун саволлар

1. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг предмети.
2. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг вазифалари.
3. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг методологик асоси.
4. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг методи.
5. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг усуллари.
6. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг ўзига хос принциплари.
7. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
8. Мамлакатимизда хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг шаклланиш ва ривожланишга оид асарларнинг яратилиши.
9. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанига оид асарларнинг тармоқлар бўйича таснифи.
10. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг таркибий тузилиши.

11. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг назарий масалаларига нималар киради?
12. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг умумметодологик қисмига қайси масалалар киритилган?
13. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг тармоқлар бўйича тақсимотига қандай мавзулар киритилган?
14. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фани бўйича кўпгина мавзулар киритилмаган, нима учун ва улар қайси мавзулар?

Калитли сўзлар

Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг объекти, хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг предмети, ушбу фаннинг методи, методология, деталлаштириш, тизимлаштириш, умумлаштириш, индукция, дедукция, макон, замон, анализ, синтез, сабаб, оқибат, шакл, мазмун, миқдор, сифат, хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг ўзаро боғлиқлиги, тамойиллар, комплекс характерга эга эканлиги, эркинлиги, масъуллиги, рақобат устунлиги, миқдорий баҳо, сифатий баҳо, таққослаш.

2-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

РЕЖА:

1. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид тушунчаларининг таърифларини ишлаб чиқишнинг назарий масалалари.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлатимиз раҳбариятининг эътибори ва давлат сиёсатининг устувор вазифалари.

4. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий табиати ва унинг назарий масалалари.

*****

1. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид тушунчаларининг таърифларини ишлаб чиқишнинг назарий масалалари

Хизматларнинг ҳиссаси мамлакат иқтисодиётида аста-секинлик билан кўпайиб бормоқда. Олдинлари иқтисодиёт дейилганда, моддий ишлаб чиқариш асос қилиб олинар эди. Эндиликда иқтисодиёт дейилганда унинг кўлами фақат ишлаб чиқариш билан эмас, балки минглаб хизмат турларини бирлаштирган соҳалар мажмуини ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш соҳаси бир-бири билан узвий боғлиқ. Биринчидан хизмат, одатда, ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат унумдорлигининг муттасил ошиб бориши эвазига содир бўлади. Чунки моддий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ошиб бориши эвазига, уларда банд бўлган ходимлар аста-секинлик билан хизмат кўрсатиш соҳасига ўта бошлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси қанчалик тез ривожланса, ишлаб чиқариш соҳаси ҳам шунча тез ривожланади. Чунки хизмат кўрсатиш соҳаси ишлаб чиқариш учун тегишли шароит яратиб беради. Оқибатда икки соҳада ҳам меҳнат унумдорлиги муттасил ошиб боради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси жуда кенг қамровли соҳа. Унинг асосини аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ташкил қилади. Аҳолига хизмат кўрсатиш қанчалик ривож топса, унинг ҳолатига қараб аҳолининг яшаш даражасини, фаровонлигини аниқлаш мумкин.

Аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжига мос равишда шу соҳа билан шуғулланадиган янги-янги тармоқлар вужудга кела бошлайди.

Ҳозирги пайтда иқтисодий адабиёларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини бир гуруҳ олимлар алоҳида тушунчалар, деб қарашса, аксарият олимларимиз синоним сифатида қараб келмоқдалар. Шу туфайли ушбу сўзларнинг луғовий маъносига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, сервис сўзининг мазмунини ҳам ҳар ким ҳар хил талқин қилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, изоҳли луғатларда сервис ва хизмат кўрсатиш бир хил тушунчалар ва синонимлар сифатида қаралади. Аммо улар бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, сервис тушунчасининг мазмуни қарайдиган бўлсак, ушбу сўзининг маъносини ҳар ким ҳар хил талқин қилмоқда. Рус тилидаги хорижий тиллар луғатида "Сервис" инглизча service сўзидан олинган бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш"ни англатади, деб кўрсатилган.

"Словарь иностранных слов"да[1]. Русча-ўзбекча луғатда[2] эса "сервис – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)", деб кўрсатилган. Кўриниб турибдики, сервис сўзи хизмат соҳаси билан ҳамоҳанг, бир-бирига ўхшаш синоним сўзлардир. Аммо хизмат кўрсатиш сервисга нисбатан кенгроқ маънога эга бўлиб, у ўз ичига сервис хизматини ҳам қамраб олади.

Аммо Президентимиз қарорлари ва нутқларида кўпинча "хизмат кўрсатиш ва сервис", деб қўлланилади. Бу бежиз эмас, албатта. Шу жиҳатдан, "Сервис" тушунчасининг таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Сервис эса хизматнинг бир қисми сифатида намоён бўлади. Чунки, хорижий сўзлар луғатида сервисни аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, деб изоҳ берган. Биз эса унга, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, бевосита одамларга кўрсатиладиган маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат тури сифатида қараймиз.

Булардан келиб чиқиб сервисга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Сервис деганда инсонларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ**

[1] Словарь иностранных слов. – 16-е из., испр. – М.: Рус. яз.,1988.-461 бет.
[2] Русча-ўзбекча луғат. II-том. Т.: ЎСЭ Бош редакцияси. 1984.- 410 бет.

онгли фаолияти тушунилади[3]. Кўриниб турибдики, хизмат нафақат инсонларга, балки корхоналарга, жамиятга, давлатга кўрсатилса, сервис асосан аҳолига, одамларга кўрсатиладиган юкори сифатли хизмат бўлиб ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тушунчаларнинг мазмуни ва таърифи иқтисодий адабиётларда ҳамон бир тўхтимга келинган эмас. Шу туфайли "Хизмат", тушунчасининг мазмуни бўйича ўз фикримизни келтирамиз. Мазкур тушунчага қуйидаги таърифни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Бу борада олдинги нашрларимизда айтиб ўтганмиз: **Хизмат дейилганда, инсоннинг, хўжалик юритувчи субьектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади"**[4].

"Хизмат кўрсатиш" тушунчасининг мазмуни бўйича ҳам ҳали кўпгина назарий масалалар ўз ечимини кутмоқда. Буни инобатга олиб, тадқиқотлар натижасида унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Хизмат кўрсатиш дейилганда, инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан наф келтирадиган онгли фаолиятининг хизматларни кўрсатишга йўналтирилган қисми тушунилади.**

"Хизмат кўрсатиш соҳаси" тушунчасининг мазмуни бўйича ҳам ҳамон турли қарашлар мавжуд. Буни инобатга олиб, мазкур масала бўйича ҳам ўз фикримизни келтиришни лозим, деб топдик.

Хизмат кўрсатиш соҳаси дейилганда, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари тушунилади. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (қурилиш, транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

---

[3] Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография, Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2011. – 11-бет.

[4] Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи.// Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008.- 37-б., Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография, Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2011. – 11-бет.

Яна бир жиҳат хизмат кўрсатишда одамлар фаолияти, техника ва технологик жараёнлар енгиллашади самарадорлиги ошади. Сервисда эса, асосан одамларнинг фаолияти енгиллашади. Бошқа соҳаларга ҳам одамларнинг меҳнатини енгиллаштириш орқали билвосита таъсир қилади. Масалан, агросервисни олайлик. Ушбу хизмат билан қишлоқ хўжалигида банд аҳолининг турли техник воситалар орқали меҳнатини осонлаштиради, самарадорлигини оширади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз бугунги иқтисодиётида ва келажакда катта аҳамиятга эгалигига қарамасдан мазкур масала иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Мамлакатимизда яратилаётган иқтисодий назарияга оид дарслик ва бошқа китобларда[5] ҳам ушбу масалага деярли эътибор берилмаган. Бундай ҳолат мамлакатимизда мазкур соҳанинг ривожланишини тезкорлик билан ўнглаш имкониятига тўсиқлик қилиши тайин.

Бирорта масаланинг назарий ечими бўлмаса, уни амалий жиҳатдан ривожлантиришнинг қанчалик мураккаблигига тарих гувоҳ. Шу жиҳатдан хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам назарий асослари тадқиқ қилиниб, тўлиқ очиб берилмас экан уни ривожлантириш масаласида субъектив ёндашувларнинг, назарий жиҳатдан асосланмаган хулосаларнинг бўлиши табиий, шу жиҳатдан, уни тадқиқ қилиш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бири сифатида қаролмоғи лозимдир.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Юқорида (1-параграфда) хизматларнинг жамият тараққиётида барча соҳа ва тармоқлар билан боғлиқлигига гувоҳ бўлдик. Кўриниб турибдики, ушбу соҳа барча тармоқларни қамраб олиши билан бирга, уларнинг ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчи галда, хизмат кўрсатиш соҳаси, инсонни иқтисодий ва биологик субъект сифатида такомиллаштиради. Инсон ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг бевосита жонли меҳнати билан иштирок этиб, ушбу меҳнатининг сифати ва самарадорлиги унинг

---

[5] Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Шарқ, 2006.- 480 бет., Умаров Усмон Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: Мерос, 2004.- 400 бет., Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: 2002. М.Расулов Бозор иқтисодиёти асослари. Т.:, 1999. ва ҳ.к.

малакасига боғлиқ. Инсоннинг малакаси эса таълим хизматларининг сифатига боғлиқ бўлиб, бу уни иқтисодий субъект сифатида қарашни тақозо этади. Инсоннинг биологик субъект сифатида қаралиши унинг иқтисодий субъект эканлиги билан бевосита боғлиқдир, чунки соғлом одамгина самарали меҳнат қилиши, жамиятга кўпроқ наф келтириши мумкин. Шу туфайли хизмат жараёнида инсонларга соғлом турмуш тарзини яратишга эътибор қаратилади.

Иккинчи галда, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг бошқа реал секторлари ривожланиши учун тегишли шароитлар яратиб берилади. Бу соҳа кўп ҳолларда ишлаб чиқариш соҳасининг инфратизилмаси сифатида намоён бўлади, чунки шундай хизматлар борки, уларсиз ишлаб чиқаришни ривожлантириб бўлмайди. Шу туфайли хизмат бевосита ишлаб чиқариш соҳасида ҳам кенг қўлланилади, мисол учун дастгоҳларни таъмирлаш хизмати, уларга эҳтиёт қисмларни етказиб бериш хизмати, товар ва бошқа моддий бойликларни ташиш учун транспорт хизмати кабилар.

Учинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг бандлигини ошириш билан бирга, уларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш имкониятини ҳам туғдиради. Хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини очиш анча арзонлиги туфайли у хусусий секторда тез ривожланиши, янги иш ўринларини тезлик билан очиш мумкинлиги уни жадал ривожлантириш имконини яратади. Иш ўринларининг очилиши, ҳар бир кишини иш билан банд қилиши орқали уларнинг даромадлари таркибида тадбиркорликдан олинадиган даромадларни кўпайтириш, оилалар фаровонлигини ошириш имкониятини беради.

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда, унинг истеъмол бозорини тўлдиришда катта ҳисса қўшади. Хизмат кўрсатишни ривожлантириш мамлакат хизмат бозорини хизматлар билан тўлдиради ва жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятини яратади, мамлакат ялпи ички маҳсулоти кўпайишини таъминлайди. Шу туфайи мамлакат ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасида яратиладиган ЯИМнинг улуши 2010 йилга бориб қарийб 50%дан ошрилиши кўзда тутилганлиги бежиз эмас.

Бешинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси давлатнинг бюджетини солиқ билан тўлдириб боришда иштирок этади. Ҳар бир хизмат

кўрсатувчи субъект юридик шахс ёки якка тадбиркор сифатида давлат ёки маҳаллий бюджетга солиқ тўлайдилар, шу билан бирга, уларнинг бир қисми ёлланган ходимлар сифатида ойлик маош билан таъминланган бўладилар, натижада улар даромад солиғи билан давлат бюджетининг шаклланишига ўз хиссаларини қўшадилар.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлатимиз раҳбариятининг эътибори ва давлат сиёсатининг устувор вазифалари

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга давлатимиз раҳбарининг эътибор қаратиши бежиз эмас. Чунки мазкур соҳа 2-параграфда кўрилганидек, жамиятимизнинг ҳар томонлама ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга экан. Шу туфайли мамлакатимиз Президенти айнан хизмат кўрсатиш соҳасига қайта-қайта мурожаат қилиб, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича қатор Фармон ва Қарорларнинг қабул қилди. Булар бежиз эмас, албатта.

Булардан бири, 2006 йил 17 апрель куни имзоланган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини олайлик. Бу қарор хизмат соҳасини ривожлантиришга қаратилган олдинги олиб борилган ишларни янада аниқлаштириш ва мамлакатда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган амалий табирлардан бири бўлди.

Мазкур қарорга асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 2006-2010 йилларга мўлжалланган давлат дастури ишлаб чиқилди. 2006 йилнинг натижалари кўрсатдики, мазкур дастурда кўзда тутилган кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилди. Аммо ушбу соҳани ривожлантириш бўйича имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганалиги, унинг ҳали катталиги намоён бўлиб қолди. Буларни ишга солиш мақсадида Президентимизнинг 2007 йил 21 майда яна "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудлар бўйича янгиланган асосий параметрлари ҳамда "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007-2010 йилларда

ривожлантириш Дастури"нинг мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олиб аниқлаштирилган ва тўлдирилган асосий йўналишлари ва тадбирлари ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шу жойнинг эҳтиёжи ва имкониятларидан келиб чиқиб, алоҳида йўналишлар бўйича ҳам дастурлар тизими яратилди.

Мазкур дастурда кўзда тутилган барча кўрсаткичлар бажарилганидан сўнг, ушбу соҳага яна эътибор қаратилди. Натижада 2012 йил 10 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ - 1754-сонли қарори эълон қилинди.

Энди мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси индистуриал асосда ривожланиш стротегияси белгиланди. Зеро, мазкур қарорда ажратилаётган кредит ресурслари хизмат кўрсатиш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналарни фақат технологик жиҳозлаш мақсадларига йўналтириш белгилаб қўйилганлиги билан бирга аҳолининг талабларидан келиб чиқиб, уларни дверсификация қилиш масаласига ҳам катта эътибор қаратилди. Қарорда эътироф этилишича эндиликда хизматларнинг замонавий янги-янги турлари кўпайиб бораверади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қарорларда хизмат кўрсатиш соҳасини нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам жадал ривожлантириш масаласига катта эътибор берилган. Чунки, қарорда таъкидланишича қишлоқ аҳолисига хизматлар кўрсатиш тизими ҳам ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. Шу туфайли, кредит ресурсларини олишда қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига устувор ҳуқуқ берилиши ҳам белгилаб қўйилган. Қишлоқ жойларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан алоқа ва ахборотлаштириш тизимининг коммуникация соҳасида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар оладиган давлат божлари ҳам қисқартирилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланишининг яна бир омили, унинг молиявий ресурслар билан таъминланишининг аниқ йўналишлари ҳам белгиланганлиги билан ифодаланади. Биринчидан, хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожига имтиёзли кредитларнинг ажратилаётганлиги бўлса, иккинчидан, мазкур кредитларнинг

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳамда "Микрокредитбанк" ОАТБ маблағлари ҳисобидан ажратилиши аниқ кўрсатиб ўтилган. Мазкр дастурнинг ижросини таъминлашга Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк каби нуфузли идоралар масъул қилиб белгиланган. Ҳудудларда эса бевосита вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари жавобгардирлар.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан шуғулланадиган корхоналарнинг тошган маблағлари, асосан уларнинг моддий-техника базасини такомиллаштиришга қаратилгандир. Чунки, уларга кенг кўламли солиқ имтиёзлари белгиланган. Бу имтиёзларнинг амал қилиш муддати олдинги қарарорлар билан 2010 йил 31 декабргача узайтирилган эди. Янги қарор билан 2017 йил 1 январигача узайтирилди.

Кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш тармоқлари ва сервис соҳасини ривожлантиришга мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан катта эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалардан бири хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал қилишдан иборатдир. Бу масалада ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, фармонлари ва қарорларини асос қилиб олиш лозим. Ҳозирги пайтда мазкур соҳани ривожлантириш бўйича устувор вазифалар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим, деб ўйлаймиз:

1. Хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш.

2. Хизматлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш.

3. Хизматлар ва сервис соҳасида банд бўлган аҳоли сонини муттасил кўпайтириб бориш.

4. Қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш. Қишлоқ аҳолисига коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш.

5. Мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унутилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш.

6. Хизматларининг янги истиқболли турларини, хусусан, ахборот-коммуникация, юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал равишда ривожлантириш.

7. Мамлакатимизнинг хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш.

8. Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни янада такомиллаштириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

9. Замон талабидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ ва шаҳарларда юқори технологик хизматларнинг кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш борасида тегишли чораларни кўриш.

Кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг назарий ва методологик муаммоларини ҳал қилиш бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Шу туфайли мазкур соҳанинг назарий масалаларига катта аҳамият берилишини тақозо қилади.

4. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий табиати ва унинг назарий масалалари

Хизмат кўрсатиш соҳасининг табиати ҳам назарий жиҳатдан очилмаган қўриқ. Буни инобатга олиб, унинг асосий йўналишларини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Хизмат кўрсатишнинг табиати дейилганда, унга кимнинг манфаати нуқтаи назардан қаралиши тушунилади.**

1. Хизмат курсатишга мехнат жараёни нуктаи назаридан.
2. Хизмат курсатаётган шахс мехнати нуктаи назаридан.
3. Хизмат курсатишга мулкдор нуктаи назаридан.
4. Хизмат курсатишга давлат нуктаи назаридан.
5. Хизмат курсатишга мехнат жамоаси нуктаи назаридан.
6. Хизмат курсатишга жамият нуктаи назаридан.

Шуни эътироф этиш керакки, хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрнини аниқлаш учун унинг табиатини назарий жиҳатдан ўрганишни тақозо қилади. Хизмат кўрсатиш асосан инсоннинг меҳнати билан амалга оширилади. Шу туфайли унинг табиатини тўлиқ англаш учун ушбу соҳадаги меҳнатнинг характерини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, бир тўхтамга келиб олиш лозимдир. Ушбу соҳани моддий ишлаб чиқарувчи соҳага киритиладиган бўлса, ундаги меҳнатнинг характери қандай баҳо-

ланиши ва агар ушбу соҳани иоишлаб чиқариш соҳасига киритиладиган бўлса, бозор муносабатлари шароитида ушбу соҳадаги меҳнатнинг характери қандай бўлиши ҳам муҳим назарий муаммолардан биридир.

Бир нарса аёнки, хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнатни **ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)**ни ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, у бевосита мамлакат ЯИМни яратишда иштирок этади. Ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2007 йилда 42,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда 45,3 фоизга етди[6]. 2010 йилга бориб ушбу кўрсаткичнинг улуши 49 фоизни ташкил қилди[7]. 2011 йилда мазкур кўрсаткичнинг миқдори 50,5 %га тенг бўлди[8]. Аммо кишиларнинг эҳтиёжи, уларнинг яшаш даражаси моддий неъматлар билан бирга хизматларнинг ҳам етарли бўлишини тақозо қилади. Зеро, дунёнинг ривожланган мамлакатларида хизматларнинг ялпи ички маҳсулотлардаги улуши 60-80 фоизни ташкил этади. Ушбу мамлакатларда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизи шу хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади.

Бунда қайси соҳани ривожлантириш устувор вазифа саналишини инобатга оладиган бўлсак, энг авволо, қайси соҳани ривожлантиришга эътиборни қаратиш лозимлигини белгилаб бериш, уни назарий жиҳатдан исботлаш ҳам муҳим муаммолардан биридир.

Мамлактимиз Президенти мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилиш лозимлигини уқтириб, ўзи ҳам шунга амал қилиб келмоқда. Бу устувор вазифаларни асосан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти бўйича йил натижалари ва келгуси йилда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб бериш жараёнида кўрсатиб бермоқда. Агар унга диққат билан эътибор қиладиган бўлсак, охирги ўн йиллар мобайнида яшлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам ривожлантиришни устувор вазифа сифатида белгилаб келмоқда ва ушбу соҳанинг муттасил ўсиб боришига эришмоқда. Биргина 2008 йилда мамлакат

---

[6] Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга *мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига* бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // "Халқ сўзи" 2009 йил 14 февраль. – 3 б.

[7] "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ЎзР Президенти қарори.

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарори.

ЯИМнинг ўсиш суръати 9 фоизни ташкил қилган бир пайтда, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди[9]. 2011 йил натижалари бўйича ушбу кўрсаткичлар мос равишда 8,3 ва 16,1 %ни ташкил қилди[10]. Булардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат ЯИМни яратишда муҳим соҳалардан бирига айланмоқда ва у барқарор ривожланмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасига меҳнат жараёни нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, хизмат кўрсатиш бевосита меҳнат сарфлашда ўз ифодасини топади. Бундай ҳолатда хизмат билан меҳнат бир-бири билан узвий боғликдир. Меҳнат ўз табиати жиҳатидан кишиларнинг мақсадга мувофиқ фаолияти бўлиб, табиатда яратилган неъматларни инсонлар истеъмолига мослаштирадиган онгли жараён ҳисобланади. Меҳнатнинг қаерда ва нимага сарфланишига қараб унинг характери ўзгариб туради ва шунга мос равишда уни баҳолаш мумкин. Масалан, нонни тайёрлашга ҳам, кўйлак ишлаб чиқаришга ҳам, уйни қуришга ҳам, сочни олишга ҳам меҳнат сарфланади. Меҳнат сарфланган барча жойда ялпи ички маҳсулот яратилади. Аммо қайсидир жараёнда моддий неъматлар яратилиб предмет бир турдан иккинчи турга айланиши мумкин. Бунга мисол қилиб ундан хамир, хамирдан нон тайёрланишини эслаш кифоя. Аммо иккинчи бир жойда меҳнат сарфланиш жараёнида меҳнатнинг ўзи хизмат тариқасида содир бўлган жойда истеъмол қилинади. Бунга мисол қилиб соч олдиришни келтириш мумкин. Бунда ҳам меҳнат сарфланади. Лекин унда ҳеч қандай моддий неъмат яратилмайди. Бироқ иккаласида ҳам сарфланган меҳнатга ҳақ тўланади ва булар ялпи ички маҳсулотда ўз аксини топади.

Хизмат кўрсатиш соҳасига меҳнат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, яратилган хизмат маҳсулоти ҳам товар маҳсулоти сингари меҳнат талаб қиладиган жараёнлар эканлигига амин бўламиз.

---

[9] Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // "Халқ сўзи" 2009 йил 14 февраль. – 3 б.

[10] Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2012 йил 19 январь //Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Т.: "Ўзбекистон", 2012. - 115-бет.

Хизмат кўрсатишга **хизмат кўрсатаётган меҳнат эгаси нуқтаи назаридан** қарайдиган бўлсак, ҳамма сарфланган меҳнат унга бирорта наф келтириши мумкин. Шу жиҳатдан ушбу сарфланган меҳнатлар, унинг эгаси учун унумли меҳнат бўлиб ҳисобланади. Чунки у эгасига наф келтиради. Ходим учун қаерда ва кимга меҳнат қилишидан кўра қилинган меҳнатига қандай ҳақ олиши муҳим. Шу жиҳатдан хизмат кўрсатиш соҳасига меҳнат сарф қилдими ёки ишлаб чиқариш соҳасигами, иш кучи эгаси учун фарқи йўқ, уни қизиқтирадиган нарсаси сарф қилинган меҳнатига қанча ҳақ олиши билан ўлчанади. Агарда мамлакатимизга қайси соҳани ривожлантириш керак бўлса, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётганларнинг меҳнати кўпроқ рағбатлантиришни талаб қилади. Бу ушбу соҳага меҳнатни жалб қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Хизмат кўрсатишга мулкдор нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, вазият бутунлай ўзгаради. Агар ходим ўз фаолияти давомида ишлаб чиқаришда иштирок этсада, кўплаб моддий неъмат яратса, аммо у мулкдор сарфлаган харажатни қопламаса, бундай меҳнат мулкдор учун унумсиз меҳнат бўлиб ҳисобланади. Масалан, ходим оёқ кийимини ишлаб чиқаришда ёки уни таъмирлашда иштирок этди, деб фараз қилайлик. Агар унга моддий неъматни ишлаб чиқариш, табиатдаги предметларни бир турдан иккинчи турга айлантириш, яъни истеъмол ҳолатига келтириш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мазкур маҳнат унумли меҳнатга киради. У кўплаб аёқ кийими яратди, жамият аъзоларининг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондирди. Аммо уларни сотишдан тушган маблағ унга кетган харажатни қоплай олмаса, мулкдор фойда кўрмаса, бундай хизмат кўрсатишга сарфланган меҳнат мулкдор учун унумсиз, наф келтирмайдиган меҳнат бўлиб ҳисобланади. Мулкдор бундай меҳнатдан воз кечиши ёки уни тубдан ўзгартириб, унумдорлигини ошириш тайин, акс ҳолда, у инкирозга учрайди.

Хизмат кўрсатишга давлат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳар бир хизмат кўрсатувчи шахс уни яратиш эвазига мамлакатнинг хизмат бозорини тўлдириб боради ва уларни сотиш натижасида тўпланган тушумдан турли солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириб борадилар. Бу давлат ва маҳаллий бюджетларни маблағ билан тўлдиришда ушбу соҳанинг иштирокини таъминлайди. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, хизмат кўрса-

тиш соҳаси унумли, давлатга наф келтирувчи соҳа бўлиб ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасига жамият нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у жамиятга моддий ва маънавий жиҳатдан наф келтиради, бозорни хизматлар билан тўлдиради, аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиради. Хизмат кўрсатиш натижасида жамиятнинг хизматга бўлган кенг қамровли қандайдир бир манфаати қондирилади. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак ҳам хизматни унумли ёки жамият учун нафли соҳага дахлдор эканлигини эътироф этиш мумкин.

Аммо шу билан бирга, эътироф этиш керакки, ҳали хизмат кўрсатиш соҳасининг жуда кўп назарий масалалари бозор муносабатлари нуқтаи назаридан ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилишни тақозо қилади. Бундай назарий масалаларнинг ечимига биринчи галда иқтисодий назария фани намоёндалари ўз эътиборларини қаратмоқлари лозимдир.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил ишлаш учун саволлар

1. Хизмат кўрсатишнинг таърифини келтиринг.
2. Сервиснинг таърифини келтиринг ва унинг ўзига хос хусусияти нимада?
3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нималарда намоён бўлади?
4. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлатимиз раҳбарининг эътибори нималарда намоён бўлади?
5. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг устувор вазифалари нималардан иборат?
6. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий табиати нималарда намоён бўлади?

Калитли сўзлар:

Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис, хизмат кўрсатиш соҳаси, хизмат кўрсатиш соҳаси турлари, хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти, хизмат кўрсатиш-нинг табиати, устувор вазифалар, хизмат кўрсатиш бўйича давлат сиёсати.

3-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва омиллар.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасининг турлари бўйича турли қарашлар тизими.

3. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичига кўра хизмат турлари.

*****

1. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва омиллари

Бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам иқтисодиётнинг муҳим бир соҳаси сифатида ривожланмоқда. Бу соҳа ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар унинг иқтисодий ва ижтимоий табиатидан келиб чиқади ва улар билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш тармоқлари ва улардан келиб чиқадиган хизмат турлари ўзимизга хос тарзда ривожланиб келган ва ривожланмоқда. Бу кўп ҳолларда хизматларнинг миллийлиги билан боғликдир, чунки шундай хизматлар борки, булар фақат ўзимизгагина хосдир. Булар жумласига ҳашар орқали кўрсатиладиган хизматлар, ҳомийлик хизматининг айрим турлари, миллий тўй-ҳашамларга қилинадиган хизматлар кабиларни киритиш мумкин. Аммо шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда хизмат соҳаси ўзимизга хос ҳолда кам тадқиқ қилинган ва мос равишда иқтисодий адабиётларда ушбу муаммонинг ечимига бағишланган материаллар кам ёритилган.

Хизмат жараёни бир вактнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳадир. Хизматларнинг **иқтисодий соҳалиги** шунда намоён бўладики, ушбу сохада мамлакат ялпи ички махсулотининг бир қисми яратилади. Хизматнинг **ижтимоий соҳалиги** шундаки, унинг аксарият қисми инсонлар ҳаётини яхшилашга, яшашини қулайлаштиришга қаратилганлигидир.

Хизматларнинг яна бир хусусияти, улар ҳам товар сифатида сотилиши ва у бозор муносабатлари шароитида келишилган нархда

баҳоланишидадир. Бу унинг табиати товарга ўхшашлигини белгилайди, аммо мазкур соҳанинг кўпкирралиги унинг бошқа иқтисодий тармоқлардан ва уларда ишлаб чиқарилган товарлардан ҳам фарқ қилишини ўзида ифода этади.

Демак, хизмат соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, булар қуйидагиларда намоён бўлади:

- хизматларнинг моддий неъмат тариқасида кўзга кўринмаслиги;
- хизмат кўрсатувчи субъектларнинг аксарияти жисмоний шахс сифатида намоён бўлиши;
- хизмат кўрсатувчиларнинг ягона шахс сифатида ҳар бирининг ўзига хослиги;
- хизматларни ишлаб чиқарувчилардан ажратиб олиш ва ажратиб сотиш имкониятининг йўқлиги;
- хизматларнинг олди-сотди жараёнида предмет сифатида намоён бўлмаслиги;
- хизмат сифатининг ўзгариб туриши, яъни бир кишининг хизмати бир даврда турли сифатга эга бўлиши;
- хизматни захирага олиб қўйиб, сақлаш имкониятининг йўқлиги;
- хизматнинг ўзини эгасидан айри ҳолда, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш имкониятининг йўқлиги;
- хизматни фақат кўрсатилаётган хизмат жараёнида истеъмол қилиш мумкинлиги;
- хизмат натижасидан айрим ҳолларда, кейинчалик ҳам фойдаланиш мумкинлиги;
- хизмат кўрсатувчи ва истеъмол қилувчи субъектларнинг хизмат жараёнида бевосита бирга бўлиш мумкинлиги кабилардир.

Хизматнинг ушбу хусусиятлари унинг **иқтисодий табиатини** ҳам белгилайди. Чунки, хизмат кўрсатиш кўзга кўринмасада, ушлаб бўлмасада, унинг мавжудлиги жараёнлардангина иборат бўлган товар сифатида намоён бўлади. Шу туфайли хизматга алоҳида товар сифатида қарашни, унинг назарий масалаларини ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишни тақозо этади.

Хизмат соҳасининг яна бир характерли томони шундаки, мазкур соҳа ўзи ривожланиши билан барча соҳаларни ривожлантириши, инсонни камол топтириши учун тегишли шароит ва имкониятлар яратади.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат соҳаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳасининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу соҳа нафақат инсонни, балки бутун бир тизимни такомиллаштириш ва ривожлантириш имкониятини ҳам яратади. Чунки, уларнинг туркумланиши шу жараёнларни тақозо қилади. Ҳозирги шароитда миллий ҳисоблар тизими амал қилиб турган мамлакатларда хизматлар бир қанча гуруҳларга бўлинади. Булар қуйидагилардир:

- истеъмол соҳасида кўрсатиладиган хизматлар;
- ижтимоий соҳада кўрсатиладиган хизматлар;
- ишлаб чиқариш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар;
- тақсимот соҳасида кўрсатиладиган хизматлар.

Ҳар бир хизмат кўрсатиш гуруҳлари ўзига хос хусусиятларга эга. Буларни тўғри тушуниш учун уларнинг ҳар бирига қисқа тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. **Истеъмол соҳасида кўрсатиладиган хизматлар** *турига ресторанларда ва бошқа овқатланиш* шохобчаларида кўрсатиладиган хизматлар, транспорт хизматлари кабилар киради. Шунингдек, меҳмонхоналарда кўрсатиладиган хизматлар, инсоннинг шахсий ҳолатини ўнглашга таъсир қиладиган (уқалаш, сартарошлик, пардоз-андоз кабилар) хизматлар ҳам шу турдаги хизматларга киришини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Ижтимоий соҳада кўрсатиладиган хизматлар бевосита инсоннинг камолоти, унинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ хизматлардир. Булар жумласига таълимнинг барча турлари, тиббий хизматлар ва бошқа инсон камолоти билан боғлиқ хизмат турларини киритиш мумкин.

Хизматлар тизимида **ишлаб чиқариш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар** ҳам етакчи хизмат турларидандир. Булар жумласига молия-кредит соҳасида кўрсатиладиган хизматлар, суғурта хизматлари, мураккаб техника ва технологик жараёнларда қўлланиладиган асбобларни таъмирлаш, уй-жой коммунал хизматлари, турли маслаҳатлар, жумладан консалтинг, ҳуқуқий (юридик) хизмат сингари хизматларни киритиш мумкин.

Энг йирик хизматлардан бири **тақсимот соҳасида кўрсатиладиган хизматлар**дир. Бу хизматларга савдо, транспорт хизмати, воситачилик, брокерлик каби хизматларни киритиш мумкин. Мазкур хизматлар бир қанча хизматларни ўзида қамраб олиши, мужассамлаштириши билан биргаликда ишлаб чиқариш билан

истеъмол ўртасида, ижтимоий соҳалар билан бошқа соҳалар ўртасида кўприк вазифасини ҳам ўтайдилар.

Хизматлар ҳаётдаги кўпгина соҳаларни қамраб олганлиги туфайли хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдан айри тасаввур этиб бўлмайди. Булардан кўриниб турибдики, хизмат соҳаси иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида кескин ривожланиш "ҳуқуқига" эга.

Ўзбекистонда хизмат соҳасининг ривожланиши ўзига хос бўлиб, у моддий ишлаб чиқариш билан бирга параллел равишда шаклланмоқда ва ривож топмоқда. Бу ҳолат бир қанча омиллар таъсирида юз бермоқда. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатимизда моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бозорини ривожлантириш билан биргаликда номоддий соҳа, айниқса, хизматлар бозорини ҳам бирга ривожлантириш зарурати бирданига туғилди, чунки иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишини шакллантиришда глобаллашув жараёнининг таъсири катта. Зеро дунё мамлакатларида иқтисодиётнинг таркибида хизматларнинг улуши салмоқли бўлиб турсаю, бизда бу кам улушга эга бўлса, шу соҳа билан жаҳон интерациялашув жараёнига, хусусан хизмат бозорига кириб бора олмаймиз;

- тараққиётнинг ҳозирги босқичида шундай замонавий хизмат турлари вужудга келдики, уларни ривожлантирмасдан туриб моддий ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ривож топтириш қийинлашиб қолади. Ҳозирги шароитда ахборотларсиз ва уларни амалга оширадиган хизмат соҳаларисиз ишлаб чиқариш ривожини тасаввур қилиш қийин. Улар эса, ўз навбатида, барча тараққиёт учун, шу жумладан моддий неъматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳам асосий омилларга айланиб улгурди. Бу жараёнда Ўзбекистон ҳам дунё ҳамжамиятидан орқада қолиб кетмаслиги лозим. Бу эса ўз навбатида мазкур хизматларни ҳам бирга ривожлантиришни тақозо қилади. Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг янги йўналишларини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари – банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъмин-

лашининг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўпайишига имкон яратмоқда;

- давлат, жамият ва мамлакатимиз аҳолисида хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши ҳам ушбу соҳани ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Чунки юқорида қайд этилган катта-кичик субъектларнинг хизматларга бўлган талаби ҳам, уни харид килиш имкониятлари ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда;

- хизмат турларини ривожлантириш учун, шу соҳада янги иш ўринларини очиш бошқа соҳаларга нисбатан арзонлиги ва қулайлиги, хизматларнинг кўп тури миллийлиги ва анъаналаримизнинг сақланиши ҳамда ривожланишига мойиллигининг мавжудлиги, бозор кўникмасига, хизматларга бўлган талабнинг, бозор конъюктурасининг ўзгаришига мослашиш имкониятининг катталиги, хусусий секторда ушбу соҳани тез ривожлантириш мумкинлиги, унда моддий манфаатдорликнинг юқорилиги каби омиллар ҳам мазкур соҳанинг ривожланишини тақозо қилади;

- хизматларнинг турлари халқаро иқтисодий муносабатларда сезиларли даражада ривожланиши ҳам мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш заруратини туғдирмоқда. Олдинлари бир мамлакат иккинчи бир мамлакатга асосан транспорт хизматларини кўрсатган ҳолда экспорт қилган бўлса, эндиликда уларнинг хизматлар экспортидаги улуши камайиб бормоқда. Уларнинг ўрнини ахборот-коммуникация, молия ва банк хизматлари, туризм, экспорт қилинган товарларга истеъмол ва эксплуатация қилинаётган жойларда кўрсатилаётган хизматлар каби турларининг улуши ортиб бормоқда;

- хизмат турларининг ривожланиши инсоннинг ўзини ҳам такомиллаштиради. Бунинг учун уни ўзига-ўзи қиладиган хизматлардан озод қилиб, меҳнатини унинг асосий бажарадиган ишига сафарбар қилишга ва унинг самарадорлигини оширишга олиб келади. Масалан, қўшиқчи, шоир, ёзувчи, илмий ходим ёки бошқа ижодкор меҳнатини олайлик, улар эркин ижод қилиши учун кўпроқ бўш вақти бўлишини, ижод қилиш учун тафаккур қилишни тақозо қилади, бу эса, ўз навбатида вақтнинг етарли бўлишини талаб қилади. Аммо ҳар бир инсоннинг, айниқса, ижодкорнинг шунчалик хизматларга эҳтиёжи каттаки, уларга ўралишиб ижодга оз вақт қолиши мумкин, агар унда тегишли моддий шароит етарли бўлса, у маблағининг бир қисмини хизматларга сарфлаб ўзига ижод қилиши учун тегишли шароитни яратиб олади ва ундан жамиятга кўпроқ наф келади, бу

масаланинг биринчи томони. Энг муҳими инсоннинг ўзи, ижодкор сифатида такомиллашиб боради;

- хизмат соҳаси такрор ишлаб чиқаришда алоҳида бўғин сифатида ажралиб турмаган бўлсада, унинг мазкур жараённинг амалга оширилишида ва жадаллашишида ҳиссаси катта. Хусусан, хизмат кўрсатиш кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида иштирок этмоқда. Ишлаб чиқаришни ҳам, тақсимотни ҳам, айирбошлаш ва истеъмолни ҳам хизматларсиз тассавур қилиш қийин. Шу туфайли кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида хизматларнинг роли катталигини эътироф этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш соҳаси унумлими ёки унумсизми у мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини яратишда иштирок этади, ишсизликни бартараф қилади. Унинг ривожланиши жамиятда аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан бирга хизмат кўрсатишда иштирок этганларнинг ва хизмат кўрсатилган оилаларнинг ҳам моддий фаровонлигини таъминлайди. Ишсизликни бир мунча камайтириш имконини туғдиради. Масалан, 2008 йилда, яъни инқироз йилида, ҳамма жойда иш ўринлари қисқараётган бир паллада мамлакатимизда 661 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг 220 мингтаси ёки 33,3 фоизи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига дахлдордир[11].

Агар ушбу кўрсаткични умумлаштириб оладиган бўлсак, 2006-2011 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини тезкор ривожлантириш ҳисобига, авваломбор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 1,1 млн. янги иш жойлари яратилди[12]. Булардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатишни ривожлантириш нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширади, балки жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шу туфайли хизмат кўрсатиш соҳасига иқтисодиётнинг муҳим сектори сифатида катта аҳамият берилиб келинмоқда. Келгусида ҳам унинг аҳамиятидан келиб чиқиб мазкур соҳага катта аҳамият берилади.

---

[11] Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // "Халқ сўзи" 2009 йил 14 февраль. – 4 б.

[12] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарори.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасининг турлари бўйича турли қарашлар тизими

Дунёда, хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам минглаб хизмат турлари бўлиб, уларни батафсил ўрганиш ва маълум даражада тартибга солиш ва таснифлаш лозимлигини тақозо этилади. Жумладан, Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) хизматларнинг 160 турини тан олади ва уларни 12 гуруҳга бўлади:

1. Ишчанлик хизмати 46 турда
2. Алоқа хизмати 25 турда
3. Инжиниринг ва қурилиш хизмати 5 турда
4. Дистрибьюторлик хизмати 5 турда
5. Умумтаълим хизматлари 5 турда
6. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш хизмати 4 турда
7. Молиявий хизматлар (шу жумладан, суғурта хизматлари) 17 турда
8. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар 4 турда
9. Туризм ва сайёҳлик хизматлари 4 турда
10. Дам олиш, маданий ва спорт билан боғлиқ хизматлар5 турда
11. Транспорт хизматлари 33 турда
12. Бошқа хизматлар (масалан, маиший) 7 турда[13].

Аммо БМТнинг ушбу тавсифини барча халқаро ташкилотлар ўзларига қабул қилиб олган эмаслар. Хизматларни таснифлаш борасида бир қанча халқаро ташкилотлар ўзларининг қарашларига эга, улардан бири Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг фикрича, барча хизматлар иккига бўлинади: савдо қилинадиган ва савдо қилинмайдиган хизматларга[14]. Бундай тасниф хизматларнинг халқаро савдода қўлланилиши нуқтаи назаридан келтирилган. Савдо қилинадиган хизматларга ушбу жараённи амалга ошириш мумкин бўлган хизмат турлари киритилган, савдо қилинмайдиган хизматлар эса фақат миллий давлатларнинг ўзларида амалга оширилади. Аммо ушбу хизматлар шу давлат ичида сотилади ва истеъмол қилинади, бунга мисол сифатида коммунал хизматлар ва у билан боғлиқ хизматларни киритиш мумкин.

ХВФнинг таъкидлашича, сотиладиган савдо хизматларига қуйидагиларни киритиш мумкин[15]:

---

[13] Арупов А.А. Казахстан в системе мировых торговых рынков. Алматы: Университет «Туран», 2000. - с. 63.
[14] Киреев А.П. Международная экономика. Ч. 1. М.: Международные отношения, 2000. С. 265,
[15] Киреев А.П. Международная экономика. Ч. 1. М.: Международные отношения, 2000. С. 265,

- транспорт хизмати;
- бориб келиш (хизмат сафари, туризм, саёҳат кабилар);
- алоқа хизмати;
- қурилиш хизмати;
- суғурта хизмати;
- молиявий хизматлар;
- компьютер ва ахборот хизмати;
- турли лицензия тўловлари;
- турли бизнес хизматлари;
- шахсий ва маданий хизматлар;
- ҳукумат хизматлари.

Мазкур ташкилот таснифида хизмат турларининг ҳар бири яна бир қанча хизматларни ўз ичига олади, масалан, транспорт хизматлари иккита катта гуруҳга бўлинади: йўловчи ташиш транспорти ва юк ташиш транспорти хизматлари, улар ҳам ўз навбатида яна бир қанча гуруҳларга бўлинади. Шундай қилиб, хизматлар ва улар билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳали олимлар ҳам, халқаро ташкилотлар ҳам бир тўхтамга келишган эмас.

Бизнинг фикримизча, хизматга берилган таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ:

- инсон камолоти билан боғлиқ хизматлар;
- оила равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- меҳнат жамоалари такомиллашуви билан боғлиқ хизматлар;
- ҳудуд тараққиёти билан боғлиқ хизматлар;
- давлат равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- жамият тараққиёти билан боғлиқ хизматлар.

Ушбу хизматларнинг барчасига ўзига хос хизмат турлари киради, булар эса шу келтирилган субъектларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларининг нафли фаолиятидан иборатдир. Шу туфайли, хизматларга ҳар томонлама кишилар, инсонлар нуқтаи назаридан қараш керак, деб ўйлаймиз. Чунки хизмат кўрсатишнинг мақсади биринчидан инсон камолотига қаратилган бўлса, иккинчидан хизматни амалга оширадиганлар ҳам шу инсонлардир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, хизматлар инсон ва унинг камолоти билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий жараёнлар мажмуидан иборат экан.

3. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичига кўра хизмат турлари

2006 йилдан Европа иқтисодий ҳамжамиятининг "Фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг статистик таснифи" асосида халқаро талабларга тўла уйғунлашган "O`z DT 010:2006. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичи" жорий этилди. Унга кўра мамлакатимиздаги мавжуд хизмат кўрсатиш турлари ва уларнинг сони 3.1–жадвалда келтирилади.

3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасидаги хизмат кўрсатиш турлари ва уларнинг сони*

№	Хизматлар номлари	Хизматлар сони
1	**Қишлоқ хўжалиги, овчилик хизматлари:** ➢ *боғдорчилик соҳасидаги хизматлар (48);* ➢ *чорвачилик соҳасидаги хизматлар (22);* ➢ *овчилик, ёввойи қушларни кўпайтириш соҳасидаги хизматлар (1)*	71
2	**Ўрмон хўжалиги, ёғоч тайёрлаш сохасидаги хизматлар:** ➢ *ишлов берилмаган ўрмон хужалиги маҳсулотлари хизмати (9);* ➢ *ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш соҳасидаги хизматлар (6).*	9
3	**Балиқчилик соҳасидаги хизматлар**	13
4	**Тоғ-кон саноати соҳасидаги хизматлар:** ➢ *тошкўмир қазиш соҳасидаги хизматлар (1);* ➢ *нефть ва газ қазиш олиш соҳасидаги хизматлар (3);* ➢ *кокс, нефт ва ядро ёқилғисига доир хизматлар (3).*	7
5	**Озиқ - овқат маҳсулотларига ишлов бериш хизматлари:** ➢ *гўшт маҳсулотларига ишлов бериш хизматлари (4);* ➢ *мева ва сабзаворотларни қайта ишлаш хизматлари (3);* ➢ *ҳайвон ва ўсимлик ёғларига ишлов бериш хизматлари (3);*	33

* Жадвал O`z DT 010:2006. "Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичи". маълумотлари асосида тузилди ва ҳисоб-китоб қилинди.

	➢ *сут маҳсулотларига ишлов бериш хизматлари (2);* ➢ *ун ва крахмал маҳсулотларига ишлов бериш хизматлари (2);* ➢ *ҳайвонлар учун озиқа тайёрлаш хизматлари (2);* ➢ *турли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш хизматлари (17).*	
6	**Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича хизматлар**	**1**
7	**Тўқимачилик маҳсулотларига ишлов бериш хизматлари:** ➢ *тўқимачилик толалари, ип, жун ва брезент тайёрлаш хизматлари (49);* ➢ *турли тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш хизматлари (8).*	**57**
8	**Кийим, мўйна маҳсулотларини тайёрлаш хизматлари:** ➢ *кийим тайёрлаш хизматлари (5);* ➢ *мўйнадан тайёрланган маҳсулотлар хизматлари (1);* ➢ *тери маҳсулотлари, пойабзал тайёрлаш хизматлари (2).*	**8**
9	**Ёғочдан маҳсулотлар ясаш хизматлари:** ➢ *ёғочдан буюмлар ясаш хизматлари (7);* ➢ *целлюлоза, қоғоз буюмларини ясаш хизматлари (7);* ➢ *нашр этиладиган, ахборот коммуникация маҳсулотлари хизматлари (25).*	**39**
10	**Кимёвий маҳсулотлар (саноат газлари, бўёқлар, азотли ўғитлар, ювиш воситалари кабилар)га доир хизматлар**	**20**
11	**Резина ва пластмасса маҳсулотларига доир хизматлар:** ➢ *резина буюмлар, шиналарга доир хизматлар (4);* ➢ *пластмассали буюмларга доир хизматлар (7).*	**11**
12	**Нометал минерал буюмларга доир хизматлар:** ➢ *шиша буюмларга доир хизматлар (8);* ➢ *сопол ва лойдан ясалган буюмларга доир хизматлар (11);* ➢ *цемент, оҳак, гипсдан ясаладиган буюмларга доир хизматлар (13).*	**32**
13	**Металл буюмларга доир хизматлар:** ➢ *темир, чўян, пўлат ва ферроқотишмаларга доир хизматлар (7);* ➢ *қимматли металл буюмларга доир хизматлар (5);* ➢ *қуймачилик бўйича хизматлар (6).*	**18**

14	**Металл маҳсулотлари бўйича хизматлар:** ➢ *металл конструкциялар бўйича хизматлар (3);* ➢ *металл қурилиш буюмларига доир хизматлар (15);* ➢ *металларга қоплама қоплаш бўйича хизматлар (11);* ➢ *машинасозлик технологиясига доир хизматлар (2);* ➢ *пичоқ, қулф, енгил металлдан ясалган буюмларга доир хизматлар (12).*	**43**
15	**Машина ва жиҳозларга доир хизматлар** ➢ *насослар ва компрессорларга доир хизматлар (6);* ➢ *клапан,подшипник кабиларга доир хизматлар (5);* ➢ *печлар, совутиш жиҳозларига доир хизматлар (12);* ➢ *қишлоқ ва ўрмон хўжалигидаги машина ва тракторларга доир хизматлар (5);* ➢ *дастгоҳлар билан кўрсатиладиган хизматлар (7);* ➢ *маҳсус мақсадларга мўлжалланган жиҳозларга доир хизматлар (6);* ➢ *озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотларига ишлов беришга мўлжалланган жиҳозларга доир хизматлар (3);* ➢ *тўқимачилик, қоғоз, кўрол – ярог маҳсулотларига ишлов беришга мўлжалланган жиҳозларга доир хизматлар (12);* ➢ *машиний электр асбобларига доир хизматлар (3).*	**59**
16	**Электр ва оптик жиҳозларга доир хизматлар**	**18**
17	**Радио, телевидение, алока жиҳозларига доир хизматлар**	**8**
18	**Тиббий, оптик приборлар, кўл соатларига доир хизматлар**	**14**
19	**Транспорт жиҳозларига доир хизматлар:** ➢ автомобиллар, прицеп ва кузовларга доир хизматлар (6); ➢ кемалар ва қайиқ жиҳозларига доир хизматлар (5); ➢ темир йўл локомотивлари, трамвай вогонларининг жиҳозларига доир хизматлар (2); ➢ ҳаво, космик учиш аппаратлари жиҳозларига доир хизматлар (5); ➢ мотоцикллар ва велосипедлар жиҳозларига доир хизматлар (6).	**24**
20	**Саноат маҳсулотлари (стуллар, ошхона мебеллари, тўшаклар, заргарлик буюмлари, мусика, спорт товарлари, ўйинчоқлар, супурги ва чўткалар)га доир хизматлар**	**30**

21	**Электр энергияси, газ, буғ, сув ишлаб чиқариш ва тақсимлашга доир хизматлар**	**15**
22	**Қурилиш хизматлари**	**275**
23	**Автомобиллар, мотоцикллар, шахсий фойдаланиладиган буюмлар ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари**	**77**
24	**Улгуржи хамда воситачилик савдоси бўйича хизматлар**	**274**
25	**Чакана савдо бўйича хизматлар**	**91**
26	**Мехмонхона ва ресторанлар хизматлари**	**17**
27	**Транспорт, омборхона хўжалиги ва алока хизматлари:** ➢ *қуруқликдаги транспорт хизматлари ва қувурлар орқали маҳсулотни етказиб бериш (37);* ➢ *сув транспорти хизматлари (22);* ➢ *ҳаво транспорти хизматлари (8);* ➢ *туристик агентликлар ва туроператорлар хизматлари (60);* ➢ *почта ва электр алоқа хизматлари (49).*	**176**
28	**Молиявий воситачилик бўйича хизматлар:** ➢ *пул воситачилиги бўйича хизматлар (30);* ➢ *сугурталаш ва нафақа таъминоти бўйича хизматлар (20);* ➢ *молиявий воситачиликка нисбатан ёрдамчи хизматлар (19).*	**69**
29	**Кўчмас мулк, ижара ва тижорат фаолияти билан боғлиқ хизматлар**	**17**
30	**Машина ва ускуналарни операторсиз ижарага бериш хамда шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни прокатга бериш бўйича хизматлар**	**19**
31	**Компьютер хизматлари**	**19**
32	**Тадқиқотлар ва ишланмалар бўйича хизматлар**	**11**
33	**Истеъмолчиларга тақдим этиладиган баъзи хизматлар:** ➢ *юридик хизматлар (18);* ➢ *бухгалтерлик хизматлари (8);* ➢ *маркетинг хизматлари (5);* ➢ *тижорат фаолияти бўйича хизматлар (60);* ➢ *техник синовлар, реклама хизматлари (39);* ➢ *тозалаш бўйича хизматлар (17);* ➢ *фотография, телефон борасидаги хизматлари (45).*	**192**
34	**Давлат бошқаруви сохасидаги хизматлар:** ➢ *соғлиқни сақлаш, таълим, маданият муассасаларини*	**56**

	бошқариш соҳасидаги хизматлар (26); ➢ *тижорат фаолияти самарадорлигини оширишга доир хизматлар (15);* ➢ *мудофаа, адлия ва суд соҳасидаги хизматлар (15)*	
35	**Таълим соҳасидаги хизматлар**	**18**
36	**Соғлиқни сақлаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасидаги хизматлар**	**79**
37	**Коммунал хизматлар**	**9**
38	**Касаба уюшмалари, сиёсий ташкилотлар хизматлари**	**9**
39	**Дам олиш, маданий ва спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича хизматлар:** ➢ *кинофильм, радиоэшиттириш хизматлари (41);* ➢ *кутубхона, архив, музей ва бошқа маданий муассасалар хизматлари (24);* ➢ *спорт, қимор ўйинларига доир хизматлар (19).*	**84**
40	**Кир ювиш, сартарошхона, гўзаллик салонлари, дафн маросимлари, жисмоний комфортни таъминлашга доир хизматлар**	**44**
41	**Уй хўжаликлари хизматлари**	**3**
42	**Экстерриториал ташкилотлар ва идоралар хизматлари**	**1**
ЖАМИ		**2070**

Бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, мазкур соҳада самарадорликни ошириш орқали унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини ошириш иқтисодий тараққиётнинг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ушбу соҳани ривожлантирмасдан, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадини ошириш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Шу боис, юқорида таъкидланганидек, мамлакат Президенти 2005-2012 йиллар давомида мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қанча Фармон ва Қарорлар қабул қилди.

У ҳар бир чиқишларида ушбу соҳанинг истиқболига, уни ривожлантириш йўлларига тўхталиб ўтмоқдалар.
Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш унчалик осон иш эмас, чунки ушбу соҳа асосан хусусий мулкка асосланган бўлиб, аксарият ҳолда тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши лозим.

Аммо одамларимиз онгида хусусий мулк, мулкдор деган тушунчалар кечагина, мустақилликдан кейин пайдо бўлди. Табиийки, мулкдор ҳали мустақил ривожланишни билмаган бир пайтда, ушбу соҳанинг самарадорлигини ошириш масаласи қанчалик мураккаб эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бунинг устига давлат тузилмаларида уларнинг ички ишларига аралашмаслик яхши оқибатларга олиб келмайди, чунки кеча иқтисодиётни бошқаришнинг барча дастаклари қўлида бўлган давлат тузилмалари уларни қўлдан чиқаришни хоҳламайдилар. Шундай шароитда мулкдорларни, хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш баъзи мураккабликларни туғдиради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси қачон ривожланади, қачонки, уларга тўлиқ эркинлик яратиб берилса, ушбу соҳа маҳсулотига талаб етарли бўлса, уларнинг сифати ва нархи талабга жавоб берадиган бўлсагина. Шунинг учун бу масалага бежиз катта эътибор қаратилган эмас.

Шу туфайли мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири, ҳозирги пайтда иқтисодиётни юксак даражада ривожлантириш учун хизмат кўрсатиш соҳасини янада эркинлаштириш ва улар самарадорлигини ошириш ҳамда ўзларига эркин фаолият кўрсатишлари учун тегишли имкониятлар яратиб беришдан иборатдир. Бу эса хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорлар фаолиятига давлат тузилмаларининг аралашувини янада кўпроқ чеклаш, хўжалик субъектларига кўриладиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, мазкур соҳа хусусий тадбиркорларига зарурий ресурсларни сотиб олиш ва маҳсулотларини сотиш учун ички ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, уларга молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби муҳим чоралардан иборатдир.

Мамлакатимизда ҳукуматимизнинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган сиёсати туфайли йил сайин хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган мулкдорлар сафи кенгайиб, сони ортиб бормоқда. Натижада улардан тушадиган тушумлар ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда, мисол учун, 2006 йилда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 2180,8 млрд сўмни ташкил қилиб, бу 2005 йилга нисбатан 119,3 фоизни ташкил этди[16]. Мазкур соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2005 йилда

[16] Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2006 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2007. - 3 бет.

38,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2011 йига келиб 50,5 %га етди[17]. Хизмат соҳасининг ривожланиши иқтисодиётимизнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганлигидан, бозор муносабатларининг мамлакат иқтисодиётида равнақ топаётганлигидан далолат беради, унинг ривожланиши нафақат иқтисодий, балки жамиятнинг кўплаб ижтимоий муаммоларини ҳал этади. Энг муҳими, хусусий сектор ривожланиши ва у самарадорлигининг оширилиши ишсизлик муаммосининг ҳал бўлиши, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши учун муҳим замин яратади.

Бироқ, мамлакатимизда тадбиркорларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида, уларнинг ривожланишида муҳим ўрин эгаллашлари учун талайгина ишларни амалга оширишга тўғри келади. Буларни инобатга олиб мамлакатимиз Президенти 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида, "Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар"[18], деб таъкидлаган эди.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил ишлаш учун саволлар

1. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.
2. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий омиллари.
4. Хизмат кўрсатиш соҳасининг турлари бўйича турли қарашлар тизими.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ - 1754-сонли қарорининг асосий мазмуни.

---

[17] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ - 1754-сонли қарори.

[18] Халқ сўзи. 2006 йил 29 январь.

6. “O`z DT 010:2006. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичи” нинг мазмуни.

Калитли сўзлар:

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятлари; хизмат кўрсатиш соҳасининг турлари; тасниф; таснифлагичлар; истеъмол соҳасида кўрсатиладиган хизматлар; ижтимоий соҳада кўрсатиладиган хизматлар; ишлаб чиқариш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар; тақсимот соҳасида кўрсатиладиган хизматлар; хизматларнинг иқтисодий соҳалиги; хизматлар-нинг ижтимоий соҳалиги.

4-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РАВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

РЕЖА:

1. **Хизмат кўрсатиш соҳасини равожлантиришнинг концептуал йўналишлари.**
2. **Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишдаги роли**
3. **Хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайтирилган ишлаб чикариш тизимидаги ўрини**

*****

1. Хизмат кўрсатиш соҳасини равожлантиришнинг концептуал йўналишлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар – ислоҳотлар учун эмас, балки инсонлар, уларнинг муносиб турмуш шароитини яхшилашга, ижтимоий химоясини кучайтиришга каратилганлигини Президентимизнинг халқимиз фаровонлигини ошириш, ишсизликни камайтириш, аҳолини кексалик ёшида пенсия билан таъминлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида узлуксиз ғамхўрлик қилиб келаётганлигида кўриш мумкин.

Булар жумласига мамлакат Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қанча фармон ва қарорларини киритиш мумкин. Масалан, 2005 йил 20 июнида "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2006 йил 5 январда "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чикариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2006 йил 9 январда "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2006 йил 23 мартда "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2012 йил 10 майда "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги, 2012 йил 16 июлда "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат

бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2012 йил 18 июлда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2012 йил 8 августда "Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, 2012 йил 13 ноябрда "Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги, 2013 йил 18 январда "2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида"ги фармон ва қарорлар қабул қилинган эди. Буларнинг ҳаммаси аҳолини иш билан таъминлашга, фаровонлигини оширишга, тадбиркорликни ривожлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтиришга, эркин иқтисодиётни шакллантиришга, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилгандир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шундай тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида 2012 йил 16 июлда мамлакат Президентининг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Узоқ вақт ўтмасдан, 2012 йил 19 июлда Президентимиз "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига имзо чекди. Булар бевосита ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, тадбиркорлар фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари – банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда.

Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўлайишига имкон яратди.

Аммо, тан олиш керакки, ҳақиқатда мазкур соҳани ривожлантиришда жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмокда, деб бўлмайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларда кутилганига нисбатан суст ривожланмокда. Лекин шуни эътироф этиш керакки, ушбу соҳа жуда катта маблағ талаб қилмайдиган, кичик ва хусусий тадбиркорлик эвазига жуда тез ривожлантириш мумкин бўлган соҳадир.

Бундай катта имкониятдан фойдаланиш даражаси талаб қилинган ҳолатдан анча кам. Ушбу соҳанинг яна бир муҳим жиҳати, қишлокда ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлаш масаласини ҳам ҳал қилишга кўмаклашувчи муҳим соҳа эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Чунки хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари шаҳарда ҳам, қишлокда ҳам етарли даражада ривожланмаяпти. Айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳанинг ривожланиши учун ҳеч қандай таъсирчан чоралар кўрилмасдан келинди. Натижада хизматга бўлган эҳтиёж қишлоқ ҳудудларида қондирилмасдан қолди. Боз устига ортиқча иш кучининг мавжудлиги ҳам сақланиб қолиши натижасида иш кучи миграцияси шаҳарга кўча бошлади. Бу ҳолат ҳам мазкур соҳага эътибор бериш лозимлигини тақозо қилар эди. Шу туфайли Президентимизнинг қарорларидан бирида: "Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор қаратмаётганлигига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди"[19], деб таъкидланган. Албатта, эътибор берилмаган соҳанинг самарадорлиги ҳам ўзига яраша бўлади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилда 38,3 фоизни ташкил қилган эди[20]. Шу туфайли мазкур соҳага катта эътибор қаратилди. Натижада 2011 йилга келиб, таъ-

[19] "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 2006 йил, 17 апрел. "Халқ сўзи". 2006 йил, 18 апрель.-1-бет.

[20] Ўзбекистоннинг статистик ахборотномаси. 2005 йил. – 5-бет.

кидланганидек, ушбу кўрсаткичнинг миқдори 50,5 %га етди[21]. 2012 йилда 52 %ни ташкил килди[22]. Бу ҳам ҳали кам. Ваҳоланки, дунёнинг ривожланган мамлакатларида хизматларнинг ялпи ички маҳсулотларидаги улуши 60-80 фоизни ташкил этади. Ушбу мамлакатларда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизи шу хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланмаганлиги аҳолининг истеъмол харажатлари таркибига ҳам таъсир қилади. Мамлакатимиз аҳолисининг истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг улуши бор-йўғи 15,4 фоизни ташкил қилади[23]. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичнинг миқдори ривожланган мамлакатларда 50-60 фоизга тенг[24].

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, Президентнинг қарорида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш аниқ чора-тадбирлари белгиланган.

Сўнгги йилларда Президент қарорларига биноан, мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишлари ишлаб чиқилиши учун тегишли шароит вужудга келди. Бизнинг фикримизча, булар қуйидагилардан иборат бўлди:

1. *Хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини* янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусан, бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш.

2. Хизматлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш.

---

[21] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарори.

[22] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // "Халқ сўзи" 2013 йил 19 январь. – 2 б.

[23] Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2004. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2005.- 72-бет.

[24] "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 2006 йил, 17 апрель. "Халқ сўзи". 2006 йил, 18 апрель.- 1-бет.

3. Хизматлар ва сервис соҳасида банд бўлган аҳоли сонини муттасил кўпайтириб бориш.

4. Қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш.

5. Мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унутилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш.

6. Хизматларининг янги истиқболли турларини, хусусан, юридик, консалтинг, банк, молия, сугурта, лизинг ва бошқаларини жадал равишда ривожлантириш.

7. Мамлакатимизнинг хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш.

8. Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни янада такомиллаштириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

9. Замон талабидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ ва шаҳарларда юқори технологик хизматларнинг кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш борасида тегишли чораларни кўриш.

Белгиланган ҳар бир тадбир ушбу соҳани ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ушбу тадбирларни беками кўст бажариш учун хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилган ва бу борадаги аниқ вазифалар тегишли мутасаддиларга юклатилган. Энг муҳими, ушбу Дастурларда кўзда тутилган барча тадбирлар ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан мониторинг қилиб борилади ва йилнинг ҳар чорагида, ярим йиллик натижалари, тўққиз ойлик ва йиллик ҳисоботларда эшитилиб, бажарилиши назорат остига олинган.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишдаги роли

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шу соҳа билан шуғул-

ланадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосда аҳоли бандлиги даражасини ошириш вазифаси ҳам амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда уни замонавий даражага олиб чиқадиган кадрлар мамлакатимизда етишмайди. Боз устига уларни тайёрлаш масаласи ҳам қониқарсиз аҳволда. Бу масала ўта жиддий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Ҳозирги пайтда жуда кўплаб янги хизмат турлари пайдо бўлди. Аммо шу соҳани ташкил қиладиган ва бошқарадиган кадрларнинг айримлари мамлакатимизда етарли даражада тайёрланмаслиги ушбу соҳани ривожлантиришга тегишли даражада таъсир қилиши тайин.

Хизматлар бозори таркибида хизматларнинг янги истиқболли, мамлакатимизнинг келажагини белгилайдиган турлари, яъни, замонавий банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари, туризм сервисини такомиллаштиришга қаратилган кадрларни тайёрлашга эндигина киришилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг замонавий оилаларида мураккаб маиший техника, компьютерлар ва турли русумдаги шахсий автотранспорт билан таъминланишининг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг ҳам жадал равишда ривожланишига имкон яратди. Аммо бу соҳада ҳам кадрларни етарли, деб бўлмайди.

Буларни инобатга олиб, Президентимиз томонидан 2010 йилларга мўлжалланган муддатда "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида мутахассисликлар рўйхати ва хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини танқидий ўрганиш асосида ...ўқув жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан, унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда бу ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш"[25] масаласи қўйилган эди. Бу борада жуда кўп ишлар қилинди.

Мазкур қарорда амалиётчилар билан биргаликда назариётчи олимлар олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилган эди. Хусусан, уларнинг бир йўналиши аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусият-

[25] "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 2006 йил, 17 апрель. "Халқ сўзи", 2006 йил, 18 апрель.-2-бет.

ларини ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида статистика маълумотларини тўплаш тизимини ҳисобга олган ҳолда хизматларнинг статистик, шу жумладан, алоҳида тармоқлар бўйича ҳисоби методологиясини такомиллаштириш дастури ишлаб чиқиш вазифаси эди. Бу эса, мазкур методологияни яратиш ва такомиллаштиришда амалиётчилар билан бирга олимларнинг ҳамкорлиги ҳамда чуқур тадқиқотлар натижасида такомиллашган тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Мазкур соҳада тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна бир муҳим тадбирлардан бири уларга солиқ имтиёзларининг берилиши бўлди. Бунинг ифодаси 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилганидир. Бу муддат Президентимизнинг фармони билан яна 2017 йилнинг 1 январигача чўзилди[26].

Бугунги кунда мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ҳолати хусусида айрим далилларни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Президент Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январдаги мажлисида "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусида маъруза қилди. Бунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш хажми 2010 йилда 31,8 триллион сўмни ташкил этганлиги ва 2009 йилга нисбатан эса 113,4 фоиз ўсишга эришилганлиги таъкидланди. 2011 йилда хизмат кўрсатиш ҳажми 13,2 фоизга ўсди ва 41083 миллиард сўмни ташкил этди. Йил якунлари бўйича хизматларни диверсификация қилиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида хизматлар соҳасида ўсишга эришилди ва 2012 йилда унинг улуши ЯИМнинг 52,0 фоизини ташкил этди, 2010 йилда бу кўрсаткич 49 фоизни ташкил этган эди. Шу икки йил давомида мазкур кўрсаткичнинг улуши 3 бандга (52,0 – 49,0) ошди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган муҳим ютуқлардан бири – унда қўшимча иш ўринларини ташкил этиш учун зарур

[26] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ - 1754-сонли қарори.

шароитлар яратилганлиги ва 2011 филда 248 мингта иш ўрни ташкил этиш башорат қилинган бўлса, йил якунига келиб 254 мингдан ортиқ иш ўрни яратилганлиги билан характерланади[27]. Бундай ҳолат 2005 йилда ҳам кузатилган эди. Шу йилда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 1609,7 млрд. сўмни, унинг реал ўсиши эса 2004 йилга нисбатан 15,0 фоизни ташкил қилган эди. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми, яъни 55,4 фоизи расмий сектор томонидан амалга оширилди, ушбу секторда амалдаги нархларда хизматлар ҳажми 891,6 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 108,4 фоизни ташкил қилди. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 24,4 фоизга ўсиб, 718,1 млрд. сўмни, уларнинг пуллик хизматлардаги умумий ҳажмидаги улуши эса 44,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар бозорида нодавлат секторнинг улуши 74,3 фоизни ташкил қилди[28].

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасига катта эътибор қаратилгани боис, мазкур соҳа қатор йиллардан буён ўсиш тенденциясига эга бўлиб қолмоқда. Бу борада мамлакатимизда кўрилаётган чора-табирлар, уларга берилган имконият ва имтиёзлар келажакда ушбу соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаши билан бирга, хизматлар сифатининг ошишига, унинг халқаро андозалар даражасидаги ҳолатининг шаклланишига олиб келиши муқаррар.

Сервис соҳасига ҳам муттасил эътибор берилиб келинган. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги устувор вазифаларидан бири – хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдан иборатлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Чунки мазкур соҳага эътибор бугун пайдо бўлган эмас. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиётда сифат ўзгаришларини таъминлаш натижасида "2010 йилгача саноатнинг, шу жумладан қурилиш индустриясининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини босқичма-босқич 24-26 фоизгача, хизмат соҳасининг улушини 45-47 фоизгача кўпайтириш

[27] Каримов И.А. "2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент, ТДИУ, 2012. – 48-бет.
[28] Ўзбекистоннинг статистик ахборотномаси 2005 йил. – 37-бет.

даркор"[29], деган қатъий вазифани қўйган эди. Ушбу вазифани амалга оширши борасида Давлат дастури ишлаб чиқилиб, бажарилиши тўлиқ назорат қилиб борилди. Натижада ушбу вазифа тўлиқ бажарилди.

Кейинги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръати жадаллик билан давом этмоқда. Бу борада тўғри хулоса чиқариш учун мазкур соҳанинг жами ҳолати билан бирга алоҳида асосий турлари бўйича ҳам фақат охирги икки йиллик кўрсаткичга назар соламиз. Буни ушбу жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (4.1-жадвал).

4.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2010-2011 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасидаги таркибий ўзгаришлар[30]

№		2010 йил			2011 йил		
	Хизмат турлари	млрд. сўм.	Ўсиш фоиз	Таркиби (фоиз)	млрд. сўм.	Ўсиш фоиз	Таркиби (фоиз)
	Хизматлар, жами	**32749,8**	**115,1**	**100,00**	**41083,3**	**113,2**	**100,00**
	Жумладан:						
1.	Савдо хизматлари	6134,4	120,9	18,73	8607,5	118,6	20,95
2.	Транспорт хизматлари	10547	113	32,20	12350,2	104,1	30,06
3.	Алоқа ва ахборот-лаштириш хизматлари	2062,5	128,7	6,30	2630	139,9	6,40
4.	Молия-банк хизматлари	2753,8	119,4	8,41	3507,5	118,6	8,54
5.	Туристик -экскурсия хизматлари	44,7	115,3	0,14	64,1	127,3	0,16
6.	Меҳмонхона хизматлари	97,5	107,8	0,30	112,4	106,5	0,27
7.	Коммунал хизматлар	3852,1	99	11,76	4780,5	99,9	11,64
8.	Маиший хизматлар	561,4	122,8	1,71	534,5	120,9	1,30
9.	Автомобилларни таъмирлаш хизматлари	314,2	124,6	0,96	367,8	118,9	0,90
10.	Бошқалар	6382,2	116,6	19,49	8128,9	118,5	19,79

[29]Каримов И.А. Эришилган ютукларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2006 йил, 11 февраль.- 2-бет.

[30] Каримов И.А. "2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент, ТДИУ, 2012. – 48-бет.

Аммо ушбу соҳа эътибордан четда қолмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ - 1754-сонли қарори эълон қилинди. Бунда ҳам мазкур соҳани мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида турлари бўйича ва алоҳида ҳудудлар бўйича прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Унга кўра 2015 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши 55 %га етказилиши кўзда тутилган[31]. Мазкур маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган (4.2-жадвал).

4.2-жадвал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг 2012-2016 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари

Т/р	Хизматларнинг турлари	Хизматларнинг прогноз кўрсаткичлар					2016 йил 2012 йилга нисбатан
		2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	
1.	Хизматларнинг ЯИМдаги улуши, %	52,0	52,5	53,0	54,0	55,0	
2.	Жами хизматларнинг ўсиш суръати, %	114,9	115,6	116,2	116,9	117,4	2,1 марта
3.	Туристик хизматлар (меҳмонхона хизматлари билан биргаликда)	116,1	116,6	117,5	118,9	119,1	2,3 марта

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, келгусида, яъни 2016 йилда 2012 йилга нисбатан жами хизматлар соҳаси 2,1 мартага ўсиши кўзда тутилган. Аммо туристик хизматлар меҳмонхона хизматлари билан биргаликда шу даврда 2,3 мартага оширилиши кўзда тутилган. Кўриниб турибдики, туристик ва меҳмонхона хизматлари умумий хизматларга нисбатан жадал ривожланади.

[31] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ - 1754-сонли қарорида келтирилган иловада.

Сервис соҳасини ривожлантириш аҳолининг даромадларини кўпайтириш, турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган аҳоли бандлик масаласининг ҳам ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек: "2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш"[32] лозимдир. Бу юмушлар катта инновация талаб қилмасдан, кўплаб янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради.

Сервис соҳасини ривожлантириш билан бандлик муаммосини ҳал қилиш "айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратилади"[33]. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг аниқ даромадларини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорининг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳоли турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан хизмат соҳасини ривожлантиришнинг аниқ чора-табирлари ҳам белгилаб берилди, яъни "бу масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган бинолар, микрокредитлар ажратиш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор"[34], деган қатъий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликларига берилди. Хуллас, сервис соҳаси ҳам бошқа соҳалар сингари кескин ривожланиш палласига кирди. Эндиги вазифа, жойларда уларни изчиллик билан амалга оширилишида.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайтирилган ишлаб чиқариш тизимидаги ўрни

Хизмат кўрсатиш соҳаси ўта мураккаб соҳа. Унинг жуда кўп назарий масалалари, жумладан кенгайтирилган ишлаб чиқаришдаги ўрини ҳам етарли даражада тадқиқ қилинган эмас. Чунки, ушбу соҳанинг бозор муносабатларига ва ўзимизнинг иқтисодий тарақ-

---

[32] Ўша жойда. – 3-бет.

[33] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарорида келтирилган иловада. – 3-бет.

[34] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарорида келтирилган иловада. – 3-бет.

қиётимизга, яъни миллий моделимизга мос ҳолдаги назарий ва услубий масалалари иқтисодий адабиётларда кам ёритилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг табиати хусусида мамлакатимиз олимлари томонидан айрим фикрлар айтилмокда холос. Аммо унинг назарий масалаларида ҳали анча чалкашликлар мавжудлигини ҳам тан олиш лозим. Хусусан, мамлакатимиз дунё иқтисодиёти билан интеграциялашиш ва хизматлар соҳасида бозор тамойилларининг жорий қилиниши жараёнини бошидан кечирмоқда. Бу ҳолатлар биринчидан, унга халқаро меъёрлар даражасида қаралишни талаб қилса, иккинчидан, узимизга хос тарзда ёндашиш лозимлигини ҳам тақозо қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси режали иқтисодиёт шароитида иккинчи даражали соҳа сифатида қаралганлиги туфайли, унга жуда катта эътибор қаратилган эмас. Чунки ишлаб чиқариш ҳамма нарсани ҳал қилувчи соҳа сифатида қаралар ва асосан уни ривожлантириш ҳақида гап кетар эди. Аммо бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг эркинлашуви ушбу соҳага бутунлай бошқача ёндашишни тақозо қилмокда. Чунки:

- хизмат кўосатиш соҳаси иқтисодиётни ривожлантиришга;
- ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга ва самарадорлигини оширишга;
- инсонлар ҳаёт сифатини яхшилашга;
- аҳолининг бандилиги оширишга;
- уларнинг номинал ва реал даромадларининг ошишига;
- айрибошлаш жараёнининг тезлашишига;
- аҳоли истеъмолига мўлжалланган харажатларнинг камайиши каби жараёнларнинг тезлашишига сезиларли даражада хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тасаввуримиз бўйича инсоният пайдо бўлгандан бошлаб вужудга келган. Чунки улар бир-бирига хизмат кўрсатиш орқали бир-бири билан муомалада бўлган. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришдан олдин вужудга келган, деган хулосани қилиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш кенгайтирилган ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан йирик соҳа, унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 50 фоиздан анча зиёд. 2015 йилга бориб 55,0 %га етказиш кўзда тутилган. Соҳа бўлгандан кейин у бир қанча тармоқларга бўлиниши мумкин. Масалан, хизмат кўрсатиш соҳасининг савдо, умумий овқатланиш, туризм, меҳмонхона хизматлари, маданий хизматлар, маиший хизматлар, коммунал хизмат каби тармоқлари мавжуд.

Хизмат кўрсатиш иқтисодий назария нуқтаи назаридан иқтисодий категория. Шу туфайли, унинг ўзига хос хусусиятлари, назарий атамаларнинг таркибида ўзининг ўрини мавжуд. Шу нуқтаи назардан, унинг назарий табиатини ҳам очиб бериш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасига иккинчи даражали соҳа сифатида ёки иқтисодиётнинг барча муаммоларини ҳал қилувчи биринчи даражали соҳа ҳам деб қараб бўлмайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётда ўзининг ўрнига эга. Унга тўғри баҳо бериш учун унинг назарий масалаларини ҳал қилиш тақозо қилинади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай ишлаб чиқарилган товар ёки хизмат истеъмол қилиниши лозим. Шундагина у мақсадга мувофиқ бўлади ва шу соҳага қилинган фаолият эвазига маълум миқдорда фойда олиш имконияти туғилади. Шунинг учун хизматларни ҳам истеъмол қилиниши нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита истеъмол қилинадиган хизматлар ва хизматлар кўрсатилгандан кейин истеъмол қилинадиган хизматлар. Уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги расмда кўрсатилган (4.1-расм).

ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА ТАҚСИМОТИ	
Бевосита хизмат кўрсатиш жараёнида истеъмол қилинади	**Хизматлар кўрсатилгандан кейин истеъмол қилинади**
- уқалаш; - сартарошлик; - тиббий хизматлар; - гўзаллик салони хизматлари; - таълим; - ҳуқуқий маслаҳат; - театр намойиши; - қўшиқчилик ва мусиқа санъати; - телекўрсатувлар хизмати; - коммунал хизматлар; - консалтинг хизматлари; - йўловчи ташиш кабилар.	- жиҳозларни таъмирлаш; - кийимларни таъмирлаш; - уй анжомларини таъмирлаш; - техик воситаларни таъмирлаш; - кимёвий тозалаш; - кир ювиш хизматлари; - ободонлаштириш билан боғлиқ хизматлар; - банк хизматлари; - суғурта хизматлари; - газначилик хизматлари - юк ташиш хизматлари кабилар.

4.1-расм. **Кўрсатиладиган хизматларнинг истеъмол қилиниши бўйича тақсимоти**

Хизмат кўрсатишнинг характерли жиҳати шундаки, бевосита истеъмол қилинадиган шароитда кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ўша вақтнинг ўзида ҳис қилиш ва сезиш мумкин. Уни хизмат кўрсатилиб, маълум вақт ўтгандан кейин аниқлашнинг имкони йўқ. Шу туфайли хизмат кўрсатиш жараёнида мижозларни жалб қилиш йўлларини ўрганиш ва ўзлаштиришга эришиш лозим. Хизматлар кўрсатилгандан кейин истеъмол қилинадиган хизматларнинг сифатини текшириш ва уларга баҳо бериш мумкин. Чунки вақт ўтиши билан уларнинг изи сақланиб қолади. Бундай хизматларни бевосита экспертлар ҳам баҳолашлари мумкин бўлади.

Шуни эътироф этиш керакки, хизматларнинг бир қисми кўзга кўринадиган, одамлар томонидан сезадиган хизматлардан иборатдир. Булар ўз навбатида яна иккига бўлинади: инсонга кўрсатиладиган хизматлар ва товар ва моддий жисмоний объектларга кўрсатиладиган хизматлар. Аммо хизматлар таркибида амалга ошириладиган маълум фаолиятлар борки, уларнинг таъсири кўзга кўринмайди ва сезилмайди. Бундай хизматлар ҳам иккига бўлинади. Биринчиси, кўринмайдиган, аммо инсон тафаккурига таъсир қиладиган хизматлар бўлса, иккинчиси, кўринмайдиган ва уларнинг таъсири *сезилмайдиган хизматлардир*. Ушбу хизматларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин (4.2-расм).

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ

Сезиладиган, кўзга ташланадиган хизматлар		**Сезилмайдиган кўзга ташланмайдиган хизматлар**	
Инсонга кўрсатиладиган хизматлар	Соғлиқни сақлаш	**Кўринмайди-ган, аммо инсон тафаккурига таъсир қиладиган хизматлар**	Таълим
	Сартарошхоналар		Радио
	Гўзаллик салонлари		Телевидение
	Спорт муассасалари		Ахборот хизматлари
	Йўловчи транспорти		Театр
			Музей
Товар ва моддий жисмоний объектларга кўрсатиладиган хизматлар	Юк транспорти	**Кўринмайди-ган ва уларнинг таъсири сезилмайдиган хизматлар**	Ҳуқуқий маслаҳат
	Жиҳозларни таъмирлаш		Суғурта хизматлари
	Кир ювиш		Банк хизматлари
	Ободонлаш-тириш		Қимматли қоғозлар билан боғлиқ хизматлар
	Ветернария хизмати		Консалтинг хизмалари
	Кимёвий тозалаш		ва бошқалар

4.2-расм. **Хизмат кўрсатиш соҳасининг кўринадиган ва кўринмайдиган ҳолатда содир бўлиши**

Мазкур расмда ифода этилишича, ушбу хизматлар ҳам муҳим хизматлар бўлиб, инсон ҳаётининг яхшиланишига, уларни енгиллаштиришга, пировардида ҳаётнинг сифат даражасини оширишга қаратилгандир. Товар ва бошқа жисмоний объектларга кўрсатиладиган хизматлар ҳам билвосита инсонга, унинг ҳаётининг яхшиланишига хизмат қилади. Ушбу хизматлар сезиладиган, кўзга ташланадиган хизматлардир. Бироқ шундай хизматлар ҳам борки, улар сезилмайдиган, кўзга ташланмайдиган хизматларга киради. Буларга кўрсатувлари билан боғлиқ хизматлари, театр, музейларда кўрсатиладиган хизматлар, ахборот хизматлари кабилар киради. Буларнинг барчаси инсон тафаккур тарзига таъсир қилади. Аммо инсон ўзига бефарқ бўладиган бўлса, бундай хизматлардан маълум даражада хулоса чиқармаса, бундай хизматлар ўз-ўзидан самарасиз хизматларга айланиб қолади. Шу туфайли ҳар қандай хизматдан инсонларнинг тегишли хулоса чиқариш кўникмасини ташкил қилиш лозим.

Хизматларга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, унинг барча фазаларида иштирок этишини эътироф этиш лозим. Буни қуйидаги расмда кўриш мумкин (4.3-расм).

<table>
<tr><td colspan="4">Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш фазалари</td></tr>
<tr><td>Ишлаб чиқариш</td><td>Айрибошлаш</td><td>Тақсимот</td><td>Истеъмол</td></tr>
<tr><td colspan="4">Хизмат кўрсатиш соҳаси</td></tr>
<tr><td>Ишлаб чиқаришга кўрсатиладиган хизматлар</td><td>Айрибошлаш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар</td><td>Тақсимот жараёнида кўрсатиладиган хизматлар</td><td>Истеъмол жараёнида кўрсатиладиган хизматлар</td></tr>
<tr><td colspan="4">Кўрсатиладиган хизматларнинг турлари</td></tr>
<tr><td colspan="2">Моддий неъмат ишлаб чиқариш ва моддий хизмат кўрсатиш</td><td colspan="2">Номоддий хизматлар кўрсатиш</td></tr>
</table>

4.3- расм. **Хизмат кўрсатиш срҳасининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Хизматлар таркибида кўринмайдиган ва уларнинг таъсири сезилмайдиган хизматлар ҳам мавжуд. Масалан, ҳуқуқий маслаҳат

хизматини олайлик. Ушбу хизматлар инсон интеллектуал салоҳиятини оширишга, ҳуқуқий саводхонлигини кўтаришга хизмат қилади. Аммо унинг даражасини ташқаридан туриб ўлчаш ёки баҳолаш қийин. Шу туфайли, мазкур хизматларга баҳони фақат унинг истеъмолчиларигина бера олиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазаларида содир бўлади. Унинг 4 та фазасида ҳам хизматлар кўрсатилади. Аммо улар моҳияти жиҳатидан қараладиган бўлса, 2 та йирик гуруҳга бўлинади. Биринчиси, моддий неъмат ишлаб чиқариш ва моддий хизмат кўрсатиш бўлса, иккинчиси, номоддий хизматлардир. Ишлаб чиқаришга кўрсатиладиган хизматлар тўлиқ, айрибошлаш жараёнида кўрсатиладиган хизматларнинг бир қисми, шу моддий неъмат ишлаб чиқариш ва моддий хизматларга киради. Айрибошлаш жараёнида кўрсатиладиган хизматларнинг қолган қисми, тақсимот жараёнида ва истеъмол жараёнида кўрсатиладиган хизматлар тўлиқ номоддий хизмат кўрсатиш турларига киради.

Булардан кўриниб турибдики, хизматлар моддий неъмат ишлаб чиқаришга қаратилганми ёки номоддий ишлаб чиқаришга қаратилганми бари бир кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштиришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайтирилган ишлаб чиқаришда ўзига хос хусусиятга ва ўринга эга. Юқорида таъкидланган хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши унинг ярмидан кўплигида кенгайтирилган ишлаб чиқариш фазасининг барча бўғинларида борлиги билан ифодаланади.

Иқтисодий адабиётларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий ва номоддий гуруҳларга бўлиниши борасида қарашлар режали иқтисодиёт шароитида бир тизимга келтирилган ва унда хизматларнинг ўрини аниқ кўрсатилган эди[35]. Бундай қарашлар ҳозирги пайтда ҳам давом этмоқда[36]. Буларни инобатга олиб биз ҳам мазкур назарий концепция ва қарашлардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўринини яққол тасвирлаш мақсадида ушбу расмни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик (4.4-расм).

---

[35] Политическая экономия: Учебник для высших учебных заведений / Под ред. Медведева В.А., Абалкина Л.И., Ожерельева О.И. и др. – М.: Политиздат, 1988. – С.53-54.

[36] Волков Ю.Ф. Экономика гостиничного бизнеса: учебное пособие. Изд. 2-е. Ростов н/Д: Феникс, 2005. – С. 17.



4.4-расм. **Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрини**

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси бир томондан моддий ишлаб чиқаришнинг бир қисмини (моддий хизматлар ишлаб чиқариш) ва иккинчи томондан номоддий ишлаб чиқаришнинг бир қисмини (номоддий хизматлар ишлаб чиқариш) қамраб олар экан. Бу ерда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрини яққол кўриниб турганлигини кўрамиз.

Моддий хизматларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

-товарни ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача етказиб бериш билан боғлиқ хизматлар (товарларни ташишда транспорт хизмати, савдо);

- овқатланиш хизмати (бевосита емакхоналарда хизмат қилиш, тўй-ҳашамларда хизмат қилиш, овқатларни уйга ва иш жойларига етказиб бериш кабилар);

- коммунал хизматлар (электр энергияси, газ, сув кабилар билан таъминлаш хизматлари);

- маиший хизматлар (кийимларни таъмирлаш, кийимларни тикиш, маиший техника воситаларини таъмирлаш, кир ювиш, химиявий тозалаш кабилар) кабилар.

Номоддий хизматларга жуда кўп иқтисодий адабиётларда қуйидагилар киритилади. Булар жумласига:

- тиббий ва бошқа соғломлаштириш билан боғлиқ хизматлар;

- таълим хизматлари;

- илмий маслаҳат хизматлари (таъкидлаш жоизки, илмий хизматлар айрим адабиётларда моддий хизматларга ҳам киритилади);

- маънавий-маърифий соҳага оид хизматлар кабилар.

Ушбу хизматлар моддий буюм сифатида кўзга ташланмасада, инсон капиталининг такомиллашувида, баркамол авлоднинг шаклланишида, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун уларни ривожлантириш масаласи ҳам ўта муҳим ва долзарб масалалар сирасига киради.

Эндиги масала шу хизматларнинг истеъмолчилари кимлар, яъни булар кимларга кўрсатилиши хусусида ҳам мунозара қилишга тўғри келади. Аммо иқтисодий адабиётларда бу масала жуда кам ёритилган. Маълумки, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳасида хизмат у ёки бу даражада иштирок этади. Аммо уни субъектлар нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, ушбу хизматларни кимга кўрсатилишини инобатга олиш лозим бўлади. Чунки, айрим хизматлар борки фақат инсонларга кўрсатилади, айримлари эса оилага кўрсатилса, баъзи хизматлар борки, улар меҳнат жамоаларига ва давлатга кўрсатилиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим хизматлар ҳамма бўғинга дахлдор ва тегишли бўлади. Буларни ҳам инобатга олиш лозим. Аммо мазкур хизматларни алоҳида гуруҳга ажратмадик. Шу нуқтаи назардан, хизматларни 4 та гуруҳга бўлинишини таъкидлаш билан чекландик. Булар қуйидаги расмда келтирилган (4.5-расм).

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ СУБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ			
Бевосита шахсларга кўрсатиладиган хизматлар	**Оилаларга кўрсатиладиган хизматлар**	**Хўжалик юритувчи субъектларга (корхоналарга) кўрсатиладиган хизматлар**	**Давлатга кўрсатиладиган хизматлар**
Инсон танаси ва тафаккурига таъсир қилувчи хизматлар	**Оилавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган хизматлар**	**Хўжалик юритувчи субъектларга, уларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратилган хизматлар**	**Давлатни бошқариш, хавфсизлигини таъминлаш, фанни ривожлантиришга қаратилган хизматлар**

4.5-расм. **Хизмат кўрсатиш соҳасининг жамиятда фаолият кўрсатаётган субъектлар бўйича тақсимланиши**

Хизматлар тизимида бевосита шахсларга кўрсатиладиган хизматлар уларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Буларга инсон танаси (соғлиқни сақлаш билан боғлиқ хизматлар, сартарошхоналар ва гўзаллик салонларида кўрсатиладиган хизматлар, спорт муассасалари ва йўловчи ташиш транспорти хизматлари кабилар) ва тафаккурига таъсир қилувчи хизматларни (маънавий-маърифий хизматлар, ахборот хизматлари, суғурта, консалтинг каби хизматлар) киритиш мумкин.

Ҳозирги шароитда аҳолининг фаровонлиги ошиб бориши билан оилаларга кўрсатиладиган хизматларнинг ҳам салмоғи кўпайиб бормоқда. Бундай хизматларга оилавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган хизматлар (оилада фойдаланадиган маиший техникаларни таъмирлаш, оилада фойдаланиладиган автомобилларни таъмирлаш, уй ва уй-анжомларини таъмирлаш, оилага коммунал хизматларни кўрсатиш, оила эҳтиёжидан келиб чиқадиган бошқа хизматларни кўрсатиш кабилар) киради.

Хўжалик юритувчи субъектларга (корхоналарга) кўрсатиладиган хизматлар ҳам хизматлар тизимида мавжуддир. Бундай хизматлар бевосита хўжалик юритувчи субъектлар эҳтиёжини қондиришга қаратилган хизматлардан иборатдир. Буларга коммунал, таъмирлаш, маиший, моддий (транспорт, саралаш, қадақлаш каби) ва номоддий (маслаҳат, ҳуқуқий) характердаги хизматлар кўрсатилади.

Ҳозирги шароитда давлатга кўрсатиладиган хизматларни ҳам таҳлил қилиш лозимдир. Буларга миллий хавфсизликни таъминлашга қаратилган хизматларни, суд-ҳуқуқ хизматларини, давлатни бошқариш билан боғлиқ хизматларни, фанни ривожлантиришга қаратилган ва бошқа бир қанча хизматларни киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайтирилган ишлаб чиқариш тизимидаги ўринини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, мазкур масала бозор муносабатлари ва мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёти нуқтаи назаридан етарли даражада қараб чиқилмаган. Иккинчидан, мос равишда мамлакатимиз олимлари томонидан мазкур масала иқтисодий адабиётларда ҳамон кам ёритилган. Учинчидан, ушбу соҳанинг жуда кўп муаммолари ҳамон ўз ечимини кутаётганлиги туфайли, буни ўрганишга қаратилган жуда кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилишини тақозо қилади.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил ишлаш учун саволлар

1. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари.
2. Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини оширишдаги ўрни.
3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли фаровонлигини оширишдаги роли.
4. Хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайтирилган ишлаб чиқариш тизимидаги ўрини.
5. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ишлаб чиқариш соҳасидаги роли.
6. Хизмат кўрсатиш соҳасининг тақсимотдаги роли.
7. Хизмат кўрсатиш соҳасининг айрибошлашдаги роли.
8. Хизмат кўрсатиш соҳасининг истеъмолдаги роли.

Калитли сўзлар

Хизмат кўрсатиш соҳаси, ривожланиш йўллари, концепция, концептуал йўналишлар, аҳоли бандлиги, аҳоли фаровонлиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни.

5-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Модернизация тушунчасининг таърифи
2. Модернизациянинг турлари ва уларни асослашнинг назарий масалалари
3. Диверсификациянинг таърифини асослашнинг назарий масалалари
4. Диверсификациянинг турлари ва уларнинг назарий масалалари

*****

1. Модернизация тушунчасининг таърифи

Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий юксалишларни ифодаловчи кўрсаткичларга эришганлигимизнинг муҳим омиллари бугунги кунда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилишдан иборат бўлиб қолди. Аммо шуни эътироф этиш керакки, модернизация ва диверсификация тушунчаларининг мазмуни ва турлари иқтисодий адабиётларда тўлиқ очиб берилмаган. Бу эса олимлар ва мутахассисларнинг ушбу тушунчаларга эътиборни қаратиш заруратини туғдирмоқда.

Энг аввало, модернизация тушунчасини қараб чиқамиз. Модернизация француз тилидан олинган бўлиб (**moderniser** — «замонавий»), замонавийлаштириш деган маънони англатади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Модернизация дейилганда, кўп қиррали иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни замон талабидан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгилашга эришиш тушунилади.

Ушбу таърифнинг назарий асоси бўйича қуйидагиларни келтириш мумкин. Биринчидан, модернизация дейилганда, кўп қиррали иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни қамраб олиш лозимлиги уқтирилмоқда. Чунки, ҳаётимизнинг бир соҳаси янгиланиб, иккинчи бир соҳаси эскича қоладиган бўлса, унда иқтисодий ўсишга ёки маънавий юксалишга эришиб бўлмайди. Шу туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳалари инобатга олинган. Иккинчидан, замон талабидан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштириш мақсади-

да янгилашга эришиш тушунилади, дейилган. Ҳақиқатда замон жадаллик билан ривожланиш босқичида. Макон эса шунга мос равишда шиддат билан ўзгармоқда. Бундай шароитда ҳаётимизнинг барча жабҳаларини замон талабидан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгилашга эришиш лозим бўлади. Акс ҳолда олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришиш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимиз, мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини таъминлашимиз мурккаблашиб қолади.

Мамлакатимиз раҳбари "Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз — бошлаган ислоҳотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир", деб таъкидлади. Ушбу улкан вазифаларга эришиш баробарида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш, ривожланган демократик давлатлар сафидан ўрин олиш масаласи ҳам ўта долзарблигини ёдимизда сақлашимиз лозим.

Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, модернизацияни нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда ҳам амалга оширишимиз ва уларни ҳам замон талабидан келиб чиққан ҳолда янгилашга эришишимиз лозим экан. Биз мазкур ҳолатда фақат иқтисодиётни модернизациялаш борасида фикр юритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, кенг кўламли ҳаётимизни модернизациялаш жараёни ҳам кенг кўламлидир.

2. Модернизациянинг турлари ва уларни асослашнинг назарий масалалари

Ҳар бир тушунчанинг таърифи, унинг мазмунини тўлиқ очиб беради. Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, модернизацияни иқтисодиёт соҳаси билан бирга ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда ҳам амалга оширишимиз лозим экан. Чунки, уларни ҳам иқтисодиётга мос тарзда замон талабидан келиб чиққан ҳолда янгилашга эришишимиз даркор. Агар ижтимоий ҳаётни модернизация қилиш лозим бўлса, унга мос равишда иқтисодий ва маънавий ҳаётимизни янгилашимизга тўғри келади. Маънавий ҳаётимизни модернизация қилиш бевосита улар билан бирга олиб борилади..

Биз мазкур ҳолатда фақат иқтисодиётни модернизация қилиш борасида фикр юритишимизга сабаб, ушбу мақоланинг олдига қўйилган мақсадимиз ҳам ушбу иқтисодиёт соҳасига мос тарзда модернизациянинг табиатини очиб беришдан иборатдир. Бизнинг фикримизча, иқтисодиётни модернизация қилишнинг 4 та тури мавжуд:

1. Ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш.
2. Технологик жараёнларни модернизациялаш.
3. Иқтисодиётни бошқариш усулларини модернизациялаш.
4. Ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш.

Ушбу турларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қуйидаги расмда келтирамиз (5.1-расм).



5.1-расм. **Иқтисодиётни модернизациялашнинг турлари**

Ушбу турларнинг ҳар бирини қисқача кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялашни тўлиқ англаш учун, энг аввало, унинг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Биз ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш дейилганда, эски ишлатилиб келинаётган ишлаб чиқариш воситаларини (техникаларни) бугунги кун талабига мос ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгилаш, яъни янги техникаларга алмаштириш

тушунилади. Масалан, нон ишлаб чиқаришда олдин ишлаб чиқариш воситаси сифатида оддий тандирдан фойдаланилган, сўнгра у механизациялаштирилган махсус қурилмаларга алмаштирилган.

Ҳозир эса, нонни ультратовушли печларда автоматик усуллар билан ҳам тайёрламоқда. Ушбу жараёнларнинг барчаси нон ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш воситаларини (техникани) модернизация қилишдан иборатдир.

Яна бир мисол: олдин бухгалтерияда ҳисоб-китоб ишлари оддий идоравий счетдан фойдаланган ҳолда бажарилар эди. Кейинчалик ҳисоб-китоб механизациялаштирилди, ҳозир ушбу жараён компьютерлардан кенг фойдаланиш натижасида автоматлаштирилди. Копьютерга бирламчи маълумотларни киритилгандан кейинги жараённи одамнинг иштирокисиз бухгалтерия балансигача бўлган босқични махсус дастурлар асосида бажариб бермоқда.

Модернизациялашнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, техникаларни янгилаш ва уни замонавийлаштириш эвазига иқтисодий жараёнларни такомиллаштириб боради. Бу эса, ўз навбатида, қўл меҳнатини қисқартириб, буюмлашган меҳнатнинг ҳиссасини оширади. Мазкур ҳолат, биринчидан, ходимларнинг янги техникаларни бошқарадиган малакани эгаллашни тақозо қилса, иккинчидан, бўшаб қолган ходимлар учун янги-янги иш ўринларини яратиш заруратини ҳам туғдиради.

Технологик жараёнларни модернизациялаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аммо ушбу масала ҳам иқтисодий адабиётларда етарли тарзда ёритилмаган. Шу туфайли ушбу тушунчага ҳам таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Технологик жараёнларни модернизациялаш дейилганда, олдинги технологияларга нисбатан замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотларни (хизматларни) ишлаб чиқарадиган тежамкор ва самарали технологияларнинг жорий қилиниши тушунилади. Бунга ҳам бир қанча мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, телефонда сўзлашгични олайлик. Олдин алоқа қилиш учун қанча ёғоч, сим, бир жойга ўрнатилган катта телефон аппаратидан фойдаланилар эди. Улардан бир жойда фойдаланиш мумкин эди, холос. Кимга телефонда гаплашиш керак бўлса, унинг телефонга бориши лозим эди. У бор-йўғи битта сўзлашув хизматини бажарарди. Ҳозир қўлдаги телефонлардан фойдаланиш ёғоч, сим ва катта телефон аппаратини ҳам инкор қилди. Ушбу телефон юқо-

ри технологик ускуна сифатида эгасини турғун телефонга бориб юришдан, фотоаппаратдан, телефон дафтарчасидан, почта орқали хат ёзишдан, маълум даражада компьютер орқали интернет билан уланиш хизмати кабилардан озод қилди.

Яна бир мисол. Олдин паровозлар поездларни тортган. Ҳар бир паровозда бир қанча кўмир ташлаб турадиган ўтёқарлар банд бўлган. Бу жараён такомиллашиб теплозозларга алмашгандан кейин мос равишда ўтёқувчилар керак бўлмасдан қолди. Ўша юк ташиш операцияси энди юксакроқ технологияга алмашди. Аста секинлик билан электровозлар чиқди. Бу эса, тепловозларни инкор қилди. Бу янги технологияни бошқараш учун янги малакали ходимлар керак бўлди. Шу тариқа замон ва маконда технологик жараёнлар ва унга мос равишда ходимлар малакаси ҳам такомиллашиб боради.

Бошқарув усулларини модернизациялаш ҳам замон талабига мос бўлиши керак. Илғор техника ва технологиялар билан ишлайдиган ходимларни эски бошқарув усуллари билан бошқариб бўлмайди. Шу туфайли ушбу тушунчага ҳам таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Бошқарув усулларини модернизациялаш дейилганда, бутун жараённи (ишлаб чиқариш, технологик, хизмат кўрсатиш, назрат, инновация каби) бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда бошқариш тушунилади. Ушбу ҳолатга қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, солиқ ундирилишининг назорати, олдин бевосита жойларга бориб амалга оширилган, ҳозир эса камерал назорат (жойларга бормасдан ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар асосида солиқ идорасида текшириш) жорий қилинган. Ушбу ҳолатга ҳозирги кунда жорий қилинган "Электрон ҳукумат"ни ҳам мисол келтириш мумкин. Мазкур ҳолатда бошқарув бевосита ОНЛАЙН тизимида амалга оширилади. Эндиги ҳокимият ходимлари биринчи галда компьютерда ишлашни ва шу усул билан бошқаришни билишини тқозо қилмоқда.

Яна бир мисол. Олдин вазирликларда мажлис бўладиган бўлса ҳаммани Тошкентга ёки бирорта мажлис белгиланган жойга чақирар эди. Ҳозир эса, видео селектр, аудио селекторлар орқали мажлисларни тегишли ходимларнинг иштирокини жойларда ўтириб таъминлаган ҳолда амалга оширмоқа. Булар жуда кўп вақтни, мабағни тежаш имконини бермоқда.

Ҳозирги пайтда ходимлар малакаси ва кўникмасини модерни-

зациялаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки барча ишларнинг бошида ходимлар туради. Барча жараёнларни такомиллаштирадиган ҳам ходимларнинг ўзлари. Аммо илғор техника ва технологиялар ҳозирги пайтда хориждан келтирилаётганлиги туфайли уларни ишлатадиганлар ҳам ходимлар бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида, ходимларнинг ҳам малакасини замон талабига мос ҳолда такомиллаштиришни талаб қилади. Бунга улар малакасини модернизациялаш орқали эришади. Шу туфайли ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш тушунчасининг ҳам таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Ушбу масалага, бизнинг фикримизча, қуйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш дейилганда, ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш эвазига замонавий усулларда бошқариш, техника ва технологияларни ишлатишга қодир ходимларни янгидан шакллантириш тушунилади. Бунга бир қанча мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, олдинги бухгалтерлар ҳисоб-китоб учун счетни яхши билса етарли эди. Ҳозир компьютерни билишни тақозо қилади. Эндиги бухгалтерлар компьютер техникасини яхши билишни тақозо қилади.

Яна бир мисол: деҳқон олдин қўл меҳнати билан қўш қўшиб ер ҳайдаб экин эккан, кейинчалик механизация ёрдамида ҳайдайдиган ва ҳосилини йиғиштириб оладиган жараён шаклланди. Энди олдинги деҳқон техникани бошқаришни билиши лозимлигини тақозо қилади. Ҳозир мамлакатимизда интенсив боғларни кўпайтириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Мазкур боғларни парвариш қилишнинг агротехникаси олдингилардан бутунлай фарқ қилади. Ушбу жараёнлар бевосита компьютерлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Эндиги деҳқон компьютерни ҳам билишни, ўзини шу йўналишда модернизация қилишни тақозо қилади.

Кўриниб турибдики, модернизация жараёни, шу жумладан, иқтисодиёт соҳасида ҳам уни амалга ошириш кенг кўламли жараён экан. Бизнинг ушбу тавсияларимиз ва қарашларимиз мадернизация масаласи бўйича назарий қарашларни бойитади ва амалий жиҳатдан жуда кўп жараёнларга аниқлик киритади, деган умиддамиз.

3. Диверсификациянинг таърифини асослашнинг назарий масалалари

Ҳозирги пайтда ҳаётимизга кириб келган диверсификация тушунчаси ҳам амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шу туфайли ушбу

атаманинг ҳам мазмунига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Диверсификациянинг луғавий маъносига эътиборни қаратадиган бўлсак, ушбу атама лотинча сўздан олинган бўлиб (**diversus** — "турлича" ва **facere** — "қилмоқ"), кегайтириш, кўпайтириш маъноларини англатади.

Мана шу сўздан келиб чиқиб, унинг таърифини келтириш мумкин. Бизнинг фикримизча, унга қуйидаги таърифни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Диверсификация дейилганда, иқтисодиётда корхоналар фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, хизматларнинг турларини кўпайтириш, янги-янги бозорларни эгаллаш жараёнлари тушунилади.

Ушбу таърифни қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, диверсификация дейилганда мазкур ҳолатда иқтисодиёт соҳаси кўзда тутилаётганлигига эътиборни қаратиш лозим. Иккинчидан, таърифда корхоналар фаолиятини кенгайтириш масаласи қўйилмоқда. Бу айнан унинг мазмунини ташкил қилади. Чунки диверсификациянинг мақсади ҳам кенгайтиришга, кўпайтиришга қаратилгандир. Учинчидан, ушбу таърифда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, хизматларнинг турларини кўпайтириш масаласи ҳам ўз аксини топган. Чунки, ҳар қандай корхона ёки хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини кенгайтиргач, албатта маҳсулотининг турлари кўпаяди ёки хизматларининг сони ошади. Мазкур таърифда ушбу масала тўлиқ ўз ифодасини топган. Тўртинчидан, кўпайтирилган турли маҳсулот ва хизматларни сотиш учун янги-янги бозорларни эгаллаш лозим бўлади. Шу туфайли ушбу жараёнлар ҳам таърифда ўз ифодасини топган ва улар ҳам инобатга олинган.

4. Диверсификациянинг турлари ва уларнинг назарий масалалари

Ҳозирги адабиётларда диверсификациянинг турлари хусусида деярли ҳеч қандай гап айтилмаган. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, унинг 3 та тури мавжуд:

1. Жамланма диверсификация.
2. Горизонталь диверсификация.
3. Вертикал диверсификация.

Диверсификациянинг ушбу турларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қуйидаги расмда келтирамиз (5.2-расм).



5.2-расм. **Иқтисодиётни диверсификациялашнинг турлари**

Уларнинг ҳар бирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Масалан жамланма диверсификацияни оладиган бўлсак, бу ҳақда иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаган. Буларни инобатга олиб ушбу масаланинг ҳам таърифини ишлаб чиқиш лозим деган хулосага келдик. Бирок, адабиётларда ушбу масала бўйича аниқ фикрларнинг айтилмаганлигини инобатга олиб, тадқиқотлар натижасида ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Жамланма диверсификация дейилганда, корхонанинг технологик жараёнларни, кескин ўзгартирмасдан олдинги ишлаб чиқараётган товарига (хизматига) ухшаш янги товарни ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) кўпайтириш тушунилади.

Ушбу масаланинг моҳиятини очиб бериш учун бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Масалан, нон ишлаб чиқарувчи корхона 5 турдаги нон ишлаб чиқараётган эди. Энди бозор талабидан келиб чиқиб, яна 2 та турини қўшиб, уларнинг ассортиментини 7 тага етказди. Яна бир мисол: фирма тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, одамларни уқалаш муолажасини йўлга қўйди. Сўнга шу жойнинг ўзида бошқа тиббий хизматларни, яъни укол қилиш, айрим тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш каби хизматларни ҳам кўрсата бошлади. Мазкур корхона шу тарика маҳсулотини (хизматини) диверсификация қилди.

Горизонталь диверсификация ҳам амалиётда қўлланилиб

келинмоқда. Аммо уларнинг ҳам таърифлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли унинг ҳам таърифини беришга ҳаракат қилдик.

Горизонталь диверсификация дейилганда, корхонанинг олдинги қўллаётган технологиясидан бошқа ресурс ва энергия тежайдиган самарали технологияни қўллаб, уларни кенгайтирган ҳолда ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) йўлга қўйиши тушунилади. Бунга ҳам бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, электр энергаясини газдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни қуёш энергияси билан ишлаб чиқаришга алмаштириш кўп қулайликларга эга. Шу тариқа энергия ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришилади. Иккинчи мисол: тўқимачилик саноатида қўлланилаётган ярим автоматлаштирилган технологияларни тўлиқ автоматлаштирилган технологиялар билан алмаштириш эвазига маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам шундай диверсификацияга киради. Ушбу ҳолатга яна бир мисол: маиший хизмат кўрсатишда кир ювишни олдин оддий кир ювиш машинасида амалга оширган бўлса, сўнгра ушбу юмуш автоматлашган ускуналарда амалга ошириладиган бўлди. Натижада технологиянинг такомиллашуви эвазига бир вақтнинг ўзида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатишга) эришиладиган бўлди. Буларнинг барчаси горизонталь диверсификация бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг юксалишида ишлаб чиқаришнинг (хизмат кўрсатишнинг) кенгайишида вертикал диверсификациянинг ўрни ва аҳамияти катта. Аммо ушбу тушунчанинг ҳам таърифи ишлаб чиқилмаган. Буни инобатга олиб унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Вертикал диверсификация дейилганда, корхонанинг янги филиалларини, қўшма ва шўъба корхоналарини очиш, янги товарларни ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш), янги бозорларни топиш эвазига олдинги ҳолатини кенгайиши тушунилади. Ушбу таърифни тушуниш учун бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Масалан, телевизор заводи бозор талабидан келиб чиқиб турли русмдаги радиоларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу жараёнда янги технологиялар ҳам жорий қилинди ва янги маҳсулот ишлаб чиқарилди. Иккинчи мисол: нон ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона, тегишли тарзда бойлик тўплагач ўз маблағи ҳисобидан тўйхона қуриб ишга туширди. Бу ерда битта корхона мазмун

жиҳатидан бошқа характерга эга бўлган иккитага айланди. Яна бир мисол: тадбиркор аёл маиший хизмат турларидан бири бўлган гўзаллик салонини очди. Сўнгра келинлар либосини очиш учун қўшимча бино барпо этди. Буларнинг барчаси вертикал диверсификация бўлиб ҳисобланади.

Ушбу тушунчаларга атрофлича тўхталишимизга сабаб, ҳозирги пайтда жуда кўп параграфлар ва илмий асрлар "Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ..." каби сўзлар билан бошланади. Аммо мақолада кўтарилган масала умуман иқтисодиётнинг модернизацияланиши билан алоқаси йўқ. Демак, ушбу сўзни ёзган кишилар мазкур тушунчаларнинг мазмун моҳиятига тўлиқ тушуниб етган эмас. Худди шундай гапларни диверсификация сўзига ҳам қўллаш мумкин. Ўйлаймизки бизнинг мазкур ишимиз масалага анча ойдинлик киритади.

Мазкур параграфга Муҳтарам Президентимизнинг ушбу гапи билан якун ясаймиз. "Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз — бошлаган ислоҳотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир"[37]. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсонлар учун, уларнинг бахт-саодати, фаровонлигини, ҳаёт сифатини оширишга қаратилганлиги, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга йўналтирлганлиги билан ҳам муҳимдир.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил ишлаш учун саволлар

1. Модернизация тушунчасининг таърифини ёддан айтинг ва уни назарий жиҳатдан асослаб беринг.
2. Модернизациянинг турлари ва уларни асослашнинг назарий масалалари.
3. Ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш.
4. Технологик жараёнларни модернизациялаш.
5. Иқтисодиётни бошқариш усулларини модернизациялаш.
6. Ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш.

[37] Ўша жойда. – 3-бет.

7. Диверсификациянинг таърифини асослашнинг назарий масалалари
8. Диверсификациянинг турлари ва уларнинг назарий масалалари
9. Жамланма диверсификация.
10. Горизонталь диверсификация.
11. Вертикал диверсификация.

Калитли сўзлар:

Модернизация, модернизация турлари, ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш, технологик жараёнларни модернизациялаш, иқтисодиётни бошқариш усулларини модернизациялаш, ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш, диверсификация, диверсификация турлари, жамланма диверсификация, горизонталь диверсификация, вертикал диверсификация.

6-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУРЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ[38]

РЕЖА:

1. Инновациянинг таърифини асослашнинг назарий масалалари.
2. Инновациянинг турлари ва уларнинг таснифи бўйича концентуал йўналишлар
3. Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи.
4. Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш.
5. Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи.
6. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш.
7. Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш.
8. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш.
9. Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш.

*****

1. Инновациянинг таърифини асослашнинг назарий масалалари

Агар хўжалик юритувчи субъект барқарор равишда катта муваффақиятларга эришиб бораётган бўлса, уни шунчаки табиий ҳол деб қарамаслик керак, ушбу жараён ҳамиша ҳаммадан ижодий ёндашувни талаб қилади. Шу туфайли корхонангиз юқори суръат билан ривожланаётган бўлса, у чегара бўлмаслиги лозим. Ҳеч бўлмаганда шу суръатни ушлаб туриш керак бўлади. Бунинг учун ҳам ҳамиша янгиликни жорий қилишни инновация категориясидан орқада қолиб кетмасликни таъминлаб бориш лозимдир.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, жуда кўп тадбиркорлар ўзларининг фаолиятига янгиликларни жорий қилишдан, яъни инновациядан қўрқадилар. Чунки, уларнинг кўплари синалмаган бўлганлиги туфайли риск катта деб биладилар. Албатта риск маълум даражада катта бўлиши мумкин. Аммо инновациядан бош тортиш бугунги тез ўзгаришлар замонида бунданда катта рискдир.

[38] Мазкур боб Т.Мамасоатов билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.

Чунки инновация рискидан қўрққан тадбиркор ўзининг корхонасини ўз ихтиёри билан инқирозга маҳкум қилиши мумкин.

Шуни эътироф этиш керакки, инновация – бу мураккаб иш. Аммо ишда майда-чуйда бўлмаганидек, унда ҳам майда-чуйда бўлмайди. Шу туфайли мазкур масалага жуда синчиковлик билан ёндашишни тақозо қилади. Ушбу ҳолат инновация билан шуғулланадиган шахслардан, айниқса, ўз маблағини тиккан тадбиркорлардан маълум даражада билим ва кўникмани талаб қилади. Шу туфайли инновация ҳар бир ўзини билган тадбиркорнинг ҳаётида устувор вазифалардан бири сифатида ҳамиша кун тартибида туришни тақозо қилади.

Ушбу ҳолатларнинг ҳаммаси инновацияларни тадқиқ қилишни тақозо қилади. Аммо тадқиқот унинг таърифини ишлаб чиқишдан бошланади. Шу нуқтаи назаридан, ушбу атаманинг таърифига назарий жиҳатдан тўхталамиз. Бу борада "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да жўяли гап айтилган. Унда "инновация" атамасини инглиз тилидаги "innovation" сўзидан олинган бўлиб, киритилган янгилик, ихтиро[39], деган маъноларни англатиши қайд қилинган. Шу жойнинг ўзида ушбу атамага учта изоҳ берилган.

1. Техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар.

2. Илғор техника ва технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши.

3. Муайян тилда, асосан унинг марфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари)[40].

Ушбу тушунча маълум даражада инновациянинг мазмунини ва ундан келиб чиқадиган таърифини ишлаб чиқишга асос бўлади. Аммо мазкур масала бўйича иқтисодий адабиётларда турли фикрлар айтилмоқдаки, улар биринчидан, бир-биридан жуда узоқ бўлиши билан бирга, унинг кўп қирралари инобатга олинмаган. Иккинчидан, ҳар қандай категория ёки тушунчага таъриф беришда қайси нуқтаи назардан қараш ҳим аҳмиятли. Мазкур ҳолат аниқ бўлмаганлиги туфайли инновациянинг таърифи бўйича ҳам турли бир-бирига карама-қарши ҳолатлар ҳам учрайди. Буларнинг айримлари қуйидаги жадвалда келтирилган (6.1-жадвал).

---

[39] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.II. Е-М. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН, 2006. – 213-бет.

[40] Ўша жойда. – 212 бет.

6.1-жадвал

Инновация бўйича турли олимлар берган таърифлар ва тушунчалар[41]

Т/р	Муаллифларнинг фамилияси, исми ва шарифи	Инновациянинг таърифлари	Мазкур таъриф берилган манба
1.	Ўзбек тилининг изоҳли луғати	"Инновация" атамаси инглиз тилидаги "innovation" сўзидан олинган бўлиб, "киритилган янгилик, ихтиро", деб кўрсатилган.	Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирик-маси. Ж.II. Е-М. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН, 2006. – 213-бет.
2.	Большая экономическая энциклопедия	Бозорнинг истиқболли талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга лойиҳавий, технологик, моддий, ташкилий жиҳатларга янгилик киритиш билан боғлиқ фаолият.	Большая экономическая энциклопедия. - М.: Эксмо, 2007. - 257 с.
3.	П.Ф. Друкер	Инновацтя – бу билимни, фавқулотда ихтиро ва қатъиятликни талаб қиладиган иш.	Друкер П.Ф. Энциклопедия менеджмента. Пер с англ. – М.: ООО И.Д. Вильямс" 2006.-336 с.
4.	Б.Т.Бейсенгалиев	Илмий-техник ғоялар, ихтиролар ва ишланмаларнинг амалиётда қўлланилишгача бўлган тадбирлар тизими.	Барқарор ижтимоий иқтисодий ривожланишни таъминлашда туризмнинг роли. Халқаро ИАК материаллари (Самарқанд: 2010й. 24-26 ноябрь).-132 б.
5.	У.Ахмедов	Янги туристик хизматларни яратишга ёки мавжудларини ўзгартиришга қаратилган, янги бозорларни ўзлаштиришга, ил-	Ўша жойда. – 113-бет.

[41] Тадқиқотлар натижасида муаллифлар томонидан тузилди.

		ғор ахборот телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга, жойларни олдиндан бронлашни такомиллаштиришга, меҳмон-хоналарнинг фаолиятига ташкилий бошқарувнинг замонавий шаклларини жорий қилишга йўналтирилган фаолият натижаси.	
6.	И.Т.Абдукаримов, Р.А. Абдуллаев	Янги техника ёки технологияларга, ишлаб чиқариш, меҳнат, хизмат кўрсатиш, бошқариш кабиларни янги шаклда ташкил қилишга қўйилган капитал (инновация) натижасида олинган моддий натижа.	Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар. Халқаро ИАК материаллари. (2012 й. 29 июнь-1июль) -343-бет.
7.	А.Қ.Тўхта-мишев	"Инновацион хизматлар" деб объектив янгиликка эга бўлган, яъни илк маротаба истеъмолчига кўрсатиладиган ва янги бозорни ташкил этадиган хизматларга айтилади.	Ўша жойда. – 48-бет.
8.	О.А.Абдурахманов, С.Ш.Халилов	Туризмда инновация – бу туристик маҳсулот ва хизматнинг ўзидаги янгилик ёки унинг таклиф этилиши, реализациясидаги такомиллашув, провардида эса соҳа ходимлари профессионал малакасининг юксалишидир.	Ўша жойда – 110-бет.
9.	Муаллифлариники	Инновация дейилганда, илғор ғоялар асосида амалга оширилган ишланмалар натижаларининг фан ва техника ютуқлари, илғор технология ва янги ихтиролар сифатида турли соҳаларда (иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув тизими кабиларда) қўлланилиши билан боғлиқ ҳодиса тушунилади.	Мазкур ишда назарий жиҳатдан асосланган

Бундай рўйхатни яна истаганча давом эттириш мумкин. Аммо юқорида келтирилган таърифлардан ҳам кўриниб турибдики, барча таърифлар бир-бирига ўхшамаган ҳолда битилган. Бунда турли мамлакат ва турли соҳа олимларидан, фундаментал луғатлардан мисоллар келтирдик. Бундай ўзига хослик ҳали инновация бўйича назарий қарашларнинг шаклланмаганлигидан, бу борада олимларнинг бир тўхтамга келмаганлигидан далолат беради. Бу ҳолат фикримизча, қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- инновацияларга турли кишилар турли манфаатлар нуқтаи назардан қарамоқдалар;
- бир киши тармоқ нуқтаи назаридан қараса, иккинчи киши мазмуни нуқтаи назаридан қарашни афзал ҳисобламоқда;
- бири инновацияни яратувчилар нуқтаи назаридан ва иккинчиси, ундан фойдаланиш бўйича қарамоқда;
- айрим олимлар фақат иқтисодиёт нуқтаи назаридан қарашни етарли, деб ҳисобламоқда;
- айрим олимлар инновацияни иқтисодий ўсишнинг омили сифатида талқин қилмоқда.

Кўриниб турибдики, инновациядан тўғри фойдаланиш учун ҳали ўз ечимини кутаётган нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга молик бўлган анча муаммолар мавжуд. Уларни ҳал қилиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бугунги кунда, айниқса, келажак истиқболда иқтисодий ўсишнинг ва мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосини инновацион омиллар ташкил қилади.

Ушбу заруратдан келиб чиқиб, инновация тушунчасининг умумий ҳамма соҳага тегишли бўлган таърифини ишлаб чиқишга ва уни назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қиламиз.

Инновацяга берилган юқорида келтирилган таърифлардаги камчиликларни бартараф қилиш учун назарий жиҳатдан қуйидагича изоҳлаш мумкин бўлади. Бизнинг фикримизча, инновацияга нафақат иқтисодиёт нуқтаи назаридан, балки инновация ҳаётимизнинг ҳамма соҳасини қамраб олиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Таърифлар қуёш сингари ҳаммабоп бўлиши керак. У тоғга ҳам, чўлга ҳам бир хил нурини таратгандек, ҳар қандай таъриф ҳам барча соҳалар учун қўлланилиши мумкин бўлиши лозим.

Ушбу назарий хулосаларга асосланган ҳолда ушбу тушунчанинг таърифини қуйидагича асослашимиз мумкин.

Биринчидан, инноқация дейилганда, энг аввало илғор ғоялар, ишланмалар инобатга олиниши лозим. Чунки, ҳар қандай жараённи такомиллаштириш учун олдин ғоя пайдо бўлади ва шу асосда ишланмалар шакллантирилади. Ана шу икки нарса барча бошқа инновацион жараёнларнинг пайдевори бўлиб ҳисобланади. Бу иқтисодиётми ёки ижтимоий ҳаётимизнинг бошқа йўналишими ҳаммасида бир хилда амал қилади.

Иккинчидан, фан ва техника ютуқлари, технология ва янги ихтиролар ҳам инновациянинг таърифида ифодаланиши кўриниб туриши керак. Чунки янгиликлар ғоя асосида яратилса, ишланмалар натижасида унинг назарий ва амалий аҳамияти исботланади. Бу эса фаннинг ривожланишига ва шу асосда янги техниканинг яратилиши ва унинг албатта олдингиларга нисбатан илғор технологияларга асос солиши инобатга олиниши лозим. Шу туфайли инновациянинг таърифида ушбу жиҳатларнинг бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда шуни инобатга олиш керакки, илғор технология гуё иқтисодиётга дахлдордек туюлади. Аслида тиббиётда ҳам, хизматнинг номоддий соҳасида ҳам, ижтимоий ҳаётимизнинг жуда кўп соҳаларида ҳам илғор технологияларсиз ривожланишни тасаввур қилиш қийин.

Учинчидан, ушбу янгиликларнинг турли соҳаларда (иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув тизими кабиларда) қўлланилиши билан боғлиқ ҳодиса ўз ифодасини топмоғи лозим. Сабаби, инновация янгиликларни жорий қилиш билан боғлиқ жараён бўлганлиги туфайли, ҳамма соҳаларни қамраб олиши шарт. Чунки, уни фақат иқтисодиётга жорий қилиб, бошқарувни асл ҳолида қолдириб бўлмайди. Ёки иқтисодиётга жорий қилиб, ижтимоий ҳаётга татбиқ қилинмаса ҳам жамиятнинг тўлақонли тараққиёти ва ривожланиши таъминлаш қийин бўлади. Масалан, илғор ахборот ва телекоммуникациянинг иқтисодиётга жорий қилинишини олайлик. Бундан ижтимоий ҳаётимизда фойдаланилмаса иқтисодий юксалишга эришишнинг ўзи мушкул бўлиб қолади. Шу туфайли инновацияни бир даврнинг ўзида барча соҳаларга жалб қилишга киришиш лозим. Бу эса, ушбу ҳолатни унинг таърифида беришликни тақозо қилади. Булардан кўриниб турибдики, инновация ҳам кенг қамровли тушунча экан.

Юқоридаги назарий асослардан келиб чиқиб инновацияга қуйидагича таъриф беришни тавсия қиламиз. **Инновация дейил-**

ганда, илғор ғоялар асосида амалга оширилган ишланмалар натижаларининг фан ва техника ютуқлари, илғор технология ва янги ихтиролар сифатида турли соҳаларда (иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув тизими кабиларда) қўлланилиши билан боғлиқ ҳодиса тушунилади. Бизнинг фикримизча, мазкур таъриф ҳамма соҳага, ҳамма вақтга ва ҳамма манфаатдор субъектларнинг манфаатларига мос келади. Шу жиҳатдан ушбу таърифни инновацияга берилган энг такомиллашган таъриф сифатида баҳоланиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Бунга бир қанча назарий асосларимиз бор. Биринчидан, инновация дейилганда, илғор ғоялар асос қилиб олинган. Чунки, ҳар қандай янгилик энг аввало ғоядан бошланади. Ҳар қандай жараённи такомиллаштириш учун энг аввало, унинг ғояси туғилган бўлиши керак.

Иккинчидан, энди яратилган ғоянинг амалга оширилиш механизми ишга тушиши лозим. Демак, ғоя асосида амалга оширилган ишланмалар натижаларига эътиборни қаратишга тўғри келади. Бунинг натижаси, таърифда келтирилганидек, фан ва техника ютуқларида ўз аксини топади.

Учинчидан, таърифда келтирилганидек, ғоя илғор техника, технология ва янги ихтиролар сифатида намоён бўлади. Булар тажриба майдонида синалган ва маълум даражада самарадорликка эга ҳолатни таъминлаган бўлади. Булар бевосита иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизга татбиқ қилина боради. Натижада мазкур корхона ва унинг маҳсулотининг рақобатбардошлиги таъминланиб боради.

Тўртинчидан татбиқ қилиш соҳаси ҳам таърифда келтирилган. Булар турли соҳалар бўлиб, ўз ичига иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув тизими каби жараёнларда қўлланилиши билан боғлиқ ҳодисаларни олади. Таъкидланганидек, мазкур таъриф нафақат иқтисодий соҳа билан чегараланиб қолмасдан, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ўз ичига олиши билан ҳам афзаллигини кўрсатиб турибди. Блардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур таъриф такомиллашганлиги билан ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Шундай қилиб, мазкур таърифда келтирилган инновация, унинг туридан ёки ким ихтиро қилишидан, ёки ким манфаатдорлигидан, қайси вақтда яратилганлигидан қатъий назар ҳамма соҳага дахлдордир. Ушбу ҳолат мазкур таърифнинг ўзидан олдинги таъ-

рифларга нисбатан ҳаммабоплиги, назарий жиҳатдан асосланганлиги билан ҳам ажралиб туради.

2. Инновациянинг турлари ва уларнинг таснифи бўйича концептуал йўналишлар

Инновациянинг турларини тўғри тушуниш ва уларнинг таснифи бўйича концептуал йўналишларини аниқ белгилаш учун уларни таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, охирги пайтларда инновация масаласи иқтисодий адабиётларда шу даражада кўп ёритилмоқдаки, уларнин ўзлаштириб улгуриш қийин бўлмоқда. Аммо уларнинг барчасида битта тенденция кўзга ташланмоқда. Бунга турли кишилар турли нуқтаи назардан қараши оқибатида, назарий жиҳатдан бир тизимга келтирилмаган. Бу эса, ўз навбатида, инновациянинг таснифини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Агарда тушунчалар тегишли тарзда таснифланмаса ҳар қандай вазиятда ҳам нафақат назарий масалаларни, балки амалиётга жорий қилишдаги ҳолатларни ҳам чалкашликка олиб келиши мумкин. Шу туфайли инновацияларни таснифлаш лозим, деган хулосага келдик.

Бизнинг фикримизча, инновацияларни бир қанча белгилари бўйича таснифлаш лозим. Тадқиқотларимиз натижасида ушбу белгиларнинг 7 та эканлиги аниқланди. Чунки, инновацияни яратувчиларининг манфаати, ундан фойдаланувчилар манфаати билан фарқ қилади. Ёки инновацияларни жорий қилишда ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олишни тақозо қилади. Инновация вақт нуқтаи назаридан ҳам фарқ қилади. Шу туфайли инновацияни қуйидаги белгилар бўйича ушбу таснифини келтириш мумкин:

1. Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи.
2. Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш.
3. Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи.
4. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш.
5. Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш.
6. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш.
7. Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш.

Ушбу белгиларнинг инновация билан боғлиқлигини расм шаклида ҳам қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин (6.1-расм).



6.1-расм. ***Инновацияни таснифлаш белгилари ва концептуал йўналишлари***

Инновациянинг турларини ушбу белгилар бўйича алоҳида ҳар бирини қисқача қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, биринчидан, ушбу масала иқтисодий адабиётларда етарли даражада қаралмаган бўлса, иккинчидан, ушбу тушунчанинг ҳозирги кундаги аҳамиятидан келиб чиқиб, уни кечиктириб бўлмайдиган масала сифатида қараш лозимдир. Учинчидан, иқтисодиётимиз ҳам инновацион иқтисодиётга ва шу омил эвазига ривожланиш босқичига тўлиқ ўтмокда. Ушбу ҳолатлар, таъкидланганидек, ҳар бир гуруҳни қараб чиқишни тақозо қилади.

3.Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи

Инновациянинг ушбу таснифи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инновацияларни кимлар яратиши ҳам унинг амалиёти ва назарияси учун муҳимдир. Ушбу ҳолат келажакда қайси соҳа ходимларига кўпроқ таяниш мумкинлигини ҳам кўрсатиб беради. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, инновациялар асосан учта тоифа одамлар (мутахассислар, олимлар, конструктор ва ихтирочилар) томонидан яратилар экан. Шу нуқтаи назардан ушбу белгиси бўйича инновацияни қуйидаги турларга бўлишни лозим, деб топдик:

- илмий ходимлар томонидан яратилган инновация;
- тажрибали амалиётчилар томонидан яратилган инновация;

- махсус ихтирочилар томонидан яратилган инновация;

Ушбу гуруҳ инновацияларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қуйидаги расмда кўриш мумкин (6.2-расм).



6.2-расм. **Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи**

Илмий ходимлар томонидан яратилган инновациялар назария ва амалиётни ўрганиш асосида уларни такомиллаштиришга қаратилган бўлади. Булар икки йўналишда амалга оширилади: шахсий ташаббус билан ва давлат буюртмаси билан, маълум миқдорда грантлар ажратиш натижасида. Шахсий ташаббус билан амалга оширилган инновациялар кўп ҳолларда мустақил тадқиқотлар олиб бориш натижаси бўйича конференцияларда маъруза қилиш, илмий китобларда ифодалаш билан чегараланиб қолади. Чунки инновацияни яратган олимнинг ҳаммаси ҳам инновацион бозорга ўзининг товари билан иштирок этавермайди. Шу туфайли мутахассислар илмий адабиётлар билан мунтазам равишда танишиб боришлари лозим.

Бир қисм инновациялар асосан мустақил тадқиқот олиб бораётган илмий ходимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан яратилади. Бунга давлатнинг бюджети билвосита сарфланади. Булар инновацияларни асосан илмий фаолияти давомида яратадилар. Бундай ихтироларни ҳам қўшимча рағбатлантириш механизмини ўйлаш ва амалиётга жорий қилиш йўлларини ҳам осонлаштириш керак, деб ўйлаймиз.

Давлат буюртмаси билан, маълум миқдорда грантлар ажратиш натижасида ишланган инновациялар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни Мувофиқлаштириш марказига топ-

ширилади ва қолган қисми давлатнинг ихтиёрига ўтади ва унинг амалиётга татбиғи билан асосан давлат ташкилотлари шуғулланади. Буларнинг кўпи тажриба майдони етарли бўлмаганлиги туфайли амалиётда кенг қўлланилмасдан қолиб кетиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Инновацияларни ихтиро қилишдаги иккинчи йўналиш – тажрибали амалиётчилар томонидан яратилган инновациялардир. Одатда, жуда кўп амалиётчилар бирорта соҳада узоқ ва самарали ишлаши натижасида катта тажриба орттиради. Бундай ходимлар жим ўтирмайди ва ўз фаолиятини мунтазам равишда такомиллаштириб боради. Бу аснода турли инновацион йўлларини ахтариб топадилар. Булар рағбатни ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш билан бирга харажатлар тежамкорлигига эришади. Мазкур ходимлар рағбатни билвосита оладилар ва шунинг учун катта ижодий ёндашиш билан ишлайдилар. Ҳозирги шароитда кўпчилик корхоналар хусусий секторга тегишли бўлганлиги туфайли, ҳар қандай самарадорлик корхонанинг фойдаси учун ишлайди. Бундан инновация яратувчиси мулкдор сифатида ҳам манфаатдор.

Махсус ихтирочилар ва конструкторлар томонидан яратилган инновациялар ҳам унинг яратувчилари нуқтаи назаридан алоҳида йўналиш бўлиб ҳисобланади. Кўпгина йирик компанияларда ва тармоқларда конструкторлик бўлимлари мавжуд. Улар алоҳида соҳалар бўйича ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнларини такомиллаштириш билан шуғулланадилар. Уларнинг бевосита вазифаси инновацияларни яратишдан иборатдир. Булар бевосита фаолият кўрсатиб турган соҳадаги жараёнларни такомиллаштириш билан шуғулланганлиги туфайли, алоҳида тажриба майдонига муҳтож эмас.

Яна бир жиҳат, мазкур ихтирочиларнинг жараёнларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва ишланмалари асосан амалиётга синаб кўриш натижасида амалга оширилади ва самарадорлиги ҳам тез кўзга ташланади. Аммо ҳамма соҳада ҳам махсус ихтирочилар ва конструкторлик марказлари фаолият кўрсатмайди. Шу туфайли умумий тарзда мазкур иш билан илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари шуғулланади. Бироқ, улар амалиётдан айри ҳолда фаолият олиб борганлиги туфайли бир мунча қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Шундай қилиб, инновацияни яратувчилари бўйича таснифлаш ҳам унинг ким томонидан ва қандай яратилаётганлигини аниқ белгилашда катта аҳамиятга эга экан.

Мазкур гуруҳга олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан бирга амалиётчи мутахассислар ҳам киради. Уларнинг яратган ихтиролари инновация бозорида тегишли ўрин эгаллаб бормоқда.

4. Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш

Хусусий мулк устуворликни эгаллаган демократик бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳам устувор вазифалар қаторидан жой олади. Чунки, кундан-кунга такомиллашиб бораётган жамиятда, айниқса иқтисодиёт соҳасида кечаги кун усули билан яшаб бўлмайди. Бугунги кунда бугунги кун усули билан яшаб, эртанги кунда амалга оширилиши лозим бўлган усулни бугун тайёрлаб қўйишга тўғри келади. Шундагина ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг рақобатбардошлигини, яъни маҳсулоти (иш, хизмати) сифатини пасайтирмаган ҳолда, юқори самарадорлик билан фаолият кўрсатиб, нархни оширмасдан таъминлаши мумкин. Шу туфайли инновацияларни рақобатбардошликни таъминлаши нуқтаи назаридан ҳам таснифлаш лозимлиги ҳаётий заруратдир. Зеро, инновацияларсиз тараққиёт, тараққиётсиз рақобатбардош бўла олмайди. Шу туфайли ушбу масалалар ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўта жиддий масалалардан биридир.

Шуни инобатга олиш лозимки, инновацияларни рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан таснифлашда, унга бир қанча йўналишларда ёндашиш мумкин. Биринчидан, давлатнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган инновациялар, Иккинчидан, корхоналарнинг, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган инновациялар. Учинчидан ҳар бир товар (иш, хизмат)нинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган инновациялар. Биз мазкур ҳолатда хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласига эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, инновацияларни хўжалик юри-

тувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан учта гуруҳга бўлиш мумкин экан. Буларга:

- товарларни такомиллаштиришга қаратилган инновация;
- техника ва технологияни такомиллаштиришга қаратилган инновация;
- бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган инновация киради.

Инновациянинг рақобатбардошлик билан боғлиқ омиллари ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (6.3-расм).



6.3-расм. **Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш**

Юқорида келтирилган инновацияларни хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ушбу масала нафақат ички, балки ташқи бозор учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Товарларнинг (иш, хизматларнинг) сифати ўз-ўзидан ошиб қолмайди. Бунинг учун янги илғор техника ва юқори технологияларни жорий қилишни тақозо қилади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун техника ва технологияларни такомиллаштиришнинг объектив зарурати шундаки, ҳозирги шароитда жуда кўп эски технологиялар энергияни кўп талаб қилади. Бундай ҳолда маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) сифати камаймасада, таннархи қиматлиги туфайли нархи баланд бўлади. Албатта истеъмолчига бир хил сифатдаги товарнинг (иш, хизматнинг) энг арзонини харид қилади. Бу ҳолат шу корхонанинг технологиясини ёқилги ва энергия тежавчи технологияларга алмаштиришга мажбур бўлади.

Буларнинг бир-бири билан боғлиқлигини ва мулкдорнинг бевосита талабини қондириш мақсадида ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун уни бошқариш усулларини ҳам такомиллаштириш лозим бўлади. Янги технологиялар билан ишлаётган жараённи бошқариш учун унга эски усулини қўллаб бўлмайди. Албатта бошқариш қўлланилаётган технологияга бевосита боғлиқ бўлиши керак.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, ушбу жараёнлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Инновацияларнинг ушбу жиҳатлари доимий равишда амал қилиши лозим бўлган ҳолатдир. Ҳар қандай нарсанинг бир қисмини такомиллаштириб, иккинчи қисмини эскича қолдириб бўлмаганидек, инновацияда ҳам ушбу қоида қаттиқ амал қилади. Инновацион жараёнлар барча йўналишлар бўйича бирданига такомиллашишни тақозо қилади.

5. Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи

Ҳар қандай фаолият маълум маънода манфаатдорликка асосланган. Ҳозирги шароитда хўжалик юритувчи субъектлар асосан хусусий мулкка ва тадбиркорликка асосланган. Юзаки қарайдиган бўлсангиз, ушбу субъектлар фақат мулкдорнинг манфаатигагина хизмат қилса етарлидек туюлади. Аммо Фвқат шу билан чегараланиб қолишнинг имконияти йўқ. Шу туфайли ҳар қандай янгиликка асосланган инновация ҳам бир қанча манфаатлар муштараклиги ва мувофиқлигини таъминлаши лозим. Шу нуқтаи назардан инновацияни бешта гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- мулкдор (инвестор) манфаатини ифода этувчи инновация;
- ихтирочилар манфаатини ифода этувчи инновация;
- давлат манфаатини ифода этувчи инновация;
- жамият манфаатини ифода этувчи инновация;
- меҳнат жамоаси манфаатини ифода этувчи инновация.

Инновациянинг манфаатдорликни ифода этиши билан боғлиқ кўрсаткичлар ўртасидаги яқинлик, ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай миллат ва ҳудудда мавжуд. Манфаатдорлик олдин ҳам бўлган, бугун ҳам бор ва келажакда ҳам бўлади. Уларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин (6.4-расм).



6.4-расм. **Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи**

Ҳар қандай фаолият натижасидан ўша фаолият эгаси маълум даражада манфаатдор бўлмаса, уни амалга оширишга унчалик қизиқмайди. Бу инновацияга ҳам бевосита дахлдордир. Инновация тараққиётнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Ундан биринчи галда мулкдор (инвестор) манфаатдордир. Чунки инновацион жараёнлар маълум даражада харажатларни ташкил қилади. Бу эса мулкдорнинг мулкини ишлатишни тақозо қилади. Шунингдек, инновациялардан бевосита ихтирочилар ҳам манфаатдордир. Чунки ихтирочилар ижодкор наёб мутахассислар бўлиб ҳисобланади. Уларни рағбатлантириш катта мувоффақиятларга олиб келади. Инновациядан навбатдаги манфаатдор субъект давлат бўлиб ҳисобланади. Ушбу жараёндан жамият ҳам манфаатдордир. Ушбу инновациянинг ифода этилиши жамият тараққиёти билан бевосита боғликдир. Шунигдек, инновациядан манфаатдорлик меҳнат жамоаси бўлиб ҳисобланади. Чунки инновация самарадорликни ошириш эвазига меҳнат жамоасининг ҳам фаровонлигини таъминлайди.

6. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш

Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай янгилик амалиётга жорий қилинсагина тегишли самара бериши мумкин. Инновацияга маълум даражада харажат қилинади. Бу эса, уни амалиётга жорий қилиб, иш самарадорлигини ошириш эвазига қопланади ва мулкдорга тегишли даражада фойда олишини таъминлайди. Пировардида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустаҳ-

камлиги ошади ва рақобатбардошлиги таъминланади. Шу туфайли, инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлашни ҳам мақсадга мувофиқ, деб топдик ва уни икки гуруҳга бўлишга қарар қилдик:

- амалиётга жорий қилинган инновациялар;
- амалиётга жорий қилиниши кўзда тутилган инновациялар.

Инновацияни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (6.5-расм).



6.5-расм. **Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш**

Амалиётга жорий қилинган инновациянинг сотилиши бўлиб ҳисобланади. Чунки инновация ҳозирги пайтда тезлик билан жорий қилинмаса, эскириб қолиши мумкин. Эскиргач, ушбу инновациядан ҳеч қандай наф бўлмайди. Шунингдек, амалиётга жорий қилиниши кўзда тутилган инновация ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳам тараққиётнинг ички омили мавжудлигидан далолатдир.

7. Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш

Ҳозирги шароитда инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш албатта керак. Чунки, кенгайтирилган ишлаб чиқариш қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик иқтисодиётнинг ўсишига эришилади. Шу туфайли кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг бир фазасини тезлаштириб, қолган қисмини шунчаки қолдириб бўлмайди. Шу туфайли унинг барча фазасини тезлаштиришни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида ушбу белги бўйича ҳам инновация-

ларни таснифлашни тақозо қилади. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу белгиси бўйича инновациялар тўртта гуруҳга бўлинар экан. Буларга:

-ишлаб чиқаришга мўлжалланган инновация;
-таксимотга мўлжалланган инновация;
-айрибошлашга мўлжалланган инновация;
-истеъмолга мўлжалланган инновациялар киради.

Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолдаги таснифини қуйидагича ифодалаш мумкин (6.6-расм).



6.6-расм. **Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш**

Инновация иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан ҳам таснифланади. Буларнинг энг биринчиси, истеъмолга мўлжалланган инновациядир. Инновация иқтисодиётнинг барча бўғинларида амалга оширилади. Улардан бири, ишлаб чиқаришга мўлжалланган инновациядир. Бу ушбу соҳани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш имконини беради. Айрибошлашга мўлжалланган инновация асосан хизмат соҳасининг савдо тармоғига кўпроқ қўлланилади. Тақсимотга мўлжалланган инновация ҳам ишлаб чиқариш билан тақсимот ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Хуллас, инновация барча соҳаларни ривожлантириш имкониятини яратади.

8. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш

Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш ҳам ушбу ишнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайди. Чунки ҳар бир тармоқ ўзи-

га хос хусусиятга эга. Бу хусусиятлар уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш лозимлигини тақозо қилади. Масалан саноатга жорик қилиниши мумкин бўлган инновацияни қишлоқ хўжалиги корхоналарига жорий қилиш мумкин эмас. Ёки савдо соҳасига мўлжалланган инновацияларни молиявий соҳага ёки хизмат кўрсатишнинг бошқа тармокларига жорий қилиб бўлмайди. Шу туфайли ушбу гуруҳ инновацияларни қуйидагича бўлишни тавсия қиламиз:

- саноатга мўлжалланган инновация;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган инновация;
- транспорт соҳасига мўлжалланган инновация;
- савдо соҳасига мўлжалланган инновация;
- молиявий соҳага мўлжалланган инновация;
- хизматнинг бошқа соҳаларига мўлжалланган инновация.

Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлашда уларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин (6.7-расм).



6.7-расм. **Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш**

Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлашда аҳамият берилиш лозим бўлган жиҳат ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Саноатга мўлжалланган инновация бевосита соҳада техник ва технологик жараёнларни модернизация қилиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган инновация нафақат техника ва технологияларни, балки агротехник жараёнларни ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Транспорт соҳасига мўлжалланган инновация ҳам техника ва технология билан боғлиқ. Бироқ, савдо соҳасига мўлжалланган инновация бевосита савдо жараёнларини

такомиллаштиришга хизмат қилади. Молиявий соҳага мўлжалланган инновация ҳисоб-китоб жараёнларини, пул айланиши каби ҳолатларни такомиллаштиришга қаратилган.

Шуни инобатга олиш жоизки. хизматнинг бошқа соҳаларига мўлжалланган инновация ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, барча жараёнларни такомиллаштиришда ва иқтисодиётни ривожлантиришда инновациядан фойдаланилади.

9. Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш

Барча мувоффақиятлар ва мағлубиятлар вақт ўтиши билан сарҳисоб қилинади ва аниқланади. Бу ерда вақт жуда катта аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам объектив заруратдир. Ҳеч нарса доимий бўлмаганидек, инновация ҳам абадий эмас. Бугунги янгилик эртага эскириб қолиши ва инновацияни жорий қилиш заруратини туғдириши мумкин. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлашни ҳам устувор вазифа сифатида қараймиз. Ушбу тушунчани вақт нуқтаи назаридан қуйидаги учта гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

-қисқа муддатли инновация;

- мавсумий инновация;

- узоқ муддатли инновация.

Инновацияни вақт нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолдаги таснифлашда уларнинг боғлиқлигини қуйидагича тасвирлаш ҳам мумкин. Буни қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз (6.8-расм).



6.8-расм. **Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш**

Қисқа муддатли инновация кўпинча хизмат кўрсатиш жараёнларида қўлланилади. Мавсумий инновация асосан қишлоқ хўжали-

гида фойдаланилади. Узоқ муддатли инновация асосан техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш жараёнида фойдаланилади.

Мавзу бўйича такрорлаш ва мустқил таълим учун саволлар

1. Инновациянинг таърифини асосланг.
2. Инновациянинг умумий назарий масалаларини ёритиб беринг.
3. Инновациянинг турлари ва уларнинг таснифи бўйича концептуал йўналишлар нималардан иборат?
4. Инновацияни яратувчилари бўйича таснифини очиб беринг.
5. Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлашни асосланг.
6. Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи нималардан иборатлигига аҳмият беринг.
7. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлашнинг аҳамияти нималардан иборат?.
8. Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлашдаги гуруҳлар нималардан ибрат?.
9. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлашни асосланг.
10. Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш тизими нималардан иборат?

Калитли сўзлар

Илмий ходимлар томонидан яратилган инновация; тажрибали амалиётчилар томонидан яратилган инновация; махсус ихтирочилар томонидан яратилган инновация; товарларни такомиллаштиришга қаратилган инновация; техника ва технологияни такомиллаштиришга қаратилган инновация; бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган инновация; мулкдор (инвестор) манфаатини ифода этувчи инновация; ихтирочилар манфаатини ифода этувчи инновация; давлат манфаатини ифода этувчи инновация; жамият манфаатини ифода этувчи инновация; меҳнат жамоаси манфаатини ифода этувчи инновация; амалиётга жорий қилинган инновациялар; амалиётга жорий қилиниши кўзда тутилган инновация; ишлаб чиқаришга мўлжалланган инновация; тақсимотга мўлжалланган инновация; айрибошлашга мўлжалланган инновация; истеъмолга мўлжалланган инновация; саноатга мўлжалланган инновация; қиш-

лоқ хўжалигига мўлжалланган инновация; транспорт соҳасига мўлжалланган инновация; савдо соҳасига мўлжалланган инновация; молиявий соҳага мўлжалланган инновация; хизматнинг бошқа соҳаларига мўлжалланган инновация; қисқа муддатли инновация; мавсумий инновация; узоқ муддатли инновация.

7-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА САМАРАДОРЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ, УЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА АНИҚЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ[42]

РЕЖА:

1. Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик, унинг мезони ва кўрсаткичларининг назарий масалалари.
2. Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва таснифи.
3. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш йўллари.

*****

1. Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик, унинг мезони ва кўрсаткичларининг назарий масалалари

Ҳозирги пайтда иқтисодий адабиётларда "Самарадорлик", "Самарадорлик мезони" ва "Самарадорлик кўрсаткичлари" хусусида жуда кўп ёзилмоқда. Ушбу ишларда юқоридаги тушунчаларнинг таърифи келтирилмасада, иқтисодий вазиятни баҳолашда бемалол қўлланилмоқда. Шу туфайли ушбу тушунчаларнинг назарий масалаларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши ёки жараённинг такомиллашуви самарадорликни ошириш эвазига эришилади. Самара-дорлик – иқтисодий ўсишни интенсив омиллар эвазига таъминловчи ва характерловчи муҳим иқтисодий категория бўлиб ҳисобланади.

Мазкур соҳада олиб борилган тадқиқотлар натижасида маҳсулотларни сотиш ва сақлаш хизматлари самарадорлигини тадқиқ қилинаётганлиги туфайли, ушбу тармоқда уларнинг ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш лозим, деган хулосага келинди. Бунинг учун ушбу тушунчаларнинг назарий жиҳатларини умумий тарзда қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки уларнинг умумий тушунчаларига аниқлик киритмасдан туриб, бошқа соҳалар самарадорлиги билан боғлиқ категория ва кўрсаткичларнинг мазмунини очиб бериш бироз мураккаб бўлади.

---

[42] Мазкур боб Олим Пардаев билан ҳаммуаллифликда тайёрланган.

Буларни инобатга олиб "Самарадорлик", "Самарадорлик мезони" ва "Самарадорлик кўрсаткичлари" тушунчаларининг умумий таҳлили билан бирга, ушбу маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ соҳа самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларини ҳам очиб бериш лозим, деб ўйлаймиз.

Самарадорлик назарий жиҳатдан таҳлил қилинган адабиётларда "самарадорлик" сўзи ва унинг амалий таҳлиллари кўп ишлатилади. Аммо бозор муносабатларига хос бўлган, унинг иқтисодий табиатини очиб берадиган таърифи етарли даражада ишлаб чиқилган эмас. Шу туфайли ушбу масалага алоҳида аҳамият беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Бунинг учун ушбу сўзнинг луғавий маъносини қараб чиқамиз. Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида "самара" сўзига қуйидагича изоҳ берилган. Ушбу сўз араб тилидан олинган бўлиб, "натижа, ҳосил, фойда"[43] тушунчаларини англатиши кўрсатиб ўтилган. Шу сўзга ўхшаш "Самарадор" сўзи ҳам келтирилган. Ушбу сўзнинг маъноси "самарали, фойдали"[44] сўзлардан иборат бўлиб, "Катта самара, фойда келтирадиган, сермаҳсул; яхши натижа берадиган"[45], деб изоҳ берилган. Худди шундай изоҳ "Самарадорлик" сўзига ҳам келтирилган. Мазкур луғатда эътироф этилишича, ушбу сўзнинг маъноси "самарали, фойдали бўлишлик; фойдалилик"[46] тушунчаларидан иборат. Булардан ҳам кўриниб турибдики, самарадорлик тушунчаси асосан нафлилик, фойдалилик ва натижавийлик каби тушунчаларни ифода этади. Ушбу сўзларнинг мазмунидан келиб чиқиб, унинг назарий жиҳатига эътиборни қаратамиз.

Ҳар қандай иқтисодий категориянинг, шу жумладан, самарадорлик тушунчасининг ҳам таърифини ишлаб чиқиш лозимки, у иқтисодиётнинг барча бўғинларига ва тармоқларига дахлдор бўлсин. Чунки бошқа тармоқ ва соҳалар ҳам шуни назарий асос қилиб олиши лозимдир. Буларни инобатга олиб, самарадорлик тушунчасига қуйидагича таъриф беришни тавсия қиламиз.

Самарадорлик дейилганда, мулк шаклидан қатъий назар, барча мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва харажат-

---

[43] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. // Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 434-бет.

[44] Ўша жойда. –434 -бет.

[45] Ўша жойда. – 434-бет.

[46] Ўша жойда. – 434-бет.

ларнинг тежамкорлигини таъминлаш эвазига жамият, давлат, мулкдор, корхона, иш кучи соҳиби каби субъектларнинг манфаатлари муштараклигини таъминлашга қаратилган улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади.

Ушбу таърифнинг мазмунини қуйидагича изоҳлаш ва асослаш мумкин. Биринчидан, мулк шаклидан қатъий назар, бирорта ресурс ёки харажат энг аввало, мулкдорнинг (инвесторнинг) манфаатини таъминлаши керак. У қўйган инновацияси учун маълум даражада фойда олиши лозим. Шу билан унинг манфаати таъминланади.

Иккинчидан, шу инвестор ташкил қилган корхона ва унинг меҳнат жамоаси ҳам манфаатдор бўлиши керак. Корхона ўзи ишлаб топган фойдаси эвазига ўзини ушлаб туриши ва ривожланиши учун имконияти бўлиши лозим. Шундагина корхонанинг фойда олиб самарали ишлаши, унинг манфаатига ҳам мос бўлади.

Учинчидан, ҳар бир иш кучи соҳиби, яъни ходим самарадорликнинг ошишидан манфаатдор бўлиши керак. Чунки у текинга ишламайди. Қилинган меҳнати учун у маълум даражада меҳнат ҳақи олиб, ўзининг ва оиласининг яшашини таъминлаши лозим. Қанча кўп ишласа, шунча кўп манфаатдорлик таъминланса, яъни кўп иш ҳақи олса, у ўз иш услубини такомиллаштириб бораверади. Шу йўл билан унинг ҳам манфаати қондирилади.

Тўртинчидан, ушбу фаолият натижасининг самарадорлигидан жамият ҳам манфаатдордир. Масалан, фаолият кўрсатиб турган корхона бозорга тегишли маҳсулотларини (иш ёки хизматларини) чиқариш ва аҳолининг бир қисмини иш билан таъминлаш орқали жамиятнинг манфаатига ҳам хизмат қилади. Шу туфайли жамият ҳар бир фаолият кўрсатиб турган хўжалик юритувчи субъектлардан манфаатдор. Фаолият давомида ушбу манфаатдорлик ҳам қондирилиши лозим.

Бешинчидан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан, мулк шаклидан қатъий назар, давлат ҳам манфаатдор. Чунки ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг фаолияти натижасидан давлатга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширади. Шу орқали, давлатнинг ҳам манфаатдорлиги таъминланади. Шуларнинг ҳаммасининг манфаатдорлигини таъминлаш учун эса ҳар бир фаолият кўрсатиб турган хўжалик юритувчи субъект юқори самарадорликка эришиши лозим бўлади.

Олтинчидан, барча манфаатдор субъектлар ўз манфаатлари учун интилиш жараёнида улар ўртасида иқтисодий муносабатлар вужудга келади. Бу муносабатлар бир қанча қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шу туфайли, иқтисодий муносабатлар мажмуи самарадорлик тушунчасининг табиатини очишга хизмат қилади.

Ниҳоят еттинчидан, ушбу таъриф иқтисодиётнинг барча бўғинларига ва тармоқларига дахлдордир. Чунки, барча ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан юқоридаги барча субъектларнинг манфаатдорлиги таъминланади. Шу туфайли ушбу таъриф бошқа тармоқ ва соҳалар учун ҳам назарий асос бўлиб ҳисобланади.

Энди самарадорлик мезони ҳақида фикрларимиз билан ўртоқлашамиз. Юқорида таъкидланган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "Мезон" сўзига қуйидагича изоҳ берилган. Ушбу сўз ҳам араб тилидан олинган бўлиб "ўлчов, тарози; мувозанат, одиллик"[47] маъноларини англатиши эътироф этилган. Бунга 6 та изоҳ берилган. Улардан иккитаси иқтисодиётга оид бўлиб, қуйидагилардан иборат: "1. Тарози, ўлчов. 2. Таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза"[48]. Энди юқоридаги икки сўздан иборат бўлган "самарадорлик мезони" сўз бирикмасига изоҳ бериш мумкин. "Самарадорлик мезони" дейилганда, фойдалилик ўлчови, натижавийлик ўлчови каби ўлчов билан боғлиқ маънолар келиб чиқади. Ушбу мазмундан келиб чиқиб, "самарадорлик мезони" категориясининг таърифини бериш мумкин.

Самарадорлик мезони дейилганда, эришилган натижанинг унга эришиш учун фойдаланилган ресурслар ёки қилинган харажатларга нисбати билан ўлчанадиган ўлчов бирлиги тушунилади. Мезон ўлчов экан, демак у маълум ва аниқ кўрсаткичлар билан ифодаланади. Шу ўринда самарадорлик кўрсаткичлари тушунчасини самарадорлик мезонидан фарқламоқ лозим. Чунки улар бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар бўлсада, бир-биридан мазмун жиҳатидан фарқ қилади. Масалан, самарадорлик мезони назарий жиҳатдан қараладиган категория бўлса, самарадорлик кўрсаткичи методологик жиҳатдан қаралади. Буларнинг бир - бири билан фарқи қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (7.1-жадвал).

---

[47] [47] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П. // Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. –578 бет.

[48] Ўша жойда . - 578 бет.

7.1-жадвал

Самарадорлик мезони ва самарадорлик кўрсаткичларининг ўзига хос жиҳатлари ва мос равишда улар ўртасидаги фарқлар[49]

Самарадорлик мезони	Самарадорлик кўрсаткичи
Иқтисодий категория	Иқтисодий кўрсаткич
Назарий ифода	Аниқ амалий ифода
Йўналишни ифодалайди	Нисбий миқдорда ўлчанади
Иқтисодиётнинг барча соҳасига тегишли	Иқтисодиётнинг айрим соҳаси ва жараёнларига тегишли бўлиб, аниқ ҳолатни ифодалайди
Ҳаммасига дахлдор битта йўналишни ифодалайди	Индивидуал ёки тизимли ҳолатни ифодалайди
Пировард мақсадни ифодалайди	Мақсад натижаси ва омилларни ифодалайди

Энди кўрсаткичлар, шу жумладан, самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг мазмунини қараб чиқамиз.

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий кўрсаткичлардан, унинг таркибий қисми бўлган самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлардан иқтисодий адабиётларда ва амалиётда кенг фойдаланилаётганлигига қарамасдан, уларнинг тушунчаси ва таърифи ҳақидаги назарий масалалар иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Шу билан бирга, уларнинг вазифалари ва функциялари ҳам назарий жиҳатдан кам ўрганилган. Бу эса иқтисодий адабиётларда, хусусан хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётига оид адабиётларда ҳам кўрсаткичлардан кўр-кўрона фойдаланишга, уларни илмий жиҳатдан асосланмаган ҳолда қўллашга олиб келмоқда. Натижада айрим иқтисодий жараёнлар тегишли кўрсаткичларда ўз ифодасини етарли даражада тўлиқ топмасдан қолмоқда.

Буларни инобатга олиб, иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги тадқиқотни кўрсаткичнинг тушунчасини ва таърифини аниқлашдан бошлашни лозим, деб топдик. Бу борада олимлар ўртасидаги муно-

[49] *Мазкур жадвал муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилди*

заралар ҳам бўлган. Уларга тўлиқ тўхталиб ўтирмасдан, узоқ йиллар давомида қилинган кузатувлар ва тажрибаларга таянган ҳолда М.Қ.Пардаев томонидан келтирилган қуйидаги таърифни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. "Иқтисодий кўрсаткичлар деганда, иқтисодий жараёнлар, ҳодисалар ва уларнинг натижасини миқдор ва сифат жиҳатидан ифодалайдиган номи ва ўлчамларига эга бўлган бирликлар тушунилади"[50], дейилган. Ушбу таърифни такомиллаштирган ҳолда иқтисодий кўрсаткичга бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қуйидаги таърифни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Иқтисодий кўрсаткич деганда жамиятда ва унинг ҳар бир бўғинида (хўжалик юритувчи субъектида) содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни рақамларда ифода этувчи маълум категориянинг номи билан аталувчи тушунчага айтилади.**

Иқтисодий кўрсаткичлар ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида бир қанча функцияларни бажаради. Булар қуйидагилардан иборат: билдириш, бошқариш, назорат қилиш, рағбатлантириш, тарбиялаш. Ушбу масалалар алоҳида тадқиқотни талаб қилганлиги туфайли, бу ерда фақат уларни эслаш кифоя, деган хулосага келинди.

Энди юқоридаги назарий хулосаларга таянган ҳолда самарадорлик кўрсаткичларига ҳам таъриф бериш мумкин. Бу масала ҳам иқтисодий адабиётларда кам ёритилган. Буларни инобатга олиб, самарадорлик кўрсаткичига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Самарадорлик кўрсаткичи деганда, жамиятда ва унинг ҳар бир бўғинида (хўжалик юритувчи субъектида) содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирок этадиган ресурслар ёки харажатларнинг самарадорлигини (натижавийлигини, фойдалилигини) рақамларда ифода этувчи маълум категориянинг номи билан аталувчи тушунчага айтилади.**

Кўриниб турибдики, "самарадорлик", "самарадорлик мезони", "самарадорлик кўрсаткичлари" каби тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда иқтисодий категория сифатида намоён бўлар экан. Биз уларнинг назарий талқинига тўхталиб, ҳар бирининг таърифларини ишлаб чиқишга ва бу борада ўз қарашларимизни ифодалашга муваффақ бўлдик.

---

[50] Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарқанд, "Зарафшон" нашриёти, 2001. –67-бет.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлигини кўрсаткичлар тизими ва таснифи

Энди хизмат кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг назарий масалаларига тўхталишни лозим, деб топдик. Мазкур соҳа корхоналари фаолияти самарадорлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Кўрсаткичлар тизимининг нималигини тушуниш учун унинг таърифи бўлмоғи лозим. Шу нуқтаи назардан, унинг ҳам таърифини ишлаб чиқдик. **Кўрсаткичлар тизими дейилганда, маълум белгилари билан гуруҳланган ва ҳар бир гуруҳда ўзининг ўрнига эга бўлган кўрсаткичларнинг аниқ ифодаланиши тушунилади.** Биз ушбу субъектларда хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни бўйича таснифлашни тавсия қиламиз. Кўрсаткичларни таснифлаш учун уларни тизимлаштириш лозим.

Кўрсаткичларни тизимлаштириш дейилганда, уларни маълум белгилари бўйича таснифлаш тушунилади. Кўрсаткичлар таснифлангандан кейингина кўрсаткичлар тизимини ташкил қилади. Акс ҳолда, кўрсаткичлар тўплами бўлиши мумкин. Масалан, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини олайлик. Ушбу кўрсаткич иқтисодий мазмуни бўйича меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодалайди. Унга омил сифатида қаралса, иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи интенсив омил бўлиб ҳисобланади. Агар унга иқтисодиёт даражаси нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, макро даражада ижтимоий меҳнат унумдорлигини ифодалайди, микро даражада эса, корхона ходимлари меҳнати самарадорлигини ифода этади. Шу жиҳатдан ҳар бир кўрсаткичга бир қанча нуқтаи назардан қарашга тўғри келади. Худди шундай тизимлаштирилмаса ўрганилаётган объектнинг барча қирраларини ўзида тўлиқ ифода этмайди.

Самарадорлик кўрсаткичлари иқтисодиётнинг бўғинларида қўлланилиши бўйича 3 гуруҳга бўлинади. Буни қуйидаги расмда кўриш мумкин (7.1-расм).



7.1-расм. **Самарадорлик кўрсаткичларининг иқтисодиётнинг бўғинлари бўйича ифодаланиши**

Самарадорлик кўрсаткичлари иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича ҳам таснифланади. Бунда шуни инобатга олиш лозим бўладики, ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусияти мавжудлиги туфайли, уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ҳам ўзига хосликка эга. Шу туфайли бу масалага ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади. Бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган (7.2-расм).



7.2-расм. **Самарадорлик кўрсаткичларининг иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича таснифланиши**

Кўриниб турибдики, самарадорлик категориясининг назарий масалаларида ҳали ўз ечимини кутаётган анча муаммолар мавжуд экан. Олимлар ва мутахассислар олдида турган ва ўз ечимини кутаётган асосий муаммолардан бири, иқтисодиётнинг ҳар бўғинида ва ҳар бир тармоғида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни, бугунги бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқишдан ва уларни амалиётга қўллашни ташкил қилишдан иборатдир. Зеро, самарадорликни тўлиқ ва тўғри баҳоламасдан, уни ошириш йўлларини ишлаб чиқиб, уларнинг назоратини ташкил қилмасдан, кескин рақобат шароитида корхоналарнинг яшавчанлигини сақлаб қолиш қийин кечади. Шу туфайли ушбу кўтарилган масалалар бугунги бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган кунда ўта ҳаётий зарур масалалар сирасига киради.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим экан. Бу борада ҳам жуда кўплаб тавсиялар бор. Биз уларни умумлаштириб ва такомиллаштириб кўрсаткичлар тизимини қуйидаги саккизта гуруҳларга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- корхонанинг самарадорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар;
- корхонанинг активлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг асосий воситалари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг айланма маблағлари (жорий активлари) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг номоддий активлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг ўз маблағлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг мажбуриятлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг молиявий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

Юқоридаги келтирилган кўрсаткичларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (7.3-расм).



7.3-расм. **Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими**

Ушбу кўрсаткичлар туркумига кирувчи самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда самарадорликнинг назарий масалаларига ва унинг таърифига мослигини таъминлаш лозим. Ҳозирги пайтда, ҳар қандай кўрсаткич қандайдир манфаатдор шахснинг манфаатларини ифодалаши билан бирга бир қанча манфаатлар муштараклигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим.

Бунга сабаб, бозор тамойилларидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ фойда олиш кўзда тутилади. Шу нуқтаи назардан кўрсатилган хизматнинг самарадорлигини алоҳида-алоҳида ҳисоблашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

3. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш йўллари

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг алоҳида тизимини келтирамиз. Бунда умумий тушум, яъни кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми инобатга олинади. Ушбу кўрсаткичларнинг номлари, уларнинг тизими, аниқланиш йўллари ва мазмуни қуйидаги жадвалда келтирилган (7.2-жадвал).

7.2-жадвал

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари[51]

Самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар-нинг номи	Аниқланиш формулалари	Нимани ифодалаши
Хизмат кўрсатиш корхоналарида умумий самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар		
Хизмат кўрсатиш (ХК) соҳаси рента-беллиги (Смр)	$Смр = \frac{Сф \cdot 100}{Q}$ *Сф –ХКдан олинган соф фойда суммаси; Q –ХК нинг умумий ҳажми (умумий тушум).*	100 сўм кўрсатилган хизматга (КХ) тўғри келадиган соф фой-дани
Харажатлар самарадорлиги (Хсс)	$Хар = \frac{Q}{Ха}$ *Q – ХКнинг умумий ҳажми (умумий тушум); Ха – харажатлар сум-маси.*	1 сўм қилинган ха-ражатларга қанча ХКнинг тўғри кели-шини кўрсатади.
Харажатлар рентабеллиги (Хар)	$Хар = \frac{Сф \cdot 100}{Ха}$	100 сўм КХларга кетадиган харажатларга тўғри келадиган соф фойда
Меҳнат унумдорлиги (Му)	$Му = \frac{Q}{Хд}$ *Хд –ХК корхоналарида банд бўлган ходимларнинг ўртача сони.*	ХКда банд бўлган 1 нафар ходимга тўғри келадиган КХ ҳажми

[51] Ушбу жадвал тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар		
Активлар самарадорлиги (Акс)	$Акс = \frac{Q}{Ак}$ *Ак – активларнинг ўртача қиймати.*	1 сўм активлар қийматига тўғри келадиган умумий тушум
Активлар рентабеллиги (Акр)	$Акр = \frac{Сф \cdot 100}{Ак}$	100 сўм активлар қийматига тўғри келадиган соф фойда
Хизмат кўрсатиш корхоналарида асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар		
Асосий воситалар самарадорлиги (Авс)	$Авс = \frac{Q}{Ав}$ *Ав – асосий воситаларнинг ўртача қиймати.*	1 сўм асосий воситаларга тўғри келадиган умумий тушум
Асосий воситалар рентабеллиги (Авр)	$Авр = \frac{Сф \cdot 100}{Ав}$	100 сўм асосий воситаларга тўғри келадиган соф фойда суммаси
Хизмат кўрсатиш корхоналарида номоддий активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар		
Номоддий активлар самарадорлиги (Нас)	$Нас = \frac{Q}{На}$ *На - номоддий активларнинг ўртача қиймати.*	1 сўм номоддий активларга тўғри келадиган умумий тушум
Номоддий активлар рентабеллиги (Нар)	$Нар = \frac{Сф \cdot 100}{На}$ *На – номоддий активларнинг ўртача қиймати.*	100 сўм номоддий активлар қийматига тўғри келадиган соф фойда суммаси

Хизмат кўрсатиш корхоналарида жорий активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар		
Жорий активлар самарадорлиги (Жас)	$Жас = \frac{Q}{Жа}$ *Жа – жорий активларнинг ўртача қиймати.*	1 сўм жорий активларга тўғри келадиган умумий тушум
Жорий активлар рентабеллиги (Жар)	$Жар = \frac{Сф * 100}{Жа}$ *Жа – жорий активларнинг ўртача қиймати.*	100 сўм жорий актив-ларга тўғри келадиган соф фойда суммаси
Хизмат кўрсатиш корхоналарида ўз маблағлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар		
Ўз маблағлари самарадорлиги (Ўмс)	$Ўмс = \frac{Q}{Ўм}$ *Ўз – ўз маблағларининг ўртача қиймати.*	1 сўм ўз маблағларига тўғри келадиган умумий тушум
Ўз маблағлари рентабеллиги (Ўмр)	$Ўмр = \frac{Сф * 100}{Ўм}$	100 сўм ўз маблағларига тўғри келадиган соф фойда суммаси)
Хизмат кўрсатиш корхоналарида мажбуриятлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар		
Мажбуриятлар самарадорлиги (Мас)	$Мас = \frac{Q}{Ма}$ *Ма – мажбуриятларнинг ўртача қиймати.*	1 сўм мажбуриятларга тўғри келадиган умумий тушум
Мажбуриятлар рентабеллиги (Мар)	$Мас = \frac{Сф * 100}{Ма}$	100 сўм мажбуриятларга тўғри келадиган соф фойда суммаси

Хизмат кўрсатиш корхоналари харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар		
Хизматларга қилинган харажатлар самарадорлиги (Схс)	$Схс = \frac{Q}{Сх}$ *Сх- ХК корхоналарида харажатлар миқдори*	1 сўм қилинган харажат-ларга тўғри келадиган соф тушумни
Хизматларига қилинган харажатлар рентабеллиги (Схр)	$Схр = \frac{Сф \cdot 100}{Сх}$	100 сўм КХга тўғри келадиган фойда суммасини

Кўриниб турибдики, келтирилган тартиб бўйича барча кўрсаткичлар нисбий характерга эга. Шуни эътироф этиш керакки, барча кўрсаткичларни аниқлашда бир хил методологик ёндашувга амал қилинган. Самарадорликни ифодаловчи ҳамма кўрсаткичлар суръатида кўрсатилган хизматлар ҳажми (умумий тушум) келтирилган. Махражида эса, қайси категория ёки кўрсаткичнинг самарадорлигини аниқлаш керак бўлса, ўша кўрсаткичнинг миқдори (суммаси ёки натурал ҳолдаги сони) келтирилган. Агарда уларнинг рентабеллигини аниқлаш лозим бўлса, бунда ҳам бир хил ёндашувга амал қилинган. Барча ҳолларда суръатда соф фойда суммаси келтирилган ва махражда қайси кўрсаткичнинг рентабеллигини аниқлаш лозим бўлса, шу кўрсаткичнинг миқдори олинган.

Ушбу кўрсаткичлар тизими асосида самарадорликни ифодаловчи комплекс кўрсаткични ҳам аниқлаш мумкин. Бу масаланинг жуда кўп усуллари мавжуд. Бу йўналишда турли адабиётларда турли усуллар ёритилган[52].

---

[52] Абдукаримов И. Т. Молиявий ҳисобни ўқиш ва таҳлил қилиш. Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.; Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. 2-е изд. Тамбов. Издательский дом ТГУ, 2008.-667 бет., Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. Т.: 2000.-169-бет., Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.- Т.: "Молия", 2003.- 224 бет., Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. Т.: «Шарқ», 2002., Вахобов А., Иброҳимов А., Ишанкулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. Т.: «Шарқ», 2005.- 480 бет., Вахобов А., Иброҳимов А. Хакимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2003.- 176-бет., Волжин И. О., Эргашбоев В. П. Молиявий таҳлил. - Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998., Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. Т.: «Молия», 2000. – 256-бет., Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарқанд. «Зарафшон». 2001.- 272 б. Пардаев М.К., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Т.: 'Fan va texnologiya', 2007. – 4,0 б.т. – 64-бет., Пардаев М.К. ва бошқалар.

Барча усулларда ифода этилган йўналишни таҳлил қилиб, шундай хулосага келдикки, турли кўрсаткичлар иқтисодий мазмуни, йўналиши ва ўлчами жиҳатидан бир хил ҳолатга келтириб олинади ва уларни жамлаш йўли билан комплекс кўрсаткични аниқлашга эришилади. Ушбу усулнинг математик ифодасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Скк = \sum_{k=1}^{n} Ckі * Км;$$

Бунда: Скк – хизмат кўрсатиш корхонаси самарадорлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткич (i =1,2,3+...+n);

Скі – бир хил йўналишга ва бир хил ўлчамга эга бўлган алоҳида і-сондаги самарадорлик кўрсаткичлари;

к – самарадорлик кўрсаткичлари тартиб рақами;

n – самарадорлик кўрсаткичлари сони;

Км – самарадорлик кўрсаткичларининг моҳиятлилик коэффициенти.

Ушбу усулни такомиллаштириб, унинг ўртача миқдорини ҳам аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткич ўртача коэффициентни ифодалайди. Ушбу коэффициентнинг миқдорига қараб, унга иқтисодий маз-

---

Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 2003. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999.- 356 б., Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-қисм. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.- 176 бет.,Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. иқтисодий таҳлил. 2-қисм. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.- 256-бет., Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. М.: «Финансы и статистика», 1981, 1987, 1993, 1994, 1996, 2000. – 416-бет. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. . – М.: «ИНФРА-М», 2002 –333-бет., Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. . – М.: «ИНФРА-М», 2000 – 208 бет , Басовский Л.Е. Теория экономического анализа. учеб. пособие. – М.: «ИНФРА-М», 2001 – 222 бет., Герасимова В.Д. Анализ и диагностика производственной деятельности предприятий (теория, методика, ситуации, задания): учебное пособие 4-е изд., перераб. и доп.-М.: «КНОРУС» ,2008.-256 с., Гиндзбург А.И. Экономический анализ. Учебник. – СПб.: «Питер», 2003.- 480 с. Гиндзбург А.И. Экономический анализ. Учебник. 2-е изд. перераб и доп. – СПб.: «Питер», 2008.- 528 с. Гиндзбург А.И. Экономический анализ для руководителей малых предприятий. – СПб.: «Питер», 2007.- 224 с., Гладкий А.А. Бухучет и финансы для руководителей и менеджеров. – СПб.: «Питер», 2007.- 240 с., Комплексный экономический анализ предприятия / Под ред. Н.В.Войтоповского, А.П.Калининой, И.И.Мазуровой. – СПб.: «Питер», 2009.- 576 с., Крылов Э.И., Власова В.М., Журавкова И.В. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятия. М.: «Финансы и статистика», 2003.- 609 бет., Максютов А.А. Экономический анализ. М.: «Единство», 2005.- 544 бет.,

[52] Маркарьян Э.А. Финансовый анализ. : учеб. пособие / Э.А. Маркарьян, Г.П.Герасименко. С.Э. Маркарьян. – 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 с., Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учеб. пособие.- Минск ООО "Новое знание" 2000 – 688 бет., Чиркова М.Б., Коновалова Е.М., Малицкая В.Б. Анализ хозяйственной деятельности организации: сборник заданий и тестов : учеб. пособие. М.: «Эксмо», 2008. – 160 с., Чиркова М.Б. Учет и анализ банкротство: учеб. пособие / М.Б.Чиркова, В.Б.Малицкая, Е.М.Коновалова. – М.: «Эксмо», 2008. – 240 с.

мун бериш ва хулосани янада чуқурлаштириш мумкин. Ушбу формуланинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$Скк = (\sum_{к=1}^{n} Ск_к * Км): n;$$

Мазкур комплекс кўрсаткични аниқлашнинг аҳамияти шундаки, бунда маҳсулотни сотиш ва сақлаш билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятига реал баҳо бериш учун иқтисодий иш билан шуғулланувчи мутахассислар аниқ маълумотларга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш учун иқтисодий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектлар аслида якка ҳолатда фаолият кўрсатишга асосланса, корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мураккаблашиб, рақобат муҳити чуқурлашиб бориши билан корхоналарни бошқаришнинг турли замонавий усулларидан фойдаланиш тақозо қилинади. Охирги пайтларда иқтисодиётда кенг қўлланилиб келаётган усуллардан бири *синергетик самарага эришиш* ва кластер усулларидир. Ушбу усулларни бемалол хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам қўллаш мумкин. Навбатдаги боблардан бирида ушбу масалага алоҳида тўхталамиз.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил таълим учун саволлар

1. Хизмат кўрсатиш соҳасида "Самарадорлик" тушунчасининг назарий масалалари.
2. Хизмат кўрсатиш соҳасида "Самарадорлик мезони" тушунчасининг назарий масалалари.
3. Хизмат кўрсатиш соҳасида "Самарадорлик кўрсаткичлари"нинг назарий масалалари.
4. Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таснифи.
5. Хизмат кўрсатиш корхоналарида умумий самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
6. Хизмат кўрсатиш корхоналарида активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
7. Хизмат кўрсатиш корхоналарида асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.

8. Хизмат кўрсатиш корхоналарида номоддий активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
9. Хизмат кўрсатиш корхоналарида жорий активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
10. Хизмат кўрсатиш корхоналарида ўз маблағлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
11. Хизмат кўрсатиш корхоналарида мажбуриятлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
12. Хизмат кўрсатиш корхоналари харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.

Калитли сўзлар

Самарадорлик, самарадорлик мезони, самарадорлик кўрсаткичлари, самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, умумий самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар, корхоналарида активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, номоддий активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, жорий активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, ўз маблағлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, мажбуриятлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

8-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА СИНЕРГЕТИК САМАРА ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ[53]

РЕЖА:

1. **Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самара ва унинг назарий масалалари.**
2. **Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорлик ва уни аниқлаш йўллари.**
3. **Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари.**

*****

1. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самара ва унинг назарий масалалари

Хизматлар тизимида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари ҳам салмоқли ўринларга эга. Шу туфайли мазкур мавзуни айнан хизмат кўрсатиш соҳасининг шу йўналиши мисолида қараб чиқамиз.

Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларни такомиллаштиришнинг бир қанча йўллари мавжуд. Улардан бири синергетик самара усулидир. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, ушбу усулдан фойдаланиш имкониятлари катта ва унчалик катта маблағ талаб қилмайди. Бироқ, иқтисодий адабиётларда "синергетика", "синергетик самара" ва "синергетик самарадорлик" тушунчаларига аниқ жавоб топиш қийин бўлди. Шу туфайли биз ушбу саволга жавоб топиш учун бир қанча илмий ва фундаментал адабиётларга, турли луғат ва энциклопедияларга мурожаат қилдик. Улардан бири 2007 йилда муаллифлар жамоаси томонидан нашр қилинган "Большая экономическая энциклопедия"[54] бўлиб, унда синергетика сўзининг айнан ўзига изоҳ берилмаган. Аммо "Синергетик самара" ("Синергетический эффект") сўзига изоҳ берилади ва ушбу сўздан кейин "синергия" сўзи келтирилади ва уларга қуйидагича изоҳ берилади: "алоҳида қисмларни умумий тизимга интеграциялаштирган ҳолда "эмерджентность" (тизимли самара) таъсирида иш самарадорлигини оширишдир. Бунда биргаликда ҳаракатнинг самара-

[53] Мазкур боб Олим Пардаев билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.
[54] Большая экономическая энциклопедия. – М.: «Эксмо», 2007. – 581-б.

дорлиги алоҳида ҳаракат қилинганига нисбатан юқори"[55] (таржима бизники-О.П.), деб таъкидланади.

Энди "синергия" сўзининг маъносига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, айнан синергетика сўзи бошқа луғатларда ҳам учрамайди ва уларда ҳам синергия атамаси ишлатилган. Ушбу сўзга изоҳни 1988 йилда нашр қилинган "Словарь иностранных слов" китобидан топдик. Унда эътироф этилишича "Синергизм, синергия" сўзлари юнон тилидан олинган бўлиб, унинг ўзаги "synergeia"ни ташкил қилади ва унинг маъноси "бирлашиш, ҳамкорлик"[56], деган маъноларни беради. Ушбу луғатда "синергист" сўзига ҳам изоҳ берилган. Ушбу сўз ҳам юнон тилидан олинган бўлиб, "synergos"ни англатади ва "биргаликда ҳаракат қилувчи"[57], деган маъноларни беради. Аммо кейинги изоҳларда бу атаманинг одам организмида содир бўладиган ўзгаришлар, биологияга оид фанларда қўлланилиши эътироф этилган. Шуни эътироф этиш керакки, ушбу атама биринчи марта ўтган асрнинг ўрталарида физикада қўлланилди. Сўнгра XX-асрнинг охири ва XXI-асрнинг бошларида иқтисодиётга кириб кела бошлади.

Худди шунга ўхшаш ҳолатни 1999 йилда нашр қилинган, А.Н.Азрилиян таҳрири остида нашр қилинган "Большой экономический словарь"да ҳам учратиш мумкин. Ушбу луғатда ҳам синергетика сўзига изоҳ берилмаган, фақат "синергия" атамасидан фойдаланиб, унга изоҳ берилган. Ушбу ишда "синергия" атамасига иқтисодиёт нуқтаи назаридан ёндашилган. Ушбу асарда ҳам эътироф этилишича, мазкур атама юнон тилидан олинган бўлиб, унинг ўзаги "synergeia"ни ташкил қилади ва "компанияларнинг алоҳида фаолиятига нисбатан бирлашиб фаолият кўрсатиши натижасида катта самарадорликка эришишдир"[58] (таржима бизники-О.П.), деб кўрсатилган.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётда қўлланилаётган, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган усуллардан бири "Синергетик самара", деб эътироф этилмоқда. Бу борада айрим тадқиқотларда ҳам эътироф этилиб, айнан шу атама қўлланилмоқда[59]. Ушбу ата-

---

[55] Ўша жойда. – 181 б.

[56] Словарь иностранных слов. 16-е изд., испр. – М.: Рус. яз, 1988. – 467 С.

[57] Ўша жойда. – 467 С.

[58] Большой экономический словарь // Под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-у изд. и перераб. – М.: «Институт новой экономики», 1999. – 906 с.

[59] Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Т.: Банковско-финансовая Академия РУз., 2008.

мадан М.Б.Хамидулиннинг ишида[60] иқтисодиётнинг молиявий секторида, хусусан қимматли қоғозлар бозорида фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган. Х.Р.Туробованинг ишида[61] эса, қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини такомиллаштиришда қўллаш мумкинлиги кўрсатиб берилган. Аммо юқорида номлари зикр этилган олимларнинг ишларида ушбу тушунчаларнинг таърифи келтирилмаган. Шундай бўлсада, ушбу тушунчалардан фойдаланишга эришилган.

Булардан кўриниб турибдики, фандаги ҳар қандай янгиликни бир қанча фанларга ҳам қўллаш мумкин экан. Чунки ушбу атама ва усуллар биринчи марта аниқ табиий фанларда, тиббиётда ва физикага оид фанларда қўлланилган бўлса, таъкидланганидек, XXI асрга келиб иқтисодиётда ҳам қўлланилмоқда. Биз эса, буни иқтисодиётнинг кичик бир тармоғи бўлган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини кўрсатиш жараёнларида қўллаш мумкинлиги хусусида айрим фикрларни айтмоқчимиз.

Ҳақиқатда ушбу тушунчани бевосита хизмат кўрсатиш соҳасига, унинг таркибий қисми бўлган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнига қўллайдиган бўлсак, шуни эътироф этиш керакки, соҳани ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун уларни икки босқичда амалга ошириш мумкин. Биринчидан, бир соҳадаги бир қанча бир-бирига ўхшаш хўжалик юритувчи субъектлар кучларини бирлаштириш лозим бўлса, иккинчидан ушбу соҳага дахлдор турли соҳада хўжалик юртувчи субъектлар кучларини бирлаштириш, уларнинг бир-бири билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлаш лозим бўлади. Кўриниб турибдики, у ҳолда ҳам бу ҳолда ҳам, синергетика билан боғлиқ жараёнларда тарқоқ кучларни бирлаштириш тўғрисида гап кетмоқда.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, синергетика, синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларининг таърифлари иқтисодий адабиётларда ҳамон етарли даражада ёритилмаган.

– С. 38., Туробова Х.Р. Фермерликни устувор ривожлантиришда кооперация муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.: УзР Банк-молия Академияси., 2012. – 27-б.

[60] Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Т.: Банковско-финансовая Академия РУз., 2008. – С. 27.

[61] Туробова Х.Р. Фермерликни устувор ривожлантиришда кооперация муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.: УзР Банк-молия Академияси., 2012. – 19-с.

Булардан келиб чиқиб, уларнинг назарий масалаларига алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади. Ҳар қандай тушунча ёки категориянинг назарий масаласи унинг таърифини тадқиқ қилиш ва такомиллашган вариантини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Аммо ушбу атамаларнинг таърифлари иқтисодий адабиётларда ҳамон ёритилмаганлигини инобатга олиб, синергетика атамасига иқтисодиёт нуқтаи назаридан, унинг табиати ва моҳиятини ўрганиб, қуйидагича таъриф бериш мумкин, деган хулосага келдик. **Синергетика дейилганда, бирорта соҳани ривожлантириш ёки самарадорлигини ошириш мақсадида алоҳида-алоҳида субъектлар кучларини бир жойга жамлаган ҳолда ҳаракат қилиш ёки бир куч билан узлуксиз ҳолда белгиланган мақсадга эришиш йўлида тизимли равишда таъсир қилиш тушунилади.**

Аммо бу ҳолатга эришиш иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароитида бироз мураккаб. Чунки, турли соҳаларда турли мулк эгалиги ҳукм сурмоқда, ҳатто бир соҳада ҳам турли мулк эгаларига асосланган, бир-бири билан рақобатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатади. Бироқ, бугунги кунда кучларни бирлаштириш ва бир-бири билан ҳамкорлик қилиш объектив заруратга айланмоқда. Чунки, кучлар бирлашсагина, катта самарадорликка эришиш мумкин.

Мазкур таърифни иқтисодий жиҳатдан асослайдиган бўлсак, шуни эътироф этиш керакки, унда: биринчидан, бирорта аниқ соҳани ривожлантириш ёки самарадорлигини оширишга қаратилган мақсад бўлиши керак. Иккинчидан, уни амалга ошириш учун алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатадиган субъектлар кучларини бир жойга жамлаш лозим бўлади. Учинчидан, биргаликда ҳаракатга келтирилган куч орқали алоҳида ҳаракат қилиб эришилган натижага нисбатан кўпроқ самарага эришилганлигига гувоҳ бўламиз. Тўртинчидан, битта куч билан таъсир қилиб, самарадорликка эришиш мақсади қўйилса, унда ушбу битта куч билан узлуксиз ҳолда тизимли равишда таъсир қилиш лозим бўлади.

Ушбу назарий масалаларни асослаш учун айрим далил ва мисолларни келтирамиз. Биринчидан, бирорта аниқ соҳани, яъни маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган мақсад қўйилади.

Иккинчидан, ушбу мақсадга эришиш учун эса, алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатадиган субъектлар (омбор, уларга хизмат қи-

лувчи коммунал хўжалик субъектлари, транспорт ташкилотлари кабилар) кучлари бир жойга жамланади. Уларнинг ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиши таъминланади.

Учинчидан, биргаликда ҳаракатга келтирилган ҳолатдаги самара, яъни ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар томонидан эришилган фойданинг жамланганига нисбатан, кучни бирлаштириш орқали эришилган фойда кўп бўлади. Бу эса, турли тармоқ ва соҳаларни бирлаштиришда уларнинг манфаатдорлигининг мувофиқлигини таъминлаш имконини вужудга келтиради. Ҳар бир корхонанинг ҳамиша алоҳида ҳаракат қилиб, эришилган натижага нисбатан бирлашиб қилинган ҳаракати кўпроқ натижа бериши мумкин.

Тўртинчидан, таъкидланганидек, битта куч билан таъсир қилиб самарадорликка эришиш мақсади қўйилса, унда ушбу битта куч билан узлуксиз ҳолда тизимли равишда таъсир қилиш лозим бўлади. Бунга табиатдан битта мисол келтирамиз. Сув юмшоқ, аммо узлуксиз равишда бир хил томчилатиб қўйилса, қаттиқ тошни ҳам тешиб юбориши мумкин. Иқтисодий соҳада мисол қилиб, омбордан юкни транспортга ортишни келтириш мумкин. Одам бир идишда 50 килограмм юкни кўтариб ортиши мумкин. Агар уни тизимли равишда давом эттирса, жуда кўп тонналаб юкни ортиб қўяди. Аммо уни бирданига ортиши қийин. Бунинг учун бир қанча кучларни бирлаштиришга тўғри келади.

Бевосита маҳсулотларни сақлаш жараёнига келадиган бўлсак, уни сақлайдиган омбор (совуткич идораси), электр тармоқлари, газ билан таъминлайдиган идоралар каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашлари лозим. Совуткичга узлуксиз электр таъминоти лозим. Агар унда узилиш бўлса, маҳсулотда бузилиш кўп бўлади. Электр энергиясининг узилиши туфайли у истеъмолчига бир вақт бирлигида кам сотилган бўлади ва бошқа томондан, маҳсулотнинг бир қисми нобуд бўлиши натижасида унинг эгаси зарар кўради ва ҳ.к. Кўриниб турибдики, битта электр қувватининг узилиши бир қанча субъектлар манфаатига зид бўлиб келмоқда. Шу туфайли совуткич корхонаси билан электр таъминоти ва шунга ўхшаш корхоналар ҳамкорлигини таъминлаш лозим бўлади. Улар бир-бирларини қўллаб-қувватлаб ишлашлари лозим бўлади.

Энди ушбу заруратлардан келиб чиқиб, синергетик самарага ҳам таъриф бериш мумкин, деб ўйлаймиз. Чунки иқтисодий ада-

биётларда ва тадқиқот жараёнида улардан фойдаланилсада, ушбу тушунчанинг таърифи адабиётларда[62] келтирилмаган, фақат унинг изоҳи билан чекланиб келинмоқда. Шундай қилиб, биз ушбу тушунчага таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Синергетик самара дейилганда, бирорта соҳада ёки бирорта жараёнда юқори самарадорликка ҳамкорликда, барча даҳлдор кучларни бирлаштирган ҳолда эришиш ёки битта кучни бир мақсад сари тизимли равишда йўналтириш эвазига амалга ошириш тушунилади.** Ушбу таърифнинг ҳам математик ифодасини келтириш мумкин. Бунда асосан натижа кўрсаткичи (синергетик самара) кучларнинг жамланишида ўз ифодасини топади. Бизнинг фикримизча, ушбу жараённинг математик моделини ифодалаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Cc = \sum_{k=1}^{n} Ki;$$

Бунда: Сс-синергетик самара;
і - кучларнинг тартиб рақами;
n - алоҳида кучларнинг сони;
Кі – і-кучнинг (субъектнинг) номи.

Ушбу таъриф ва математик моделни шу билан асослаш мумкинки, бирорта соҳада ёки бирорта жараёнда юқори самарани, масалан фойдани қўлга киритиш учун битта соҳадаги субъектлар ёки бир соҳага даҳлдор бўлган турли субъектлар (корхоналар)нинг ҳамкорликда ҳаракат қилишларини, яъни уларнинг диалектик бирлигини таъминлаган ҳолда тарқоқ кучларни бирлаштиришни йўлга қўйиш лозим бўлади. Уларнинг тарқоқ ҳолда эришган натижасига нисбатан биргаликда қилган ҳаракати кўпроқ натижага эришиш имконини беради. Уларнинг мана шу биргаликда эришган муваффақияти айнан синергетик самарани ташкил қилади.

---

[62] Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Т.: Банковско-финансовая Академия РУз., 2008. – С. 38., Туробова Ҳ.Р. Фермерликни устувор ривожлантиришда кооперация муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси автореферати. Т.: УзР Банк-молия Академияси., 2012. – 27-б. Словарь иностранных слов. 16-е изд., испр. – М.: «Рус. Яз», 1988. - С. 467., Большой экономический словарь // Под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-у изд. и перераб. – М.: «Институт новой экономики», 1999. – С. 906. ва х.к.

2. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самараддорлик ва уни аниқлаш йўллари

Иқтисодиётнинг бозор муносабатлари ҳар қандай самарани ҳам ўзига сингдира олмайди. Самара қачон қулай, қачонки унга қилинган харажатлар юқори самарадорлик эвазига амалга ошса. Шу туфайли синергетик самара билан бирга **синергетик самарадорлик** тушунчасига ҳам тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Аммо иқтисодий адабиётларда, юқорида таъкидланганидек, синертегик самарадорлик тушунчасига берилган таърифни учратмадик. Шу туфайли синергетика ва самарадорлик тушунчаларининг мумтоз таърифидан ва уларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ушбу тушунчанинг таърифини ишлаб чиқдик. Тадқиқотда ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Синергетик самарадорлик дейилганда, бирорта соҳада ёки бирорта жараёнда юқори самарани қўлга киритиш учун ҳамкорликда, барча дахлдор кучларни бирлаштирган ҳолда қилинган ҳаракатларга кетган харажатлар, алоҳида ҳаракат қилинган пайтдаги харажатларга нисбатан юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги тушунилади.** Масалан, 8 та бир соҳада хўжалик юритувчи субъектлар алоҳида ҳаракат қилиб, ўрта ҳисобда ҳар бир минг сўм қилинган харажатга 300 сўмдан соф фойда олишга эришди. Улар кучни бирлаштириб, биргаликда ҳаракат қилганда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 400 сўмни ташкил қилди, деб фараз қиламиз. Кўриниб турибдики, иккинчи ҳолатда синергетик самарадорлик туфайли биринчи ҳолатга нисбатан ҳар бир минг сўм қилинган харажатга юз сўмдан қўшимча соф фойда (400-300) олишга эришилган. Бунинг математик шаклини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Delta Сс = Ксб - (\sum_{k=1}^{n} Кi);$$

Бунда: $\Delta Сс$ *- синергетик самара фарқининг миқдори;*

$Ксб$ *– кучларни бирлаштирган пайтдаги синергетик самара;* $(\sum_{k=1}^{n} Кi)$; *- алоҳида кучлар ҳаракати пайтидаги самаранинг жамланган миқдори.*

Ушбу формулалардан фойдаланиб, синергетик самарадорлик миқдорини харажатларга нисбатан аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Ссд = \frac{Кбха - (\sum_{i=1}^{n} Хаi)}{Сха} = \frac{\Delta Сс}{Схе};$$

Бунда: Ссд – синергетик самарадорлик;

Кбха - кучларни бирлаштирган пайтдаги синергетик харажатлар;

$\left(\sum_{i=0}^{n} Хаi\right)$ *- алоҳида кучлар ҳаракати пайтидаги харажатларнинг жамланган миқдори;*

$\Delta Сс$ *- синергетик самара фарқининг миқдори;*

$Схе$ *- кучларни бирлаштирган пайтдаги синергетик харажатлар фарқининг миқдори.*

Амалиётда ана шу самарадорликка эришиш учун барча кучларни бирлаштирган ҳолда ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш тақозо қилинади. Бу жараён ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Буни ташкил қилишни биринчи босқичда давлат ҳокимияти бош ислоҳотчилик тамойилидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ҳокимликлар ўз зиммаларига олишлари ва унинг бажарилишини назорат қилиб боришлари лозим. Бу жараён йўлга тушиб, ўзини оқлагандан кейин хўжалик юритувчи субъектлар ўз ихтиёрлари билан бирлашиб ҳаракат қилишлари табиий. Чунки самара берадиган иқтисодий тадбир ерда қолмайди.

3. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, синергетик самара ва самарадорликка эришиш учун унинг бир қанча йўналишларини қараб чиқиш лозим бўлмоқда. Бундай йўналишларга қуйидагиларни, яъни ҳамкорликда таъсир, тизимли таъсир ва келажакнинг бугунга таъсири каби йўналишларни киритиш мумкин. Буларнинг бир-бирига боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (8.1-расм).



8.*1-расм*. **Синергетик самаранинг асосий йўналишлари (тамойиллари)**[63]

Буларнинг ҳар бирини изоҳлайдиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

Биринчидан, натижанинг ўзгаришига синергетик самаранинг **ҳамкорликда таъсир** тамойили вужудга келади. Ҳамкорликда қилинган ҳар қандай ишда кучлар бирлаштирилади ва табиий равишда юқори самарага эришиш мумкин бўади. Бу борада юқорида ҳам етарли далиллар келтирилди. Бундан кўриниб турибдики, бир соҳани ривожлантириш учун уларда мавжуд бўлган ва уларга бевосита дахлдор бўлган тарқоқ кучларни бирлаштиришга тўғри келар экан. Бу жараёнда албатта мураккабликлар мавжуд. Чунки ҳозирги шароитда турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган, турли соҳада хўжалик юритадиган субъектларни бирлаштириш бироз мураккаб. Шу туфайли уларнинг манфаатдорлиги таъминланган бўлиши лозим. Бу анча ташкилий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Шу туфайли ушбу ишнинг бошида маҳаллий ҳокимият туриши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, синергетик самарага эришиш учун **тизимли таъсирни** амалга ошириш тақозо қилинади. Чунки тизимли таъсир натижасида қаттиқни юмшоқ билан енгиш мумкин. Юқорида юмшоқ сув тошнинг устига тизимли равишда томизиб турилса, тошни тешиши мумкинлигини эслатган эдик. Буни иқтисодиётга хос тарзда изоҳлайдиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, агар бинони қурмоқчи бўлсак, ҳар куни унга мингтадан ғишт териб борилса, маълум кунда ушбу бино битади. Пахта хирмонини ҳам мисол келтириш мумкин. Пахтанинг ҳар бир чанокдаги оғирлиги 5-10 граммни ташкил қилади. Уни териш жараёнида тизимли равишда аста-секинлик билан грамлаб териш натижасида миллион тонналаб хирмон ҳосил бўлади. Худди шундай ҳолатга қадимий

[63] Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилди.

мақолларимиздан бири: "Тома-тома кўл бўлур, томмай қолса чўл бўлур", деган мисолни ҳам келтиришимиз мумкин. Кўриниб турибдики, тизимли таъсир натижасида кичик натижаларнинг жамланиши билан катта муваффақиятга эришиш мумкин экан. Буни бевосита маҳсулотларни сақлаш, совутиш ва сотиш жараёнига ҳам қўллаш мумкин. Масалан, юқорида тавсия қилинган "совуқ занжир" усулини оладиган бўлсак, маҳсулотни тайёрлашдан сақлаш ва сотишга қадарги босқичларнинг ҳаммасида совуткич бўлиши лозим. Бунда ташиш жараёнида автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари ҳам совуткичлар билан жиҳозланиши керак бўлади. У ҳолда маҳсулотнинг нобуд бўлиши минимал даражага тушади ва у катта синергетик самара беради.

Учинчидан, синергетик самаранинг яна бир йўналиши **келажакнинг бугунга таъсир** қилиш тамойили бўлиб ҳисобланади. Буни оила ҳаётига қиёс қиладиган бўлсак, ота-она боласининг саводхон бўлиб ўқишлигини, келажакда билимдон бола бўлиб етишишини орзу қилади. Бунга эришиш учун эса, унинг ўқишига тегишли шароитларни яратишга ҳаракат қилади, ўргатувчи (репетитор) ёллайди. Бизнинг мамлакатимизда асосий таълим бепул. Аммо ўз фарзандининг келажагини ўйлаган ота-она пул тўлаб, қўшимча дарсларга иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қилади. Кўриниб турибдики, келажак бугунга таъсир қилмоқда. Агар буни бевосита иқтисодиётга қўллайдиган бўлсак, тадбиркорнинг мақсади ўз фаолияти натижасида, харажатлар қилиш эвазига келажакда катта фойда олиш, сифатли хизмат кўрсатиш, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш орқали баланд обрўга эришишга қаратилган бўлади. Бунга эришиш мақсадида тадбиркор биз тадқиқ қилаётган маҳсулотни сақлайдиган омборлар ва совуткичларни ҳам мавсумга шай килиб қўйиш учун барча биноларни, ускуна ва жиҳозларни олдиндан таъмирлаб, уларни шай ҳолатга келтиради. Кўриниб турибдики, келажак бугунги фаолиятга таъсир қилмоқда.

Юқоридаги келтирилган учта тушунчаларнинг таърифидан ва уларга берилган изоҳлардан кўриниб турибдики, синергетик самарага эришиш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор муносабатлари шароитидаги индивидуализм тамойилига асосланган ҳаракати ва ҳар бирининг якка тартибда рақобат майдонида намоён бўлишига барҳам бериш лозимлигини тақозо қилади. Бу ҳолат бозор муносабатлари тамойилларига бошқачароқ, ўзимизга

хос тарзда ёндашиш заруратини туғдиради. Бу борада тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ишни мувофиқлаштириш масаласини ҳозирги пайтларда тажриба тариқасида маҳаллий ҳокимиятлар амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Агар у ҳақиқий синергетик самара берса, уни мамлакат миқиёсида жорий қилишга тўғри келади, деб ҳисоблаймиз.

Барча соҳаларда ҳамкорлик катта муваффақиятларга эришиш калити эканлиги бизнинг миллатимиз учун асл қадрият. Масалан, бизда бирорта ишни тез ва соз битириш учун қадимдан "ҳашар" деган тадбирга амал қилиб келинган. Бу айнан бирор-бир мақсадга эришиш, бирорта ишни бажариш учун турли кучларни бирлаштириш ва ҳамкорлик қилиш намунасидир. Демак, бизнинг ҳашаримизни англатадиган замонавий халқаро ибора синергетик усул, яъни ҳамкорлик усули эканлигига гувоҳ бўламиз.

Бизнинг иқтисодиётимиз ҳам жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашган ҳолда ривожланмоқда ва бундай бўлиши тайин. Бу ҳолат маълум даражада иқтисодиётимизда рақобат муҳитининг шаклланишини ва рақобатчилар ўртасида рақобатчиликнинг мавжудлигини тақозо қилади. Бу эса ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш заруратини вужудга келтиради. Аммо бизнинг иқтисодиётимизда кескин рақобатнинг сақланиб қолиши билан биргаликда ҳамкорлик ҳам муттасил ривожланиб бораверииши лозим. Зеро, бу жараён ҳозирги замон тили билан айтганда юқори "синергетик самара"га, сўнгра "синергетик самарадорлик"ка эришишнинг асосий йўлларидан бирига айланади.

Булардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, "синергетика" сўзини ўзимизга мос равишда, унга мазмуни жиҳатидан қарайдиган бўлсак, "ҳамкорлик" деб аташ мумкин. Ҳамкорликнинг ҳозирги мавжуд шакллари: турли уюшмалар, кооперациялар, бирлашмалар, ассоциациялар каби шаклларда намоён бўлмоқда. Бирорта самарага эришишда, бирорта ишни тез ва соз бажаришда кучларни бирлаштиришнинг бир марталик жараёни бизда қадимдан, юқорида таъкидланганидек, ҳашар шаклида қўлланилиб келинган. Бу ҳозир ҳам сақланиб қолинмоқда. Бундай ишлар қадриятларимизнинг тикланишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Кўриниб турибдики, синергетика бизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида биздан олдин ҳам узоқ

бўлмаган ва ҳозир ҳам у биз билан бирга. Келажак истиқболимизда ҳам ҳамкорлик синергетик самарага эришишнинг асосий йўли бўлиб қолади. Чунки, нима қадрият бўлган бўлса, бугун улар босқичма-босқич тикланмоқда, сақланиб қолганлари такомиллашмоқда, келажакда ҳам у ҳаётимизнинг таркибий қисми сифатида авлодларимизнинг ҳаётий тарзидан кенг ўрин олиши табиий. Шу туфайли ҳар қандай янги тушунчалар, усуллар ва дастакларни тадқиқ қилганда, албатта, ўзимизнинг ўтмишимизга, ота-боболаримизнинг хўжалик юритиш шаклига мурожаат қилиш лозим бўлади. Чунки, ҳар қандай янгилик унутилган ўтмишдир, деган ақидага амал қилиш лозимдир.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил таълим учун саволлар

1. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самара ва унинг назарий масалалари.
2. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самаранинг таърифи.
3. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самараддорлик ва уни аниқлаш йўллари.
4. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликнинг таърифи.
5. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари.
6. Синергетик самарадорликнинг ҳамкорликда таъсири йўналиши.
7. Синергетик самарадорликнинг тизимли таъсири йўналиши.
8. Синергетик самарадорликнинг келажакнинг бугунга таъсири йўналиши.

Калитли сўзлар

Синергетика, синергетик самара, хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самара, хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самараддорлик, синергетик самарадорликнинг ҳамкорликда таъсири йўналиши, синергетик самарадорликнинг тизимли таъсири йўналиши, синергетик самарадорликнинг келажакнинг бугунга таъсири йўналиши.

9-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ[64]

РЕЖА:

1. **Кластер усулининг мазмуни ва унинг таърифини асослаш бўйича назарий масалалар.**
2. **Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш кластери ва ундан фойдаланиш имкониятлари**

*****

1. Кластер усулининг мазмуни ва унинг таърифини асослаш бўйича назарий масалалар

Йигирма биринчи асрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, иқтисодиёт фанига жуда кўплаб усуллар ва инновацияларнинг кириб келиши билан характерлидир. Улардан бири кластер усулидир. Мазкур усулнинг хизмат кўрсатиш соҳасида қўлланилиши бўйича айрим фикрлар айтилмоқда. Ушбу усулдан фойдаланишдан олдин унинг мазмунини назарий жиҳатдан очиб беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Ҳозирги пайтда кластер сўзи ва у билан боғлиқ тушунчалар халқаро амалиётда ва бир қанча фанларда, шу жумладан, иқтисодиётга оид фанларда ҳам кенг қўлланилиб боришига қарамасдан, ушбу сўзнинг изоҳи деярли ёритилмасдан қолинмоқда. Жумладан, ўзбек тилида ушбу сўздан деярли фойдаланилмай келинмоқда. Хусусан, 1983 йилда нашр қилинган 2 жилдлик "Русча-ўзбекча луғат"да[65] ушбу сўзнинг изоҳи берилмаган эди. 2006 йилда нашрдан чиққан 5 жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ҳам ушбу сўз ва у билан боғлиқ тушунчалар келтирилмаган[66].

Бундай ҳолат рус тилида нашр қилинган адабиётларда ҳам кузатилади. 1999 йилда Москва шаҳридаги "Институт новой экономики" нашриётида чоп қилинган "Большой экономический словарь"да ҳам кластер сўзига изоҳни топа олмадик[67]. Луғат илмининг дарғаларидан бири С.И.Ожеговнинг "Словарь русского языка"

---

[64] Мазкур боб Олим Пардаев билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.

[65] Русча-ўзбекча луғат. – Т.: "Ўзбек совет энциклопедияси" бош редакцияси, 1983. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет,

[66] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2006. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет, 3-жилд – 688 бет, 4-жилд – 608 бет, 5-жилд - 592 бет.

[67] Большой экономический словарь. – М.: "Институт новой экономики"нашриёти, 1999. – 1246 бет.

номли луғатида ҳам ушбу сўзнинг изоҳи берилмаган[68]. Одатда математикада кластер таҳлили қўлланилиб келинганлигига гувоҳмиз. Аммо 1988 йилда нашр қилинган "Математический энциклопедический словарь"да ҳам ушбу сўзга изоҳ топа олмадик[69]. Булардан ҳам кўриниб турибдики, иқтисодий ўсишнинг илғор усулларидан бири бўлган кластер усули олдин ҳам, ҳозир ҳам МДҲ мамлакатлари иқтисодий адабиётларида ва тил луғатида кенг қўлланилганича йўқ. Москва шаҳрида 2007 йилда нашр қилинган "Большая экономическая энциклопедия"да ҳам кластер сўзига изоҳ берилмаган[70].

Кластер сўзи ва у билан боғлиқ тушунчалар халқаро амалиётда ва бир қанча фанларда, шу жумладан, иқтисодиётга оид фанларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, Финляндияда ўрмон хўжалиги кластери, Норвегияда денгиз технологиялари кластери, Буюк Британияда биотехнологик кластер, Италияда оёқ кийимини ишлаб чиқарувчи кластер, Германия ва Бельгияда кимёвий кластер кабиларни мисол келтириш мумкин[71]. Булардан келиб чиқиб таъкидлаймизки, Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам кластер усулидан фойдаланиш мумкин. Чунки мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланиб, мулк тизимида хусусий мулкнинг устуворлиги етарли даражада таъминланди. Бу ҳолат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўнглашга инновацион усулларни, хусусан кластер усулини ҳам қўллаш мумкинлигини тақозо қилади.

Бундай ҳолатни охирги пайтларда кластер усулини қўллаш билан бир қанча тадқиқотчиларнинг шуғулланаётганлигидан ҳам кўриш мумкин. Булар жумласига Д.М.Қурбанова[72], О.М.Пардаев[73], М.Т.Алимова[74] кабиларнинг тавсияларини киритиш мумкин. Маз-

---

[68] Ожегов С.И. Словарь русского языка.- М.: "Русский язык", 1982. – 816 бет.

[69] Математический энциклопедический словарь. Советская энциклопедия", 1988. – 847 бет.

[70] Большая экономическая энциклопедия. – М.: «Эксмо», 2007. – 816 бет.

[71] Алимова М.Т. Туристик кластер ҳудудий рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизми сифатида.//"Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги Республика ИАК материаллари. (2012 йил 17 февраль), Самарқанд, СамИСИ, 2012. - 180 бет.

[72] Курбанова Д.М. Вопросы формирования туристического кластера в Узбекистане.//Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар. Халқаро ИАА материаллари. 2012 йил 29-30 июнь. Самарқанд, 2012. -111-113-бетлар.

[73] Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик: мазмуни, мезонлари, кўрсаткичлари, омиллари ва уларни баҳолаш йўллари. Монография. – Т.: "Иқтисодиёт", 2012 – 76-79-бетлар.

[74] Алимова М.Т. Туристик кластер ҳудудий рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизми сифатида.//"Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги Республика ИАК материаллари (2012 йил 17 февраль), Самарқанд, СамИСИ, 2012. - 178-182-бетлар.

кур тадқиқотчилар асарларида кластернинг бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги, амалиётда қўлланилиши, унинг бошқаришдаги ўрини, таркибий тузилиши хусусида эътиборга молик тавсиялар келтирилган. Аммо ушбу адабиётларда кластер тушунчасининг мазмуни назарий жиҳатдан тўлиқ очиб берилмаган. Буларни инобатга олиб, кластер тушунчасининг мазмунини назарий жиҳатдан таҳлил қилишдан бошлаймиз.

Тадқиқотчилардан М.Т.Алимова таъкидлашича, "Кластер" сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, "бирга ўсмоқ" маъносини англатади[75]. Бизнинг фикримизча, «бирга ўсмоқ» тушунчаси бирорта муаммони ҳал қилишда «биргалашиб ҳаракат қилмоқ» маъносини билдиради. Демак, бирорта муаммони ҳал қилишда кластер ёндашувидан фойдаланадиган бўлсак, албатта ушбу жараённинг ёки бирорта фаолиятнинг самарадорлигини ошириш учун шунга дахлдор бўлган кучларни бирлаштириш ҳақида гап бормоғи лозим.

Шуни эътироф этиш керакки, айрим тадқиқотчилар, масалан, О.М.Пардаев Самарқанд вилоятида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини ишлаб чиққан[76].

Ушбу фикрга қўшилган ва ундаги услубий йўналишга асосланган ҳолда Самарқанд вилоятида туризмнинг ҳам кластерини тузиш мумкин, деган хулосага келдик. Бизнинг фикримизча ушбу соҳа кластерига қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- вилоят ҳокимлиги;
- туман ва шаҳар ҳокимликлари;
- туристик фирмалар;
- туризмга хизмат қилувчи инфратузилмавий субъектлар;
- туризмни ривожлантиришга қўйилган инвесторлар;
-туристик комплекслар таркибидаги меҳмонхона хўжаликлари;
- туризмнинг ички ва ташқи рекламаси билан шуғулланувчи ташкилотлар;
- туризм соҳасида ҳамкорлик қиладиган хорижий фирмалар ва инвесторлар;

---

[75] Ўша жойда. – 179-бет.

[76] Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик: мазмуни, мезонлари, кўрсаткичлари, омиллари ва уларни баҳолаш йўллари. Монография. – Т.: "Иқтисодиёт", 2012 – 76-79-бетлар.

- туристик ресурслар ва уларни ушлаб турувчи турли ташкилотлар кабиларни киритиш мумкин.

Мазкур тузилмаларнинг функцияларига қисқагина тўхталадиган бўлсак, иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида туризм кластери вилоят ҳокимлиги томонидан бошқарилган маъқул. Чунки ушбу ташкилот вилоят бўйича мазкур соҳани ривожлантириш учун тегишли кучларни бир-бирига мувофиқ ҳолда бирлаштириб туради.

Туризмни ривожлантиришда туман ва шаҳар ҳокимликларининг асосий вазифаси ўзларининг ҳудудларидаги туристик объектларнинг сақланиши, туристларнинг бориши учун тегишли шароитни яратиши ва туристлардан маълум даражада маблағни туман (шаҳар)нинг маҳаллий бюджетига туширишни таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун улар имкон қадар туристик фирмаларни ўзларининг ҳудудларида ташкил қилиш билан бирга албатта, туристик объектларнинг туристларга кўрсатилиши учун қизиқарли ва қулайлигини таъминлашга ҳаракат қилмоғи лозим.

Туризмни ривожлантириш учун турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган туристик фирмалар биринчи галдаги манфаатдор ташкилот бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли ушбу субъектлар туризмни ривожлантириш учун барча билим ва тажрибаларини аямасдан сафарбар қилиши лозим. Агар туристик кластер ташкил қилинса, турфирмалар бир-бири билан рақобатчи сифатида эмас, балки ҳамкор сифатида фаолият кўрсатадилар. Бизнинг мамлакатимизда катта муваффақиятга эришиш учун рақобатга нисбатан ҳамкорликда фаолият кўрсатиш юқорироқ самара беради, деб ўйлаймиз.

Туризмнинг ривожланишида туризмга хизмат қилувчи инфратузилмавий субъектларнинг ўрини ва роли ҳам катта эканлигини инобатга олиб, туристик кластерда уларнинг ҳам иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бундай ташкилотлар таркибига коммунал хизматларни амалга оширувчи ташкилотларни, йўлларни таъмирловчи субъектларни, туристларни ташийдиган ва уларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган идораларни, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ДАКнинг ҳудудий ташкилотларини киритиш мумкин. Ушбу ташкилотлар ҳам туризмнинг ривожланишидан бевосита манфаатдор. Бундай объектив зарурат ушбу субъектларнинг туризм кластери таркибида бўлишини тақозо қилади.

Ҳар бир соҳани ривожлантириш учун шу соҳанинг эгалари, аниқроғи инвесторлари бўлмоғи лозим. Инвесторлар турли мулк эгалари бўлиши мумкин. Уларнинг асосий мақсади тадбиркорликни ривожлантириш ва маълум даражада фойда олиш билан боғлиқ. Шу туфайли туризмни ривожлантиришга ўз мулкини қўйган инвесторлар ҳам соҳанинг ривожланиши учун катта манфаатдор субъектлардан биридир. Бундай зарурат туризм кластери таркибида инвесторларнинг ҳам бўлишлигини тақозо қилади. Ушбу субъектларнинг туризм кластерида иштирок этиши соҳанинг ривожланиши учун жўяли таклифларнинг ишлаб чиқилиши учун асос бўлади, деб ўйлаймиз.

Туризмнинг ривожланишида меҳмонхоналарнинг ўрни беқиёс. Шу туфайли кўпгина туристик комплекслар таркибида алоҳида меҳмонхоналар мавжуд. Мамлакатимизда дунё андозасига жавоб берадиган, кўп юлдузли, миллий хусусиятларни ўзида ифода этадиган меҳмонхона хўжаликлари тизими шаклланди ва ривожланмоқда. Туристлар қисқа вақт бўлсада, яшайдиган жойи қулай ва хавфсиз бўлишлигига кафолат бўлсагина ўша мамлакатга ташриф буюради. Шу туфайли туристлар оқимининг кўпайиши меҳмонхона хўжаликларининг ҳолатига ва уларда кўрсатиладиган хизматларнинг сифатига боғлиқ. Бундай зарурат меҳмонхона хўжаликларининг ҳам туризм кластери таркибида бўлишлигини тақозо қилади. Чунки кўпгина меҳмонхоналар туристик комплекслар таркибига кирмасдан, алоҳида субъект сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Туризмнинг ривожланишида ички ва ташқи реклама билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ҳам ўрини беқиёс. Инсонда бирор нарса ҳақида тасаввур ҳосил бўлиши ва уни кўришга иштиёқ туғилиши учун унга ўша объект ҳақида ахборот керак. Бу масала XXI-асрга келиб иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини узоқ мамлакатларга кўз-кўз қиладиган ахборотни реклама орқали етказиш мумкин. Бундай зарурат ушбу субъектларнинг туризм кластери таркибида бўлишлигини тақозо қилади. Шу туфайли пухта ўйланган ва тезкор тарзда тўлиқ етказиб бериладиган реклама туризм соҳасининг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг туризм соҳасини ривожлантиришда ҳамкорлик қиладиган хорижий фирмалар ва инвесторларнинг ҳам

маълум даражада ўрини бор. Чунки, бир қисм туристлар бизга хориждан келади, мос равишда бир қисм фуқароларимиз турист сифатида хорижга боради. Бу туризм соҳасида бевосита хорижий ҳамкорларнинг бўлишини тақозо қилади ва мос равишда хорижий инвестерларнинг мамлакатимизга кириб келиши учун замин яратади. Шу туфайли мазкур зарурат хорижий ҳамкорларнинг ҳам туризм кластери таркибида бўлишлигини тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, туризмнинг ривожланиши учун асос ва катта имконият бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда туристик ресурслар кўп. Аммо уларни ушлаб турувчи турли ташкилотлар мавжуд. Буларнинг бир қисми тарихий обидаларни қўриқлаш билан боғлиқ бўлса, яна бир қисми маданий меросимизни асрашга қаратилган субъектлардир. Учинчиси, табиатни муҳофаза қиладиган ташкилотлар бўлиб ҳисобланади. Ушбу ташкилотлар биринчидан, туристик объектларни сақлашга масъул бўлса, иккинчидан туристларни олиб келишга масъуллар турфирмалар бўлиб ҳисобланади. Улар бевосита бир-бири билан узвий алоқада фаолият кўрсатишлари лозим. Бундай зарурат ушбу субъектларнинг туризм кластери таркибида бўлишлигини тақозо килади.

Агар вилоятда туризмни ривожлантириш учун ушбу субъектларнинг кучлари ва эътиборини бирлаштирадиган туризм кластери ташкил қилинса, ўйлаймизки, мазкур соҳанинг муттасил ва барқарор ривожланиши таъминланади.

2. Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш кластери ва ундан фойдаланиш имкониятлари

Ҳозирги пайтда иқтисодиётда янги йўналиш – кластер усулидан фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришилмоқда. Унинг таркибий қисми бўлган хизмат кўрсатиш соҳасида ушбу йўналиш янада муҳим роль ўйнайди. Чунки, ушбу соҳа ишлаб чиқаришга таъсир қилса, унинг ўсиш даражаси хизмат кўрсатишни такомиллаштиради. Бу ўзаро боғлиқлик иқтисодиётнинг барча соҳаларида содир бўлиши табиий.

Охирги пайтларда ривожланган мамлакатларда кластер усулига иқтисодиётни жадал ривожлантириш омили сифатида қаралмоқда. Хусусан, Японияда миллий инновацион тизимларнинг

яратилишида кластерли усуллардан фойдаланилади. Бунга мисол қилиб, JETRO корпорациясида 11 та кластер яратилганлигини таъкидлаш мумкин[77]. Россияда ҳам бир қанча ҳудудий илмий-инновацион кластерлар яратилмоқда[78]. Бундай кластерлар АҚШ, Франция, Швеция каби ривожланган мамлакатларда ҳам яратилган ва улар муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Гарвард бизнес мактаби маълумотларига кўра, АҚШ иқтисодиётида 32 %дан зиёд бандлик кластер орқали таъминланган. Швеция иқтисодиётида эса, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 39,0 %и банд. АҚШда кластерда банд аҳолининг ўртача иш ҳақи бошқа аҳоликига қараганда 29 %га кўпдир[79]. Кўриниб турибдики, кластер нафақат иқтисодий ўсишнинг, балки ижтимоий ҳаётнинг ўнгланиши учун ҳам муҳим омиллардан бири экан.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий қисми бўлган сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришда ҳам бир қанча замонавий усуллардан фойдаланиш тақозо қилинади. Юқорида биз синергетик самара усулини ва у билан боғлиқ тушунча ва жараёнларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида қўлланилиш имкониятларини қараб чиққан эдик. Энди шунга ўхшаш усуллардан бири – кластер усулидир.

Самарқанд вилоятида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерига киритиладиган субъектларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- вилоят ҳокимлиги;
- туман ҳокимликлари;
- хусусий инвесторлар;
- маҳсулотларни сотишга ихтисослашган корхоналар;
- маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган субъектлар;
- маҳсулотларни етиштиришга мўлжалланган субъектлар;
- коммунал хизматларни кўрсатувчи корхоналар;
- маҳсулотларни тайёрловчи корхоналар;
- хорижий инвесторлар;
- таъмирлаш хизматларини амалга оширувчи корхоналар ва ҳ.к.

---

[77] Инновационная экономика. / Под ред. Дынкина и Ивановой. – М.: «Наука», 2004. Ушбу маълумот 2011 йилда нашр қилинган "Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш" номли ЎзР ФА Иқтисодиёт институти олимлари жамоаси томонидан нашр қилинган монографиядан олинган. – Т.: "KONSAUDITINFORM-NASHR". 2011. – 97-б.

[78] Ўша жойда. – 97-б.

[79] Ўша жойда. – 97-98-б.

Ушбу субъектларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (9.1-расм).



9.1-расм. **Самарқанд вилоятида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластери**[80]

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ жуда кўп субъектлар бир-бири билан узвий равишда боғлиқ экан. Уларнинг бошини қовуштириш ва барча кучларни бир мақсад сари йўналтириш учун қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун вилоятда айнан шу масалани ҳал қилишга қаратилган ҳудудий дастурни ишлаб чиқиш тақозо қилинади. Бунга фақат маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан шуғулланадиган субъектлар эмас, балки шунга манфаатдор барча корхона, ташкилот ва идоралар кучларини жамлашга тўғри келади. Хулоса қилиб айтганда вилоятда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини яратиш лозим бўлади.

Вилоятдаги вазиятни ўрганиб, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Бундан кўриниб турибдики, ушбу соҳани ривожлантириш учун фақат маҳсулотларни сақловчи корхоналар ёки ҳокимиятнинг кучи етмайди. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарга тегишли инфратузилмани ташкил қилиши учун маблағ етишмаслиги мумкин. Ундан булар бевосита манфаатдор ҳам эмас. Ҳокимиятнинг ҳам маҳаллий бюджети маҳсулотлар сақлашни юқори даражага кўтариши учун зарур бўлган харажатларни кўтара олмайди. Шу туфайли, ушбу

[80] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тадбирни амалга ошириш учун бир қанча кучларни бирлаштириш лозим бўлмоқда. Бунга эришишнинг замонавий йўлларидан бири, унинг кластерини тузишдан иборатдир.

Кластер усулининг моҳияти шундаки, расмда келтирилган барча субъектлар маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришнинг ягона дастурини ишлаб чиқади ва унда ҳар бирининг вазифаси аниқ белгилаб олинади. Масалан, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини кўрсатувчи субъектлар нима билан шуғулланади, шу маҳсулотларни кимлар етиштиради, ташиш билан ким шуғулланади, йўлни ким таъмирлайди, янги йўлларни ким қуради, ички ва ташқи инвесторларнинг вазифалари нималардан иборат бўлади каби масалаларнинг барчаси келишилиб олинади. Шундагина вилоятда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантириш бўйича ягона дастур шаклланиб, уни ривожлантиришга эришилади. Буни мувофиқлаштирувчи ташкилот вилоятда вилоят ҳокимлиги, туман ва шаҳарларда, мос равишда, туман ва шаҳар ҳокимликлари бўлади.

Бизнинг фикримизча, Самарқанд вилоятининг Жомбой, Булунғур, Тайлоқ ва Самарқанд каби мева ва сабзавотларга ихтисослашган туманларида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ташкилотнинг номини "Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи Кенгаш", деб аташ мумкин. Унинг таркибий қисмлари сифатида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланувчи йирик корхоналар, ундан манфаатдор ва у билан боғлиқ бўлган корхона раҳбарларини киритиш мумкин. Улар дастлаб жамоатчилик асосида, кейинчалик пуллик хизматларни йўлга қўйиб, тижорат асосида фаолият кўрсатишлари мумкин.

Фикримизча, ушбу кенгаш раиси вазифасига вилоят, туманларда бўлса, туман ҳокимлари ёки унинг иқтисодий ва ижтимоий ишлари бўйича ўринбосарлари тайинланишлари мумкин. Унинг аъзолари таркибига шунингдек, ушбу хизматларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа ташкилотларни ва олимларни ҳам киритиш лозим бўлади. Чунки бу борадаги ишланмалар илмий тавсиялар учун ушбу кластер тажриба майдони бўлиб ҳисобланади.

Таъкидланганидек, ушбу кенгаш аъзолари биринчи босқичда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатишлари лозим. Кейинчалик

маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланувчи субъектлар ва уларга дахлдор ташкилотлар ривожланиши оқибатида ушбу кенгашнинг фаолиятини таъминлаш учун маълум миқдорда ажратмалар ҳисобидан унинг маблағини шакллантирса бўлади. Бундан ташқари, ушбу идора назорат қилувчи ташкилот бўлмасдан, кўмаклашувчи ташкилот бўлиб ҳисобланади. Улар мамлакатимизнинг ва бошқа хорижий мамлакатларнинг турли ҳудудларидан ҳар хил эҳтиёт қисмлар, технологияларни олиб келиш ва уларни таъмирлаш хизматларини амалга ошириши мумкин. Бунинг эвазига улар маълум даражада маблағ ишлаб топади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Кенгашга йўналтирилган маблағлар маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланувчи субъектлар ва унга дахлдор бўлган ташкилотларга бир неча баробар кўпроқ фойда келтириши лозим бўлади. Кенгаш тузилишидан мақсад ҳам маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини ташкил қилиш натижасида юқори синергетик самарадорликка эришишдан иборат бўлади.

Биз тавсия қилаётган ушбу маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини вилоятда (туманларда) бошқа соҳаларни ривожлантириш учун ҳам бемалол қўллаш мумкин. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг тегишли розилиги мавжуд ва мутасадди ташкилотлар ушбу усулни қўллаш бўйича тавсияларимизни маъқулладилар. Келажакда ушбу усуллардан фойдаланиш объектив заруратга айланиб қолади. Чунки кучларни бирлаштириш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласи кун тартибидаги ва катта самара берадиган усуллардандир.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил таълим учун саволлар

1. Кластер усулининг мазмуни ва унинг таърифи.
2. Хизмат кўрсатиш соҳасида кластернинг аҳамияти.
3. Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш кластери.
4. Хизмат кўрсатиш соҳасида кластердан фойдаланиш имкониятлари.

Калитли сўзлар

Кластер, сақлаш хизматлари, сотиш хизматлари, маъмурият, хизмат турлари, ўзаро боғлиқлик.

10-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА РАҚОБАТ ВА БИЗНЕС МУҲИТИ, УЛАРНИНГ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

РЕЖА:

1. **Хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат ва бизнес муҳити тушунчалари ва уларнинг таърифи.**
2. **Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишдаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари.**
3. **Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги муаммолар.**

*****

1. Хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат ва бизнес муҳити тушунчалари ва уларнинг таърифи

Юқорида хизматнинг таърифига тўхталган эдик. Энди хизмат кўрсатишнинг таърифи бўйича ўз фикримизни ифода этсак. Хизмат кўрсатишга таъриф беришда хизмат тушунчасига таянган ҳолда иш юритиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, Ўзбек тилининг 5-жилдлик изоҳли луғатида[81] хизматга "хизмат кўрсатиш, ёрдам" деган нисбат берилган. Шунинг учун хизмат кўрсатишга аниқ манзилга йўналтирилган ҳолатда қараш лозимлигини таъкидлаймиз. Агар ушбу ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, хизмат кўрсатиш дейилганда, инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган, кишиларга наф келтирадиган онгли фаолиятининг амалга оширилган қисми тушунилади, деган эътирофни яна бир таъкидлаш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, хизмат, юқорида таъкидланганидек, бир иқтисодий категория сифатида ўзининг табиатига эга бўлса, хизмат кўрсатиш унинг амалга оширилган жараёни бўлиб ҳисобланади. Хизмат мавжуд нарса, аммо у амалга ошсагина кўрсатилган бўлади. Масалан, транспорт хизмати бор нарса. Аммо у амалга оширилмаган бўлса, хизмат кўрсатилмаган ҳисобланади. Шу туфайли хизмат кўрсатиш дейилганда, амалга оширилган хизматни тушунмоқ лозимдир.

---

[81] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат миллий нашриёти. 2008. – 395-б.

Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигининг оширилиши нафақат иқтисодий, балки таъкидланганидек, юқори даражада ижтимоий самара бериши мумкинлигини ҳам кўрсатиб турибди. Демак, иқтисодиётнинг барча бўғинларида, хусусан, хизмат кўрсатиш тармоқларида самарадорликнинг ошиши мамлакат иқтисодий-ижтимоий барқарорлигининг муҳим омилларидан биридир. Аммо самарадорлик ўз-ўзидан ошиб қолавермайди. Бунинг жуда кўп омиллари мавжуд. Улардан бири соҳада рақобат ва бизнес муҳитини яратиш билан боғликдир.

Бундай жараённи жаҳон амалиётида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва улар самарадорлигини ошириш учун қайси мамлакатда рақобат ҳамда бизнес муҳити яратилган бўлса, ўша жойда катта муваффақиятларга эришилган. Бу борада мамлакатимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмокда. Бевосита ушбу масалага дахлдор бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Мазкур тушунчаларни тўғри тушуниш учун уларнинг таърифларига тўхталишни мақсадга мувофик, деб ўйлаймиз. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, бу борада олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд. Уларнинг назарий таҳлилига батафсил тўхталиб ўтирмасдан, ўз фикримизни баён қиламиз.

Рақобат муҳити дейилганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг, айниқса, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий тенглигининг таъминланганлиги, табақаланмаган бир хил иқтисодий эркинликнинг жорий қилинганлиги, уларнинг фаолиятига турли маъмурий давлат идоралари аралашувининг бартараф қилинишига қаратилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар яратилганлиги ва уларнинг амал қилинаётганлик ҳолати тушунилади.

Рақобат муҳити шаклланган жойда бизнес муҳитининг ҳам пайдо бўлиши ва ривожланиши мукаррар. Ҳозирга келиб мамлакатимизда бизнес муҳити яратилди. Аммо унинг чуқур назарий жиҳатдан тадқиқ қилинмаганлиги, ушбу масаланинг табиатини тўлиқ очиб бериш имконини бермайди. Бу борада ҳам олимларнинг назарий қарашлари таҳлилига тўхталмасдан, ўз фикримизни ифода этамиз.

Бизнес муҳити дейилганда, бизнеснинг барча турлари билан шуғулланувчи субъектларга ўз фойдасини кўпайтиришга қаратилган, ҳамма учун бир хил шарт-шароитлар яратилган, эркин фаолиятни таъминлайдиган ҳолатнинг мавжудлиги тушунилади.

Мамлакатда мазкур тушунчаларнинг мавжудлиги хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорликнинг юқори суръатлар ва самарадорлик билан ривожланишини таъминлайди. Буларнинг ривожланиши учун давлатнинг аралашуви шарт эмас, аммо ушбу муҳитни яратиш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Агар давлат тадбиркорларга шундай муҳит ва шароитларни яратиб берса, тадбиркорликнинг эркин ривож топиши таъминланади.

Иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, эркин иқтисодиёт шароитида жамиятда тадбиркорликнинг тараққиёти соҳада ҳуқуқий-меъёрий базани изчил ва доимий равишда такомиллаштириб бориш билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда қабул қилинган тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга оид қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари ва соҳалар бўйича тегишли вазирликларнинг меъёрий ҳужжатлари мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич эркинлаштириб боришга қаратилмоқда.

Чунки, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг ривожланишидан тадбиркорлар билан бирга давлатнинг ўзи ҳам катта манфаатдордир. Зеро, тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида:

- давлат бюджети маблағ билан тўлдирилади;
- янги иш ўринларини ташкил қилиш эвазига ишсизлик камаяди;
- мамлакат бозори зарур маҳсулотлар билан тўйинади;
- бозорда товарлар нархининг пасайиши рўй беради;
- аҳоли фаровонлиги ошади;
- ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз яшовчанлигини таъминлаш учун курашга интилади;
- пировардида мамлакатда юқори иқтисодий ўсишга эришилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг кескин ривожланиши учун фақат бундай муҳитларнинг ўзи етарли эмас, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ҳам яратиш лозим. Масалан,

хозирги кунда мамлакатимизнинг кўплаб ҳудуд ва вилоятларида ахборот - маслаҳат марказлари, уларнинг маҳсулотларини жойида харид қиладиган улгуржи бозорлар, тайёрлов корхоналари, шунингдек, тадбиркорларга меъёрий ҳужжатларда содир бўлган ўзгаришларни мунтазам равишда етказиб берадиган механизмни амалга оширадиган ташкилотлар ҳамон етарли эмас. Буларни ташкил қилиш учун жойларда кадрлар муаммоси мавжуд.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш учун ҳали қилинадиган ишлар кўлами жуда кенг. Бунинг учун тадбиркорларнинг ўзларидан ҳам катта ташкилотчилик ва ташаббускорлик талаб этилади.

2. Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишдаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари

Республикамиз раҳбари ва ҳукумати томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни модернизациялаштириш туфайли иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланмоқда. Аммо бу тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида барча муаммолар бартараф қилинди, дегани эмас. Ҳозирги шароитдаги мавжуд муаммоларга бир қанча мисоллар келтириш мумкин.

Биринчидан, мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ва ҳудудларида сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган кадрлар тайёрланиши тўлиқ йўлга қўйилган эмас. Мавжуд олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг фаолият кўрсатишига қарамасдан, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлар малакасини оширадиган, уларни қайта тайёрлайдиган ўқув муассасалари ҳамон етарли эмас. Хизмат соҳасидаги тадбиркорлар қаерда, нимани ўқишни ҳамон билмайдилар. Уларни ўқитадиган қисқа курслар етарли даражада ташкил қилинмаган. Булар барчаси хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатадиган омиллардир. Кўриниб турибдики, хизмат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳали кадрлар билан боғлиқ анча ишлар, чора-тадбирларни амалга оширишга тўғри келмоқда.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида ишсизликни камайтириш ва бу орқали ушбу соҳани ривожлантириш муаммосидир. Мамлакатимизда ҳар йили 400-450 минг ёшларимиз академик лицей (айрим ҳолларда умумтаълим мактаблари) ва касб-ҳунар коллежларини битирмоқдалар, шу билан бирга, уларнинг сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Битирувчиларни ишга жойлаштириш, ёшларни иш билан таъминлаш муаммосининг ечимларидан бири – хизмат соҳаси билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларини кўпайтиришдан иборатдир. Ҳозирги пайтда кичик бизнеснинг ривожланиш суръатини битирувчи ўқувчилар ўсиш суръатига нисбатан тез ривожлантириш талаб этилади.

Шу билан бирга, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари базасида илғор компьютер технологияларидан фойдаланиб фаолиятда банд тадбиркорлик субъектларини масофавий таълим тизими орқали ўқитишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Тадбиркорлик субъектлари ушбу тизим орқали қисқа ўқув ёки малака ошириш курсларига жалб этилиши натижасида ўз соҳасининг энг сўнгги янгиликларидан бохабар бўлишлари баробарида замонавий телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш кўникмаларига ҳам эга бўладилар.

Масофавий таълим тизимини қўллаш орқали қуйидаги бир қанча имкониятларга эга бўлишимиз мумкин[82]:

- таълим билан ишлаб чиқариш ўртасида узвий боғлиқлик ўрнатилади;

- таълим сифати ва тезлиги ошишига эришилади;

- талабалар (тадбиркорлик субъектлари) янги ахборотлар ва дунёвий янгиликлардан доим хабардор бўлишади;

- тадбиркорнинг янги ғоялар яратишига имконият яратилади.

Бугунги кунда масофавий таълим тизимини йўлга қўйиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши зарур:

- тадбиркорлар интернет тизимидан фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишлари;

- олий ўқув юртлари ва касб - ҳунар коллежларида иқтисодий фанларни ўқитишга мўлжалланган дискларни яратувчи махсус лабораторилар ташкил этилиши;

---

[82] Ochilov I.S., Some aspects of using the advansed pedagogical technologies in academic lyceums and vocational colleges // Open and Distance learning in the Digital Era: Towards a lifelong learning Society. Materials of the 16th Asian Association of Open Universities (AAOU) annual conference. – Seoul, Korea, 2002. – P. 165-166.

- дарс берувчи ўқитувчиларга ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганишни ташкиллаштириш, бунинг учун уларни турли чет эл грантларига жалб этиш чораларини кўриш;

- масофавий таълимнинг техник ва молиявий асосини яратиш;

- хизмат соҳаси билан шуғулланувчи тадбиркорларга ҳар бир фанни диалогли коммуникация бўйича ўқитишга доир аниқ дастур ишлаб чиқиш;

- олий ўқув юртлари ва касб - ҳунар коллежлари базасида ташкил этилган масофавий таълим марказларини алоҳида тест дастурлари билан таъминлаш.

Учинчидан, қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш муаммосидир, чунки аксарият ёшларимиз қишлоқ аҳолисига тўғри келмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектларини очишни қишлоқ жойларда ташкил қилишни тақозо этади, аммо қишлоқда уни ривожлантиришнинг ўзига хос қийинчиликлари мавжудлиги ҳаммага аён. Чунки хозирги замонавий қурилмалар, кичик цехларнинг барчаси электр энергияси ва газ таъминотига мослаштирилган бўлиб, уларнинг қишлоқларимизда барқарор таъминланмаганлиги ушбу соҳани ривожлантиришга анча тўсқинлик қилмоқда.

Тўртинчидан, ҳозирги кунда янгидан очилган хизмат кўрсатишга йўналтирилган кўплаб тадбиркорлик субъектлари ёпилиб кетмоқда. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, жуда кўп тадбиркорларда пул, маблағ бор. Аммо тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида очилган кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар жуда қисқа вақтларда ёпилиб кетмоқда. Бунинг сабаблари тадқиқ қилинганида шунга амин бўлдикки, уларнинг кўпчилиги ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаганликлари, мазкур соҳада ҳуқуқий саводхонликнинг етарли эмаслиги туфайли ёпилмоқда. Бундан кўринадики, тадбиркорлар ҳаётини тартибга солувчи, тез-тез ўзгариб тураётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни уларга етказиш механизмини яратиш лозимдир. Ушбу муаммони ҳал этиш йўлларидан бири – мазкур соҳага малакали адвокатлик институтлари ёки масофадан ўқитиш тизимини жорий қилишдир.

Бешинчидан, ҳозирги пайтда мамлакатимиз ва унинг турли ҳудудларида касб-ҳунар коллежлари билан бирга бизнес мактаблари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда, аммо бизнес мактабларида бизнесменлар эмас, балки унинг айрим соҳалари билан шуғулланадиган маркетологлар, менежерлар, бухгалтерлар, ҳатто ҳуқуқшунос каби

кадрлар тайёрланмоқдаки, улар бизнес мактабини тугатиб нимани нимадан бошлашни билмайдилар. Чунки, кичик бизнес субъектига, қайсики у ерда бор-йўғи 3-5 киши ишласа, унга алоҳида бухгалтер ёки маркетолог керак эмас. Лекин йирик корхоналарга бундай мутахассислар зарур, аммо улар олий маълумотли маркетологларни оладилар. Кўриниб турибдики, ҳозирги баъзи бизнес мактабларида мутахассис ёки касб эмас, балки "ишсиз"лар тайёрланмоқда. Хулоса қилиб айтганда, фикримизча, мамлакатимизда барча соҳалар бўйича, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик мактабларини очиш мақсадга мувофиқ ёки бизнес мактабларида ким нимани ўқийман деса, уларни шу касбга ўқитиш керак.

Олтинчидан, хизмат соҳасидаги хусусий тадбиркорликнинг молиявий таъминоти билан боғлиқ муаммодир. Ушбу соҳага мамлакат Президентининг ташаббуси билан 2000 йилдан буён тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар бериб келинмоқдаки, бу соҳанинг ривожланиши учун катта омил бўлмоқда. Бирок, бу неъматдан барча тадбиркорлар бир хилда манфаатдор эмаслар. Сир эмас, айрим ҳудудларда тижорат банклари кредит беришни кўп пайсалга солганлиги туфайли тадбиркорлар банкдан безиб қолмоқда. Хизмат соҳаси билан шуғулланадиган тадбиркорларнинг кредит олишларига тўскинлик қилиб турган яна бир жиҳат – қишлоқда кўчмас мулклар баҳосининг етарли даражада баҳоланмаганлигидир. Улар жуда арзон, чунки аҳолининг кўчмас мулклари мустақиллик йилларида деярли қайта баҳоланмасдан қолиб кетмоқда.

Еттинчидан, бозор муносабатлари шароитида хизмат соҳаси билан боғлиқ оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ҳам ўта долзарб масалалардан биридир. Аммо бу масала мамлакАтимизда катта ташкилотчилик ва ташаббускорлик ишларини амалга оширишни талаб этади. Аҳолининг фаровонлиги пировардида оила фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ, бирок оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун мамлакатимизда меъёрий ҳужжатлар, қонунлар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Оилавий тадбиркорликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳозирги пайтда оилалар сони бир хил эмас, бир оилада 3 киши, иккинчисида 5 киши, учинчисида 9 киши бўлиши мумкин. Аммо учаласида ҳам бир хил иш ҳақи оладиган 2 киши ишлайди, бу ҳолатда бир хил даромад бир оилада 3 кишига, иккинчисида 5 кишига, учинчисида 9 кишига бўлинади. Табиийки, бундай шароитда иккинчи ва учинчи оилалар

камбағаллашиб боради. Жамиятдаги бундай номутаносибликни фақат оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали бартараф этиш мумкин.

Касб-ҳунар коллежларини битирган кўплаб ёшлар ишга жойлашиш масаласида анча қийинчиликларга дуч келмоқдалар, фикримизча улар кимнингдир ишга қабул қилишини кутиб ўтирмайдиган бўлишлари лозим, уларнинг ўзлари касби ва йўналиши бўйича янги иш ўринларини очиб ўзларини ўзлари иш билан таъминлаш тамойилига ўтиши керак. Бунинг учун, яъни хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ошириш учун унга замонавий кадрларни, яъни бемалол бирорта фаолият билан шуғулланадиган мутахассисларни етиштириб беришга эришиш лозим. Ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежлари асосан алоҳида мутахассислар (менежерлар, маркетологлар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар каби) тайёрламоқда. Бизнинг фикримизча, мазкур ўқув юртларида кадрларни мутахассисликлар бўйича эмас, балки соҳалар бўйича, хусусан хизмат соҳасида шуғулланадиган тадбиркорларни, яъни уй хўжалиги тадбиркори, фермер хўжалиги тадбиркори, деҳқон хўжалиги тадбиркори, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш тадбиркори, хизмат соҳаси тадбиркори (турлари бўйича) тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, мазкур соҳада фаолият кўрсатадиган субъектлар асосан кичик бизнес ва микрофирмалардан иборат. Бундай субъектларга табиийки, тор мутахассисликлар эмас, балки кенг қамровли кадрлар керак бўлади. Шу туфайли ҳозирги хизмат кўрсатиш соҳасига ўрта маълумотли маркетологлар эмас, балки хизматнинг маълум тури билан мукаммал шуғулланадиган тадбиркорлар керак. Улар тадбиркорлик сирлари билан бирга бухгалтерия ҳисобини, молиявий муносабатларни, энг зарур бўлган ҳуқуқий масалаларни ҳам билишлари лозим.

Саккизинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини иккинчи даражали соҳа сифатида қараш руҳиятининг сақланиб қолинганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки, режали иқтисодиёт шароитида асосий соҳа ишлаб чиқариш тармоғи бўлиб, қолган соҳалар асосан истеъмолчи сифатида қаралган. Ушбу масаланинг назарий ечимлари ҳам ҳамон етарли даражада ҳал қилинган эмас. Ишлаб чиқариш соҳаси билан хизмат кўрсатиш соҳасини қарама-қарши қўйиш ўрнига, уларни бир-бирини тўлдирувчи соҳалар сифатида қараш лозим. Шу нуқтаи

назардан қараладиган, уларнинг бир-бири билан узвий боғликлигини ёритадиган назария ҳам ишлаб чиқилиши лозим.

Тўққизинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга олиб келадиган илғор технологияларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилишининг ҳамон яхши йўлга қўйилмаганлиги. Агар ушбу технологиялар амалиётга жорий қилинса табиийки, мазкур соҳа бўйича кўзланган мақсадга муддатидан олдинроқ эришган бўламиз. Чунки, биздаги иш кучи ва уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳар қандай мураккаб техника ва технологияларни юритиш қобилиятига ва мос равишда имкониятига эга.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда тадбиркорликни, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида, у билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича талайгина масалалар мавжуд. Аммо улар шунчаки муаммо эмас, балки ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардир, чунки мамлакатимизнинг келгусидаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти бевосита шу соҳанинг ривожланишига чамбарчас боғликдир.

Мухтасар қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ошириш мамлакатимизда муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилади. Аммо унга эришиш учун ечимини кутаётган кўплаб масалалар мавжудлигини кўрмоқдамиз, шу туфайли хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишга ҳар томонлама эътибор қаратиш лозим.

Мазкур соҳанинг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти катта, чунки хизмат кўрсатиш соҳаси асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан иборат. Ушбу соҳа, юқорида таъкидланганидек, жуда катта ва бир қанча афзалликларга ҳам эга.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги муаммолар

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда муайян тажрибага эришилган бўлсада, хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳали бир қанча муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни аниқлаш учун хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган тадбиркорлар билан анкета сўровлари ўтказилди[83]. Уларнинг таъ-

[83] Мазкур масала бўйича социологик сўровга Самарқанд ва Жиззах вилоятларида фаолият кўрсатаётган 247 та тадбиркорлар жалб қилинди.

кидлашича, мавжуд муаммолар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин экан:

- давлат корхоналарига нисбатан хизмат соҳасида фаолият кўрсатаётган хусусий сектор субъектлари тенг имкониятларининг ҳамиша ва ҳамма жойда ҳам бир хил таъминланмаганлиги;

- жуда катта ташкилий-ҳуқуқий тадбирларнинг қўлланилишига қарамасдан, баъзи идоралар томонидан турли баҳоналар билан устма-уст текширувларнинг ҳамон мавжудлиги;

- йирик корхоналарнинг кичик бизнес корхоналарига нисбатан иқтисодий жиҳатдан устунликларининг мавжудлиги;

- давлат корхоналарига нисбатан хусусий корхоналарга коммунал хизматлар кўрсатишда маълум даражада юқори ставкаларнинг қўйилиши;

- божхона қонунчилигидаги айрим тўсиқлар;

- маъмурий тўсиқларнинг тўлиқ бартараф этилмаганлиги;

- турли ярмаркаларда мини-технологияларни олиш учун кредит олиш механизмининг бироз мураккаблиги;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар бозорининг такомиллашмаганлиги натижасида, тадбиркорларнинг кўп вақти бозорни излашга кетаётганлиги ва мос равишда ўз вақтида сотишнинг бироз мураккаблиги;

- ижтимоий хизматлар билан шуғулланаётган хусусий сектор тадбиркорларига давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг етарли даражада таъминланмаётганлиги;

- илмий-техникавий ишланмалар билан шуғулланадиган хусусий секторнинг ривожланмаганлиги ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асосининг яратилмаганлиги, ушбу соҳани молиялаштириш масаласининг етарли даражада такомиллашмаганлиги;

- хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш юзасидан барча ҳудудлар бўйича Давлат ва ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилганлигигига қарамасдан ҳамма жойда бир хил ва барқарор тарзда ривожлантириш масаласининг ҳамон етарли эмаслиги;

- хизмат кўрсатиш соҳасини тармоқлар бўйича ривожлантириш учун тегишли тадбирларнинг ҳамма жойда бир хилда бажариш имкониятларининг чекланганлиги;

- суғурта хизматлари тўғрисида шартномаларнинг ўз вақтида тузилмаслиги ва тузилган тақдирда ҳам ўз вақтида ижро этилмаган-

лиги, уларни ҳужжатлаштиришдаги айрим камчиликларнинг мавжудлиги;

- жойларда суғурталаш хизматлари борасида суғурталаш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларининг суслиги шулар жумласидандир.

Тадқиқотлар кўрсатдики, хизмат соҳаси билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва юқоридаги хизматларни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- иқтисодиётда, айниқса, хизмат соҳасида, давлат монополиясининг ҳар қандай шаклларини максимал даражада чеклаш, иқтисодиётнинг барча бўғинларига эркинлик бериш;

- тадбиркорлик фаолиятини текширувчи идораларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини янада такомиллаштириш, бу ўринда аудиторлик фаолиятини кучайтириш, уларнинг масъулиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш;

- мулкчиликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, яъни мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини, мулкнинг дахлсизлиги билан боғлиқ қонунларни янада кучайтириш;

- ишлаб чиқариш ва экспорт тизимида хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш;

- хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектларнинг бозорга киришдаги маъмурий тўсиқларини янада камайтириш ҳамда уларнинг эркин фаолияти учун барча шароитларни яратишга эришиш;

- суғурта хизматларини кенг кўламда ривожлантириш, уларнинг афзалликларини тарғибот қилувчи механизмни яратиш, жойларда суғурта ишларини олиб боришни кенгайтиришни ташкил қилиш.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган кичик бизнесни ташкил этиш ва бошқариш борасида билим ва кўникмаларни ривожлантириш тобора муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай соҳанинг ривожланиши учун тегишли билимга эга бўлган кадрлар тизими шаклланган бўлмоғи лозимдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишидан жамият, давлат, мулкдор, инвестор, хизмат кўрсатувчи шахслар ва аҳоли ҳам

манфаатдордир. Бунинг ривожланишидан, энг аввало, маҳаллий ҳокимият органлари манфаатдор. Хизмат соҳасининг ривожланиши маҳаллий бюджетлар маблағларининг ҳам кўпайишини таъминлайди. Шу туфайли маҳаллий ҳокимият вакиллари тадбиркорликнинг ривожланишига тўсиқ бўлмасдан, балки уларни маҳкам ҳимоялашлари лозим. Ҳозирча бундай руҳият ҳамма жойда ҳам шаклланган, деб бўлмайди.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил таълим учун саволлар

1. Хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳити ва кларнинг назарий масалалари.
2. Хизмат кўрсатиш соҳасида бизнес муҳити ва уларнинг назарий масалалари.
3. Хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат ва бизнес муҳитининг таърифи.
4. Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишдаги айрим муаммолар.
5. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари.

Калитли сўзлар

Бизнес муҳити, рақобат муҳити, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик.

11-мавзу. АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАР, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, МОҲИЯТИ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Мамлакатимизда пулли хизматларни кўрсатишни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.
2. Пулли хизматлар тушунчаси ва уларнинг турлари.

*****

1. Мамлакатимизда пулли хизматларни кўрсатишни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Мамлакатимизда шундай вазият етилдики, энди хизмат кўрсатиш соҳасини янги босқичга кўтариш, унинг иқтисодиётдаги салмоғини янада ошириш, аҳолининг бандлик даражасини кўтаришдаги ролини кучайтириш лозим бўлмоқда. Буни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти 2012 йил 10 майда "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарорини қабул қилди. Мазкур қарорда таъкидланишича, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши 2005 йилдаги 38,7 фоиздан 2011 йилда 50,5 фоизга ўсди. 2006-2011 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини тезкор ривожлантириш ҳисобига, авваламбор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 1,1 млн. янги иш жойлари яратилди[84]. Кўриниб турибдики, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ошмоқда.

Ўзбекистонда алоқа, ахборот-коммуникация, банк, суғурта, лизинг, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий юқори технологик ва бозор муносабатларига мос хизмат турлари илдам суръатлар билан ривожланмоқда. 2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55 фоизга оширилиши назарда тутилган[85].

---

[84] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзолаган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарори.
[85] Ўша жойда. 1- банд.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида бир қанча чора-тадбирлар қўлланилмоқда. 2005 йилдан буён мазкур соҳани ривожлантириш бўйича икки марта Давлат дастури ишлаб чиқилди. Биринчиси 2006-2010 йилларга мўлжалланган бўлса, иккинчиси 2012-2016 йилларга мўлжалланган. Уларни амалга ошириш бўйича ҳудудлар кесимида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Буларнинг ҳаммаси ҳукуматимиз ва Давлат раҳбарининг хизмат кўрсатиш соҳасига эътиборининг бардавомлигини кўрсатади. Бироқ, ушбу масалаларнинг назарий жиҳатлари, тан олиб айтиш керак амалиёт даражасидан орқада қолиб кетмоқда. Чунки ушбу соҳани ҳақиқий ўрганишга киришилганига ҳам ҳали узоқ вақт бўлган эмас.

Хизматлар тизимида пулли хизматлар салмоқли ўринни эгаллайди. Мазкур хизматларнинг ҳиссаси келгусида ҳам ошиб боради. Аммо тадқиқотлар кўрсатдики, кўпгина пулли хизматларнинг турлари, уларнинг назарий ва амалий масалалари олимларимиз томонидан кам ўрганилган. Уларни ҳисобга олиш йўллари ҳам етарли даражада такомиллашмаган. Аммо пулли хизматларга қайси хизматларнинг кириши, уларни қандай ҳисобга олиш лозимлиги хусусида тегишли йўриқномалар ишлаб чиқилишига қарамасдан, ушбу масала иқтисодий адабиётларда ҳам аниқ ифода этилмаган.

Шунингдек, адабиётларда барча хизматлар билан пулли хизматларни бир хил даражага қўйиб тадқиқ қилинганлиги ва шулар асосида хизматлар бўйича умумий хулосаларга келинган ҳоллар ҳам учраб турмоқда. Буларга аниқлик киритиш учун пулли хизматларнинг аниқ номларини келтириш ва ҳар бирига изоҳ бериш тақозо қилинади. Ушбу хизматнинг хусусиятларини аниқ кўрсатиш учун унинг такомиллашган таърифини ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, барча хизматлар, шу жумладан, пулли хизматлар таркибига кирувчи маиший хизматларнинг ҳам назарий масалалари кам ёритилган. Шу туфайли маиший хизмат тушунчасининг назарий масалалари ўрганилганида, унинг такомиллашган муаллифлик таърифини ҳам ишлаб чиқиш объектив заруриятга айланди.

Пулли хизматлардан йўловчи ташиш транспорти хизматларининг назарий масалаларини ўрганиш, унинг ҳам такомиллашган таърифини бериш, ушбу таърифни назарий жиҳатдан асослаш ҳам

ишнинг асосий вазифаларидан биридир. Йўловчи ташиш транспорти хизматларининг аниқ турлари, уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш ва қайси бири бундай хизматга кирмаслигини ҳам аниқлаш масаланинг амалий жиҳатини кучайтиради. Шунинг учун йўловчи ташиш хизматларини ҳисобга олишда унинг статистикасини такомиллаштириш бўйича ҳам айрим тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти ҳам мавжуддир.

Алоқа хизматларининг назарий масалалари, унинг такомиллашган таърифи ҳам ҳамон етарли даражада қараб чиқилмаган. Алоқа хизматларининг бугунги кундаги аҳамиятидан келиб чиқиб, уларнинг аниқ турлари, қайси бири пулли хизматларга кириши ва қайси бири бунга кирмаслиги ҳам кўрсатиб берилиши лозим. Ҳозирги пайтда бевосита ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари билан бирга алоқа хизматларига жуда катта эътибор берилмоқда. Бу масала пулли хизматлар тизимида 2012-2016 йиллар давомида ҳам устувор аҳамиятга эга бўлади. Шу туфайли мазкур хизматларнинг умумий хизматлардаги улуши муттасил ошириб бориш лозим.

Уй-жой хўжалиги хизматлари ҳам пулли хизматлар таркибига киради. Унинг назарий масалаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу борада бирмунча чалкашликлар мавжуд экан. Шу туфайли мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уни оила хўжалиги деб аташ мақсадга мувофиқ бўлар эди. Оилавий хўжалик хизматларининг такомиллашган таърифини ишлаб чиқиш, турларини аниқлаш ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш ва қайси бирини киритмаслик масаласига аниқлик киритиш ҳам бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жамият ҳаётида коммунал хизматларнинг роли катта. Аммо ушбу хизматларнинг назарий масалалари ҳам кам ўрганилган соҳалардан бири бўлиб қолганлигига гувоҳ бўлдик. Мамлакатимизда олиб борилаётган коммунал сиёсатга мос ҳолда унинг такомиллашган таърифини ишлаб чиқиш, турларига аниқлик киритиш масаласи ҳам бугунги кун вазифаларидандир.

Ҳозирги пайтда таълим тизими хизматларининг аҳамияти кескин ошиб бораётганлигини инобатга олиб, ушбу хизматларнинг назарий масалаларига алоҳида аҳамият бериш лозим. Бу эса унинг ҳам такомиллашган таърифини ишлаб чиқишни, замон талабига мос равишда диверсификацияланишини тақозо қилади. Шу туфай-

ли ушбу масалани ҳам бир мунча такомиллаштириш лозимлиги ҳаётий заруратдир.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маданий хизматларнинг аҳамияти ҳамиша катта бўлган. Шу туфайли пулли хизматларнинг асосийларидан бири бўлган маданий хизматларнинг назарий масалалари ўрганилиб, унинг ҳам такомиллашган таърифини бериш, ушбу хизматларнинг амалдаги аниқ турларини келтириш, шу билан бирга, уларни ҳисобга олиш йўлларини такомиллаштириш лозимлиги ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

XXI асрда жаҳонда туризмнинг ривожланиш даври бошланди. Бундай шароитда сайёҳлик–экскурсия (туризм) хизматларининг назарий масалалари ўрганилиб, унинг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилиши, бу хизматлар аниқ турларининг қайси бири пулли хизматларга киритилиши ва қайси бири киритилмаслиги муаммоси ҳам эътиборга молик масалалардандир. Туризм соҳасини статистик ҳисоботларда қайд қилишда ҳали жуда кўп муаммолар мавжуд. Уларни ҳал қилиш лозимлиги ҳам бугунги куннинг устувор вазифаларидан бирига киради.

Мамлакатимизда пулли хизматлардан бири жисмоний тарбия ва спорт хизматларидир. Уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу туфайли ушбу хизматларнинг ҳам назарий масалаларини ўрганиш, унинг такомиллашган таърифини ишлаб чиқиш, турларини аниқлаш каби масалаларни ҳал қилиш талаб қилинади. Мақур хизматларнинг турлари ва уларнинг пулли хизматларга дахлдорлиги ҳам аниқланиши лозим.

Пулли хизматлардан бири соғлиқни сақлаш (тиббий) хизматлардир. Уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва роли ошиб бораётганлиги ҳамда мазкур соҳада тадбиркорликнинг аста-секинлик билан шаклланаётганлигини инобатга олиб, ушбу хизматларнинг ҳам назарий масалаларини ўрганиш ва уларнинг такомиллашган таърифини ишлаб чиқиш ҳам долзарб масалалардан биридир. Соғлиқни сақлаш (тиббий) хизматларнинг аниқ турлари ва уларнинг қайси бири пулли хизматларга киритилиши ҳам соҳада хусусий корхоналарнинг кўпайишига олиб келади ва уларни ўрганиш долзарб масалага айланди. Булар шуни кўрсатадики, аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар келажакда ҳам муттасил ошиб бориш тенденциясига эга бўлади.

Мамлакат аҳолиси фаровонлигини ва яшашининг сифат даражасини белгиловчи кўрсаткичлардан бири - уларнинг санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматларидан қай ҳолатда фойдаланаётганлигига боғлиқ. Шу туфайли мазкур хизматларнинг ҳам назарий масалаларини ўрганиш, уларнинг такомиллашган таърифини бериш, мазкур масала билан боғлиқ жуда кўп атама ва тушунчаларга аниқлик киритиш ҳам муҳим масалалардандир. Амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматларининг аниқ турлари ва уларнинг пулли хизматларга киритилиши кўрсатиб ўтилди.

Ҳозирги иқтисодий босқичда банк муассасалари ва ҳуқуқий тусдаги хизматлар ҳам кундан-кунга ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Бундай хизматларни бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш, уларнинг ҳам такомиллашган муаллифлик таърифларини ишлаб чиқиш каби назарий масалалар инобатга олиниб, музкур хизматларнинг аниқ турлари келтирилди ва қайси бирини пулли хизматларга киритиш лозимлиги ҳамда қайси бирини киритмаслик кераклиги ҳам асосланди.

Пулли хизматлар таркибида бошқа хизматлар гуруҳи ҳам келтирилган. Ушбу хизматларнинг ҳам мазмуни ва турларига қисқагина тўхталиш ва уларни ҳисобга олиш йўлларини ҳам қараб чиқиш муҳимдир.

Хуллас, пулли хизматларнинг шакли муттасил такомиллашади, мазмуни чуқурлашади, сони кўпаяди, сифти эса ошиб боради. Соҳада тадбиркорлик ва рақобат муҳити такомиллашиб бораверади. Буларнинг барчаси ушбу мавзуни нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам ўрганишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг бандлик масаласини ҳал қилиш, турмуш сифатини яхшилаш ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш каби муҳим табирлардан бири хизмат соҳасини ривожлантиришдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йилнинг асосий натижалари ва келгуси йилнинг устувор вазифаларини белгилаб олишга бағишланган мажлисларида қайта-қайта таъкидлаб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг му-

ҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиётда сифат ўзгаришларини таъминлаш натижасида "2010 йилгача саноатнинг, шу жумладан қурилиш индустриясининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини босқичма-босқич 24-26 фоизгача, хизмат соҳасининг улушини 45-47 фоизгача кўпайтириш даркор"[86], деган қатъий вазифани қўйган эди. Бу вазифанинг айнан ошириб бажарилганлигига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш аҳолининг даромадларини кўпайтириш, турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган бандлик масаласининг ҳам ҳал бўлишини таъминловчи бош омиллардан биридир. Президентимиз: «2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш"[87] лозим деб таъкидлаган эди. Чунки бу юмушлар катта инновация талаб қилмасдан кўплаб янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бандлик муаммосини ҳал қилишга таъсир кўрсатади, "айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадларини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратилади"[88]. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг аниқ даромадларини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳоли турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан хизмат соҳасини ривожлантиришнинг аниқ чора-табирлари ҳам белгилаб берилди, яъни "бу масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган бинолар, микрокредитлар ажратиш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор"[89] деган қатъий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси

---

[86] Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. *Президент Ислом Каримовнинг* 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи", 2006 йил, 11 февраль. 2 - бет.

[87] Ўша жойда. – 3-бет

[88] Ўша жойда. – 3-бет

[89] Каримов И.А. "Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим". *Президент Ислом Каримовнинг* 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2006 йил, 11 февраль. - 3-бет.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликларига берилди. Хуллас, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳам бошқа соҳалар сингари кескин ривожланиш палласига кирди. Эндиги вазифа жойларда уларни изчиллик билан амалга оширилишидан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 12 февралдаги мажлисининг "2006 йилда Республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ундда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масаласи яна бир бор таъкидланди. Чунки, мазкур қарорда қайд қилинганидек, «Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси ва сифати аҳолининг ортиб бораётган талабига мувофиқ эмас"[90] эди. Аммо ушбу соҳани ривожлантирмасдан туриб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтириш қийинлиги ҳаммага аён.

Кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор асосан 2005 йиллардан бошлаб жуда кучайтирилди. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг эълон қилинганлигини ҳам айтиш мумкин. Бу қарор олдинги олиб борилган ишларни янада аниқлаштириш ва мамлакатда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган амалий табирлардан бири бўлди. Мазкур қарорга асосан 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш давлат Дастури қабул қилинган ва шунга асосан ҳудудий дастурлар ҳам ишлаб чиқилган эди.

Мазкур қарорнинг 2006 йилларда амалга татбиқ қилиниши даражаси шуни кўрсатдики, бу борадаги барча имкониятлар амалиётда ишга солинмасдан қолинмоқда экан. Шу туфайли мазкур қарорда кўрсатилган параметрларга янада аниқлик киритиш мақсадида мамлакатимиз Президенти бу масалага яна бир бор тўхталиш лозимлигини таъкидлади. Натижада, 2007 йил 12 февралдаги

---

[90] "2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори. 2007 йил 12 февраль. "Халқ сўзи". 2007 йил , 15 февраль.- 1-бет.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида тегишли мутасадди вазирлик, идоралар ва ҳокимликларга "... икки ой муддатда 2006-2010 йилларда хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини танқидий кўриб чиқсинлар ва унга тузатишлар киритиш бўйича таклифлар киритсинлар. Дастурда 2007 йилда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 42-43 фоизга етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини кенг жорий этиш, ушбу соҳанинг аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чора-тадбирлари назарда тутилсин"[91], деб таъкидланди.

Ушбу қарорларни амалга татбиқ қилиш мақсадида 2007 йил 21 майда Президентнинг "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги яна битта қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикасида 2007-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудлар бўйича янгиланган асосий параметрлари ҳамда "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007-2010 йилларда ривожлантириш Дастури"нинг мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олиб аниқлаштирилган ва тўлдирилган асосий йўналишлари ва тадбирлари ишлаб чиқилди.

Хуллас, хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланиш босқичига кирди. Жумладан, 2005 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги (ЯИМ) улуши 38,7 %ни ташкил қилар эди. Мазкур дастурга асосан ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2007 йилда 42,5 %ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2008 йилда – 44,7 %, 2009 йилда - 47,0 %, 2010 йилда 49,0 %га, 2011 йилда эса 50,5 % га етказилди. 2012 йилда эса, ушбу кўрсаткичнинг миқдорини 52,%гача кўтариш кўзда тутилди. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасининг узлуксиз ўсиб боришини тақозо қилади.

Шундай вақт етилдики, энди хизмат кўрсатиш соҳасини янги босқичга кўтариш лозим бўлди. Булар инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш

---

[91] "2006 йилда республика иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори. 2007 йил ,12 февраль. "Халқ сўзи". 2007 йил. 15 февраль. - 1- бет.

соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг 3-иловасига асосан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг умумий ҳажми ҳудудлар кесимида ўз ифодасини топган. Бунда янги хизматларнинг 6 та тури бўйича ҳудудлар кесимида аниқ параметрлар берилган.

Ушбу хизмат турлари телекоммуникация соҳаси корхоналари техник сервиси хизматларини кўрсатишни, интерактив телевидениеси хизматлари, видеотелефон хизматлари, компьютер техникаларини, мобил телефонларни ва бошқа электротехник воситаларни таъмирлаш хизматлари, пул ўтказмалари бўйича алоқа-почта, пайнет хизматлари, электрон пул ўтказмалари каби хизматларни ўз ичига олади.

Хизматларни турлари бўйича ҳам таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг ҳаммасида ҳам кескин ўсиш рўй берди ва келгусида ҳам шундай суръатларнинг сақланиб қолиши кўзда тутилган. Мамлакатимизда давлат ва нодавлат тизилмалари томонидан минглаб хизматлар кўрсатилади. Уларнинг ҳаммаси аҳолига хизмат қилишга қаратилган. Уларнинг бир қисми оилаларга кўрсатиладиган хизматлардан иборат бўлса, айримлари оила аъзолари томонидан кўрсатиладиган хизматлардир. Демак, бир киши хизматлардан манфаатдор ва унинг истеъмолчиси бўлиб ҳисобланса, иккинчи шахс ҳам манфаатдор, у хизмат кўрсатувчи бўлиб ҳисобланади. Демак, хизмат кўрсатиш жараёнида нафақат ишлаб чиқариш, балки одамлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ҳам содир бўлади. Бу муносабатларнинг такомиллашуви натижасида уларнинг манфаатлари ҳам қондирилиб борилади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилган Давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

Энг аввало, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш, унинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусан, бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш вазифасининг қўйилганлиги.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш натижасида 2016 йилда 2011 йилга нисбатан

2,1 баробар ўсишига эришилиши ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2016 йилда 55,0 фоизга етказиш кўзда тутилганлиги.

Учинчидан, хизмат кўрсатиш тармоқлари ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш натижасида 2006-2011 йиллар давомида 1,1 млн. янги иш ўринлари яратилди. Бу соҳада банд бўлган ахоли сонини 2016 йилгача бўлган даврда ҳам жадал ривожлантириш кўзда тутилган.

Тўртинчидан, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб боришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиб борилаётганлиги.

Бешинчидан, мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унутилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш бўйича изчил чораларнинг амалга оширилганлиги.

Олтинчидан, замонавий хизмат турларини, хусусан, телекоммуникация соҳаси корхоналарига техник сервиси хизматларини кўрсатишни, интерактив телевидениеси хизматларини ривожлантириш, видеотелефон хизматлари, компьютер техникаларини, мобил телефонларни ва бошқа электротехник воситаларни таъмирлаш хизматларини такомиллаштириш, пул ўтказмалари бўйича алоқа-почта, пайнет хизматлари, электрон пул ўтказмалари хизматларини янада жонлантиришни ўз ичига оладиган янги хизмат турларининг ривожланганлиги ва уларни диверсификация қилиш дастурларининг ишлаб чиқилганлиги.

Еттинчидан, хизматларнинг иқтисодий йўналишлардаги истиқболли турларини, хусусан, юридик, консальтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал равишда ривожлантиришнинг кўзда тутилганлиги.

Саккизинчидан, мамлакатимизнинг хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва тегишли шароитларнинг яратилганлиги.

Тўққизинчидан, энг муҳими, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрлар масаласига катта эътибор қаратилиб, уларни замон талабига мос равишда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимининг яратилганлиги.

Белгиланган ҳар бир тадбир, ушбу соҳани ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ушбу тадбирларни беками кўст бажариш учун хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилган ва бу борадаги аниқ вазифалар тегишли мутасаддиларга юклатилган. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига ҳам ушбу дастурдан келиб чиқиб ўзларининг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиши ва унинг бажарилишини таъминлаш вазифаси қўйилган. Энг муҳими, ушбу Дастурларда кўзда тутилган барча тадбирлар бўйича ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан мониторинг қилиб борилади ва йилнинг ҳар чорагида, ярим йиллик натижалари, тўққиз ойлик ва йиллик ҳисоботларда эшитилиб, бажарилиши назорат остига олинган.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда уни замонавий даражага олиб чиқиш замонавий кадрларнинг зарурлигини тақозо қилади. Аммо мустақилликнинг бошлангич йилларида бундай тайёр кадрлар мамлакатимизда етишмас эди. Боз устига, уларни тайёрлаш масаласи ҳам қониқарсиз аҳволда эди. Чунки олдинги иқтисодиёт даврида хизмат кўрсатиш соҳаси иккинчи даражали, асосан истеъмол қиладиган соҳа сифатида қаралиб келинган эди. Бунинг асоратидан албатта, бирданига қутулиб бўлмаслиги ҳам бор ҳақиқатдир.

Кадрларни тайёрлаш ўта жиддий тадбирларни амалга оширишни тақозо қиладиган масаладир. Ҳозирги пайта жуда кўплаб янги хизмат турлари кўпайди. Аммо шу соҳани ташкил қиладиган ва бошқарадиган кадрларнинг айримлари мамлакатимизда умуман тайёрланмаслиги ачинарли аҳволга олиб келиши мумкин эди. Шу туфайли бу соҳа ҳам ислоҳ қилиниб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус касб-ҳунар ўқув муассасалари очилди ва соҳа учун замонавий кадрларни тайёрлаш масаласи йўлга қўйилди.

Хизматлар бозори таркибида хизматларнинг янги, истиқболли, мамлакатимизнинг келажагини белгилайдиган турлари, яъни замо-

навий банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари, туризм ва сервис хизматларини такомиллаштиришга қаратилган кадрларни тайёрлашга киришилди. Ҳозирги пайтда соҳани бошқаришга мўлжалланган бакалаврлар ва магистрлар тайёрланилмоқда. Бу масаланинг долзарблигини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, мамлакатимизда замонавий оилаларда мураккаб маиший техника, компьютерлар ва турли русмдаги шахсий автотранспорт воситалари билан таъминланишнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўпайишига имкон яратди. Аммо бу соҳада ҳам ҳозиргача кадрларни етарли деб бўлмайди.

Шулар инобатга олиниб Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларида мутахассисликлар рўйхати ва хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини танқидий ўрганиш асосида... ўқув жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан, унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш хамда бу ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш...»[92] масаласи қўйилди. Бу масала ҳам муваффақиятли бажарилди.

Ушбу таъкидни исботлаш учун шуни эътироф этиш лозимки, хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакатимизда жадал ўсиш суръатига эга бўлди. Жумладан, 2007 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг 2006 йилга нисбатан ўсиш суръатига назар ташлайдиган бўлсак, унинг бир йиллик ўсиш суръати 117,4 %ни ташкил қилган эди, 2008 йилда ушбу кўрсаткич 118,0 %га ўсди. 2009 йилда – 118,9 %га, 2010 йилда 121,8 %га ўсган бўлса, 2012 йилда 114,9 %га ўсиши кўзда тутилди. Худди шундай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарорда кўрсатилганидек, кейинги йилларда ҳам сақланиб қолади. Чунки, 2013 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг бир йиллик ўсиш суръати 115,6 %га тенг бўлиши кўзда тутилган бўлса, 2014 йилда мазкур кўрсаткичнинг даражасини 116,2 %га етказиш мўлжалланган. 2015 йилга бориб

[92] "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 2006 йил, 17 апрел. "Халқ сўзи". 2006 йил, 18 апрел.-2-бет.

ушбу кўрсаткичнинг миқдори 116,9 %га, 2016 йилда 117,4 %га оширилиши кўзда тутилган[93]. Хизмат кўрсатиш ҳажми 2016 йилда 2011 йилга нисбатан 2,1 баробар ошиши кўзда тутилган ҳолда, унинг мамлакат ЯИМдаги улушини 55,0 %га етказилишининг кўзда тутилганлиги соҳанинг нақадар ривожланиши лозимлигини тақозо қилади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига эътибор фақат юқорида таъкидланган қарорлар ва тегишли тадбирлар билан чегараланиб қолинган эмас. Бунга муттасил эътибор берилиб келинган. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг кечаги, ҳозирги ва яқин келажакдаги устувор вазифаларидан бири хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришдан иборатлигига ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаса керак.

Хизмат кўрсатиш тизимида катта гуруҳни аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар ташкил қилади. Ушбу хизматлар ҳам бошқа хизматлар сингари жамиянинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли мазкур рисолада пулли хизматларга алоҳида тўхталамиз.

2. Пулли хизматлар тушунчаси ва уларнинг турлари

Ўзбекистонда 1996 йилдаёқ "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган эди. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган ва 1997 йил 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. Ушбу ҳужжатга бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Бу ўзгартириш ва қўшимчалар ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 10 июлда 305-1-сонли рақам билан ва 2007 йил 23 апрелда 305-2-сонли рақам билан рўйхатга олинган. Бу жараёнлар ЎзР ДСҚ Қарорида ҳам қайд этилган.

Мазкур меъёрий ҳужжатда қайд этилишича пулли хизматларга қуйидаги 14 та гуруҳ хизматлар киради. Булар қуйидагилардан иборат:

---

[93] "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарорининг 1-иловаси.

- маиший хизмат;
- йўловчи ташиш транспорти хизмати;
- алоқа хизмати;
- уй-жой хўжалиги хизмати;
- таълим тизимлари хизмати;
- маданий хизмат;
- сайёҳлик - экскурсия хизмати;
- жисмоний тарбия ва спорт хизмати;
- соғлиқни сақлаш (тиббий) хизмати;
- санатория-курорт ва соғломлаштириш хизмати;
- ҳуқуқий тусдаги ва банк муассасалари хизмати;
- коммунал хизматлар;
- бошқа хизматлар.

Санаб ўтилган пулли хизмат турларига кирмайдиган бошқа хизматлар ҳисоб ва ҳисоботда "бошқа хизматлар" гуруҳида кўрсатилади. Бундай хизматларга юқорида қайд этилган йўриқнома бўйича, қуйидагиларни киритиш мумкин.

- ветеринария, уй-жойларни кўриклаш, тир хизматлари;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, матбаачилик негизи (номи ёзилган папка, табрикнома, манзилли қутлов табрикномалари, айрим мақола ва лавҳалардан нусха кўчириш, китоб, журнал, газеталарни чоп қилиш, муқовалаш, китоб нашрларини таъмирлаш, шахсий хабарларни эълон қилиш, матнларни таҳрир қилиш, маълумотнома-ахборий адабиётларни танлаш, матнларни таржима қилиш ва ҳоказолар)га эга бўлган бошқа корхоналар хизмати;

- деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари хизматлари - савдо ўрни учун тўлов, автотўхтагич, тарози ва бошқа анжомларни бериш, маҳсулотларга санитария ишлови бериш, товарларни сақлаш, бозор қошидаги меҳмонхоналарда яшаш ва бозорларда товар сотишни амалга оширувчи шахсларга кўрсатиладиган бошқа хизматлар. (ЎзР АВ 10.07.2006 й. 305-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР ДСҚ Қарори таҳриридаги хатбоши);

- пулли хизматларнинг тармоқ гуруҳлари таркибида ҳисобга олинмайдиган савдо ташкилотларининг хизматлари: (мутахассис маслаҳатлари, мижоз масаллиғи, маҳсулотидан таом тайёрлашда ошпазлар хизмати, официант, идиш-товоқ ювувчиларнинг уйда идиш-товоқ ювиш хизмати, шиша идишларни уйда қабул қилиш,

ойна кесиш, овқат кийматисиз уйга таом етказиб бериш, озиқ-овқат буюртмаларини бутлаш - тўлдириш бўйича хизматлар қиймати, кредит расмийлаштириш);

- илмий соҳадаги хизматлар, аҳоли буюртмалари асосида микрофото нусха кўчириш ва ҳужжатларни тиклаш лабораториялари кўрсатадиган хизматлар, телевидение ва радиоэшиттириш орқали хусусий тусдаги эълонларни бериш ва намойиш этиш, эшиттириш учун аҳоли тўлайдиган ҳақ;

- ҳайвон ва ёввойи паррандаларни отиш, балиқ овлаш учун рухсатнома (лицензия) олиш ҳақи"[94].

Юқоридаги ҳужжатда эътироф этилишича, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш сирасига мулкчилик бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъий назар, бирлашма, корхона, ташкилот, хўжалик юритувчи бошқа субъектлар, шунингдек, фуқароларга уларнинг шахсий буюртмалари асосида якка тартибда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган хусусий шахслар томонидан кўрсатиладиган хизматлар киради. Мамлакатимизда аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш рўйхати, ҳар бир тури бўйича юқорида қайд этилган 14 та гуруҳ бўйича пулли хизмат кўрсатишнинг амалдаги таснифлагичида ўз аксини топган. Унда барча хизмат турлари аниқ кўрсатилган.

Ҳозирги пайтда пулли хизматларни ҳисобга олиш корхоналар учун ва хусусий шахслар учун алоҳида олиб борилади. Корхоналарнинг кўрсатилган хизматлари дастлабки ҳисоб маълумотлари асосида, хусусий шахслар бўйича эса, статистика идораларининг белгиланган тартибда тасдиқланган тегишли тавсияномалари асосида аниқ ҳисобот даври учун амалга оширилади.

Пулли хизматлар бўйича аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхоналар ва хизмат кўрсатиш асосий фаолияти бўлмаган корхоналарда ҳисобот бир хилда олиб борилади. Ушбу корхоналарнинг ҳар бири ҳисобот тузадилар ва уни давлат статистика ҳисоботи шаклларида белгиланган муддатда ўзлари жойлашган ҳудуддаги статистика идорасига тақдим этадилар.

Амалиётда шундай ҳолатлар ҳам борки, хизмат кўрсатувчи субъект юридик шахс мақомига эга бўлмаган тарзда фаолият олиб

---

[94] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.

боради. Улар бош корхона билан бир туман (шаҳар) доирасида жойлашган таркибий бирлик (филиал, бўлинма ва ҳоказо)лар бўлиши мумкин. Агар шундай бўладиган бўлса, уларнинг пулли хизматлари ҳажми бош корхона ҳисобига киритилади.

Агарда хўжалик юритувчи субъект бош корхона билан бир туман (шаҳар) доирасида жойлашмаган бўлса, уларнинг ҳисоботи ва кўрсатилган хизматлари алоҳида ҳисобга олинади. Бош корхонанинг таркибий бирлиги (филиал, бўлинма ва ҳоказо)лар мустақил равишда ҳисобот тузадилар ва ўзлари жойлашган туман (шаҳар) статистика идораларига мустақил субъект сифатида тақдим этадилар. Мос равишда бошқа туман (шаҳарда) жойлашган бош корхона ҳам статистика идораларига мустақил равишда ҳисобот тақдим этади. Бунда ишлаб чиқариш бирлиги бўлган филиал, бўлинма ва ҳоказоларнинг кўрсатилган хизматлари ҳажми, агар улар бошқа туман (шаҳарда) жойлашган бўлса, бош корхона ҳисоботига киритилмайди.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳамкорликда ҳам амалга оширилиши мумкин. Унда ҳар бир корхона кўрсатган хизматлари ҳажми ўзаро тузилган шартнома асосида белгиланган миқдорларда ҳисобга олинади ва ҳар бирининг ҳисоботида алоҳида кўрсатилади.

Жуда кўп хизмат турлари хизмат кўрсатишга мўлжалланмаган субъектлар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин. Буларнинг хизматлари шу корхона ҳисоботида ўз аксини топади. Масалан, корхона балансида бўлган маданий-оқартув, мактабдан ташқари муассасалар ва касаба уюшмаларининг, спорт иншоотлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар ҳажми шу корхона ҳисоботига киритилади. Бу ҳолда белгиланган тартибда корхона балансида бўлган касаба қўмиталари, маданий-оқартув, мактабдан ташқари муассасалар ва касаба уюшмалари спорт иншоотлари томонидан аҳолига пулли хизмат кўрсатиш тўғрисида ҳисобот корхона бухгалтериясига тақдим этилади. Ҳозирги пайтда барча хўжалик юритувчи субъектлари, уларнинг асосий фаолияти хизмат кўрсатишга қаратилмаган бўлсада, пулли хизмат кўрсатишлари мумкин ва улар алоҳида ҳисобга олиниб борилади ва тегишли тартибда ҳисобот бериб боради.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларда пулли хизмат кўрсатишнинг таърифи берилмаган. Унда умумий ҳажмига тушунча берилган. "Пулли хизмат кўрсатишнинг умумий ҳажмига аҳолидан ёки бошқа

корхоналардан корхона, шунингдек, ўз кучи билан хизмат кўрсатган хусусий тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизмат турларига олинган ҳақ учун тўловлар йиғиндисидан иборат"[95], деб белгиланган. Ушбу тушунча мазкур иқтисодий категориянинг таърифини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш дейилганда мулкчилик шаклларидан ва бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилишидан қатъий назар, бирлашма, корхона, ташкилот, хўжалик юритувчи бошқа субъектлар, шунингдек, фуқароларга уларнинг шахсий буюртмалари асосида якка тартибда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган хусусий шахслар томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар мажмуи тушунилади[96].

Мазкур таъриф аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг барча жабҳаларини ўзида қамраб олган. Биринчидан, хизматларни ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект кўрсатиши мумкин. Эркин иқтисодиёт шароитида улар турли мулкчилик шаклларига ва бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилишига эга бўлиши мумкин. Шу туфайли уларнинг барчаси пулли хизмат кўрсатиш соҳасига киради. Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ҳозирги таркибий тузилиш бўйича бирлашма, корхона, ташкилот, хўжалик юритувчи бошқа субъектларни ўз ичига олиши мумкин. Шу туфайли мазкур таърифда уларнинг номлари ҳам алоҳида қайд этилган. Учинчидан, фуқароларга уларнинг шахсий буюртмалари асосида якка тартибда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган хусусий шахслар (якка тадбиркорлар) ҳам шуғулланиши мумкин. Шу туфайли уларнинг пулли хизматлари ҳам умумий пулли хизматларга кириши эътироф этилган. Тўртинчидан, барча кўрсатилган пулли хизматлар мажмуи, уларнинг мулк шаклидан қатъи назар, ҳисобга олиниши кўрсатилган. Демак, ушбу таърифда юқорида ўрганилаётган категориянинг барча қирралари ўз аксини топган, дейиш мумкин.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ, қўшимча қиймат солиғи, махсус солиқ акцизи ва шу кабиларни бевосита корхона кассасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари орқали

---

[95] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил, 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.-1.2- модда.

[96] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

(уй – жой коммунал хизматлари, болаларни мактабгача тарбия муассасаларида сақлаш, алоқа хизматлари ва шу кабилар учун) тўланиши мумкин. Хусусий тадбиркорлар хизматига ҳақ тўлаш, юқорида таъкидланганидек, статистика идораларининг белгиланган тартибдаги тавсиялари асосида ҳисобга олинади.

Пулли хизмат кўрсатиш ҳажмида аҳолидан олинган маблағ ходимларга кўрсатиладиган хизматлар қийматида ифодаланади. Буларнинг ҳисоб-китоби 1999 йил 30 июлдаги 788-сонли "Ёлланиб ишлаётганлар сони ва иш ҳақи статистикаси бўйича" Йўриқномага биноан амалга оширилади. Аҳолига нақд пулсиз хизмат кўрсатилган тақдирда бу тўловлар корхонанинг тегишли дастлабки ҳисоботида акс эттирилади.

Пулли хизмат таркибига шунингдек, соғломлаштириш, даволаш-профилактика, ижтимоий-маиший ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар киради. Ушбу хизмат таркибида турли ташкилотларнинг маиший тусдаги буюртмалари ҳам ҳисобга олинади.

Қайд этиш лозимки, аҳоли томонидан тўланган пулли хизмат кўрсатиш ҳажмида фақат бевосита фуқаролардан келиб тушган маблағ миқдоригина кўрсатилади. Бироқ, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўламаслик ёки ўз вақтида тўламаслик муносабати билан олинадиган жарима, устама (пеня) фоизлари хизматлар қийматига киритилмаслиги керак. Лекин тадқиқотларимиз кўрсатдики, улар ҳам пулли хизматлар таркибида ифодаланмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат натижасида ижтимоий ҳимоя қилиш идоралари, давлат ёки маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўшимча тўловлар аҳолига хизмат кўрсатиш умумий ҳажмига киритилмайди. Буларнинг ҳар бири ўз йўналишида ҳисобга олиб борилади.

Миллий ҳисобчилик тизими (МҲТ)га мувофиқ хизматлар хизмат бажарилаётган пайтида ҳисобга олиниши керак. Бинобарин, кўрсатилган хизматларга амалда олинган ҳақ миқдори, МҲТда фойдаланиш учун, ҳисобот даврида қарзнинг ўзгариши миқдорига мувофиқлаштирилмайди. Амалиётда бунга чек қўйиш керак.

Мавзу бўйича такрорлаш ва мустақил таълим учун саволлар

1. Мамлакатимизда пулли хизматларни кўрсатишни ривожлантиришнинг объектив зарурлиги.

2. Мамлакатимизда пулли хизматларни кўрсатишни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
3. Пулли хизматлар тушунчаси ва уларнинг турлари
4. Пулли хизматларни ривожлантиришга қаратилган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг мазмуни.
5. Меъёрий ҳужжатда қайд этилишича пулли хизматларга 14 та гуруҳини санаб беринг.
6. Маиший хизмати ларининг мазмуни.
7. Йўловчи ташиш транспорти хизматиларининг мазмуни.
8. Алоқа хизматиларининг мазмуни.
9. Уй-жой хўжалиги хизматларининг мазмуни.
10. Таълим тизимлари хизматларининг мазмуни.
11. Маданий хизматларининг мазмуни.
12. Сайёҳлик - экскурсия хизматларининг мазмуни.
13. Жисмоний тарбия ва спорт хизматиларининг мазмуни.
14. Соғлиқни сақлаш (тиббий) хизматларининг мазмуни.
15. Санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматларининг мазмуни.
16. Ҳуқуқий тусдаги ва банк муассасалари хизматларининг мазмуни.
17. Коммунал хизматларларининг мазмуни.
18. Бошқа хизматларнинг мазмуни..

Калитли сўзлар

Маиший хизматлар, йўловчи ташиш транспорти хизматлари, алоқа ҳихматлари, уй-жой хўжалиги хизматлари, уй-жой хўжалиги хизматлари, таълим тизими хизматлари, маъданий хизматлар

12-мавзу. АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАДИГАН УЙ-ЖОЙ, КОММУНАЛ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТЛАР, УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБЛАРИ

РЕЖА:

1. Уй-жой хўжалиги хизматларининг мазмуни ва уларнинг турлари ҳамда ҳисобга олиш йўллари.

2. Коммунал хизматларнинг мазмуни ва уларни ҳисобга олиш йўллари.

3. Пулли хизматларнинг бошқа гуруҳлари ва уларни ҳисобга олиш йўллари.

*****

1. Уй-жой хўжалиги хизматларининг мазмуни ва уларнинг турлари ҳамда ҳисобга олиш йўллари

"Уй-жой хўжалиги хизматлари" атамаси "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан 1996 йил 7 октябрда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси"да қўлланилган. Бизнинг фикримизча, бу атама уй-хўжалиги дейилгандан кўра "Оила хўжалиги" дейилса тўғри бўлади, деб ўйлаймиз. Чунки оила ижтимоий субъект сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Оила Кодексида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, оила муқаддас китобларда ҳам оила сифатида эътироф этилган. Шу туфайли уй-жой хўжалиги атамасини оила хўжалиги, деб тушунмоқ лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига махсус "Оила" бўлими киритилган. Унинг 63-моддасида: "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб белгиланган. 1998 йил мамлакатимизда "Оила йили", деб белгиланди ва оилаларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш учун махсус Давлат дастури қабул қилинди.

Республика Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган 2011 йил 7 декабрдаги тантанали йиғилишда 2012 йилни "Мустаҳкам оила" йили деб аташни таклиф этди. Бунга асосан 2012 йилда ва ундан кейинги йилларда амалга оширилиши лозим бўлган кенг кўламли ишларни қамраб олган йирик Давлат дастури қабул қилинди. Ҳозирги кунда бу борада жадаллик билан ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу дастур доирасида 2012 йил 8 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 2012 йилнинг 23 мартида Олий Мажлиснинг Сенати томонидан маъқулланди.

Юқоридаги қонунда оилавий тадбиркорликнинг турли йўналишлари, уларни амалга ошириш йўллари, оилавий корхона тузиб, юридик шахс мақомига эга бўлиб фаолият кўрсатиш ёки юридик шахс статусига эга бўлмасдан шахсий тадбиркор сифатида фаолият кўрсатиш йўллари ҳам содда тарзда тушунтириб берилган. Ҳозирги пайтда ишга жойлаштириш ва янги иш ўринларини очиш, бандлик муаммосини ҳал қилишда ҳам оилавий тадбиркорликнинг ўрни катта. Оилавий тадбиркорликнинг бир тури бўлган касаначилик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оила хўжалиги тўлайдиган пулли хизматлар дейилганда, аҳолининг уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланганлиги, ётоқхона, меҳмонхоналарда яшаганлиги, хусусий шахслар уй-жойини ёллаш, уй-жойларни олди-сотди, айирбошлаш ишлари бўйича воситачилик қилганликлари, ижарага олинган уй-жой - хоналарда яшаганлиги, фуқароларнинг якка тартибда буюртмаси асосида кадастр ташкилоти томонидан кўрсатилган хизматлари учун тўланган ҳақ йиғиндисидан иборат сумма тушунилади[97].

Мазкур таърифда оила хўжалигининг оилани уй-жой билан таъминлаш борасидаги барча харажатларини ўз ичига олади. Буни назарий жиҳатдан асослаш учун қуйидагиларни таъкидлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Мазкур таърифда оила хўжалиги аъзоларининг яшаш билан боғлиқ тўлайдиган пулли хизматлар қаторига биринчи галда аҳолининг уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланганлиги учун харажатлари инобатга олинган. Иккинчидан, аҳолининг ётоқхона, меҳмонхоналарда яшаганлиги, хусусий шахслар уй-жойини ёллаш каби яшаш билан боғлиқ харажатларини ҳам қамраб олган. Учинчидан, уй-жойларни олди-сотди, айирбошлаш ишлари бўйича воситачилик қилганликлари учун ҳам тўланадиган маблағлар оила хўжалигининг пулли хизматларига киради. Тўртинчидан, ижарага олинган уй-жой - хоналарда яшаганлик ҳам пулли хизматлар таркибига киритилган. Бешинчидан, фуқаролар-

[97] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

нинг якка тартибда буюртмаси асосида кадастр ташкилоти томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўланган ҳақ ҳам шундай харажатларга киради. Олтинчидан, оила хўжалигининг пулли хизматларига барча тўловлар йиғиндисининг кириши ҳам таъкидланган. Кўриниб турибдики, мазкур таърифда оила хўжалиги кўрсатадиган пулли хизматларнинг барча турлари ўз аксини топган.

Хуллас, оилавий тадбиркорлик ва оила хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматларга амалдаги Йўриқномалар асосида қуйидагилар киради:

"- идоравий бўйсунишлигидан қатъий назар, уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган (начисление) ҳақ эмас, балки амалдаги ҳақиқий тўлов ҳақи;

- аҳолининг ётоқхона, меҳмонхоналарда яшаганлик учун амалда тўлаган ҳақ миқдори (хона қийматига кирмайдиган жойни бронлаш ва қўшимча хизматлар учун тўлов ҳақини қўшган ҳолда);

- аҳолининг хусусий шахслар уй-жойни топшириш (ёллаш), уй-жойларни олди-сотди, айирбошлаш ишлари бўйича воситачилик қилганликлари учун фирма, идора, бюро, ташкилотларга ҳақ тўлаши;

- аҳолининг ижарага олинган уй-жой - хоналарда яшаганлик учун уй-жой эгаларига ҳақ тўлаши;

- аҳолининг фуқароларнинг якка тартибдаги буюртмаси асосида кадастр ташкилоти (БТИ - техник инвентаризация бюроси) ёки шу каби ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлари учун ҳақ тўлаши"[98].

Шуни эҳтироф этиш керакки, уй-жой хўжалиги хизматларига шу жараён билан боғлиқ айрим хизматлар кирмайди. Булар жумласига қуйидагилар киради:

"- корхона ва ташкилотларнинг уй-жой фондини сақлаш маблағлари;

- сайёҳлик йўналишлари ва экскурсия хизматлари йўлланмаси қийматига экскурсантларнинг меҳмонхона ва ётоқхоналарда яшаш ҳақи киритилган қиймат"[99].

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, айрим оилавий пулли хизматлар статстик ҳисоботларда ўз аксини топмайди. Шу туфайли ушбу

---

[98] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.-5- модда.

[99] Ўша жойда. – 5-модда.

ҳизматларнинг умумий хизматлардаги ҳиссасини, унинг реал ҳажмини ва мос равишда самарадорлигини тўлиқ баҳлаш бироз мураккабдир. Буни инобатга олиб хизматлар статистикасини ривожлантириш ва такомиллаштириш долзарб масала эканлигини қайд қилмоқчимиз.

2. Коммунал хизматларнинг мазмуни ва уларни ҳисобга олиш йўллари

Бугунги кунда коммунал хизматлар инсонларнинг яшаш сифатини оширишга хизмат қиладиган муҳим соҳага айланди. Шу боис маҳаллий ҳокимликларнинг асосий сиёсати ҳам коммунал сиёсат билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу туфайли пулли хизматлар таркибида ҳам коммунал хизматларнинг улуши ошиб бормоқда.

Бундай хизматлар турлари асосан мамлакат ичкарисида амалга оширилади. Коммунал хизматлар аксарият ҳолда экспорт қилинмайди. Булар асосан мамлакат аҳолисига кўрсатиладиган хизматлар бўлиб ҳисобланади. Аммо бундай хизматларнинг сифат даражаси паст бўлади деган хулоса чиқармаслигимиз лозим. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси, яшашининг сифат кўрсаткичлари, уларнинг фаровонлиги айнан шу хизмат турларига ҳам боғлиқдир. Аммо бу соҳада ҳали бозор муносабатлари шароитига мос рақобат муҳити шаклланган эмас.

Мамлакатимиз Президенти 2012 йилнинг 18 июлида "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига[100] имзо чекди. Мазкур фармон бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш сари қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, бундай хизмат турларини муттасил ривожлантириб келинди. 2010 йилда 2006 йилга нисбатан мазкур хизматларнинг ҳажми 2,1 мартага оширилган эди. Ушбу хизмат тури 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 115,8 % оширилган бўлса, 2008 йилда унинг ҳажмини 118,7 %, 2009 йилда – 122,0 ва 2010 йилда ҳам 125,0 % ўстиришга эришилди. Мазкур хизмат-

[100] "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлида имзолаган Фармони.

ларнинг ҳажмини ўстириш билан бирга, унинг сифатига ҳам катта аҳамият берилиши талаб қилинади. Чунки замон шуни талаб қилмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарорида[101] коммунал хизматлар алоҳида кўрсатилмаган. Ушбу хизмат тури бошқа хизматларга киритилган. Қарорда таъкидланишича, бошқа хизматлар 2011-2016 йилларда 2,1 мартага ошиши кўзда тутилган. Ҳар йили ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиши 115,6 %ни ташкил қилса, 2013 йилда – 115,9 %, 2014 йилда – 116,1 %, 2015 йилда - 116,6 %, 2016 йилда – 116,9 %ни ташкил қилиши кўзда тутилган. Ҳозирги пайтда коммунал хизматларда айрим камчиликлар учрамоқда. Жумладан, айрим ҳолларда аҳолини огоҳлантирмасдан чироқларни ўчириб қўйиш ҳоллари, табиий газ босимининг камайиб кетиши кабилар одамлар таъбини хира қилиб, кайфиятларини тушуради. Шу туфайли бу хизматлардан фойдаланишда ҳам бозор принципларидан оқилона фойдаланиш, шартнома тизимини такомиллаштириш, икки томонлама масъулиятни ошириш, иқтисодий механизмлардан икки томонламана жаримани йўлга қўйиш тизимини ишга солиш каби дастаклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалдаги меъёрий ҳужжатлар бўйича мазкур хизматларга қуйидагилар киради:

"- аҳолининг электр қуввати, марказий иситиш, газ, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, канализациядан фойдаланганлик, шунингдек, майдонларни тозалаш ва ахлатларни ташиб кетиш хизматлари (уй-жой қурилиш ва қурилиш ҳамда фуқаро-қурилиш ширкатлари, хусусий уй-жойлар, боғ-участка, боғдорчилик ширкатлари буюртмалари асосида) учун амалдаги ҳақиқий ҳақ миқдори (ёзилган ҳақ миқдори эмас).

Бинобарин, кўрсатилган маблағлар фуқароларга бевосита хизмат кўрсатадиган ташкилотларнинг кўрсатган пулли хизматлар ҳажмига киритилиши лозим;

- уй-жой қурилиш ва уй-жой қурилиш ширкатлари уйларида фойдаланиш харажатларини қоплаш пули (ширкат квартиралари

---

[101] "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарорининг 1-иловаси.

қийматининг дастлабки бадал (тўлов)лари ва кейинги қоплаш пул миқдорларисиз);

- пулли хожатхона хизмати"[102].

Аммо айрим хизматлар борки, улар мазмунан шу хизматга яқин бўлсада, улар коммунал хизматлар таркибига кирмайди. Бундай хизматларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

"- уй-жой таъмирига йўналтириладиган ва бу таъмирлаш турларини амалга оширадиган корхоналар маиший хизматлар таркибида "уй-жой қурилиш ва уй-жой қуриш ширкатлари уйларида фойдаланиш харажатларини қоплаш пули" таркибидан тушган маблағлар;

- корхоналардан ишлаб чиқариш - технологик мақсадлар учун фойдаланилган электр, иссиқлик қувватлари, газ, сув, бу корхоналар майдон ва алоқа йўлларига канализация ҳамда тозалик (санитария) хизмати кўрсатиш учун тушган маблағлар"[103].

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий адабиётларда коммунал хизматларнинг таърифи ҳам етарли даражада ёритилмаган. Иқтисодчи олим Х.М.Маматқуловнинг махсус изоҳли луғатида "Коммунал хўжалик" тушунчасига изоҳ берилган. Унда қайд этилишича "Коммунал хўжалик – маҳаллий ҳокимликларнинг шаҳар ҳаёти билан боғлиқ хўжалик тармоқлари уй-жой, транспорт, электр, водопровод, ҳаммом ҳамда ободончилик ишлари билан шуғулланувчи бўлим"[104]дир. Мазкур изоҳ бирнчидан, коммунал хизматларни ўзида ифода этмайди, чунки у коммунал хўжаликка изоҳ берган ва иккинчидан, "маҳаллий ҳокимликларнинг шаҳар ҳаёти билан боғлиқ хўжалик тармоқлари" дейилган. Бу эса, мос равишда қишлоқ аҳолиси коммунал хизматлардан фойдаланмайди, деган хулоса қилишга асос бўлади. Шу туфайли унинг таърифига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Коммунал хизматлар дейилганда, маҳаллий ҳудуд ҳаёти билан боғлиқ уй-жой, транспорт, электр таъминоти, газ, сув каби аҳолининг яшашини яхшилаш билан боғлиқ хизматлар

---

[102] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.-6- модда.

[103] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.-6.2- модда.

[104] Маматқулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати. – Т.: "Иқтисод-молия", 2010. – 126-127 бет.

билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар мажмуи тушунилади[105]. Ҳозирги пайтда бундай хизматларни кўрсатувчи субъектлар асосан маҳаллий ҳокимликлар томонидан бошқарилмоқда. Чунки уларнинг аксарият қисми давлат мулкига асосланган. Фикримизча, ушбу соҳада ҳам рақобат муҳитини яратиш, хусусий тадбиркорликка кенг йўл бериш ва уларни бошқариш масаласини нодавлат корхоналарига юклаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

3. Пулли хизматларнинг бошқа гуруҳлари ва уларни ҳисобга олиш йўллари

Юқоридаги меъёрий ҳужжат бўйича бошқа хизматларга қуйидаги хизматлар киради:

"- ветеринария, уй-жойларни қўриқлаш, тир хизматлари;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, матбаачилик негизи (номи ёзилган папка, табрикнома, қутлов (юбилейный адрес) табрикномалари, айрим мақола ва лавҳалардан нусха кўчириш, китоб, журнал муқовалаш, газеталарни чиқариш, китоб нашрларини таъмирлаш, шахсий хабарларни эълон қилиш, матнларни таҳрир қилиш, маълумотнома - ахборий адабиётларни танлаш, матнларни таржима қилиш ва ҳоказолар)га эга бўлган бошқа корхоналар хизмати;

- деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари хизматлари - савдо ўрни учун тўлов, автотўхтагич, тарози ва бошқа анжомларни бериш, маҳсулотларга санитария ишлови бериш, товарларни сақлаш, бозор қошидаги меҳмонхоналарда яшаш ва бозорларда товар сотишни амалга оширувчи шахсларга кўрсатиладиган бошқа хизматлар;

- пулли хизматларнинг тармоқ гуруҳлари таркибида ҳисобга олинмайдиган савдо ташкилотларининг хизматлари: (мутахассис маслаҳатлари, мижоз масаллиғи, маҳсулотидан таом тайёрлашда ошпазлар хизмати, официант, идиш-товоқ ювувчиларнинг уйда идиш-товоқ ювиш хизмати, шиша идишларни уйда қабул қилиш, ойна кесиш, овқат қийматисиз уйга таом етказиб бериш, озиқ-овқат буюртмаларини бутлаш - тўлдириш бўйича хизматлар қиймати, кредит расмийлаштириш);

---

[105] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

- илмий соҳадаги хизматлар, аҳоли буюртмалари асосида микрофото нусха кўчириш ва ҳужжатларни тиклаш лабораториялари кўрсатадиган хизматлар, телевидение ва радиоэшиттириш орқали хусусий тусдаги эълонларни намойиш этиш, эшиттириш учун аҳоли тўлайдиган ҳақ;

- ҳайвон ва ёввойи паррандаларни отиш, балиқ овлаш учун рухсатнома (лицензия) олиш ҳақи"[106].

Ушбу хизматлар учун аҳоли тўлайдиган ҳақ миқдорининг жами пулли хизматлар таркибига киради.

Айрим хизматлар борки, табиатан пулли хизматларга ўхшаш бўлсада, улар пулли хизмат ҳажмида ҳисобга олинмайди. Бундай хизматларга қуйидагилар киради:

"- барча турдаги товарларни пулли хизматларсиз сотиш (халқ истеъмоли моллари, ишлаб чиқариш техника маҳсулотлари, асосий ишлаб чиқариш фондлари, арзон баҳо анжом, айирбошлаш (бартер) асосида олинган халқ истеъмоли моллари, шу жумладан, чет эл товарлари ва шунга ўхшаш маҳсулотлар). Кўрсатилган савдо тушуми шакл 1-хизматлар ҳар ойги статистика ҳисоботининг "Бундан ташқари истеъмол моллари ва ишлаб чиқариш - техника маҳсулотларини сотишдан келган тушум" деган сатрида акс эттирилади;

- белгиланган ҳолат, низом, қонунларни шунингдек, суд қарорларини бузганлик учун (алимент, жарима, устама, айбона, ўғирланган нарса қийматини қоплаш, тиббий ҳушёрхоналардаги тўловлар ва шу кабилар) фуқаролар тўлайдиган тўловлар;

- жамоат фондларига кўнгилли бадаллар миқдори ва жамоат, ширкат ташкилотлари ҳисоб рақамларига кўнгилли аъзолик бадалларини тўлаш;

- транспорт воситаларини ҳисобга қўйиш, давлат ва фуқароларга қарашли хусусий автомототранспорт воситалари (кема ва катерларни қўшган ҳолда) учун давлатнинг рақамли белгиларини бериш, бу транспортларни техник кўрикдан ўтказиш учун автонозирнинг йиғим маблағлари;

1.3. бандда кўрсатилганлардан ташқари ташкилот, муассаса ва шу кабилар учун бажарилган ишлар ва хизматлар;

- уй-жой қурилиш ва уй-жой ширкатлари уйларидаги ширкат

---

[106] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси". // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган. 14 - модда.

квартиралар қийматининг дастлабки бадали ва кейинги ой сари қоплаш суммалари;

- давлат капитал маблағлари, корхоналар маблағлари, банк муассасаларининг кредити ҳисобидан қурилган хусусий кўпқаватли, кўпхонали уйлар қийматини, шунингдек, аҳолига сотилган давлат ва жамоат уй-жой фонди уйларидаги квартиралар қийматини қоплаш учун фуқаролар киритган маблағлар;

- суғурта тўловлари, бир марталик йиғимлар, солиқ, бож ва шу кабилар;

- лотерея билетлари сотиб олиш учун аҳоли сарф - харажатлари ва "мажбурий тўлов ва кўнгилли бадаллар" сифатидаги фуқароларнинг бошқа турдаги сарф - харажатлари ҳам;

- автобус, автомобиль ва бошқа ҳаракат воситалари, спорт иншоотлари, клуб, зал, турар жой ва ўз ходимлари ҳамда бошқа фуқароларга пулли хизмат кўрсатиш, бошқа бинолардан фойдаланиш (соатбай фойдаланишни қўшган ҳолда) учун корхона ва ташкилотларнинг (ижарага берувчи ва ижарага олувчи) ижара ҳақи суммалари;

- корхоналарнинг ижтимоий - маданий ва маиший объектларни (уй-жой фонди, ётоқхона, меҳмонхона, спорт иншоотлари, клуб, санатория-курорт муассасалари, кутубхона, мактабгача тарбия муассасалари ва шу кабилар) сақлаш сарф-харажатлари"[107].

Маиший хизматларни шаҳар ва қишлоқларга тақсимлашда амалдаги маъмурий - ҳуқуқий бўлинишлар ва қуйидаги тартибга амал қилиш зарур:

"- маиший хизматлар буюртма қабул қилинган жойда ҳисобга олинади. Шаҳар жойларида, техник паспортга асосан қишлоқ жойларида рўйхатга олинган транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, қишлоқда истиқомат қилувчи шахс шаҳар жойларидаги савдо корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш, ёқилғи базалари, газ тарқатиш идора ва базалари, тахта-ёғоч савдоси омборхоналари ва контейнер майдонларидан яшаш жойгача юкларни ташиш учун транспорт воситалари хизматидан фойдаланган тақдирда транспорт хизматлари, қишлоқ хўжалигининг барча тур-

---

[107] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси".// "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси *томонидан ишлаб чиқилган.* Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.- 14.2 - модда.

даги хизмат ва ишлари учун қабул қилинган буюртмалар истисно сифатида "қишлоқ жойлари бўйича" ҳисобга олинади.

- жамоа боғдорчилик участка (ширкат) буюртмалари асосида бажарилган хизматларни "шаҳар ва қишлоқ жойлар"га тақсимлаш жамоа боғдорчилик участка (ширкат)лар учун ажратилган ерларнинг қаерда жойлашганлигидан келиб чиққан ҳолда: шаҳар атрофи (оромгоҳ - курорт) туридаги қишлоқ чегарасидаги ерлар-шаҳар жойлари бўйича; қишлоқ аҳоли пунктларида - қишлоқ фуқаролар йиғини, жамоа, давлат, ўрмон ва ўрмончилик хўжаликлари ихтиёридаги ерлар - қишлоқ жойлари бўйича амалга оширилади;

- уй-жой хўжалиги хизмати ва коммунал хизматлар - хизмат кўрсатувчи жой фонди жойлашган ерда;

- мактабгача тарбия муассасаларида болаларни сақлаш хизматлари - ушбу мактабгача тарбия муассасалари қарайдиган корхоналар жойлашган жой бўйича;

- маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, банк муассасалари ҳамда "бошқа хизматлар" - мазкур хизматларни амалга оширувчи муассасалар жойлашган жойда;

- алоқа хизматлари: хат, бандероль, жўнатма, пул жўнатмалари, телеграммалар - жўнатишлар амалга ошириладиган алоқа тугуни (узели) жойлашган жойда;

- халқаро телефон сўзлашуви имконини бериш, уй телефони, телефон - автоматларни ўрнатиш ва фойдаланиш - сўзлашув имкони берилган ҳамда телефонлар жойлашган ерда, радиофикация - радиотугунлар жойлаштирилган жойларда ҳисобга олинади"[108].

Аҳолининг дастлабки буюртмасисиз ишлаб чиқарилиши ва қабул пунктлари тармоқлари орқали сотилиши мумкин бўлган буюмлар рўйхати "Аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ҳисобга олиш бўйича Йўриқнома"сида келтирилган. Ушбу буюртмаларни тайёрлашга якка тартибда буюртма мавжуд бўлиши лозимлиги кўзда тутилган. Буларга қуйидагилар киради:

1. Тикувчилик моллари.
2. Пойабзал.
3. Трикотаж моллари.
4. Бош кийимлар.
5. Мебель.

[108] Ўша жойда. – 15 модда.

6. Хўжалик - маиший металл буюмлари.

7. Дурадгорлик бочкасозлик тўқима (ўрилма) буюмлари.

8. Бетон ва темир - бетон буюмлари.

9. Дафн этиш анжомлари, ёдгорлик қабрусти плиталари, гулхона, мотам гулдасталари.

10. Тегишли хизмат кўрсатилганда буюртмачи томонидан қўшимча ҳақ тўланган фирмавий жойлаш (упаковка).

11. Бошқа хизматлар турлари.

Булардан ташқари ушбу ҳужжатда "Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми" кўрсаткичига киритиладиган даволаш-профилактика ва соғломлаштириш муассасалари ҳамда ижтимоий-маиший ташкилотлар рўйхати ҳам берилган. Буларга қуйидагилар киритилган:

Касалхона муассасалари.

Алоҳида турдаги даволаш-профилактика муассасалари.

Диспансерлар.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари.

Санатория-курорт муассасалари.

Соғломлаштириш ва дам олиш муассасалари.

Қариялар ва ногиронлар уй – интернатлари.

Мактабгача тарбия муассасалари.

Ота - она ҳомийлигисиз қолган болалар тарбия муассасалари.

Пулли хизматлар тушунчасининг назарий ва амалий масалаларини, уларнинг алоҳида турлари бўйича ҳисобга олиш йўлларини тадқиқ қилиш натижасида бир қанча хулосаларга келинди.

1. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида бир қанча чора-тадбирлар қўлланилмоқда. 2005 йилдан буён мазкур соҳани ривожлантириш бўйича икки марта Давлат дастури ишлаб чиқилди. Биринчиси 2006-2010 йилларга мўлжалланган бўлса, иккинчиси 2012-2016 йилларга мўлжалланган. Буларни амалга ошириш бўйича ҳудудлар кесимида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларнинг ҳаммаси ҳукуматимиз ва Давлат раҳбарининг хизмат кўрсатиш соҳасига эътиборининг бардавомлигини кўрсатади.

2. Хизматлар тизимида пулли хизматлар салмоқли ўринни эгаллайди. Аммо пулли хизматларга қайси хизматларнинг кириши, уларни қандай ҳисобга олиш лозимлиги хусусида тегишли йўриқномалар ишлаб чиқилишига қарамасдан, ушбу масала

иқтисодий адабиётларда аниқ ифода этилмаган эди. Кўп ҳолларда барча хизматлар билан пулли хизматларни бир хил даражага қўйиб тадқиқ қилинган ва шулар асосида хизматлар бўйича умумий хулосаларга келинган ҳолатлар ҳам учраб турар эди. Уларга аниқлик киритиш учун пулли хизматларнинг аниқ номлари келтирилди ва ҳар бирига изоҳ берилди. Ушбу рисолада пулли хизматларнинг мазмунидан келиб чиқиб, унинг такомиллашган таърифи берилди ва асосланди.

3. Рисолада маиший хизмат тушунчаси, ҳажми ва уларни ҳисобга олиш тартибларига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, барча хизматлар, шу жумладан, маиший хизматлар бўйича ҳам уларнинг назарий масалалари ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилган эмас. Шу туфайли маиший хизмат тушунчасининг назарий масалалари ўрганилиб, унинг такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

4. Йўловчи ташиш транспорти хизматларининг назарий масалалари ўрганилиб, унинг ҳам такомиллашган таърифи берилди. Мазкур таъриф назарий жиҳатдан асосланди. Йўловчи ташиш транспорти хизматларининг аниқ турлари келтирилди ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш ва қайси бири бундай ҳисобга кирмаслиги ҳам кўрсатиб берилди. Йўловчи ташиш хизматларини ҳисобга олиш учун унинг статистикасини такомиллаштириш бўйича ҳам айрим тавсиялар келтирилди.

5. Алоқа хизматларининг назарий масалалари ўрганилиб, унинг такомиллашган таърифи берилди. Алоқа хизматларининг бугунги кундаги аҳамиятидан келиб чиқиб, уларнинг аниқ турлари келтирилди ва қайси бирини пулли хизматларга киритиш ва қайси бири бундай ҳисобга кирмаслиги ҳам кўрсатиб берилди. Ҳозирги пайтда алоқа хизматлари бевосита ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари билан бирга қаралмоқда ва уларга жуда катта эътибор берилмоқда. Бу масала пулли хизматлар тизимида 2012-2016 йиллар давомида ҳам устувор аҳамиятга эга бўлади. Шу туфайли мазкур хизматларнинг умумий хизматлардаги улуши муттасил ошиб бориши мумкинлигини қайд этиш лозим.

6. Уй-жой хўжалиги хизматларининг назарий масалаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу борада бир мунча чалкашликлар мавжуд. Шу туфайли мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уни оила хўжалиги деб аташни тавсия қилдик ва

такомиллашган таърифини ҳам ишлаб чиқдик. Оилавий хўжалик хизматларининг аниқ турлари келтирилди ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш ва қайси бири бундай ҳисобга кирмаслиги ҳам кўрсатиб берилди. Бу масалада ҳам такомиллашиш учун катта имкониятлар мавжуд.

7. Коммунал хизматларнинг назарий масалалари ўрганилиб, унинг мамлакатимизда олиб борилаётган коммунал сиёсатга мос ҳолдаги такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Коммунал хизматларнинг аниқ турлари келтирилди ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш ва қайси бири бундай ҳисобга кирмаслиги ҳам амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан кўрсатиб берилди.

8. Ҳозирги пайтда таълим тизими хизматларининг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Бундай ҳолатни инобатга олиб, ушбу хизматларнинг назарий масалалари ўрганилган ҳолда, унинг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Таълим тизими хизматларининг аниқ турлари келтирилди ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш ва қайси бири бундай ҳисобга кирмаслиги ҳам кўрсатиб берилди. Аммо таълим хизматлари замон талабига мос равишда диверсификацияланишни тақозо қилади. Шу туфайли ушбу масалани бир мунча такомиллаштириш лозимлиги ҳаётий заруратдир.

9. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маданий хизматларнинг аҳамияти ҳамиша катта бўлган. Шу туфайли пулли хизматларнинг асосийларидан бири бўлган маданий хизматларнинг назарий масалалари ўрганилиб, унинг такомиллашган таърифи берилди. Маданий хизматларнинг амалдаги аниқ турлари келтирилди ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш ва қайси бири бундай ҳисобга кирмаслиги ҳам кўрсатиб берилди. Шу билан бирга маданий хизматлар турларини ва ҳисобга олиш йўлларини такомиллаштириш лозимлиги ҳам қайд этилди

10. XXI асрда жаҳонда туризмнинг ривожланиш даври бошланди. Бундай шароитда сайёҳлик–экскурсия (туризм) хизматларининг назарий масалалари ўрганилиб, унинг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Сайёҳлик–экскурсия (туризм) хизматларининг аниқ турлари келтирилди ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш ва қайси бири бундай ҳисобга кирмаслиги ҳам кўрсатиб берилди. Туризм соҳасини ҳисобга олишда ҳали жуда

кўп муаммолар мавжуд. Уларни ҳал қилиш лозимлиги ҳам бугунги куннинг устувор вазифаларидан бирига киради.

11. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт хизматларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу туфайли ушбу хизматларнинг ҳам назарий масалалари ўрганилиб, унинг такомиллашган таърифи берилди. Жисмоний тарбия ва спорт хизматларининг турлари жуда кўп, аммо уни ҳисобга олишда амалдаги йўриқномада аниқ турлари келтирилган. Бироқ ушбу хизматларнинг кўпи унда ўз ифодасини топмаган. Шу туфайли бу соҳа йўналишига анча аниқликлар киритилиши талаб қилинади. Ишда макур хизматларнинг турлари келтирилди ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш лозимлиги ва қайси бири бундай ҳисобга кирмаслиги ҳам кўрсатиб берилди. Аммо келажакда бундай тартиблар такомиллашишни талаб қилади.

12. Ҳозирги шароитда соғлиқни сақлаш (тиббий) хизматларининг жамиятимиздаги ўрни ва роли ошиб бораётганлиги ҳамда мазкур соҳада тадбиркорликнинг аста-секинлик билан шаклланаётганлигини инобатга олиб, ушбу хизматларнинг ҳам назарий масалалари ўрганилди ва уларнинг такомиллашган таърифи берилди. Соғлиқни сақлаш (тиббий) хизматларининг аниқ турлари келтирилди ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш ва қайси бирини бундай ҳисобга киритмаслик лозимлиги ҳам кўрсатиб берилди. Соҳада хусусий корхоналарнинг кўпайиши бундай хизматларнинг ошиб боришига имкон беради. Булар ҳам кўрсатадики, аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар келажакда муттасил ошиб бориш тенденциясига эга бўлади.

13. Аҳоли фаровонлиги ва яшашининг сифат даражасини белгиловчи кўрсаткичлардан бири - уларнинг санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматларидан қай ҳолатда фойдаланаётганлиги билан ифодаланади. Шу туфайли мазкур хизматларнинг ҳам назарий масалалари ўрганилиб, уларнинг такомиллашган таърифи берилди. Бунда жуда кўп атама ва тушунчаларга тўхталиб, уларнинг ҳам таърифлари келтирилди. Ишда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматларининг аниқ турлари келтирилди ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш мумкинлиги ва қайси бири бундай ҳисобга кирмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

14. Банк муассасалари ва ҳуқуқий тусдаги хизматларнинг назарий масалалари бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ўрганилди. Чунки ушбу хизматлар ҳам кундан-кунга ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Аммо уларнинг назарий масалалари кам ўрганилган. Буларни инобатга олиб, ушбу хизматларнинг ҳам такомиллашган муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди. Ушбу хизматларнинг аниқ турлари келтирилди ва уларнинг қайси бирини пулли хизматларга киритиш лозимлиги ва қайси бирини бундай ҳисобга киритмаслиги ҳам кўрсатиб берилди. Бу борада ҳам ҳали такомиллашиши лозим бўлган катта имкониятлар мавжуд.

15. Пулли хизматлар таркибида бошқа хизматлар гуруҳи ҳам келтирилган. Ушбу хизматларнинг ҳам мазмуни ва турларига қисқагина тўхталдик ва уларни ҳисобга олиш йўллари ҳам ишда қисқагина бўлсада қараб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, пулли хизматларнинг шакли муттасил такомиллашади, мазмуни чуқурлашади, сони кўпаяди, сифати эса ошади. Соҳада тадбиркорлик ривожланиб, рақобат муҳити такомиллашиб боради.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун саволлар

1. Уй-жой хўжалиги хизматларининг мазмуни.
2. Уй-жой хўжалиги хизматларининг турлари.
3. Уй-жой хўжалиги хизматларини ҳисобга олиш йўллари.
4. Коммунал хизматларнинг мазмуни.
5. Коммунал хизматларнинг турлари.
6. Коммунал хизматларни ҳисобга олиш йўллари.
3. Пулли хизматларнинг бошқа гуруҳлари.
4. Пулли хизматларнинг бошқа гуруҳларининг турлари.
5. Пулли хизматларнинг бошқа гуруҳларини ҳисобга олиш йўллари.

Калитли сўзлар

Оила хўжалиги тўлайдиган пулли хизматлар, коммунал хизматлар, ветеринария хизматлар, уй-жойларни қўриқлаш хизмати, тир хизматлари, матбаачилик хизматлари, деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари хизматлари, ҳисобга олинмайдиган савдо ташкилотларининг хизматлари, консалтинг хизматлари, мутахассис маслаҳатлари, ми-

жоз масаллиғи, маҳсулотидан таом тайёрлашда ошпазлар хизмати, официант хизмати, идиш-товоқ ювувчиларнинг уйда идиш-товоқ ювиш хизмати, шиша идишларни уйда қабул қилиш хизмати, ойна кесиш хизмати, уйга таом етказиб бериш, озиқ-овқат буюртмаларини бутлаш-тўлдириш бўйича хизматлар, кредитни расмийлаштириш хизмати, илмий соҳадаги хизматлар, аҳоли буюртмалари асосида микрофото хизмати, нусха кўчириш хизмати, ҳужжатларни тиклаш лабораториялари кўрсатадиган хизматлар, телевидение ва радиоэшиттириш орқали хусусий тусдаги эълонларни намойиш этиш хизмати, ҳайвон ва ёввойи парандаларни отиш хизмати, балиқ овлаш учун рухсатнома (лицензия) бериш хизмати, бичиш-тикиш хизматлари, пойабзал таъмирлаш хизматлари, трикотаж молларини тайёрлаш хизматлари, бош кийимларни тўқиш хизматлари, мебелни ўрнатиш ва таъмирлаш хизматлари, хўжалик-маиший металл буюмларини таъмирлаш хизматлари, дурадгорлик, бочкасозлик, тўқима (ўрилма) буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш хизматлари, бетон ва темир-бетон буюмларини тайёрлаш хизматлари, дафн этиш анжомларини тайёрлаш хизматлари, ёдгорлик қабрусти плиталари, гулхона, мотам гулдасталарини тайёрлаш хизматлари, тегишли хизмат кўрсатилганда буюртмачи томонидан қўшимча ҳақ тўланган фирмавий жойлаш (упаковка) қилиш хизматлари.

13-мавзу. ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИ, УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ[109]

РЕЖА:

1. Автомобилларда йўловчи ташиш хизматларини амалга оширишда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари
2. Йўловчиларни ташишнинг турлари ва улар тавсифининг назарий масалалари
3. Хизматлар тизимида йўловчи ташиш транспорти хизматлари ва уларнинг назарий масалалри
4. Йўловчи ташиш транспорти хизматларининг турлари ва ҳисобга олиш йўллари
5. Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлиги ва транспорт воситаларига оид атамаларнинг таърифлари

*****

1. Автомобилларда йўловчи ташиш хизматларини амалга оширишда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Автомобилларда йўловчи ташиш хизматларини амалга оширишда давлат сиёсати шаклланди ва у тизимли равишда босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда. Унинг асосий йўналишлари ҳам белгиланган. Аммо бу масала етарли даражада тизимлаштирилган ҳолда иқтисодий адабиётларда, хизматларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ҳамон ёритилган эмас эди. Шу туфайли жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим соҳалардан бири бўлган мазкур масалага ойдинлик киртиш, унинг самарадорлигини ошириш борасидаги таклифларни ишлаб чиқиш тадқикот олдига қўйилган асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда 1998 йилнинг 29 августида "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг қабул қилиниши ушбу соҳани ривожлантиришнинг хуқуқий асосини автомобилларда йўловчи ташиш хизматларини амалга оширишда давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш имко-

[109] Қўлланманинг мазкур боби А.А.Рахимов билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.

нини берди. Чунки ушбу Қонуннинг мақсади ҳам Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришдан, мазкур соҳада давлат сиёсатини амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий йўналишларини белгилаб беришдан иборат этиб белгиланган эди.

Мазкур қонунни ҳаётга татбиқ этиш баробарида бир қанча қарорлар ва буйруқлар, йўриқномаю тартиблар ишлаб чиқилди. Булар жумласига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли «Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги 118-сон «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини киритиш мумкин.

Юқоридаги қонун ва қарорларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳам бир қанча йўриқномалар ва Низомларни ишлаб чиқдилар. Мазкур агент бошлиғининг 2002 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида шаҳарда, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда умумий фойдаланишдаги автомобиль ва электр транспортида ҳамда соатбай ташишларда ташилган йўловчилар сонини ва йўловчилар айланишини аниқлаш тўғрисида»ги 97и-сон буйруғи билан тасдиқланган йўриқнома[110], ушбу агентликнинг «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисида»ги 2006 йил 6 сентябрдаги 98-сон буйруғи билан тасдиқланган низом[111] каби бир қанча меъёрий ҳужжатлар шулар жумласига киради.

Юқорида номи зикр этилган қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар атомобил транспорти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб олиш ва уларни тизимлашти-

---

[110] Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон билан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1164, 2002 йил 10 август).

[111] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 403-модда (рўйхат рақами 1626, 2006 йил 5 октябрь).

риш имконини берди. Натижада атомобиль транспортида йловчи ташиш хизматларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари тизимлаштирилди. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, буларни бир қанча йўналишларда қараб чиқиш мумкин экан. Буларга:

- мулк ва уларга аэратиб бериладиган ер масалалари билан боғлиқ сиёсат;
- автомобиллар ва улар томонидан бажариладиган ташиш хизматларининг турларини белгилаш билан боғлиқ сиёсат;
- автомобилларда ташиш хизматларини бошқариш ва уларни тартибга солиш билан боғлиқ сиёсат;
- автотранспорт воситаларини стандартлаш, метрология жиҳатидан таъминлаш, сертификатлаш ва лицензиялаш билан боғлиқ сиёсат;
- ташувчилар ва мижозларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ва уларнинг назоратини олиб бориш билан боғлиқ сиёсат;
- ташувчининг юк ташиш учун автотранспорт воситасини бермаганлиги ёки ўз вақтида бермаганлиги, кечиктирлганлиги, юкнинг бир қисми ёки бутунлай йўқолганлиги учун жавобгарликни белгилаш билан боғлиқ сиёсат;
- автомобиль транспортида йўловчиларнинг хавфсизлик масалаларининг таъминланганлиги, уларнинг саломатлигини асраш масаласи ва экология нормаларини таъминлаш билан боғлиқ сиёсат кабиларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Автомобиль транспорти, унда йўловчи ва юк ташиш қоидалари "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур қонун ва меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудида амал қилади. Аммо Қорақалпоғистон Республикасида автомобиль транспорти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳарларида йўловчиларини ташиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг алоҳида «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»[112]ги Қонуни билан ҳам тартибга солинади. Чунки ушбу жараён кўп жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга.

---

[112] "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида". Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрель Қонуни.

Амалдаги тартиб бўйича йўловчилар, багаж ва юклар ташиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бундай ҳужжат "Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари"[113] номи билан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482 сон қарори билан тасдиқланган ҳамда шу даврдан бошлаб автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш амалиётига татбиқ этилган.

Шуни эътироф этиш жоизки, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро муносабатларда мазкур шартнома қоидалари қўлланади. Чунки ҳамма қоидалар бизнинг ички тартибимизга тўғри келмаслиги табиий. Зеро биз барча соҳаларда ўзимизга хос ва ўзимизга мос қоидаларни ишлаб чиқиб, шунга асосан фаолият олиб бормоқдамиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қонунда мамлакатимизда автомобиль транспортининг мулк шакллари белгиланган. Унда эътироф этилишича Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти хусусий ва оммавий мулк асосида фаолият кўрсатиши мумкин[114]. Бу соҳада ҳам мулкдорлар ўз фаолиятини тадбиркорлик асосида амалга оширади. Автомобиль транспортининг барча мулкдорлари мамлакатимиз ҳудудида тенг ҳуқуқларга эгадирлар ва қонун ҳимоясидан баб-баравар фойдаланадилар.

Мазкур соҳа бўйича шуғулланадиган тадбиркорларга махсус ерлар ажратилади. Автомобиль транспорти ерлари ҳам қонун билан ҳимояланган дир. Автомобиль транспорти фаолиятини таъминлаш учун ерлар "Ер тўғрисида"ги қонун[115] ҳужжатларида белгиланган тартибда доимий фойдаланиш учун ажратиб берилади.

Қонунда эътироф этилишича автотранспорт воситалари йўловчилар автотранспорти, юк автотранспорти ва махсус автотранспорт воситаларига бўлинади (13.1-расм).

---

[113] "Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган.

[114] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 4-моддаси. 1998 йил 29 август.

[115] "Ер тўғрисида". Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрель Қонуни.



13. 1-расм. **Автотранспорт воситаларининг гуруҳлари**

Ушбу расмда келтирилганларнинг ҳар бири алоҳида гуруҳлаштирилган. Масалан, буларнинг туркумларидан бири **Йўловчилар автотранспорти воситалари** бўлиб ҳисобланади. Булар жумласига автобуслар, микроавтобуслар, енгил автомобиллар, йўловчилар ташиладиган тиркамалар ва ярим тиркамалар киради.

Юк автотранспорти воситалари ҳам асосан юк ташишга мўлжалланган бўлиб, улар таркибига юк автомобиллари, шатакчи автомобиллар, тиркамалар ва ярим тиркамалар киради. Конструктив жиҳатларига ҳамда қай мақсадларда фойдаланилишига кўра юк автотранспорти воситалари умумий ва махсус транспорт воситаларига бўлинади. Умумий транспорт воситаларига барча юкларни ташишга мўлжалланган турли русумдаги автомобилларни киритиш мумкин.

Махсус автотранспорт воситалари жумласига турли махсус ишларни, кўпроқ нотранспорт ишларини бажаришга мўлжалланган автомобиллар, тиркамалар ва ярим тиркамалар киради. Булар жумласига ўт ўчириш автомобиллари, компрессор қурилмали автомобиллар, автокранлар, супуриш-сидириш ҳамда чиқинди ташиш автомобиллари ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Махсус автомобиллар асосан махсус шу соҳа билан шуғулланувчи корхоналарга берилади.

Автомобилда ташиш турлари ҳам бир қанча гуруҳларга бўлинади. Булар жумласига шаҳардаги ташиш, шаҳар атрофидаги, шаҳарлараро ва халқаро ташишларни киритиш мумкин.

Шаҳардаги ташишлар ўзига хос бўлиб, фақат шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасида амалга ошириладиган ташишларни ўз ичига олади. Бундай ташишга йўловчиларни ва уларнинг юкларини фақат шаҳар ҳудуди бўйлаб ташишни киритиш мумкин.

Шаҳар атрофидаги ташишлар ҳам ўзига хос чегарага эга. Мазкур ташиш жумласига шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари

доирасидан 50 (эллик) километргача ташқарида амалга ошириладиган ташишлар киради. Бунда ҳам йўловчилар ва юк ташишлар кўзда тутилган.

Шаҳарлараро ташишлар ҳам мамлакатимизда кенг ривожланган. Булар жумласига шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасидан 50 (эллик) километрдан ошиқ масофада амалга ошириладиган ташишлар, шунингдек, йўналиш масофасидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ёки ундан ортиқ вилояти ҳудудида амалга ошириладиган ташишлар киради. Бунда иккита вилоятда жойлашган иккита шаҳар оралиғи ва битта ҳудуддаги иккита шаҳар ороликларидаги масофалар кўзда тутилган.

Халқаро ташишлар мамлакатимизда сезиларли ўринга эга. Булар жумласига йўналиш масофасидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегараси ташқарисидан мамлакатимизга кириб келтирилган ташиш хизматларини киритиш мумкин. Бундай хизматларга албатта мамлакатимиз чегарасидан у ёки бу томонга ўтиши билан амалга ошириладиган ташишлар киради.

Автомобилларда йўловчилар, багаж ва юкларни халқаро ташишда транзит алоқаларнинг ҳам борлигини инобатга олиш лозимдир. мамлакатимизда транзит ташишлар халқаро ҳамда транзит алоқа учун очиқ автомобиль йўллари орқали амалга оширилади. Бу жараён Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Йўловчилар, багаж ва юкларни автомобилда халқаро ташишлар учун мамлакатимиз қулай ҳудудда жойлашган. Бизнинг ҳудуд ғарб билан шарқни, жануб билан шимолни боғлайдиган кўприк вазифасини ўтайди. Бу ҳолат маълум даражада мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда автомобиль транспорти фаолияти билан шуғуллунувчи субъектларнинг мулк шаклидан қатъи назар, уларнинг фаолияти бир хил ёндашувлар асосида давлат томонидан тартибга солинади ва бошқарилади. Автомобиль транспорти фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш сертификатлаш, лицензиялаш, солиқ солиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташишлар учун тарифларни шакллантириш, ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади. Бундай тартиблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси томонидан автомобиль транспортини бошқариш бўйича ваколат берган давлат органи орқали амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, автомобиль транспортида *ташиш билан шуғулланувчи субъектлар* тадбиркорлик тамойилига асосланган ҳолда иш кўрадилар. Шу туфайли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ташувчиларнинг хўжалик фаолиятига аралашишга, шунингдек, уларнинг эксплуатация хизмати ходимларини бошқа ишларга жалб этишга ҳақли эмас, деб белгиланган. Бироқ айрим қонун ҳужжатларида назарда тутилган давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган ҳоллар бўладиган бўлса, давлат ушбу субъектларни *бошқа ишларга ҳам жалб қилишлари мумкин*. Бу ҳолат ҳам тегишли қонун ҳужжатларида эътироф этилган бўлиши лозим.

Ҳозирги пайтда автомобиль транспортида ташиш хизматларини амалга оширишда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, ушбу соҳани бошқарувчи давлат органининг асосий ваколатларини қонун ҳужжатлари билан белгилашдан иборат. Бу борада мамлакатимизда тегишли тартиблар белгилаб қўйилган[116]. Унда эътироф этилишича автомобиль транспорти хизматларини ривожлантиришнинг давлат сиёсати, бевосита йўловчи ва юк ташиш жараёнини бошқарувчи давлат органининг асосий ваколатларини белгилашдан *иборатдир. Бундай ваколатлар*, қонунда ифода этилишича қуйидагилардан иборат:

- "автомобилда ташишларни ташкил этиш ва такомиллаштиришга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- автомобиль транспортини ривожлантириш миллий дастурлари концепциясини ишлаб чиқиш;
- республика ва аҳолининг ташишларга бўлган давлат эҳтиёжлари истиқболини ишлаб чиқиш;
- автомобиль транспорти соҳасида ягона инновация, илмий-техника ва ижтимоий сиёсатни шакллантириш ва юритиш;
- автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;
- йўловчилар, багаж ва юклар ташишни лицензиялашни ташкил этиш ва такомиллаштириш;

---

[116] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 10-моддаси. *1998 йил 29 август.*

- ташувчилар ва мижозларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш;
- автомобиль транспорти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш"[117].

Автомобиль транспорти хизматларини бошқаришда давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг асосий ваколатларини белгилашдан иборатдир. Амалдаги қонунчилик бўйича давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг автомобиль транспорт соҳасидаги асосий ваколатлари давлат сиёсати доирасида белгилаб қўйилган. Бу ваколатлар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда автомобиль транспортини ривожлантириш, айниқса уларнинг йўловчи ташиш билан боғлиқ фаолиятлари самарадорлиги ва сифатини оширишнинг комплекс минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш чораларини кўриш.

Иккинчидан, автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришда эркин рақобат муҳитини яратиш ва барча ташувчиларнинг фаолияти учун тенг шароитларнинг шаклланишига кўмаклашиш.

Учинчидан, автомобиль транспортининг, шу билан бирга, йўловчи ташувчи транспорт корхоналарининг моддий-техника базасини ва ижтимоий-иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳудуд эҳтиёжлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, автомобиль транспорти ва йўловчи ташиш соҳасида бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бу ваколатлар ҳам умуми қонунлар ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

---

[117] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 10-моддаси. 1998 йил 29 август.

Мамлакатимизда автомобил транспорти хизматларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири автомобил транспорти воситаларини ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматларни стандартлаш, метрология жиҳатидан таъминлаш ва сертификатлашдан иборатдир.

Автомобил транспорти томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларни амалга оширадиган автотранспорт воситалари хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек, стандартлар ва техник шартларга, тиббий-санитария ва ёнғинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим. Бу тадбирлар, яъни автотранспорт воситаларини ҳамда улар томонидан кўрсатиладиган хизматларни стандартлаш, метрология ва сертификатлаш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификатлаш маркази ҳамда бошқа давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Сертификатлашдан ўтмаган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган автотранспорт воситаларидан фойдаланишга, яъни йўловчи ёки юкларни ташишга йўл қўйилмайди. Ушбу ҳолат давлат органлари томонидан назорат қилиб борилади. Чунки, йўловчилар ва уларнинг мулклари ҳам ташилиш жараёнида хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек, стандартлар ва техник шартларга, тиббий-санитария ва ёнғин хавфсизлигига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Автомобилда ташишларни лицензиялаш масаласи ҳам, юқорида таъкидлангандек, йўловчи ташиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Маълумки, амалдаги қонун бўйича, автомобилда ташишлар ташувчилар томонидан махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади. Бу масала билан ҳам, яъни автомобилда ташишлар учун лицензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва тегишли давлат органи томонидан берилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, автотранспорт воситасини бошқариш, йўловчи ва юкларни ташиш ҳуқуқи ҳаммага берилмайди. Ушбу хизмат билан шуғулланиш яъни автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи, тегишли малакага эга бўлган ва тиббий текширувдан ўтган жисмоний шахсга берилади. Автотранспорт

воситасини бошқариш ҳуқуқи белгиланган намунадаги ҳужжат билан тасдиқланади.

Саломатлигига кўра автотранспорт воситасини бошқаришга яроқли ёки яроқсиз эканлигининг тегишли мезони ишлаб чиқилган Ушбу мезон Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган. Автотранспорт воситаларини бошқаришга доир малака талаблари қонун ҳужжатлари билан белгиланади ва улар ҳам тегишли тарзда давлат органлари томонидан назорат қилиб борилади..

Йўловчилар, багаж ва юклар ташиш бўйича давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ташувчилар билан улар ўртасидаги шартнома ва унга амал қилиш бўлиб ҳисобланади. Чунки, йўловчилар, багаж ва юклар ташиш шартлари ва томонларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи ташиш шартномаси асосида ташилади. Мазкур шартнома йўловчилар, багаж ва юкларни ташиганлик учун белгиланган ҳақни олиш учун ҳам ҳужжат ҳисобланади. Чунки шартномада амалдаги тартиб ва тарифлар асосида йўл ҳақи келишилган ва унда кўрсатилган бўлади. Ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, томонлар амалдаги қонун доирасида жавобгар бўладилар. Шуни қайд этиш керакки, агар томонлар қонунда белгилаб қўйилган жавобгарликни чеклаш ёки бартараф этиш ҳақидаги битим тузган бўлса, бундай битимлар ҳақиқий эмас, деб топилпди. Қонунда кўрсатилган нарсани инкор қилувчи бирорта ҳам битим ёки бошқа ҳаракат бўлмаслиги керак.

Бугунги кунда автомобилда ташишларнинг айрим турлари учун давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солувчи тарифлар белгиланиши мумкин. Бунда айрим маҳаллий аҳамиятга молик ижтимоий характерга эга бўлган ташиш хизматлари кўзда тутилади. Бундай тартибга солувчи тарифлар бўйича ташишлар муносабати билан ташувчиларнинг харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бундай харажатлар тегишли тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда йўловчи ва юкларни ташувчиларга қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлари ҳам берилган, шу жумладан, бепул юриш ҳуқуқи берилган фуқаролар-

нинг айрим тоифаларини ташиш билан боғлиқ харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қопланади. Буни қоплаш йўллари махсус йўриқномалар асосида амалга оширилади.

Мазкур масала бўйича давлат сиёсатининг яна бир нозик йўналиши автомобиль транспортида йўловчилар, багаж ва юкларни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш ягона транспорт ҳужжатидан ҳамда шундай ташишни ташкил этиш тартибидан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётган пайтда юзага келадиган муносабатлар ташувчилар ўртасидаги битим билан тартибга солинади. Ушбу битимнинг ягона намунавий нусхаси жорий қилинган ва унга амал қилиш барча иштирокчилар учун мажбурдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатувчи автовокзаллар ва йўловчилар бекатларини қуриш ташувчилар, давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар (ҳомийлар) ҳисобидан амалга оширилади. Бундай тадбирнинг жорий қилиниши ташиш хизматларини молиялаштиришда кенг имкониятлардан фойдаланиш учун ҳуқуқий замин яратади.

Жамият ҳаётида турли фавқулодда ҳолатлар юз бериши мумкин. Масалан, кутилмаганда зилзила, сув тошқини, ёнғин, эпидемия ва бошқа табиий офатлар юз бериши мумкин. Ушбу ҳолатларда автомобиль транспортидан фойдаланиш масаласи ўта нозик ҳисобланади. Чунки, барча кучлар шу офатларни тугатишга сафарбар қилиниши мумкин. У ҳолда ташувчилар ва мижозлар ўртасидаги шартнома муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорига биноан табиий офатлар ёки уларнинг оқибатларини тугатиш даврида вақтинча тўхтатиб турилиши мумкин.

Маълумки ташувчи субъектлар ўз фаолиятини тадбиркорлик асосида амалга оширади. Шу туфайли ташувчилар фавқулодда ҳолатларда, шунингдек, сафарбарлик ҳолатида, фуқаро мудофааси ва авария-қутқарув ишларига оид тадбирларни таъминлаш билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга доир харажатлари давлат бюджети томонидан қопланади. Бу масалалар ҳам фавқулотдаги вазиятларда кўзда тутилган сафарбарлик тадбирлари асосида алоҳида тартиблар бўйича амалга оширилади.

Автомобиларда ташув хизматларини амалга оширишдаги давлат сиёсатининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ йўналишларига ташувчининг ҳуқуқлари, ташувчининг мажбуриятлари, мижознинг ҳуқуқлари ва мижознинг мажбуриятларини белгилаш билан боғлиқ сиёсатни киритиш мумкин (13.2-расм).



13.2-расм. **Ташиш хизматларини амалга ошириш бўйича давлат сиёсатининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ йўналишлари**

"Автомобиль транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида[118] ташувчиланинг бир қанча ҳуқуқларини эътироф этган. Буларга қуйидагилар киритилган:

- "умумий фойдаланишдаги барча автомобиль йўллари, шунингдек, идораларга қарашли умумий фойдаланиш учун очиқ автомобиль йўллари орқали ўтиш;
- жўнатилаётган юк ўз сертификатига мувофиқ эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;
- фуқаролар ҳаётига, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи, экология ва санитария нормалари бузилишига ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларга сабаб бўлувчи ҳолатларда ташишдан воз кечиш каби қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин[119].

[118] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 17-моддаси. 1998 йил 29 август.
[119] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 17-моддаси. 1998 йил 29 август.

Кўриниб турибдики, мижозга хизмат кўрсатиш чоғида ташувчининг бир қанча ҳуқуқлари белгилаб қўйилган экан. Аммо тадқиқотларимиз кўрсатдики, барча ташувчилар ўзларининг қонуний ҳуқуқларини тўлиқ ўзлаштириб олмаганлар.

Ташувчи мижозга хизмат кўрсатиш чоғида бир қанча мажбуриятларга ҳам эга. Бу мажбуриятлар ташувчилар томонидан ташиш хизматларининг хавфсизлигини таъминлашга, ташиш хизматлари сифатини кафолотлашга, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, экологик ҳалокатга олиб келмаслик чораларини кўришга, ташувчи ташишни давом эттиришдан бош тортган тақдирда мижоз кўрган зарарни қоплаши каби муҳим жиҳатларга қаратилгандир. Буларга қуйидагиларни киртиш мумкин:

- "ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши;
- сертификатга эга бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинган ишга яроқли транспорт воситаларидан фойдаланиши;
- ташиш шартномаси шартларига риоя қилиши;
- йўловчилар, багаж ва юклар ташишнинг белгиланган қоидаларига риоя қилиши;
- йўловчи, багаж ёки юкни тайинланган жойига ташиш шартномасида белгиланган муддатда элтиб қўйиши. Агар элтиб қўйиш муддати ташиш шартномасида белгиланмаган ва назарда тутилмаган бўлса, элтиб қўйиш оқилона муддатларда амалга оширилиши лозим;
- йўловчининг хавфсизлигини, хизмат кўрсатишнинг зарур қулайликлари ва шартларини таъминлаши;
- багаж ва юкларнинг ташишга қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб олувчига берилгунга қадар сақланишини таъминлаши;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;
- ташувчи ташишни давом эттиришдан бош тортган тақдирда мижоз кўрган зарарни қоплаши;
- автомобилда ташишлар бўйича белгиланган тартибга мувофиқ ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш ишларини юритиши;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт"[120]. Шуни эътироф этиш керакки, ташиш хизматларидан фойдаланувчи асосий субъект бўлган мижоз-

[120] Ўша жойда.- 18 модда.

нинг ҳам бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан белгиаб қўйилган. Межозлар қонунга кўра қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "ташувчи тўғрисида зарур бўлган ахборотни олиш;
- ташувчини эркин танлаш ва ташиш учун шартнома тузиш;
- қоидаларда ёки ташиш шартномасида белгиланган тарзда ташувчи томонидан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишидан бахраманд бўлиш;
- ташиш туфайли етказилган зиённи ва маънавий зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлаттириш ва қоплаттириш;
- ташиш шартномасида кўрсатиб ўтилган шартлар ташувчи томонидан бузилган тақдирда хизматлар кўрсатилишидан воз кечиш;
- ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш"[121].

Йўловчиларни ташиш чоғида йўловчилар бир қанча ҳуқуқларга ҳам эга. Булар қуйидагилардан иборат:

"- йўловчилар ташиш учун очиқ бўлган ҳар қандай йўналишга чипта сотиб олиш, чиптада белгиланган жойни эгаллаш;
- шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги автобусларда етти ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бепул олиб юриш;
- шаҳарлараро ва халқаро йўналишлардаги автобусда беш ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш, беш ёшдан ўн ёшгача бўлган бола учун алоҳида жой берилган ҳолда чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олиш ва ўн ёшгача бўлган икки ёки ундан ортиқ бола олиб юрилганда улардан бири бепул олиб юрилади, қолганлари учун – алоҳида жой берилган ҳолда чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олинади;
- шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида йигирма килограммдан ошмайдиган оғирликдаги багажни, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда - белгиланган ўлчамлардаги багажнинг бир ўрнини ўзи билан бепул, кўрсатиб ўтилган нормалардагидан ортиқча багажни эса — ҳақ эвазига олиб юриш;

---

[121] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 18-моддаси. 1998 йил 29 август.

- ташиш бошланмасидан олдин чиптани топшириш ва унинг учун тўланган суммани қайтариб олиш. Тўланган сумманинг ташувчи томонидан қайтарилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

- йўловчиларни ташувчи рейслар кечиккан ёки бекор қилинган тақдирда етказилган зиённи ва маънавий зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлаттириш ва қоплаттириш"[122].

Шуни эътироф этиш керакки, ушбу қонуннинг 19-моддаси иккинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида берилган имтиёзларни татбиқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, деб кўрсатилган. Бундан маълум бўлмоқдаки, ушбу ҳолатда ҳам давлатимиз ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламини ёдидан чиқармаган.

Юқоридаги қонуннинг 20-моддасида мижозларнинг мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Буларга қуйидагилар киритилган:

- "ташиш шартномаси шартларига риоя қилиши;
- ташиш қоидаларида ўзига қўйилган талабларни бажариши;
- ташилаётган юкнинг ташиш шартномасига мувофиқлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни ташувчининг талабига биноан тақдим этиши;
- автотранспорт воситаларининг ташилиши лозим бўлган юк ёки багаж ёнига бемалол ва хавфсиз кириб бора олишини таъминлаши;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт"[123].

Ташувчи ташиш учун мулкни қабул қилиб олгандан сўнг унинг сақланиши ва бутлиги учун тўлиқ жавобгар бўлади. Ташувчи буюртмачининг юки ёки багажини йўқотган бўлса, унинг бир қисми кам чиққан ёки шикастланган (бузилган) бўлса, бундай ҳолларда асосий жавобгарлик ташувчининг зиммасида бўлади. Агар ташувчи юк ёки багажнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланишида (бузилишида) ўзининг айби йўқлигини исботлай олмаса, уларни ташиш вақтида етказилган зарар йўқотилган, кам чиққан

---

[122] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 17-моддаси. 1998 йил 29 август.

[123] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 20-моддаси. 1998 йил 29 август.

ёки шикастланган (бузилган) юк ёки багаж қиймати мижоздан олган кира ҳақи қиймати миқдорида бўлса кира ҳақи тўланмайди. Агар йўқотилган юк ёки багажнинг баҳоси кира ҳақидан кўп бўлса, унинг фарқи ташувчи томонидан қопланади. Шу билан бирга, мижоз ташувчидан юк йўқолгани, кам чиққанлиги ёки шикастлангани (бузилгани) туфайли етказилган бошқа зарарларни ҳам қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Давлатнинг ташиш хизматларини амалга оширишдаги иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири мижоз ҳуқуқининг устуворлигини таъминлашга қаратилгандир. Агарда мижознинг юкини ташиш учун ташувчи автотранспорт воситасини бермаганлиги ёки ўз вақтида бермаганлиги учун жавобгардир.

Агар автотранспорт воситасини бермаганлик ёки ўз вақтида бермаганлик енгиб бўлмас куч, ҳарбий ҳаракатлар, муайян йўналишда юк ташиш тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, ташувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликдан озод қилинади.

Агар юк ташиш учун ташувчи томонидан берилган автотранспорт воситасидан фойдаланмаганлик учун амалдаги тартиб бўйича мижознинг ўзи жавобгар бўлади. Юк ташиш учун ташиш шартномасига мувофиқ берилган автотранспорт воситасидан фойдаланмаганлик учун мижоз қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Агар бу ҳодиса енгиб бўлмас куч, ҳарбий ҳаракатлар, муайян йўналишда юк ташиш тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, мижоз қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликдан озод қилинади.

Мамлакатимизда амалда бўлган бир қанча қонунлар ("Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Автомобиль транспорти тўғрисида") билан йўловчини жўнатиб юбориш кечиктирилгани ёки манзилга кеч етиб келганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги белгиланган.

Йўловчиларни ташиш учун автотранспорт воситасини жўнатиш кечиктирилган ёки у белгиланган манзилга кечикиб келган тақдирда (шаҳар ва шаҳар атрофида ташишлар бундан мустасно), ташувчи, агар кечиктириш ёки кеч етиб бориш ташувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли юз берганлигини исботлай олмаса, жарима миқдори ва уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, йўловчиларни кечикти-

риш кўп учрамокда, аммо ушбу ҳолат учун йўловчига жарима тарикасида неустойка тўлаш масаласи кўриб чиқилмаган.

Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, автотранспорт воситаси кечиктирилганлиги сабабли йўловчи унда жўнашдан воз кечган тақдирда, ташувчи йўловчига кира ҳақини ва у қилган бошқа харажатларни қайтариши амалда қўлланилмокда.

Ташувчи амалдаги қонун ҳужжатларига асосан йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун жавобгарлиги белгиланган. Ташувчи ташиш пайтида йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги унинг қасди ёки енгиб бўлмас кучи туфайли юз берганлигини исботлай олмаса қонун олдида жавобгар бўлади.

Агар мижоз ўзининг айби билан бошқа шахсларга, ташувчининг ва бошқа шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарари учун жавобгар бўлади. Юк жўнатувчи транспорт ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар нотўғрилиги, ноаниқлиги ёки тўлиқ эмаслиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган барча зарарлар учун ташувчи ва учинчи шахс олдида жавобгар бўлади.

Ҳозирги пайтда ушбу масала бўйича давлат сиёсатининг яна бир йўналиши йўловчилар, багаж ва юкларни суғурта қилишдан иборат. Амалдаги қонун бўйича йўловчилар халқаро ва шаҳарлараро автомобиль транспортидан фойдаланганда мажбурий шахсий суғурта қилинишлари шарт. Бу жараённи амалга ошириш қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Бундан ташқари, йўловчилар ҳаётини, соғлиғини, шунингдек, багаж ва юкларни суғурта қилиш тегишли суғурта шартномалари асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ ихтиёрий суғурта қилиниши ҳам мумкин.

Давлат сиёсатининг энг муҳим шартлардан бири, автомобиль транспортида хавфсизлик ва экология нормаларини таъминлашга қаратилган. Бунга бир вақтнинг ўзида ҳам ташувчилар, ҳам йўловчилар масъулдир. Улар багаж ва юкларни ташиш жараёнида фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, ҳаракат хавфсизлигини ҳамда атроф муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Ушбу талабларга риоя қилмаган ҳар қандай шахс қонун олдида жавоб берадилар.

Автотранспорт корхоналари, автовокзаллар, автобекатларнинг транспорт воситалари ҳаракати ва юк ортиш-тушириш ишлари амалга ошириладиган ҳудудлари ўта хавфли тегралар (ҳудуд-

лар) ҳисобланади. Бундай ҳудудларнинг бўлиш ва унда ишларни амалга ошириш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Чунки ташиш жараёнида турли заҳарловчи, портловчи, алангаланувчи, радиоактив, заҳарли ва бошқа хавфли юклар бўлиши мумкин. Бундай юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ, уларни кўриқлаш ва кузатиб бориш юкни жўнатувчилар ёки олувчилар томонидан бутун йўл давомида таъминланиши лозим. Мижоз ва ташувчи уларнинг бехатар ташилиши, ортилиши ва тушириб олинишини таъминлашлари шарт. Хавфли юклар рўйхати ва уларни ташиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2. Йўловчиларни ташишнинг турлари ва улар тавсифининг назарий масалалари

Автомобиль транспортида (автобус, такси ва бошқаларда) йўловчилар ва багажни ташиш хизматлари хизматлар таркибида муҳим ўринга эга. Чунки бу хизмат ҳаётий зарурият бўлиб, ундан мамлакатимиз аҳолисининг деярли ҳаммаси фойдаланади. Шу туфайли ушбу масалани тартибга солиш ва аҳолига ташиш хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш борасида мамлакатимизда бир қанча қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Булар жумласига «Автомобиль транспорти тўғрисида»[124], «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»[125], «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»[126], "Темир йўл транспорти тўғрисида"[127], "Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида"[128], «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»[129]ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини мисол келтириш мумкин. Ушбу қонунларга мувофиқ "Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари"[130] ишлаб чиқилган ва бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-

---

[124] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август Қонуни.
[125] "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида". Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрель Қонуни.
[126] "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида". Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август Қонуни.
[127] "Темир йўл транспорти тўғрисида". Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель Қонуни.
[128] "Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида". Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Қонуни.
[129] "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида". Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрель Қонуни.
[130] "Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган.

нинг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш амалиётига татбиқ этилган.

Қайд этиш жоизки, юқоридаги қоидага мувофиқ, автомобиль транспортида йўловчилар ва багажларни ташиш тегишли лицензия, тендер натижалари бўйича белгиланган тартибда тузилган мунтазам йўналишларда йўловчилар транспортида хизматлар кўрсатиш юзасидан тузилган шартномалар (контракт) мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Деярли кўпгина хизматларда мижоз билан хизмат кўрсатувчи субъект хизмат нархини келишган баҳода амалга оширади. Аммо ушбу хизматларнинг характерли хусусиятлари шундаки, йўловчилар ва багажлар ташишга тўланадиган ҳақ қатъий таърифлар асосида амалга оширилади. Ушбу тарифлар миқдорлари қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган тартибда белгиланади. Булардан ташқари, автомобилда йўловчилар ва багажни халқаро ташишлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан ҳам тартибга солинади.

Тўлов ҳужжатларини бирхиллаштириш ва уни сохталаштиришнинг олдини олиш мақсадида йўл чипталари, йўл ва чиптани ҳисобга олиш варақалари реквизитлари, йўналишлар, автовокзаллар (автостанциялар) паспортлари, автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташишга тааллуқли шакллар ва йўриқномаметодик ҳужжатлар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдикланади ва назорат қилинади.

Мамлакатимизда амалдаги тартиб бўйича йўловчиларни ташиш турлари ҳам халқаро классификаторга тўғри келади ва улар қуйидаги турларга бўлинади (13.3-расм).



13.3-расм. **Йўловчиларни ташиш турлари**[131]

[131] Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан тузилган

Табиийки, ушбу хизматларнинг истеъмолчилари (фойдаланувчилари) аҳоли бўлиб ҳисобланади. Булар автомобиль транспорти нуқтаи назарида йўловчилар, деб юритилади. Уларни ташиш автотранспорт (автобуслар, енгил машиналар, турли русмдаги таксилар каби) воситалари орқали амалга оширилади.

Йўловчиларни шаҳарда ташиш дейилганда бир шаҳар чегараси доирасида турли йўналишлар бўйича ташиш тушунилади. Бунга мисол қилиб Самарқанд шаҳри ичидаги 19 та йўналиш бўйича қатнаётган автобус маршрутларини мисол келтириш мумкин.

Иккинчи йўналиш йўловчиларни шаҳар атрофида ташиш тушунилади. Бунда маршрутлар бар вақтнинг ўзида шаҳарда ва шаҳардан ташқари, шаҳарга яқин жойларга қатнаши кўзда тутилади. Булардан ташқари шаҳар чегарасидан шаҳарга яқин жойларга ташийдиган транспорт воситаларидир.

Учинчиси, йўловчиларни шаҳарлараро йўналиш бўйича ташишдан иборат. Бунда бир шаҳар автобекатидан иккинчи шаҳар автобекатига қадарги бўлган масофага йўловчиларни ва уларнинг юкларини ташиш тушунилади. Бу нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий масала ҳисобланади. Чунки, аҳолининг ҳаракланиш воситаси шу маршрутлар орқали амалга оширилиб, уларнинг узоғи яқин бўлади. Бу масалага ҳам охирги пайтларда жуда катта аҳмият берилмоқда. Турли янги-янги маршрутлар очилиши баробарида маршрутларга замонавий автобуслар сотиб олинмоқда.

Тўртинчи йўналиш – бу халқарор ташиш бўлиб ҳисобланади. Бунинг номидан ҳам кўриниб турибдики, бундай маршрутлар бир давлатдан иккинчи давлат чегарасидан ўтиб қатнайдиганлардир. Ҳозирги шароитда бундай маршрутлар халқаро вазиятдан келиб чиқиб, унчалик ривожланган эмас. Келажакда турли иқтисодий-ижтимоий алоқаларнинг юзага келиши ва ривожланиши, халқаро туризмнинг ривожланиши яқин қўшниларимиз ўртасида халқаро маршрутларни ҳам ташкил қилишни тақозо қилади.

Йўловчиларни ташиш бўйича ушбу йўналишларнинг ҳам бир қанча турлари мавжуд. Улар қуйидагиларга бўлинади.

Иккинчиси, юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг буюртманомаларига ёки ташишнинг бошқа шартномалари бўйича бериладиган автобус ва енгил автомобилларда ташиладиган йўловчилар. Булар кўп ҳолларда бир марталик характерга эга бўлади.

Бунда маршрут буюртмада кўрсатилган ва келишилган йўналиш бўйича амалга оширилади. Бундай йўловчиларга турли тадбирларга иштирок этишга, жамоавий зиёратларга чиқишда, бошқа шаҳарларга туристик мақсадда сафар қилишга отланганлар кириши мумкин. (13.4-расм).



13.*4-расм.* **Йўловчиларни ташиш бўйича йўналишлар турлари**[132]

Учинчи гуруҳ йўловчиларга, йўналишсиз таксиларда ташиладиган йўловчилар киради. Бундай йўловчилар таксиладан ўзига керак бўлган турли йўналишлар бўйича фойдаланувчилар киради. Ҳозирги пайтда таксиларнинг махсус рухсатнома асосида ҳаракат қилиши белгиланган. Буларга асосан хусусий мулкка асосланган таксилар ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳайдовчилар жалб қилинган.

Тўртинчиси, йўналишли таксиларда ташиладиган йўловчилардир. Бундай йўловчилар тасидан фойдаланади, аммо ўзларининг маршрути бўйича эмас, балки таксига рухсат этилган ва қатъий белгиланган маршрутлар бўйича қатнайдилар.

Шуни эътироф этиш керакки, юқоридаги келтирилган барча тур ташишлар ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, йўналишли автобуслар ва йўналишли таксилар ҳаракати бир қанча аниқ йўналишлар бўйича амалга оширилади. Буларга:

Биринчидан, шаҳардаги йўналишларда ташиладиган йўловчиларни (шаҳарлар ҳокимликлари томонидан ташкил этиладиган шаҳар йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органлари томонидан тартибга солинади);

[132] Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан тузилган

Иккинчидан, шаҳарлар атрофидаги ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда ташиладиган йўловчиларни (вилоятлар ҳокимликлари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ташкил этиладиган йўловчилар ташиш транспорини бошқариш органлари томонидан тартибга солинади ва назорат қилинади);

Учинчидан, вилоятлараро-шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиладиган йўловчиларни (Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тузиладиган жадваллар бўйича ташкил этилади ва назорат қилинади) ташишни киритиш мумкин.

Объектив заруратга кўра ҳар бир ҳудудда янги йўналишлар очилиши ҳам мумкин. Янги йўналишларни ташкил этиш (очиш) белгиланган тартибда амалга оширилди. Бундай ваколатлар ҳам тегишли органларга берилган. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) шаҳарларда — шаҳарлар ҳокимликлари ёки шаҳар йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органлари томонидан;

б) шаҳар атрофидаги ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ёки йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органлари томонидан;

в) вилоятлараро, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги бош бошқармаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан амалга оширилади.

Ушбу йўналишларни очиш тегишли талабларга жавоб берсагина амалга оширилади. Бунда йўлларнинг талабга жавоб бериши, унинг атрофида тегишли инфратузилмаларнинг мавжудлиги, йўловчилар хавфсизлигининг таъминланганлиги каби жиҳатларни инобатга олиш лозим бўлади.

Амалдаги тартиб бўйича ҳар бир янгидан очиладиган ва фойдаланиладиган йўналишлар учун йўналиш паспорти тасдиқланади, унда бир қанча шартлар мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) йўналишнинг асосий кўрсаткичлари билан бирга титул варақаси;

б) йўналиш схемаси (схемада тўхтаб ўтиш манзиллари, ҳаракатланиш учун хавфли бўлган йўл участкалари, темир йўлни кесиб ўтиш жойлари, кесишган йўл устидан ўтказилган кўндаланг йўллар ва шу кабилар кўрсатилади). Шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишлар схемаларида, бундан ташқари, дам олиш жойлари, овқатланиш шохобчалари ҳам кўрсатилган бўлади;

в) масофани ўлчаш протоколи ва автотранспорт воситасининг ҳаракатланиш вақти хронометражи;

г) автотранспорт воситасининг йўналиш бўйича ҳаракатланиш жадвали;

д) йўл ҳақи тарифлари.

Шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга мухтож аҳоли қатлами йўловчи сифатида ҳам эътиборга олинган. Шу туфайли йўловчиларнинг айрим тоифаларига транспортда имтиёзли (шу жумладан бепул) юриш ҳуқуқи берилади. Автомобиль транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар тоифалари ва ушбу имтиёзларни бериш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Бу ҳам тегишли ҳужжатлар асосида амалга оширилади ва тегишли тарзда ҳисобга олиб борилади.

Маълумки, йўловчилар йўл чипталарини кассалардан ёки кондуктордан (ҳайдовчидан) сотиб олади. Мунтазам йўловчилар ташиш йўналишларидаги автотранспорт воситаларида юришда йўловчи йўл чиптаси сотиб олиши, уни бутун йўлда юриш вақти давомида сақлаши ва уни назоратчининг биринчи талабига кўра кўрсатиши шарт. Амалдаги қоида бўйича, йўналишдаги автотранспорт воситаси носоз бўлган тақдирда йўловчиларга берилган йўлда юриш ҳужжатлари айнан шу йўналишдаги бошқа автотранспорт воситасида юриш учун ҳақиқий ҳисобланади. Йўловчиларни бошқа автотранспорт воситасига ўтказиш носоз автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси томонидан амалга оширилади.

Шуни эътироф этиш керакки, агар йўловчилар маълум йўналиш бўйича чипталар харид қилган бўлса ва уни фойдаланмасдан йўқотиб қўйса, бундай чипталар тикланмайди ва мос равишда улар учун тўланган пул қайтариб берилмайди. Бу эса, йўловчиларнинг харид қилган чипталарини эҳтиёт қилиши ва унга бефарқ бўлиб, низо чиқишига йўл қўймаслик масалаларига қаратилган.

Кўриниб турибдики, йўловчиларни ташиш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар ҳам бевосита йўловчилардан ҳам ва уларга хизмат қиладиганларга ҳам ўта эътиборли бўлишни талаб қиладиган давлат аҳамиятидаги иш ҳисобланади.

Йўловчиларнинг тинчлиги ва хотиржамлигини сақлаш нуқтаи назаридан автобусда айрим чекловлар ҳам кўзда тутилган. Буларга:

Биринчидан, автобусда йўловчиларнинг маст ҳолда юриши тақиқланади. Чунки, маст ҳолда юрган йўловчи автобус ичидагиларга турли ноқулайликларни туғдириши, арзимаган кўнгилхираликларни келтириб чиқариши мумкин.

Иккинчидан, йўловчилар ёки ҳайдовчининг чекиши ҳам ман этилган. Чунки, чекиш чеккан кишига нисбатан атрофдаги чекмайдиганларни кўпроқ заҳарлашлари мумкин. Бундан ташқари автотранспорт воситалари ҳозирги шароитда бензиндан ташқари, тез ёнувчи газ каби ёқилгилар билан ҳаракатланади. Бундай шароитда чекиш ёнғин хавфини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Учинчидан, ҳайдовчи ёки кондукторнинг рухсатисиз йўловчилар томонидан ойналарни очиши ҳам тақиқланган. Бу ҳам турли кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Қишда иссиқни сақлаш мақсадида ойналар маҳкам ёпилган ва автобуснинг иситадиган печкаси ишлаб турган бўлиши мумкин. Бундай шароитда ойналарни очиш иссиқликни сақлаш имконини бермайди ва йўловчиларни шомоллатиб қўйиши мумкин. Ёзда эса салқин ҳароратни сақлаб туриш учун совуткич ишлаб турган бўлиши ҳам мумкин. Бунда ҳам очиш мумкин эмас. Булардан ташқари йўловчиларнинг хавфсизлигини сақлаш нуқтаи назаридан ҳам ўзбошимчалик қилмаслиги керак.

Тўртинчидан, йўловчиларнинг ойнадан ташқарига осилиши ҳам ман этилган. Автобус турганда ҳам ҳаракатланаётганда ҳам бундай ҳолатга йўл қўйиб бўлмайди. Зеро ҳайдовчи зиммасида йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа бор. Агар йўловчи ойнадан ташқарига осилса, табиийки, бунда ҳавфсизликнинг таъминланишига кафолот йўқ.

Бешинчидан, йўловчиларнинг автобусларда тез ёнувчан, портловчи, заҳарловчи, заҳарли, қўланса, радиоактив моддалар ва ашёларни, ғилофсиз ўқ отар қурол, тиғли ва кескир ашёларни олиб юриши ҳам мумкин эмас. Бу чеклов ҳам йўловчиларнинг хавфсиз-

лигини таъминлашга қаратилган. Агар юқоридагиларни олиб юриладиган бўлса, бордию бирорта заҳарли модда олиб келинаётган идиш синиб у очилиб кетса, табиийки, йўловчиларнинг бирортаси ёки бир қанчаси заҳарланиши ёки бошқа бирорта зарар кўриши мумкин.

Олтинчидан, йўловчиларнинг ўлчами 100 см х 50 см х 30 сантиметрдан катта ёки битта ўрин учун оғирлиги 60 килограммдан ортиқ буюмларни, шунингдек, узунлиги 200 сантиметрдан ортиқ бўлган буюмларни олиб юриши ҳам ман этилган. Бундай буюмларнинг олиб юрилиши йўловчиларга турли ноқулайликлар туғдириши мумкин. Хусусан, автобуснинг ичида эркин ҳаракат қилиш чекланади. Бу ҳолат ҳарактланаётган транспорт воситаларида мумкин эмас. Автобусларда ҳар бир йўловчининг эркин ҳаракат қилишлари учун тегишли шароит яратилган бўлиши керак.

Еттинчидан, йўловчиларнинг салонни ёки бошқа йўловчиларнинг кийимларини ифлос қилувчи буюмлар ва ашёларни олиб юриши ҳам тақиқланган. Чунки, йўловчилар ишга ёки бирорта маракага, турли тантаналарга бораётган бўлишлари мумкин. Агар у автобусда кийимини ифлос қилиб қўйса, унга катта ташвиш келтирилади. Чунки у кийимларини тозалаш учун ёки тозасини алмаштириб келиши учун уйига қайтиши керак, аммо вақт бунга имкон бермаслиги мумкин. Шу туфайли жамоат транспортида бундай ҳолатга ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Саккизинчидан, йўловчиларнинг тумшуқбоғсиз итлар ва бошқа ҳайвонларни олиб юришини ҳам чекловлар қаторига киритиш мумкин. Чунки, ҳайвонларга бировларни тишламаслик, эркаланиб яламасликка кафолот йўқ. Бу бошқа йўловчиларга ноқулайликларни туғдириши мумкин. Шу туфайли бу масала ҳам амалдаги тартибда кўзда тутилган.

3. Хизматлар тизимида йўловчи ташиш транспорти хизматлари ва уларнинг назарий масалалри

Йўловчи ташиш транспорти хизматлари масаласини тадқиқ қилиш натижасида амин бўлдикки, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида транспорт хизматларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. Аммо, ушбу масала олимлар ва мутахассислар томо-

нидан кам тадқиқ қилинган соҳалигича қолмоқда. Натижада ушбу соҳа бўйича, адабиётлар ҳам кам нашр қилинган.

Йўловчи ташиш хизматларини назарий жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил қилиш учун, энг аввало, хизматлар тушунчасини, сўнгра транспорт хизматлари ва ниҳоят йўловчи ташиш хизматлари тушунчаларининг таърифларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Булардан ташқари кўрсатиладиган хизматлардан самарали фойдаланиш лозимлигини инобатга олиб, унинг самарадорлигига ҳам таъриф бериш ва уларнинг ҳаммасини назарий жиҳатдан асослаш даркордир.

Кўриниб турибдики, хизматлар тизимида йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизматлар ҳам ўзига хос ўринга ва хусусиятларга эга экан. Буларни инобатга олиб, хизмат ва йўловчи ташиш хизматларининг таърифини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, хизматга берилган таърифлар ҳозиргача етарли даражада асосланмаган ва унинг мазмунини тўлиқ ифода этадиган ҳолатда ишлаб чиқилмаган эди. Аммо 2011 йилда М.Қ. Пардаев ва И.С.Очиловлар томонидан нашр қилинган монографияда ушбу масалада аниқ фикрлар айтилди. Ушбу ишда хизматларга берилган таъриф[133]такомиллашган таъриф сифатида бир қанча ишларда эътироф этилди ва биз ҳам ушбу таърифга асосланишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Хизматга, ушбу асарда таъриф мазкур қўлланманинг 32-бетида ҳам келтирилган. Хизмат жараёни бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳадир. Иқтисодий соҳалиги шунда намоён бўладики, ушбу соҳада мамлакат ялпи ички маҳсулотининг асосий қисми яратилади. Ижтимоийлиги шунда намоён бўладики, унинг аксарият қисми инсонларнинг ҳаётини яхшилашга, яшашини қулайлаштиришга, узоғини яқинлаштиришга, уларнинг асосий қисмини иш билан таъминлашга қаратилган бўлади.

Ушбу таърифдан ва хизматнинг табиатидан келиб чиқиб, транспорт хизмати ва йўловчи ташиш хизматларининг ҳам таърифларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Хизматлар тизимида мазкур хизматларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва аҳамияти мавжуд. Аммо ушбу соҳада кўрсатиладиган хизматларнинг таърифини хизматга

---

[133] Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография.-Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2011. - Б. 19.

оид иқтисодий адабиётларда[134] учратмадик. Шу туфайли тараспорт ва хизматларнинг мазмунидан келиб чиқиб, тараспорт хизматлари тушунчасининг таърифини ишлаб чиқдик. Бизнинг фикримизча унинг таърифи ишлаб чиқилмаган. Буларни инобатга олиб транспорт хизматига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Транспорт хизмати дейилганда инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ҳамда жамиятнинг йўловчи ва юк ташиш билан боғлиқ эҳтиёжини сифатли хизмат кўрсатиш йўллари билан қондиришга қаратилган транспорт ходимларининг нафли фаолияти тушунилади[135]. Энди ушбу таърифни назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун қуйидагиларни таъкидлашни лозим, деб топдик. Энг аввало эътироф этиш жоизки, транспорт хизмати йўловчиларни ва юкларни ташиш хизматларини кўрсатади. Бундай хизматга бир қанча тизилмаларнинг эҳтиёжи бор. Шу туфайли, транспорт хизмати дейилганда фақат инсоннинг эҳтиёжи билан чекланиб қолмасдан, балки, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ҳамда жамиятнинг эҳтиёжи ҳам инобатга олинган. Чунки юқорида келтирилган барча субъектлар транспорт хизматидан манфаатдордир. Шунинг учун, иккинчидан, ушбу хизматга инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ҳамда жамиятнинг йўловчи ва юк ташиш билан боғлиқ эҳтиёжини инобатга олишимизга тўғри келди. Қайд этилган субъектларнинг манфаатлари жуда кенг ва ранг-баранг. Мазкур таърифда айнан транспорт хизматига чегара мавжуд. Бунда гап бевосита йўловчи ва

---

[134] Акбарова З. Товар ва хизматлар бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси *Адабиёт жамғармаси нашриёти*, 2004. – 144 б. Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика. Учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н.Даниленко, Т.А.Туренко. – М.: КНОРУС, 2007. – 328 с.,Бухгалтерский учет в сфере услуг. Учебник. М.А.Вахрушина, Т.П.Карпова, А.М.Петров и др.- М.: Рид Групп, 2011. – 576 с.,Бычков В.П. Предпринимательская деятельность на автомобильном транспорте. – СПб.: Питер, 2004. – 448 с., Дубровский Д.А. Прибыльный автосервис. Советы владельцам и управляющим. - СПб.: Питер, 2010. – 256 с., Маматқулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати. – Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2010. – 398 Б., Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: "Иқтисод-молия", 2011. – 172 б. – 11,0 б.т., Пардаев М.Қ., Исроилов Ё.Ж. Автомобиль транспорти хизматини кўрсатувчи корхоналар таҳлилининг айрим жиҳатлари. – Т.: "Ноширлик ёғдуси", 2011. – 65 б. – 4,88 б.т.,Ўзбекистон саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланиш босқичида: *иқтисодий хавфсизлик масалалари*. Самарқанд, СамИСИ, 2008 . – 20 б. – 1,25 б.т. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. Т.: 'Fan va texnologiya', 2007. – 16 б.-1,0 б.т.,Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Маъруза матни. Самарқанд, 2007. – 208 б.-13,0 б.т., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Қувондиков Ш.О. хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. 08.00.05. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2010. - 24 б., Худайберганов Д.Т.Иқтисодиётни ривожлантиришда товарлар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш имкониятлари (Хоразм вилояти мисолида). 08.00.05. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2010. - 24 б.

[135] Ушбу таъриф мазкур атамани назарий жиҳатдан ўрганиш асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

юк ташиш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиришга қаратилган хизматлар ҳақида бормоқда. Учинчидан, ҳозирги рақобат муҳити яратиган ва у такомиллашиб бораётган паллада ҳар қандай хизмат кўрсатиш билан эмас, балки сифатли хизмат кўрсатиш йўллари билан қондиришга қаратилган бўлмоғи лозимдир. Шу туфайли мазкур таърифда эҳтиёжни шунчаки қондириш эмас, балки сифатли хизмат кўрсатиш йўллари билан қондириш лозимлиги қайд этилган Тўртинчидан, бозор муносабатлари шароитида, ҳар қандай хизматда банд бўлган ходимлар сингари транспорт хизмати билан шуғулланувчи ходимларининг ҳам шунчалик фаолияти эмас, балки нафли фаолиятини олиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Чунки, ҳар қандай хизматни, шу жумладан, транспорт хизматини ҳам кўрсатавериш мумкин. Аммо ҳозирги пайтда ҳар бир кўрсатиладиган хизмат тегишли субъектларга фойда ҳам олиб келиши лозим. Шу жиҳатдан транспорт хизматини кўрсатувчи ходимларнинг айнан, нафли фаолияти тушунилади, деб эътироф этилган. Ўйлаймизки, мазкур таъриф бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради.

Мазкур таъриф бевосита йўловчи ташиш хизматларининг таърифини ишлаб чиқиш учун ҳам асос бўлиши мумкин. Чунки унинг мазмуни йўловчиларни турли транспорт воситаларида ташиш билан боғлиқ хизматларга ҳам тўғри келади. Шу туфайли ушбу хизматларни иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим бўлади. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ушбу хизмат ҳам самарали амалга оширилишини тақозо қилади.

Транспорт корхоналарида кўрсатиладиган йўловчи ташиш билан боғлиқ хизматлар транспорт хизматларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Транспорт хизмати кенг маънода бўлса, йўловчи ташиш хизматлари ушбу хизматнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотларимиз натижасида ушбу хизматларнинг ҳам таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик ва уни қуйидагича шакллантирдик. **Йўловчи ташиш хизматлари дейилганда махсус рухсатномага (лицензиясига) эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари орқали тижорат асосида йўловчилар ва улар юкларининг ҳаракатларини таъминлашга қаратилган хизматлар тушунилади**[136].

---

[136] Ушбу таъриф йўловчи ташиш транспорти хизматларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини инобатга олган ҳолда манфаатлар муштараклигини таъминлашни инобатга олиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ушбу хизматнинг таърифини назарий жиҳатдан асослаш учун қуйидаги далилларни келтирамиз. Биринчидан, йўловчи ташиш хизматлари дейилганда шунчаки ташиш эмас, балки махсус рухсатномага (лицензиясига) эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Чунки, йўловчиларни ташишда ноқонуний йўллар билан шуғулланаётган транспорт воситаларининг эгаларини йўловчи ташишга киритиб бўлмайди. Зеро, уларнинг ҳеч жойда ҳисоб-китоби ҳам олиб борилмайди ва фаолият жараёни ҳам ҳеч расмий идорага маълум эмас. Иккинчидан, транспорт воситалари орқали уларнинг эгалари шунчаки хизмат кўрсатмайди, балки маълум келишилган нархларда тижорат асосида йўловчилар ва улар юкларини ташиб беришни таъминлашга қаратилган хизматлар тушунилиши эътироф этилган.

4. Йўловчи ташиш транспорти хизматларининг турлари ва ҳисобга олиш йўллари

Бизнинг фикримизча, хизматларнинг таснифи ҳам иқтисодий жиҳатдан тўлиқ асосланган эмас. Айрим қарашларда хизматларни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига тегадиган нафлилиги нуқтаи назаридан таснифласа[137], айрим ҳолларда уларнинг бошқа белгилари билан таснифланганлигини ҳам кўришимиз мумкин[138]. Кўриниб турибдики, бир хил тушунчаларга турли олимлар турлича ёндашмоқдалар. Бундай бўлиши табиий, албатта. Чунки ҳар бир иқтисодий жараёнга қандай ёндашиш, унга қандай мақсадни кўзда тутилганлигига қараб турлича бўлиши мумкин.

Хизмат кўрсатишнинг таснифига олимларнинг турли ёндашувларини тадқиқ қилиб, унга берилган таърифга асосланган ҳолда, жамиятдаги барча субъектлар манфаатидан келиб чиқадиган бўлсак, уларни М.Қ.Пардаев ва И.С.Очиловлар берган қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу олимлар эътироф этишича барча хизматлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: инсоннинг камолоти билан боғлиқ хизматлар; оила равнақи билан боғлиқ хизматлар; меҳнат жамоаларининг такомиллашуви билан боғлиқ хизматлар; ҳудуднинг тараққиёти билан боғлиқ хизматлар; давлатнинг равнақи билан боғлиқ хизматлар; жамият-

---

[137] Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография.-Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2011. – 172 Б.

[138] Худайберганов Д., Бердикулова И. Товарлар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш масалалари. – Самарқанд, 2011. – Б. 23.

нинг тараққиёти билан боғлиқ хизматлар[139]. Йўловчи ташиш транспорти хизматлари айрим ҳолларда бевосита ва айрим ҳолларда билвосита шу хизматларни амалга оширишда иштирок этади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур хизматларнинг ҳаммаси ўзига хос хизмат турларига киради. Ушбу хизматлар қайд этилган субъектларнинг (корхона, давлат, жамият, ишлаётган ходимлар, мулкдорлар каби) маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг нафли фаолиятидан иборатдир. Шу туфайли, хизматларни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилганда, уларга биринчи галда инсонлар (йўловчилар) нуқтаи назаридан қараш керак, деб ўйлаймиз. Чунки хизмат кўрсатишнинг мақсади биринчидан, инсон камолотига қаратилган бўлса, иккинчидан, хизматни амалга оширадиганлар ҳам шу инсонлардир. Шу нуқтаи назардан, хизматлар инсон ва унинг камолоти билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий жараёнлар мажмуасидан иборатдир.

Транспорт корхоналарида ташиш билан боғлиқ турли хизматлар (юк ташиш, йўловчи ташиш каби) кўрсатилади. Йўловчи ташиш билан боғлиқ хизматлар транспорт хизматларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Транспорт хизмати кенг маънода бўлса, йўловчи ташиш хизматлари ушбу хизматнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Унинг бир қанча турлари мавжуд. Нима бўлганда ҳам йўловчи ташиш транспорти хизматлари такомиллашиб, унинг сифати ошиб, мазкур соҳада рақобат ва тадбиркорлик муҳити чуқурлашиб боришни тақозо қилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу тушунчанинг таърифи ҳам иқтисодий адабиётларда ҳамон ишлаб чиқилмаган. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид Х.М.Маматқулов томонидан нашр қилинган изоҳли луғатда[140] ҳам ушбу тушунчага таъриф берилмаган. Фақат "Йўловчиларга хизмат кўрсатиш" иборасига изоҳ берилган. Унда айтилишича: "Йўловчиларга хизмат кўрсатиш – конкрет хизматлар ва фаолият турлари тизими, транспортда саёҳат чоғида йўловчиларга барча қулайликларни яратади"[141] дейилган. Мазкур таърифда йўловчи ташиш хизматларининг мазмуни тўлиқ очиб берилмаган.

---

[139] Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография.-Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2011. - Б. 23-24.

[140] Маматқулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати. – Т.: "Иқтисод-молия", 2010. – 398 - бет.

[141] Маматқулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати. – Т.: "Иқтисод-молия", 2010. – 109 - бет.

Шу туфайли ушбу хизматларнинг ҳам таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик ва уни қуйидагича шакллантирдик. **Йўловчи ташиш хизматлари дейилганда махсус рухсатномага (лицензиясига) эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари орқали тижорат асосида йўловчилар ва улар юкларининг ҳаракатларини таъминлашга қаратилган хизматлар тушунилади**[142].

Ушбу хизматнинг таърифини назарий жиҳатдан асослаш учун қуйидаги далилларни келтирамиз. Биринчидан, йўловчи ташиш хизматлари дейилганда шунчаки ташиш эмас, балки махсус рухсатномага (лицензиясига) эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Чунки, йўловчиларни ташишда ноқонуний йўллар билан шуғулланаётган транспорт воситаларининг эгаларини йўловчи ташишга киритиб бўлмайди. Зеро, уларнинг ҳеч жойда ҳисоб-китоби ҳам олиб борилмайди ва фаолият жараёни ҳам ҳеч расмий идорага маълум эмас. Иккинчидан, транспорт воситалари орқали уларнинг эгалари шунчаки хизмат кўрсатмайди, балки маълум келишилган нархларда тижорат асосида йўловчилар ва улар юкларини ташиб беришни таъминлашга қаратилган хизматлар тушунилиши эътироф этилган.

Пулли хизматлар таркибида йўловчи ташиш хизматлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Ушбу хизматларга, мазкур соҳага оид Йўриқномада таъкидланганидек, қуйидагилар киради:

"- аҳолининг умум фойдаланадиган (темир йўл, денгиз, хаво, дарё, автомобиль) транспортда, шаҳар (трамвай, троллейбус, метрополитен, автобус, такси) транспорти, шунингдек, Йўловчи ташиш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхона ва ташкилотларнинг барча турдаги транспортида юргани учун йўлкира тўлаш;

- корхоналар томонидан ўз ходимлари шаҳар транспортида юрганликлари учун шаҳар транспортида юриш карточкаларига йўлкира ҳақи тўлаш;

- аҳолининг темир йўл транспортида идора (контора)лар томонидан кўрсатилган хизматлар (кўрпа - ёстиқ маҳсулот қийматисиз чой, қанд, печенье ва шу кабиларни бериш хизматлари) учун тўлаган ҳақи;

---

[142] Ушбу таъриф йўловчи ташиш транспорти хизматларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини инобатга олган ҳолда манфаатлар муштараклигини таъминлаш доирасида, муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.

- ҳаво транспорти, денгиз флоти кемалари ва понтон кўприклар орқали багаж ва юкларни ташиш;

- юридик шахсларнинг енгил автотранспорт воситалари билан амалга ошириладиган йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар"[143].

Йўловчи ташиш транспорти хизматига, шунингдек, чипталарни олдиндан сотишдан олинадиган комиссион йиғимлар миқдори, чипталарни барча турдаги транспортга бронлаш қиймати, чипталарни уйга етказиб бериш қиймати киритилади.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳар қандай хизматлар ҳам йўловчи ташиш хизматларига киравермайди. Бундай хизматларга қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Биринчидан, аҳолига автомобиль транспортида мебель ва бошқа юкларни ташиш, аҳолига газ баллонлари етказиб бериш хизматлари, маиший хизмат таркибида ҳисобга олинадиган юк ташувчилар ва багаж сақлаш камералари хизматлари тегишли тармоқлар хизматларида ўз аксини топади. Иккинчидан, алоқа бўлимларига (бўлимларидан) ва "Рўзномалар" киоскларига жўнатма, даврий нашрларни таксиларда етказиб бериш, шунингдек, бошқа корхона ва ташкилотларга енгил такси, автобус ва бошқа автотранспортларни беришдан таксопарк ҳамда автотранспорт ташкилотларининг даромадлари ҳам йўловчи ташиш хизматларига киритилмайди. Учинчидан, экскурсия хизмати йўлланмаси қийматига киритилган йўловчи ташиш транспорти хизмати ҳам мазкур хизматга кирмайди. Уларнинг тушумлари тегишли равишда бошқа фаолиятларда ифодаланади.

Кўриниб турибдики, ҳар бир хизмат ва ундан ундириладиган (тўланадиган) ҳақ тегишли равишда ўз йўналишлари бўйича тақсимланади. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, йўловчи ташиш хизматларига ҳар бир оила бюджетининг бир қисми (2-5 фоизи) сарфланар экан. Демак, бундай хизматга жамиятимизда катта эҳтиёж бор. Шу туфайли ушбу хизматларнинг самарадорлигини ва сифатини ошириш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Йўловчи ташиш транспорти хизматига, шунингдек, чипталарни олдиндан сотишдан олинадиган комиссион йиғимлар миқдори,

---

[143] "Аҳолига кўрсатилган пуллы хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси". // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.-3.1 - модда.

чипталарни барча турдаги транспортга бронлаш қиймати, чипталарни уйга етказиб бериш қиймати киритилади.

5. Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлиги ва транспорт воситаларига оид атамаларнинг таърифлари

Ҳар қандай хизмат маълум даражада самарали бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ҳам қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу масала бевосита унинг таърифини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир.

Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, мазкур соҳада самарадорлик тушунчасига фақат иқтисодий нуқтаи назаридан қараб бўлмайди. Чунки ушбу масалага фақат автомобиль корхоналари нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, бу ерда ижтимоий масала, яъни йўловчилар манфаати четда қолиб кетиши мумкин. Буни инобатга олмаслик мумкин эмас. Мос равишда ушбу тушунчанинг таърифида давлат ва жамият манфаатлари ҳам ўз аксини топмоғи лозим. Чунки манфаатлар муштараклигини таъминламаган ҳар қандай самарадорликнинг бардавомлиги бўлмайди ва мос равишда, бундай самарадорликнинг жамият учун кераги ҳам йўқ.

Бизнинг фикримизча, транспорт корхоналари томонидан кўрсатиладиган йўловчи ташиши хизматлари самарадорлигига қуйидагича таърифни беришни лозим, деб топдик. Йўловчи ташиш транспорти хизматлари самарадорлиги деганда маълум вақт бирлигида ташилган йўловчилар ва сотилган хизматлар ҳажмининг сарфланган харажатлар ёки ишлатилган ресурсларга нисбати билан аниқланадиган кўрсаткичларнинг миқдори тушунилади[144].

Ушбу таърифни қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, йўловчи ташиш транспорти хизматлари самарадорлиги деганда маълум вақт бирлиги олинган бўлиб, улар замон нуқтаи назаридан чегараланган. Чунки, ҳар бир кўрсаткич маълум бир вақт доирасида содир бўлган жараёнларнинг рақамларда ифодаланишини характерлаши лозим. Иккинчидан, самарадорликни аниқлаш учун, албатта, натижа кўрсаткичи бўлмоғи лозим. Шу жиҳатдан, натижа кўрсаткичи сифатида ташилган йўловчилар ва сотилган хизматлар ҳажми олинган. Учинчидан, самарадорликнинг яна бир муҳим жиҳати, шу эришилган натижа учун сарфланган харажатлар ва ишлатилган

[144] Ушбу таъриф йўловчи ташиш транспорти хизматларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини инобатга олган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

ресурсларнинг мавжудлигидир. Уларнинг самаралими ёки самарасизлигини билиш учун натижа билан харажатларнинг нисбати олинади. Бу ҳам таърифда ўз аксини топган. Тўртинчидан, самарадорликни ифодаловчи миқдор, унинг кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Улар вақт ўтиши билан доимий равишда ўсиш тенденциясига эга бўлишлиги ёки барқарор ҳолатда сақланиб туришлиги лозим. Шундагина уларнинг фаолиятини самарали, деб баҳолашимиз мумкин. Аммо шундай ҳоллар ҳам учрайдики, самарадорлик кўрсаткичи олдинги даврга нисбатан кам бўлиши мумкинки. Бу дегани ушбу жараён ёки ресурс самарасиз дегани эмас, балки шу даврда самарадорликнинг маълум миқдорга пасайганлигини кўрсатади.

Мазкур таърифда жамият манфаати ҳам яширинган ҳолда ўз ифодасини топган. Чунки йўловчиларни ташиш уларнинг ишга бориши ва ишдан қайтиши, бирорта манзилга етиши, бирорта масалани ҳал қилиши, шахсий эҳтиёжлар билан ҳаракат қилиши кабиларни ҳам таъминлаб боради. Буларнинг ҳаммаси пировардида ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Юқоридаги таърифлар ва таъкидлар билан бирга автомобиль транспортида ташиш хизматларини амалга ошириш учун шу жараён билан боғлиқ бир қанча атама ва тушунчаларнинг ҳам таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Эътироф этиш жоизки, "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонунида шу соҳа бўйича асосий тушунчаларнинг таърифи келтирилган. Булар жумласига "автомобиль транспорти", "автотранспорт воситалари", "ташувчи", "мижоз (йўловчи, юк олувчи, юк жўнатувчи)" каби тушунчаларни келтириш мумкин.

Мазкур қонунда юқорида қайд этилган тушунчалар кўп қўлланилганлиги ва қонунинг асосий ўзагини ташкил қилиши муносабати билан улардан кенг фойдаланилган. Бу жараён ушбу атамаларга тегишли тарзда изоҳ беришни тақозо қилади. Жумладан, "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги қонунда автомобил транспортига қуйидагича таъриф берилган. "Автомобиль транспорти — таркибига юридик ва жисмоний шахслар кирувчи, иқтисодиёт ва аҳолининг йўловчилар, багаж ва юкларни, шу жумладан почтани (бундан кейин — йўловчилар, багаж ва юклар деб юритилади) автомобилда ташишга бўлган эҳтиёжларини таъминловчи

ишлаб чиқариш-технология мажмуи"[145], деган изоҳ берилган. Бу, ўз навбатида, унинг таърифини такомиллаштириш учун асос бўлади. Бизнинг фикримизча ушбу атамага қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. **"Автомобиль транспорти дейилганда юридик ва жисмоний шахсларда мавжуд бўлган иқтисодиёт ва аҳолининг йўловчилар, багаж ва юкларни, шу жумладан, почтани автомобилда ташишга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилувчи автомобиль воситалари мажмуи тушунилади**[146]. Шунингдек, мазкур қонунда бошқа бир қанча атамаларга ҳам изоҳ берилган. Булардан бири, таъкидланганидек, автотранспорт воситаларидир. Ушбу тушунчани қуйидагича изоҳлайди. "Автотранспорт *воситалари — йўловчилар, багаж, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи* автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар"[147]дан иборат. **"Автотранспорт воситалари дейилганда йўловчилар, багаж, юклар ташишга ҳамда махсус ишлар ва хизматларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар мажмуи тушунилади**[148].

Табиийки, автомобил транспортидан фойдаланувчи асосий истеъмолчи ёки буюртмачига автомобил хизматини кўрсатувчи шахс ташувчи бўлиб ҳисобланади. Мазкур қонунда ташувчини қуйидагича изоҳлайди. "Ташувчи — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида автотранспорт воситасига эга бўлган, тижорат асосида йўловчилар, багаж, юклар ташиш хизматини кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган *юридик ёки жисмоний шахс*"[149], деб кўрсатлган. Ушбу изоҳ мазкур тушунчанинг мазмунини тўлиқ ифода этади, деб ўйлаймиз. Бироқ унинг ҳам айрим жиҳатларини такомиллаштирган ҳолда, қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

"Ташувчи дейилганда мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида автотранспорт воситасига эга бўлган, тадбиркорлик асосида йўловчилар, багаж, юклар ташиш хизматини кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси)

---

[145] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1998 йил 29 август.

[146] *Мазкур таъриф "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1998 йил* 29 август) асосида муаллиф томонидан такомиллаштирган ҳолда ишлаб чиқилди

[147] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1998 йил 29 август.

[148] Мазкур таъриф "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1998 йил 29 август) асосида муаллиф томонидан такомиллаштирган ҳолда ишлаб чиқилди.

[149] "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1998 йил 29 август.

бўлган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади. Ташувчидан ташқари мижоз тушунчаси ҳам мавжуд. Бу ҳам ташиш хизматларини тадқиқ қилишда, унинг назарий масалаларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу туфайли бўлса керак, мазкур қонунда мижоз тушунчасига ҳам қуйидагича изоҳ берилган. "Мижоз (йўловчи, юк олувчи, юк жўнатувчи) — тузилган ташиш шартномасига мувофиқ ташувчининг хизматларидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс"[150], деб кўрсатилган. Ҳақиқатда мижозлар транспорт хизматидан фойдаланувчилар, яъни уларнинг асосий истеъмолчиларидир. Мазкур тушунчага берилган изоҳ, унинг ҳам такомиллашган таърифини ишлаб чиқиш имконини берди.

Бизнинг фикримизча, ушбу тушунчага оддий қилиб қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Мижоз (йўловчи, юк олувчи, юк жўнатувчи) дейилганда ташувчининг хизматларидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс тушинилади**[151], деб таъриф беришимиз мумкин. Қонунда "тузилган ташиш шартномасига мувофиқ", деган ибора ўз ифодасини топган. Аммо ташиш хизматлари ҳамиша ҳам тузилган шартномага асосланмайди, балки шартнома тузмасдан оғзаки келишиб ҳам мазкур хизматни кўрсатиши мумкин.

Фикримизча мавзуга оид барча тушунчаларнинг назарий талқини ва таърифи қараб чиқилди. Булар эса тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичлари учун назарий асос бўлиб ҳисобланади.

Мазкур мавзуни такрорлаш ва мустақил таълим учун саволлар

1. Автомобилларда йўловчи ташиш хизматларини амалга оширишда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.
2. Йўловчиларни ташишнинг турлари ва улар назарий масалалари.
3. Йўловчиларни ташишнинг турлари ва улар тавсифи.
4. Йўловчи ташиш хизматлари бўйича хар бирининг назарий масалалари.
5. Хизматлар ва унинг таърифи.
6. Хизматлар тизимида йўловчи ташиш транспорти хизматлари.

---

[150] Ўша жойда.

[151] Мазкур таъриф "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1998 йил 29 август) асосида муаллиф томонидан такомиллаштирган ҳолда ишлаб чиқилди.

7. Хизматлар тизимида транспорт хизматлари ва уларнинг таърифи.
8. Йўловчи ташиш транспорти хизматларининг таърифи.
9. Йўловчи ташиш транспорти хизматларининг турлари.
10. Хизматларни ҳисобга олиш йўллари.
11. Йўловчи ташиш транспорти хизматлари самарадорлигининг назарий масалалари.
12. Автомобиль транспорти тушунчасининг таърифи.
13. Автотранспорт воситалари тушунчасининг таърифи.
14. Ташувчи тушунчасининг таърифи.
15. Мижоз тушунчасининг таърифи.

Калитли сўзлар

Ташиш хизматларини амалга оширишда давлат сиёсати, йўловчи ташиш хизматлари, юк ташиш хизматлари, хизматлар, йўловчи ташиш хизматлари турлари, йўловчи ташиш транспорти хизматлари, йўловчи ташиш транспорти хизматлари самарадорлиги, автомобиль транспорти, автотранспорт воситалари, ташувчи, мижоз.

14-мавзу. АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ҲАМДА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Алоқа хизматларини кўрсатиш: мазмуни ва уларни ҳисобга олиш йўллари.

2. Алоқа ва ахборотлаштириш билан боғлиқ хизматларнинг истиқболи.

3. Таълим тизими хизматларининг мазмуни ва уларни ҳисобга олиш йўллари.

*****

1. Алоқа хизматларини кўрсатиш: мазмуни ва уларни ҳисобга олиш йўллари

Алоқа хизматларининг табиатидан келиб чиқадиган бўлсак, у жамиятимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида жуда муҳим жараён бўлиб ҳисобланади. Алоқа хизматлари, биринчи галда, ахборотларни турли воситалар орқали узатиш жараёни билан боғлиқдир. Улар икки шахсни бир-бири билан ахборотлар орқали боғлайди ва хабардор (воқиф) қилади. Бу эса уларнинг бошқарув қарорларини қабул қилишга, фаолиятларини такомиллаштиришга, ҳаракатларини ўзгартириш каби ҳодисаларга сабаб бўлади. Иккинчи жиҳатдан қарайдиган бўлсак, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлиб ҳисобланади. Алоқа тизимига почта, телефон, телеграф, радио, кабел телевидениеси, интернет кабилар киради. Улар ҳар куни миллиардлаб ахборотларни бир шахсдан иккинчисига узатади ва етказади. Аммо иқтисодий адабиётларда шу алоқа хизматларининг ҳам таърифини учратмадик. Шу туфайли ушбу атаманинг ҳам таърифини шакллантирдик.

Алоқа хизматлари дейилганда, турли ахборотларни бир шахсдан иккинчи шахсга турли воситалар орқали узатадиган жараённи ташкил қилувчи одамлар меҳнатининг мажмуи тушунилади[152].

Ўйлаймизки, ушбу таъриф мазкур тушунчанинг мазмунини тўлиқ қамраб олади. Биринчидан, алоқа хизматларини кўрсатиш жараёнида асосий объект бўлиб турли ахборотлар ҳисобланади.

[152] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Иккинчидан шу ахборотлар бир шахсдан иккинчи шахсга узатилади. Уларни бир-бири билан алоқасини таъминлайди. Учинчидан, ахборотлар турли воситалар орқали узатилади. Бу ҳам алоқа хизматларининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, тўртинчидан, шу хизматлар ҳам бошқа хизматлар сингари одамлар меҳнати билан амалга оширилади. Буларнинг хаммаси пировардида меҳнат (жонли ва жонсиз) мажмуини ташкил қилади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, мазкур таъриф алоқа хизматларининг мазмунини ўзида тўлиқ ифода этади.

Алоқа хизматлари пулли хизматлар таркибида энг ривожланган хизматлардан бири ҳисобланади. Ушбу хизматларни кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар сони ҳам кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Чунки аҳоли ва жамиятнинг мазкур хизматларга эҳтиёжи ҳам кенгайиб бормоқда.

Аҳоли ҳақ тўлайдиган, яъни пулли алоқа хизматлари таркибига амалдаги тартиб бўйича қуйидагилар киради::

- хат, бандероль, пул ўтказиш, жўнатма, телеграмма жўнатиш;
- почта бўлимларида манзилгоҳларга жўнатиш учун қабул қилинган бандероль, жўнатмаларни жойлаштириш;
- квартира телефонлари, шаҳар ва қишлоқ телефон-автоматларидан фойдаланиш;
- уяли телефон алоқаларидан фойдаланиш;
- сўзлашув шохобчаларидан, шаҳарлараро телефон-автомат, квартиралар, меҳмонхоналар телефонларидан халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув имконини бериш;
- радио эшиттириш нуқталаридан фойдаланиш;
- телефон ва радио пунктлари ўрнатиш (алоқа корхонасига тегишли телефон аппарати қийматини қўшган ҳолда), бошқа жойга қайта ўрнатиш, рўйхатдан қайта ўтказиш, қўшимча розетка ва телефон ўрнатиш, телефон аппаратларини таъмирлаш;
- телеантенна ўрнатиш, кабель телевидениеси ва телевидениенинг бошқа каналларидан фойдаланиш;
- алоқа тизими корхоналари томонидан йирик жамоавий қабул тизимига хизмат кўрсатиш;
- алоқа корхоналарида сотиладиган нарсаларни жўнатадиган қути (яшик), қоплар;
- алоқа корхоналарида сотиладиган тамғаланган (маркирован-

ный) хатжилд ва откриткалар[153]. Мазкур хизматлар пулли хизмат сифатида аниқ ҳисобга олиб борилади ва улар статистик ҳисоботларда акс эттирилади.

2. Алоқа ва ахборотлаштириш билан боғлиқ хизматларнинг истиқболи

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда алоқа ва ахборотларни узатиш бўйича бажариладиган хизматлар йирик индустриал босқичга кирди. Мазкур хизмат турининг ривожланиши ҳам мамлакатнинг нафақат иқтисодий қудратининг юксалиши учун, балки унинг интеллектуал салоҳиятининг ошиши учун ҳам хизмат қилади. Бу хизмат турларининг яқин йилларда тез ривожланиши кўзда тутилган. 2010 йилда 2006 йилга нисбатан мазкур хизматнинг ҳажми 2,5 баробарга оширилиши белгиланган бўлса, шу даврда, таъкидланганидек, умумий хизмат тури 2,0 мартага оширилиши кўзда тутилган. Ушбу хизмат тури 2007 йилда 120,7 % оширилиши белгилаб берилган. 2008 йилда унинг ҳажми 125,2 %, 2009 йилда – 130,0 ва 2010 йилда ҳам 130,0 % ўсиши кўзда тутилган. Биз олдинлари фақат симли телефон хизматидан фойдаланаётган бўлсак, эндиликда улар сафига уяли телефонлар, электрон почталар, интернет тормоғига уланиш каби алоқанинг янги ва илғор турлари кириб келди. Бундай илғор технологияларга асосланган хизматларнинг ривожланиши мамлакат аҳолисининг интеллектуал салоҳиятининг ошишига ҳам катта хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда хизматнинг илғор усулларидан бири бўлган алоқа ва ахборотлар билан боғлиқ хизматларнинг мамлакатимизда ва унинг барча ҳудудларида ўсиши кўзда тутилган. Республикамиз бўйича 2006-2010 йилларда ушбу хизмат тури 2,5 марта ўсиши кўзда тутилган. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида бир мунча юқори, яъни 2,6 мартага тенг. Бу вилоятда интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши, ахборотларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши эвазига амалга ошмоқда. Бу кўрсаткичнинг энг юқори миқдори Фарғона вилоятига тўғри келади. Бу вилоятда 3,2 марта ортиши кўзда тутилган. Қолган бир қанча вилоятларда республика кўрсаткичига нисбатан юқори

---

[153] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзстатистикаболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзстатистикаболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.- 4-модда.

бўлишига қарамасдан Самарқанд вилояти кўрсаткичига нисбатан пастдир.

Самарқанд вилоятида алоқа ва ахборотлар билан боғлиқ хизматларни йиллар бўйича таҳлил қилганда қуйидагиларни кузатиш мумкин. 2007 йилда мазкур хизматнинг ҳажмини вилоятда 2006 йилга нисбатан 118,0 % ошириш кўзда тутилган. 2008 йилда 127,6 %, 2009 йилда – 130,0%, 2010 йилда – 131,0 % ошириши мўлжалланган. Бундай жадал ўсиш суръати мамлакатимизнинг Наманган ва Хоразм вилоятларида кўзга ташланади. Мазкур вилоятларда шундай хизматларнинг ўсишини тезлаштиришга сабаб, уларда ушбу соҳага катта эҳтиёж борлигидир.

Мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 10 майда имзолаган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарорида ушбу соҳага алоҳида аҳамият берилган. Мазкур қарорда эътироф этилишича, ушбу соҳанинг ривожланиши умумий хизматлар ривожланишига нисбатан юқори қилиб белгиланган. 2012-2016 йиллар давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 2,2 мартага оширилиши кўзда тутилган. Шу йилларда барча хизматларнинг ўсиш суръати, юқорида таъкидланганидек, – 2,1 мартага оширилиши кўзда тутилган. Ушбу соҳанинг жадаллик коэффициенти 1,05 ни (2,2 : 2,1) ташкил қилади. Алоқа ва ахборотлар билан боғлиқ хизматларни йиллар бўйича таҳлил қилганда қуйидагиларни кузатиш мумкин. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан мазкур хизматларнинг ҳажмини 116,9 % ошириш кўзда тутилган. 2013 йилда - 117,2 %, 2014 йилда – 117,5%, 2015 йилда – 118,1 %, 2016 йилда – 117,4 % ошириши мўлжалланган. Мазкур параметрларнинг бажарилиши қуйидаги жадвалда келтирилган (14.1-жадвал).

Ушбу хизматларни йиллар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, унинг жадал ривожланишини кузатиш мумкин. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 116,9 % ўсиши кўзда тутилган. 2013 йилда – 117,2 %, 2014 йилда – 117,5 %, 2015 йилда – 117,8 %, 2016 йилда – 118,1 % оширилиши кўзда тутилган. Мазкур дастур асосида ҳудудий дастурлар ҳам ишлаб чиқилган.

14.1- жадвал

2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини ривожлантириш ҳолати (солиштирма нархларда)[154]

Ўтган йилга нисбатан фоизда

№	Минтақалар номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши									
		2007 год			2008 год		2009 год		2010 год		2011 йил
		...ка	амалда		амалда	...ка	амалда	...ка	...	...ка	...
	Ўз.Рес.	120,7	151,5	1	140,1	130	121,6	130	101,9	107,8	139,9
	Жумладан:										
1	Қор. Рес	114,1	155,2	116,5	134,4	123	121,5	126,4	116	105,2	122,6
2	Андижон вилояти	117	133,2	120	121,6	127,5	113,6	128,9	109	103,7	126,8
3.	Бухоро вилояти	131,5	154	132	134,3	137	125,1	140	102	107,1	131,7
4	Жиззах вилояти	114,1	236,7	116	131	125	113,6	128	102	117,8	135,4
5	Қашқадарё вилояти	117	160,4	120	152,1	130	108,4	130	117	108,0	141,4
6	Навоий вилояти	123	133,2	124	133,5	130	150,3	131	116	113,3	127,3
7	Наманган вилояти	125	177,2	128	146	130	118,9	132	109	110,0	127,1
8	Самарқанд вилояти	118	174,8	127,6	153,7	130	103,9	131	113	104,9	133,4
9	Сурхондарё вилояти	121	165,1	125	142,9	128	183	130	117	112,8	136,3
10	Сирдарё вилояти	117,8	176,3	120	124,9	125	143	128	112	107,0	136,6
11	Тошкент вилояти	126	157,3	130	141,4	132	145	133	108	109,0	124,6
12	Фарғона вилояти	131,5	167,2	133	138,9	135,5	130	136	116	102,4	122,5
13	Хоразм вилояти	122	150,2	126,2	130,1	132	119,3	135	114	105,2	134,9
14	Тошкент шаҳри	120	145,8	125	141,3	129,7	118,8	128,5	96	108,0	154,6

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу хизматларни ривожлантиришга 2012 йил 10 майда мамлакат Президенти имзолаган

[154] "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади". Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқини ўрганиш бўйича мажмуанинг муаллифлари томонидан ҳисоб-китоб қилинган..

қарорда[155] катта аҳамият берилган. Ушбу қарорда алоқа ва ахборотлаштиришга оид 6 та йўналиш бўйича прогниз кўрсаткичлари мамлакатимиз миқёсида ва вилоятлар (ҳудудлар) кесимида 2012-2016 йиллар учун ишлаб чиқилган. Бу йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- телекоммуникация соҳаси корхоналарида техник таъмирлаш хизматлари;
- интерактив телевиденияси хизматлари;
- видеотелефон хизматлари;
- компьютер техникаларини, мобил телефонларни ва почта алоқаларида бошқа электротехник жиҳозларни таъмирлаш хизматлари;
- ПАЙНЕТ тизими орқали мобил телефонларга қабул қилинадиган почта ўтказмалари;
- электрон пул ўтказмалари бўйича кўрсатиладиган хизматлар.

Мазкур кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари эмас, балки ҳар бири суммада аниқ кўрсатилган. Уларнинг ҳажми йиллар бўйича республика миқиёсида ва алоҳида вилоятлар кесимида крсатилган. Ушбу кўрсаткичлар ҳар бир вилоятда туманлар (шаҳарлар) бўйича ғам ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари келажакда жадал суръатлар билан риводланади.

3. Таълим тизими хизматларининг мазмуни ва уларни ҳисобга олиш йўллари

Охирги пайтларда таълим соҳасида туб ўзгаришлар рўй берди. "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг қабул қилиниши, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг жорий қилинганлиги, кўпбосқичли таълимнинг амалга оширилганлиги ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг барқарорлигини таъминлади. Шу аснода таълим хизматларига ҳам етарли даражада аҳамият бериш лозимлиги ҳаётий заруриятга айланди. Шу туфайли ушбу масала билан олимларимиз шуғулланиб келмоқдалар. Уларнинг таълим хизматлари

[155] "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли Ўзбекистон республикаси Президентининг қарори

бўйича бир қанча қарашлари шаклланди. Шулардан М.Саидов, З.Б.Қўзиев кабиларнинг олиб борган тадқиқотлари диққатга сазовордир. Шу туфайли ушбу тушунчанинг таърифини ишлаб чиқишда уларнинг қарашларидан фойдаландик. **Таълим хизматлари дейилганда, инсоннинг, давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган, узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ билим эгаларининг онгли фаолияти тушунилади**[156]. Ушбу таърифнинг афзалликлари З.Б.Қўзиевнинг ишларида батафсил асосланган.

Таълим хизматлари ҳам пулли хизматлар таркибига киритилган ва у ҳам кўпайиш тенденциясига эга. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда хизматларни кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарори[157] қабул қилинган. Ушбу қарорда таълим хизматларининг ҳам ўсиши кўзда тутилган. Қарорда таъкидланишича, ушбу хизматларнинг 2011-2016 йилларда 1,8 мартага ошиши мўлжалланган. Агар йиллар бўйича кузатадиган бўлсак, ушбу хизмат ҳар йили ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Масалан, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиши 110,6 %ни ташкил қилса, 2013 йилда – 111,5 %, 2014 йилда – 112,8 %, 2015 йилда - 113,6 %, 2016 йилда – 114,0 %ни ташкил килиши кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, пулли хизматлар таркибида таълим тизими хизмати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур хизматларга қуйидагилар киради:

"- ота-оналарнинг болаларни мактабгача тарбия муассасалари, шунингдек, хусусий шахслар томонидан ташкил этилган мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб интернатларда сақлаш учун тўлайдиган пул миқдори;

- аҳолининг мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, гимназия, лицей, билим юрти, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида болаларга кўрсатиладиган қўшимча хизматлар учун тўлайдиган ҳақи;

- олий ўқув юртлари, техникум, билим юртларига кириш тайёр-

---

[156] Қўзиев З.Б. Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари. 08.00.05.- «Хизмат кўрсатиш тармоқлари (иқтисодиёти)» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Самарқанд, 2012.- 8 бет. (қўлёзма ҳуқуқида).

[157] "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарорининг 1-иловаси.

гарлиги учун пулли курслар хизматлари, чет тиллар курсларида ўқиш учун тўланадиган ҳақ;

- аҳолининг автомобиль, мотоцикл бошқариш, ахборот ва ҳисоблаш техникаси асослари, менежмент ҳамда малакали билим олиш бўйича бошқа курсларда таълим олиш учун тўлайдиган ҳақи"[158].

Таълим тизими хизматлари ҳам бошқа хизматлар сингари ўзининг чегарасига эга. Чунки шу билан боғлиқ бўлган, аммо мазмуни сал бошқачароқ бўлган айрим хизматлар таълим хизматлари таркибига кирмайди. Бундай хизматларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг шу муассасаларда уларга бериладиган овқат пули;

- корхона, муассасаларнинг шу муассасаларни сақлашга қаратилган маблағлари;

- корхона, ташкилотларнинг ўз ходимларини курсларда ўқитиш учун тўлайдиган ҳақи[159].

Таълим хизматлари ҳозирги кунда жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Чунки инсон капиталига қўйиладиган инновациялар айнан таълим хизматларини ривожлантиришни тақозо қилади. Шу жиҳатдан мазкур хизматларни дивесификациялаш вақти келди, деб ўйлаймиз. Чунки, ҳаёт жадаллик билан ривожланмоқда. Ҳаётимизга турли янги хизматлар кириб келмоқдаки, бу уларни амалга ошириш учун тегишли кадрларни ҳам тайёрлашни тақозо қилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан имзоланган 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Қарорда: "Белгилаб қўйилсинки, 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилишини молиялаштириш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2011-2016 йиллар

---

[158] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси".// "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил ,7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.- 7 - модда.

[159] Ўша жойда. – 7.2-модда.

мобайнида ҳомийлик ёрдами шаклида йўналтирилган маблағлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқарилади"[160] деб таъкидлаб ўтилганлигини эътироф этиш жоиз. Бу таълим соҳасининг ривожланиши учун катта имкониятлардан биридир.

Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича яна бир муҳим ҳужжат қабул қилинди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2012 йил 28 майда имзоланган "Малакали педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳисобланади.

Қарорда таъкидланишича, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 1537 та ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 214 та талаб этилаётган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 115,8 минг нафар педагог ходимлар кадрлар тайёрлашни амалга оширмоқдалар, уларнинг 90,6 фоизи олий маълумотга эга, ўқитувчи кадрларнинг 70 фоизидан кўпроғи 40 ёшгача бўлган юқори малакали мутахассислардир[161]. Аммо бу соҳада ҳали анча камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжуд эди. Мазкур қарор уларни бартараф қилишда муҳим дастур бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, таълим тизими хизматлари қуйидаги бўғинларда кўрсатилади:

- мактабгача таълим муассасаларида;
- умумтаълим мактабларида;
- касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда;
- олий таълим тизимида.

Шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимиздатаълим тизими бепул амалга оширилади. Ундаги модель 9+3 бўлиб, барчасида бепул ўқитилади. Жуда кўп тўгараклар ҳам бепул амалга оширилади. Аммо шундай хизматлар борки, уларни бемалол пулли хизмат сифатида амалга ошириш ва уни ҳисобга олиш йўлларини ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, ҳозирги пайтларда репетиторлик хизмати барча бўғинларда мавжуд ва улар кўп ҳолларда пул тўлаш йўли

---

[160] http://www.press-service.uz/uz/news/show/postanovleniya_prezidenta/o_merah_po_ukrepleniyu_materialno-tehnic

[161] "Малакали педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. 2012 йил 28 май.

билан норасмий равишда амалга оширилмоқда. Шу туфайли таклифимиз, ушбу хизматларни шахсий тадбиркорлик шаклида расмийлаштириш ва тегишли солиқ тўлов орқали назорат остига олиш лозим.

Ҳозирги пайтларда жуда кўп олий ўқув юртларида қўшимча пулли курслар очилмоқда ва улар пулли таълим хизмати сифатида ҳисобга олиб борилмоқда. Аммо таълим тизимида, айниқса, олий ўқув юртларида пулли хизматларни кўпайтиришнинг жуда кўп имкониятлари мавжуд. Жумладан, қўшимча курсларни ҳозирги ҳолатига нисбатан 2,5 – 3,0 баробар ошириш мумкин. Турли ишланмаларни инновацион ғоя сифатида амалиётга жорий қилишга кўмаклашиш, аҳолига кенг кўламда типография ва полиграфия хизматларини кўрсатиш, аҳолига зарур китобларни буюртмалар асосида тайёрлаш ва ўрнатилган тартибда нашр қилиб буюртмачиларга етказиш, компьютерда турли хизматларни кўрсатиш, ўқув юртлари томонидан аҳолига интернет хизматлари каби таълим хизматларини кўрсатишни мисол келтириш мумкин.

Ушбу вазифаларнинг таркибий қисми сифатида шуни эътироф этиш керакки, ушбу муаммоларни ҳал қилишда таълим хизматлари муҳим ўрин эгаллайди.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил таълим учун саволлар

1. Алоқа хизматларини кўрсатиш мазмуни ва уларнинг назарий масалалари.
2. Алоқа хизматларини кўрсатиш ва уларни ҳисобга олиш йўллари.
3. Ахборотлаштири билан боғлиқ хизматлар ва уларнинг истиқболи.
4. Таълим тизими хизматларининг мазмуни ва уларнинг назарий масалалари.
5. Таълим хизматларини ҳисобга олиш йўллари.

Калитли сўзлар

Алоқа хизматлари, алоқа хизматларини ҳисобга олиш йўллари, таълим хизматлари, таълим хизматларини ҳисобга олиш йўллари.

15-мавзу. МАДАНИЙ, МАИШИЙ ВА САЙЁҲЛИК–ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТЛАРИ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Маданий хизматларнинг мазмуни, турлари ва уларни ҳисобга олиш йўллари.

2. Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми ва уларни ҳисобга олиш тартиблари

3. Сайёҳлик–экскурсия хизматлари турлари, уларнинг мазмуни ва ҳисобга олиш йўллари

*****

1. Маданий хизматларнинг мазмуни, турлари ва уларни ҳисобга олиш йўллари

Инсоннинг интеллектуал салоҳияти, унинг маънавий савияси кўп ҳолларда маданий ҳизматларнинг қандай ташкил қилинганлигига боғлиқ. Шу туфайли ушбу хизматларнинг ҳам қандай ташкил қилинганлигини, унинг турлари ва мазмунини тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий адабиётларда маданий хизматлар билан боғлиқ масалалар жуда кам ёритилган. Мос равишда унинг таърифи ҳам ишлаб чиқилмаган. Шуларни инобатга олиб ушбу тушунчага қуйидаги таърифни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Маданий хизматлар дейилганда, одамларнинг дам олишини ташкил қилишда турли кўнгилочар томошаларга, маданият ва истироҳат боғларида ўтказиладиган маданий-оммавий йиғинларга, маданият, санъат университетлари ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларга қатнашиш ва кириш ҳамда мусиқа, бадиий, хореография, студиялар ва санъат каби мактабларда таълим олишларни ташкил қилиш билан боғлиқ хизматлар тушунилади[162].

Ушбу таърифни назарий жиҳатдан асослаш учун қуйидаги далилларни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Биринчидан, маданий хизматлар бевосита одамларнинг дам олишини ташкил қилиш билан боғлиқ жараёнлардир. Бу масала келтирилган

[162] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

таърифда биринчилар қаторида ўрин эгаллаган. Иккинчидан, маданий хизматлар турли кўнгилочар томошалар билан боғлиқлиги ҳам эътироф этилган. Учинчидан, ушбу кўнгил очар тадбирлар маданият ва истироҳат боғларида, театрларда ва бошқа маданият муассасаларида амалга оширилиши ҳам ўз ифодасини топган. Тўртинчидан, ўтказиладиган маданий-оммавий йиғинларга, маданият, санъат университетлари ҳамда бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг қатнашиши масаласи ҳам ўз ўрнини топган. Бешинчидан, мусиқа, бадиий, хореография, студиялар ва санъат каби мактабларда таълим олиш масаласи ҳам қайд этилган. Ниҳоят олтинчидан, юқорида келтирилган барча тадбирларни ташкил қилиш билан боғлиқ хизматлар мажмуи тушунилиши ҳам кўзда тутилган.

Шундай қилиб, маданий хизматлар ҳам пулли хизматлар таркибига кирадиган хизмат сифатида намоён бўлади. Бунга ҳам аҳоли томонидан тўланадиган ҳақ суммасининг йиғиндиси киради. Буларга қуйидагилар кириши кўзда тутилган:

- кинофильм, видеодастур, спектакль, концерт, цирк томошалари намойиши, музей кўргазмаларини кўриш, ижодий кечаларда қатнашиш учун кириш чипта (абонемент)лари;

- республика ва маҳаллий бошқарув идоралари томонидан назарда тутилган (ташкилот, жамоа, гуруҳларнинг ўзлари ҳисобга оладиган) жалб этилган концерт ташкилотлари, театр жамоалари, цирк гуруҳлари кўрсатган дастурлар қийматисиз, маданият ва истироҳат боғлари (шаҳар боғлари) кучи билан (шаҳар боғлари), рақс майдонлари, театрлаштирилган байрам, кечалар, концерт, дискотекалар ва бошқа маданий-оммавий тадбирларни томоша қилиш, қатнашиш учун кириш чипталари;

- аттракцион ва болалар ўйин автоматларидан фойдаланиш;

- ҳайвонот боғлари ва юлдузхона (планетарий)га кириш чипталари;

- маданият, санъат университетлари ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларга қатнаш, кириш;

- мусиқа, бадиий, хореография мактаб ва студиялар, санъат мактабларида таълим олиш;

- аҳоли буюртмасига асосан видеодастурлар ёзилган кассеталарни кўпайтириш ва ижарага бериш" кабилар киради.

Ҳозирги пайтда амалдаги меъёрий ҳужжатларда маданий

хизматларга бир қисм хизматлар кирмайди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қўйилган гастроль спектакль, концерт ва шу каби томошаларга маданият муассасалари томонидан тўланадиган ҳақ миқдори.

Кўрсатилган маблағлар корхонанинг молия-хўжалик фаолиятига баҳо беришда ифодаланиши керак;

- экскурсия хизмати йўлланмаси қийматига киритилган, экскурсантлар музей, кўргазма ва шу каби маданий тадбирларда қатнашиш қиймати[163]. Ушбу хизматларга тўланган ҳақ бевосита шу экскурсантларнинг музей, кўргазма ва шу каби маданий тадбирларда қатнашиш қиймати[164]. Ушбу хизматларга тўланган ҳақ бевосита шу фаолиятларнинг тегишли қийматига киритилганлиги туфайли улар пулли хизматлар таркибига киритилмайди. Ҳисобкитоб жараёнида ва якуний ҳисоботларни тузишда ушбу масалага алоҳида аҳамият бериш лозим.

2. Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми ва уларни ҳисобга олиш тартиблари

Маиший хизматларнинг ривожланиши аҳолининг яшаш даражасини сифат босқичига кўтаришга хизмат қиладиган жараёндир. Шу туфайли хизматлар тизимида ушбу хизматларга ҳам алоҳида аҳамият берилиши ва уни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу хизматларнинг турлари мамлакатимизда 2006 йил 12 майдан бошлаб амалга киритилган ва "Ўзстандарт" Агентлиги томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи (ФТБХУТ)"да ўз ифодасини топган. Аммо ушбу ҳужжатда маиший хизматлар алоҳида гуруҳда ўз аксини топмаган. Улар таснифлагичнинг "Бошқа хизматлар" 93-бўлимига киритилган[165]. Мазкур гуруҳ хизматларнинг аниқ рўйхати "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган "Аҳолига кўрсатилган пулли

---

[163] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.- 8 - модда.

[164] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.- 8 - модда.

[165] "Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи (ФТБХУТ)". "Госкомстат" давлат қўмитаси ва "Ўзстандарт" Агентлиги томонидан 2006 йил, 12 майда тасдиқланган. – Тошкент: 2006. - 124-125- бетлар.

хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси"да кўрсатилган[166]. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган ва амалиётда қўлланилишга тавсия қилинган.

Яна бир муҳим жиҳат – маиший хизмат тушунчасининг таърифи етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бу борада иқтисодчи олим Х.М.Маматқулов ўзининг изоҳли луғатида[167] "Маиший соҳа" ва "Маиший соҳа фаолияти" тушунчаларига изоҳ берган. Табиийки, ушбу атамалар маиший хизмат тушунчасининг мазмунини тўлиқ ифода этмайди. Аммо "Маиший хизмат" атамасининг таърифи ёки изоҳини бошқа адабиётларда ҳам учратмадик. Ушбу хизмат тури назарий ва амалий жиҳатдан алоҳида мавзу сифатида олимларимиз томонидан тадқиқ қилинмаган. Шуларни инобатга олиб, унинг таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Маиший хизмат дейилганда, инсонларнинг кундалик ҳаётида зарур бўлган, уларнинг индивидуал ривожланиши ва фаол дам олишини таъминлашга, бўш вақтини кўпайтиришга йўналтирилган хизматларни кўрсатишга қаратилган турли фаолият тизими тушунилади[168].**

Ушбу таърифни қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, миший хизмат дейилганда, инсонларнинг кундалик ҳаётида зарур бўлган эҳтиёжлар тизими инобатга олинган. Иккинчидан, уларнинг индивидуал ривожланиши ва фаол дам олишини таъминлашга қаратилган хизматлар ҳақида ҳам гап кетмокда. Учинчидан, бу инсонларнинг асосий бойлиги бўлган бўш вақтини кўпайтиришга йўналтирилган хизматларни кўрсатишга қаратилган турли фаолият тизими, дейилган. Буларнинг ҳаммаси маиший хизмат тизимига кирувчи барча фаолиятни ўзида қамраб олади, деб ўйлаймиз.

"Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси"да эътироф этилишича, маиший хизматлар таркибига қуйидагилар киради:

---

[166] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси *томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил, 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат* Қўмитаси томонидан тасдиқланган.

[167] Маматкулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати. – Т.: "Иқтисод-молия", 2010. – 156-157 бет.

[168] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

- пойабзал таъмирлаш;
- пойабзал тикиш (ортопедия пойабзали тикишни қўшган ҳолда);
- кийим - бош ва трикотаж моллар таъмири;
- кийим - бош тикиш (тўқимачилик атторлик моллари, бош кийим тайёрлаш, намойиш этиш, мода кўрсатишларни қўшган ҳолда);
- трикотаж буюмларини тикиш ва тўқиш;
- радиоэлектрон аппаратлар, маиший машина ва асбобларни таъмирлаш;
- металл буюмлар тайёрлаш ва таъмирлаш;
- фуқароларга тегишли транспорт воситаларига техник хизмати кўрсатиш (техник кўрик машиналар ювишни қўшган ҳолда), таъмирлаш;
- мебель таъмирлаш;
- мебель тайёрлаш (ясаш);
- кимёвий тозалаш ва бўяш;
- кирхона хизматлари (қўшимча хизмат кўрсатишлар - ашё-нарсаларга ишлов бериш ва майда таъмирлаш);
- уй-жой (квартира)ларни таъмирлаш ва кўриш;
- сурат ва сураткинолаборатория хизматлари, овоз ёзиш хона (салон)лари;
- ҳаммом ва сувпуркагич (душ) хоналар хизмати;
- сартарошхоналар хизмати (ясама соч (парик) ва шиньон ясаш);
- ижарага бериш шохобчалари (фуқаролар буюртмалари асосида тантанавий тадбирлар - туғилган кун, тўй ва шу кабиларни ўтказиш учун биноларни бериб туришни қўшган ҳолда);
- транспорт хизматлари (аҳолига юк ташиш);
- маросим ўтказиш хизматлари (ихтисослаштирилган дўконлар орқали дафн ашё-анжомларини сотишни қўшган ҳолда); маиший хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари (фуқаролар буюртмасига кўра якка тартибдаги уй-жой секторига карашли уй-жойларни газлаш-тириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни қўшган ҳолда).

Шунингдек, ушбу гуруҳга фуқаролар томонидан берилган якка тартибдаги буюртмаларнинг бажарилган ва улар тўлаган барча маиший хизматлар қиймати киритилади.

Маиший хизматлар ҳажмида фуқароларнинг якка тартибдаги буюртмалари асосида бажарилган қуйидаги ишлар учун тушган пул

ҳисобга олинади: бевосита қабул қилиш шохобчалари орқали фуқароларга нақд пулга сотилган, дастлабки буюртмасиз тайёрланган буюмлар қиймати, шу шарт биланки, агар худди шу буюмлар фуқароларнинг якка тартибдаги буюртмалари асосида тайёрланган бўлса. Шунингдек, ушбу хизматга давлат ашё-анжомлари билан таъминланадиган корхоналар бўйича - маиший хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган материал, тугун (узел), қисм, эҳтиёт қисмлар (сотув баҳосида) қиймати.

Булардан ташқари маиший хизмат таркибига фуқароларга тегишли ширкат гаражлар ва транспорт воситалари турадиган (стоянка) жойлари қурилиши, таъмири, боғ участкалари (ширкатлар)ни ободонлаштириш, ҳақ тўлаш шаклидан қатъий назар, ширкат аъзолари маблағлари ҳисобидан ширкат уй-жойларнинг умум фойдаланадиган ерларини таъмирлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар қиймати ҳам киритилиши кўзда тутилган.

Маиший хизматлар таркибига пойабзал, кийим-бош, трикотаж буюмлари, мебель, радиоэлектрон аппаратлари, маиший машина ва асбоблар таъмирлаш хизмати, шунингдек, даволаш-профилактика, соғломлаштириш муассасалари, ижтимоий-маиший ташкилотлар буюртмалари асосида металл буюмлар тайёрлаш, таъмирлаш, кирхона, кимёвий тозалаш ва бўяш, транспорт хизмати, корхоналар буюртмаси асосида маросим ўтказиш хизмати, меҳмонхона хўжалиги корхоналари, ўқув юртлари ётоқхоналари, сайёҳлик ташкилотлари, темир йўл, аэропорт, ҳарбий қисмлар буюртмалари асосида кирхона, кимёвий тозалаш ва бўяш хизмати, ҳарбий қисмлар таркибига ҳаммом, сувпуркагич (душ)лар хизматларини кўрсатиш қиймати кабилар ҳам ушбу хизмат турларига киради.

Булардан ташқари маишмй хизмат турларига қуйидагиларнинг ҳам кириши кўзда тутилган:

- ижтимоий таъминот маблағлари ҳисобидан ногиронларга тегишли автомототехникани уларнинг буюртмалари асосида таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш киймати;

- маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида тайёрлаш, маиший техника ва транспорт таъмири бўйича буюртмани бажаришда фойдаланилган қисм, эҳтиёт қисм, тугун, агрегат, кузовлар қиймати, уларни ишлаб чиқаришда сарфланган хом ашё ва материаллар қийматисиз.

Амалдаги тартиб бўйича аҳоли томонидан ҳақи тўланган маиший хизматлар ҳисоботга хизматлар бажарилган пайтга қуйидагича киритилади:

- кийим-бош, пойабзал, трикотаж буюмлари, мебель тайёрлаш, шахсий транспорт воситаларини, уй-жой (квартира) ва бошқа қурилишларни таъмирлаш ҳисоботга буюртма берилган пайтига киритилади;

- янги қурилишлар бўйича буюртмачи томонидан ҳақи тўланган ишлар қиймати ҳисобот даврида битган ёки тўлиқ тугалланган қурилиш (объект) ишларини топшириш далолатномаси асосида ҳисоботга киритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маиший хизмат кўрсатиш ҳажмига мазкур давр мобайнида хизмат кўрсатиш жараёнида ишлатилган материаллар, эҳтиёт қисм ва қисмлар қиймати, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар қиймати киритилмайди. Чунончи, йўриқномада хизмат кўрсатиш ҳажмига қуйидагиларнинг қиймати киритилмайди, деб кўрсатилган. Буларга:

- буюртмачи тақдим этган (бериладиган хом ашё) материал, буюмлар, эҳтиёт қисм ва қисмлар;

- корхона томонидан чакана савдода (чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ҳисобга олинади) сотиб олинган материал, буюмлар, эҳтиёт қисм ва қисмлар;

- коммунал хизмат (газ таъминоти) таркибида ҳисобга олинадиган газ баллонларга газ тўлдириш ва уларни аҳолига етказиб бериш;

- радиоэлектрон аппаратлари, маиший машина ва асбоблар, транспорт воситаларини бепул кафолатли таъмирлаш;

- радиоэлектрон аппаратлари, маиший машина ва асбоблар, транспорт воситаларини сотиш олди ҳамда савдо олдидан таъмирлаш;

- корхоналардан бири томонидан (бирлашилган, воситачилик ва шу кабилар қилинганда) ҳисобга олинган хизматлар қиймати;

- чакана савдо товар айланмаси таркибида ҳисобга олинган ихтисослашган дўконлар орқали вафот этганларни дафн этиш ашёлари қийматидан мустасно боғдорчилик ва гулчилик хўжалик (корхона)ларининг ихтисослашган дўконлар орқали сотилган гул, гул уруғи, гул кўчатлари қиймати[169].

---

[169] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил, 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.- 2.4-модда.

3. Сайёҳлик–экскурсия хизматлари турлари, уларнинг мазмуни ва ҳисобга олиш йўллари[170]

Мамлакатимизда сайёҳлик-экскурсия хизматларини бир сўз билан туристик хизматлар деб аташ жоиз. Ушбу соҳа ҳозирги кунда энг истиқболли хизмат турларига киради. Унинг барча хизматлардаги ҳиссаси ҳам келажакда ошиб бораверади. Чунки бу соҳа унга эҳтиёж ошиб бориш тенденциясига эга. 2010 йилда 2006 йилга нисбатан мазкур хизматларнинг ҳажми 2,3 мартага оширилиш кўзда тутилган эди. Бунга тўлиқ эришилди. 2011 йилдан бошлаб ўсиш суръати барқарорлигича қолмоқда.

Агар охирги беш йилга назар соладиган бўлсак, ушбу хизмат турининг 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 119,3 % ошганлигини кўрамиз. 2008 йилда унинг ҳажми 121,3 %, 2009 йилда – 123,4 %, 2010 йилда 127,5 %, 2011 йилда 128,6 % ўсишга эришилди. Туризмнинг ривожланиши учун мамлакатимизда катта туристик салоҳият мавжуд. Тарихий обидаларга бой Самарқанд, Бухора, Хива каби шаҳарларимиз дунё нигоҳида. Мустақаллик иншоотлари билан ҳам фахрланиш мумкин бўлган Тошкент шаҳри, гўзал манзаралари билан донг таратган Фарғона водийси ҳамда бошқа обида ва гўшалар туристларга кўз-кўз қиладиган маскан ва объектларга айланди. Ҳозир мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига борманг, обод ва озод масканлар гувоҳи бўласиз.

Туризмнинг ривожланишида катта омил бўладиган соҳа - бу меҳмонхона хизматидир. Бу соҳа ҳозирги пайтда асосан хусусий сектор ҳисобидан тез ривожланиш босқичини бошидан кечирмоқда ва яқин истиқболда ҳам тез ривожланиши учун катта кўрсаткичларга эришиш кўзда тутилган. Хусусан, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан меҳмонхона хизматини ривожлантириш 2,4 баробарга ўсиши белгиланган. Бу соҳа хизматининг ҳар йили ўсиши ҳам белгилаб қўйилган эди. Дастурда кўзда тутилган меҳмонхона хизматларининг 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 120,0 %, 2008 йилда - 122,5 %, 2009 йилда - 125,3 %, 2010 йилда - 125 %, 2011 йилда 126,7 % ўсиш суръатига эришилди. Бу истиқболли соҳанинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлардан бири шуки, янги қурилаётган меҳмонхоналар жаҳон стандартлари талабларига жавоб

[170] Мазкур параграф А.Қ.Турсунов билан ҳаммуаллифликда тайёрланган.

берадиган даражада амалга оширилмоқда. Уларнинг юқори сифатлилиги билан бирга нархи ҳам бошқа мамлакатлардан бир мунча арзонлиги билан фарқ қилади. Бу эса туристларнинг мамлакатимизга жалб қилиниши учун муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу масаланинг халқаро даражага кўтарилишига сабаб, халқаро туризмни ривожлантиришга қаратилгандир.

"Ўзбектуризм" Миллий Компаниясининг маълумотларига қараганда, 2011 йилда мамлакатимизга 1 миллион нафардан зиёд хорижлик сайёҳлар ташриф буюрган. Шу йили мамлакатимиз бўйича 124 та ташкилотга сайёҳлик хизматлари кўрсатиш учун лицензия берилган ва улар асосида 55 та меҳмонхона хўжаликлари ташкил этилган. Натижада 2012 йилнинг бошида сайёҳлик ташкилотларининг сони 828 тага етди. Улардан 510 таси туроператорлик фаолиятини олиб боради, 318 таси эса меҳмонхона хўжаликларидир. Бугунги кунда туризмга бўлган эътибор ушбу соҳани жадал ривожлантириш учун асос бўлмоқда. Чунки мамлакатимизда 2011-2015 йилларга мўлжалланган туризмни ривожлантириш бўйича барча ҳудудлар кесимида манзилли тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Бунда ҳам асосий эътибор туризм хизматлари экспорт салоҳиятини оширишга қаратилди. Бу тадбир жойларда меҳмонхоналарни ташкил қилиш, туризм инфратузилмасини яхшилаш, замонавий транспорт воситаларини (автобус ва микроавтобусларни) харид қилиш каби муҳим ташкилий ишлар билан боғлиқдир. Булардан ҳам кўриниб турибдики, туризмни ривожлантиришга бўлган эътибор анча кучайтирилган ва у етарли даражада самарасини бериши тайин. Зеро, мамлакатимизнинг туристик салоҳияти бунга етарлидир.

Туристик хизматлар меҳмонхона хизматлари билан бирга пулли хизматлар таркибига киритилган ва булар ҳам истиқболда кўпайиш тенденциясига эга. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда хизматларни кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарори[171] қабул қилинган. Ушбу қарорда туризм ва меҳмонхона хизматларининг ҳам ўсиши кўзда

[171] "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил, 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарорининг 1-иловаси.

тутилган. Қарорда таъкидланишича, ушбу хизматларни 2011-2016 йилларда 2,3 мартага ошириш мўлжалланган. Агар йиллар бўйича кузатадиган бўлсак, ушбу хизматларнинг ҳар йили ўсиши белгилаб қўйилган. Масалан, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиши 116,1 %ни ташкил қилса, 2013 йилда – 116,6 %, 2014 йилда – 117,5 %, 2015 йилда - 118,9 %, 2016 йилда – 119,1 %ни ташкил қилиши кўзда тутилган.

Охирги йилларда ушбу соҳани тадқиқ қилиш масаласи устуворликни ташкил қилади. Жуда кўплаб монография ва ўқув адабиётлари яратилди. Уларда ушбу хизматларга турли қарашлар шаклланди. Уларни умумлаштириб, туристик хизматларнинг таърифини келтирмоқдамиз.

Туристик хизматлар дейилганда, туристик маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчилари (туристлар) билан уларни ишлаб чиқарувчилар (турфирмалар ва туристларга хизмат қилувчи бошқа субъектлар) ўртасида содир бўладиган туристик маҳсулотлар ва хизматларни истеъмол қилиш жараёнидаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади[172].

Мазкур таърифни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, туристик хизматлар дейилганда, туристик маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчилари албатта туристлар эканлиги эътироф этилган. Иккинчидан, туристик маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар сифатида турфирмалар ва туристларга хизмат қилувчи бошқа субъектлар қайд этилган. Учинчидан, улар ўртасида содир бўладиган туристик маҳсулотлар ва хизматларни истеъмол қилиш жараёни кўзда тутилган ва ниҳоят тўртинчидан, буларнинг ҳаммаси улар ўртасидаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи эканлиги ҳам ифода этилган. Шулардан ҳам кўриниб турибдики, туристик хизматларнинг мазмуни мазкур таърифда тўлиқ ўз ифодасини топган.

Туристик хизматлар ҳозирги тартиб бўйича пулли хизматлар таркибига киради. Мазкур хизматлар ўз ичига қуйидагиларни олади;

- аҳолининг йўловчи ташиш транспорти хизматларини, сайёҳ-

[172] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

лик-меҳмонхона мажмуи, сайёҳлик марказлари, меҳмонхона, сайёҳлик базалари, пансионат, кемпингларда яшаши ва овқатланишини ўз ичига олган сайёҳлик йўналишлар ҳамда экскурсия хизматлари йўлланмаси учун тўлайдиган ҳақи;

- бошқа вазирликларнинг ижарага олинган жойлашиш воситалари ва фуқароларнинг шахсий уй-жойларида яшаш;

- экскурсия, сайёҳлик-соғломлаштириш хизматлари;

- маданий - оммавий хизмат ва шу кабилар;

- юқоридаги корхона ва ташкилотлар томонидан сайёҳ ва экскурсантларга кўрсатиладиган, йўлланмалар қийматидан ортиқча ҳақ эвазига улар қўшимча тўлайдиган хизматлар;

- аҳолининг халқаро сайёҳлик йўналишлари ва хизматларга сайёҳлик-экскурсия йўлланмалар учун фирма, агентлик компанияларга йўлланма қиймати устига қўшимча тўлайдиган ҳақи;

- аҳолининг хорижга бориш учун виза, паспорт ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш учун тўлайдиган ҳақи[173].

Аммо бир қисм қуйидаги хизматлар сайёҳлик-экскурсия хизматларига кирмайди. Бундай хизматларга қуйидагилар киритилган:

- бошқа ташкилот (корхона)лар билан ўзаро ҳисоб-китоб бўйича сайёҳлик ва экскурсиялар борасида пул маблағларининг йиғиндиси;

- умум овқатланиш товар айланмаси таркибида ҳисобга олинадиган ресторан, қаҳвахона, ошхона, буфетларнинг экскурсант ва сайёҳлар, шунингдек, бошқаларга қўшимча хизмат кўрсатишидан келган тушумлари[174].

Сайёҳлик-экскурсия хизматларининг кўлами ва доираси кенгайиб бормоқда. Чунки одамларда сайёҳликка эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу бир қанча ҳаётий омиллар билан боғлиқ. Аҳоли моддий имкониятларининг ортиб бориши туфайли, улар узоқроқда дам олишни хоҳлаб қолмоқда, бир йилда бир марта эмас, икки-уч марта дам олмоқда. Кўпинча, табиат қўйнига чиқиб дам олиш эҳтиёжи ҳам одамларимизда ортиб бормоқда. Кўриниб турибдики, ушбу хизмат турлари келажакда анча кенгаяди ва улага бўлган эҳтиёжнинг ошиши туфайли, пулли хизматлар таркибида мазкур хизматларнинг ҳиссаси ҳам ортиб боради.

---

[173] *Ўша жойда. – 8.2-модда.*

[174] Ўша жойда. - 9-модда.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил таълим учун саволлар

1. Маданий хизматларнинг мазмуни ва таърифи
2. Маданий хизматларнинг турлари.
3. Маданий хизматларни ҳисобга олиш йўллари.
4. Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматлар таърифи.
5. Маиший хизматларнинг турлари.
6. Маиший хизматларни ҳисобга олиш тартиби.
7. Туристик хизматларнинг таърифи.
8. Сайёҳлик–экскурсия хизматлари турлари.
9. Сайёҳлик-туристик хизматларнинг мазмуни.
10. Сайёҳлик–экскурсия хизматларини ҳисобга олиш йўллари.

Калитли сўзлар

Маданий хизматлар, маданий хизматларнинг турлари, маиший хизматлар, маиший хизматларнинг турлари, туристик хизматлар, сайёҳлик–экскурсия хизматлари,

16-мавзу. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ (ТИББИЙ), САНАТОРИЯ-КУРОРТ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ, ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, МАЗМУНИ ҲАМДА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

РЕЖА:

1. **Соғлиқни сақлаш (тиббий) хизматлари, уларнинг турлари ва ҳисобга олиш йўллари.**
2. **Санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматларининг турлари, мазмуни ҳамда уларни ҳисобга олиш йўллари.**
3. **Жисмоний тарбия ва спорт хизматлари тушунчаси, таркиби, уларнинг мазмуни ва ҳисобга олиш йўллари**

*****

1. Соғлиқни сақлаш (тиббий) хизматлари, уларнинг турлари ва ҳисобга олиш йўллари[175]

Ижтимоий соҳанинг муҳим тармоқларидан бири соғлиқни сақлаш тизимидир. Чунки шу тармоқ таъсирида инсон капитали қайта тикланади, такрор ишлаб чиқилади ва ҳаёт даражаси кўтарилади. Шу туфайли ушбу соҳага мамлакатимиз раҳбарияти ва жамоатчилик томонидан катта аҳамият берилиб келинмоқда.

Ҳозирги шароитда соғлиқни сақлаш соҳаси ҳам бозор тамойилларига мослашиб, кўпмулкчилик асосида ривожланиб бормоқда. Унда тадбиркорликнинг янги шакли пайдо бўлмоқда. Бу ,ўз навбатида, соғлиқни сақлаш соҳасида давлатнинг монополистик ҳукумронлигига барҳам бериб, рақобат муҳити шаклланиб ва чуқурлашиб бормоқда.

Мазкур масаланинг назарий жиҳатларини таҳлил қилганда шунга эътиборни қаратиш керакки, ҳозирги шароитда "тиббий ёрдам" ва "тиббий хизмат" атамалари кўплаб учрайди. Ушбу тушунчалар бир хилми ёки ўзига хос хусусиятларга эгами? Ушбу саволга жавоб бериш учун уларнинг таърифига мурожат қилиш лозим.

Биринчи галда шуни таъкидлаш лозимки, "тиббий ёрдам" атамаси бевосита социал-ижтимоий категория бўлиб ҳисобланади. "Тиббий хизмат" атамаси эса бевосита иқтисодий категориядир.

"Тиббий ёрдам" ўз ичига ташхис (диагноз) қўйиш, профилак-

[175] *Мазкур параграф тадқиқотчи Қ.Собиров билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.*

тика қилиш, даволаш, тиклаш (реабилитация) каби жараёнларнинг касбий маҳоратни ишга солган ҳолда амалга ошириладиган жараёндир. "Тиббий хизмат" атамаси ўз ичига мижозларга тўлов асосида кўрсатиладиган тиббий хизматлардан иборат бўлади. Бунда ҳар бир тиббий хизмат маълум даражада нархланган ва ушбу нарх замирида барча харажатларни қоплаб фойда олиш кўзда тутилган бўлади. Шу туфайли ушбу атама иқтисодий категория бўлиб, тадбиркорликнинг бир шакли сифатида баҳоланади. Пулли тиббий хизмат деганда айнан шу жиҳатлар эътиборга олинади.

Энди ушбу тушунчаларнинг таърифларига эътиборни қаратамиз. **Тиббий ёрдам деганда, соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ташхис (диагноз) қўйиш, касалликларни профилактика қилиш, даволаш, тиклаш (реабилитация) каби жараёнларнинг касбий маҳоратни ишга солган ҳолда бепул амалга ошириладиган тиббиёт ходимлари меҳнат жараёни тушунилади**[176].

Ушбу таърифни назарий жиҳатдан қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Иккинчидан, тиббий ёрдам ташхис (диагноз) қўйиш, касалликларни профилактика қилиш, даволаш, тиклаш (реабилитация) каби жараёнларни ўз ичига олиши ҳам қайд этилган. Учинчидан, ушбу ишлар тиббиёт ходимларининг касбий маҳоратини ишга солган ҳолда бажарилиши лозимлиги ҳам кўрсатилган. Тўртинчидан, барча ишлар бепул амалга оширилиши ҳам алоҳида таъкидланган. Бешинчидан, бу ишларни тиббиёт ходимлари меҳнат эвазига амалга оширилиши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Энди тиббий хизмат атамасининг таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. **Тиббий хизмат дейилганда, мижозларга (беморларга) тўлов асосида кўрсатиладиган тиббий хизматларни (ташхис қўйиш, касалликларни профилактика қилиш, даволаш, тиклаш ишларини) маълум даражада нархланган ҳолда ва ушбу нарх замирида барча харажатларни қоплаб фойда олиш кўзда тутилган тиббий хизматларга асосланган тадбиркорлик фаолияти тушунилади**[177].

Ушбу таърифни асослаш учун соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизматнинг мавжудлигини эътироф этган ҳолда қуйидаги-

---

[176] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

[177] Мазкур таъриф ҳам тадқиқотлар натижасида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

ларни таъкидлаш жоиз. Биринчидан, мижозларга (беморларга) тиббий хизматларнинг кўрсатилиши кўзда тутилган. Иккинчидан, уларда тўлов асосида кўрсатиладиган тиббий хизматлар назарда тутилган. Учинчидан бу тиббий хизматларда бевосита ташхис қўйиш, касалликларни профилактика қилиш, даволаш, тиклаш ишларини амалга ошириш қамраб олиниши эътироф этилган. Тўртинчидан, ушбу тиббий хизматлар маълум даражада нархланган ҳолда бўлишлиги ҳам кўрсатилган. Бешинчидан, ушбу нарх замирида барча харажатларни қоплаб, фойда олиш кўзда тутилганлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Олтинчидан, ушбу тиббий хизматларни тадбиркорлик асосида амалга ошириш масаласи ҳам четда қолмаган. Шундай қилиб, мазкур таърифда тиббий хизматларнинг барча қирралари ўз аксини топганлигини қайд этиш лозим.

Соғлиқни сақлаш хизматларига соғлиқни сақлаш муассасалари ёки уларнинг барча даражадаги бўлинмалари, шунингдек, ихтисослашган тиббиёт бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар киради. Уларнинг таркиби қуйидагилардан иборат:

- тиш даволаш, физиотерапия, гомеопатия ("ўхшашни ўхшаши билан даволаш тизими") поликлиникалар, косметология шифохоналари, ясама тиш қўйиш бўлимлари ва хоналари, наркология амбулаториялари, ҳайдовчилик бўйича тиббий комиссиялари, дезинфекция станциялари, санитар-эпидемиологияга қарши ихтисослашган лаборатория ва бўлинмалар ҳамда бошқа муассасалар, шунингдек, юқорида кўрсатилган муассасаларнинг уқалаш, тиббий-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш бўйича мутахассислар тайёрлаш курслари томонидан турли тиббий ёрдам ва санитария хизматлари кўрсатиш учун корхоналардан нақд пулсиз ўтказилган, шунингдек, аҳолидан олинган суммалар киради.

Соғлиқни сақлаш хизматларига шунингдек, хусусий тартибда тиббиёт фаолияти билан шуғулланувчи (хусусий амалиёт кўрсатувчи врач, тиббиёт ҳамширалари ва шу кабилар) жисмоний шахсларга аҳоли томонидан тўланадиган маблағлар ҳам киради"[178].

Амалдаги тартиб бўйича, соғлиқни сақлаш хизматига қуйидагилар кирмайди:

- "бошқа хизматлар" гуруҳида ҳисобга олинадиган ветеринария хизматлари;

---

[178] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган. 11 - модда.

Касалхона ва бошқа даволаш муассасалари ходимларининг овқат учун тўлаган ҳақи[179]. Чунки бу хизматлар бошқа хизматлар таркибида ифодаланади. Масалан, мол дўхтири хизматларини олайлик. Бу хизматлар ветеринария хизматларига киради. Касалхона ва бошқа даволаш муассасалари ходимларининг овқат учун тўлаган ҳаки умумий овқатланиш корхоналари оборотида ўз аксини топади.

2. Санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматларининг турлари, мазмуни ҳамда уларни ҳисобга олиш йўллари[180]

Мамлакатимизнинг пулли хизматлари таркибида санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматлари ҳам тегишли ўринга эга бўлмоқда. Мамлакатимиздаги курортларнинг ҳозирги ҳолатидан кўриниб турибдики, юртимиз ҳудудларида жойлашган санаторияларда йил давомида бандлик даражаси жуда юқори. Мавсум пайтида эса жуда кўп талабгорлар йўлланма топмасдан қолмоқдалар. Демак, ушбу хизматларни ривожлантириш учун тегишли талаб етарли. Бу эса таклиф масаласига катта эътибор бериш ва тегишли имкониятга эга бўлган жойларда янги санаторияларни очиш ва фаолият кўрсатиб турганларига қўшимча биноларни қуриб ишга туширишни тақозо қилади.

Курортларни ташкил қилиш масаласи ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ҳал қилинади. Бунинг умумий йўриғи "Курорт иши (фаолияти)", деб юритилади. **"Курорт иши (фаолияти)" деганда, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ва тиклаш жараёнини табиий даволаш усуллари билан амалга ошириш йўлларини ташкиллаштириш, зарур ҳолларда бундай муассасаларни қуриш, ишга тушириш, бошқариш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганишга қаратилган тадбирлар мажмуи тушунилади[181].**

Ҳозирги шароитда тиббий фан сифатида шу соҳа мутахассисларини тайёрлаш учун **курортология** фани ўқитилади. Аммо бизда курортларни ташкил қилиш ва бошқариш йўналишида мутахассислар тайёрланмайди ва мос равишда бундай фан кам ўқитилади. **Курортология фани табиий-иқлим ва минералларнинг инсон**

---

[179] Ўша жойда – 11.2.- модда.

[180] Мазкур параграф тадқиқотчи Собиржон Жабборов билан ҳаммуаллифликда тайёрланди.

[181] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

организмига таъсирини, уларнинг даволовчи хусусиятларини ўрганадиган тиббий фан тармоғи бўлиб ҳисобланади[182].

Курортология фани қуйидагиларни ўз ичига олади.

Больнеология – сувнинг одам организмига таъсирини ўрганадиган фан. Бундан келиб чиққан ҳолда больнеотерапия шаклланган. **Больнеотерапия** - минерал сувларни даволаш мақсадида қўллаш усулларини ўрганади.

Климатология – иқлим ҳақидаги фан бўлиб, иқлимнинг одам организмига таъсирини ўрганади. Бунинг натижасида климототерапия вужудга келган. **Климототерапия** – иқлим билан одамларни даволаш ва соғломлаштириш мақсадида фойдаланиш йўллари билан шуғулланади.

Диеталогия – овқатланишнинг одам организмига таъсирини ўрганадиган фан сифатида шаклланган. Ушбу фан замирида диетотерапия вужудга келган. **Диетотерапия** – овқатланиш орқали одамларни даволаш усуллари билан шуғулланади.

Кинезитерапия – инсон организмини ҳаракат билан даволаш усулларини ўрганадиган фан. Унинг замирида жисмоний маданият вужудга келган.

Жисмоний маданият – ҳаракат билан фаол дам олишни ва жисмоний маданият орқали даволаш йўлларини ўрганадиган усуллар мажмуи билан шуғулланадиган фан.

Аэрология – инсон организмига ҳавонинг таъсирини ўрганишга қаратилган фан. Унинг замирида аэротерапия вужудга келган.

Аэротерапия – даволаш ва соғломлаштириш мақсадида ҳавонинг таъсиридан фойдаланиш йўлларини ўрганади.

Гелиология – одам организмига қуёш таъсирини ўрганадиган фан. Ушбу фан замирида гелиотерапия вужудга келган.

Гелиотерапия – даволаш ва соғломлаштириш мақсадида қуёш нурининг таъсиридан фойдаланиш йўлларини ўрганади.

Талассология - одам организмига денгиз суви ва ҳавосининг таъсирини ўрганадиган фан. Ушбу фан замирида талассотерапия вужудга келган.

Талассотерапия – соғломлаштириш мақсадида денгизда чўмилиш, иқлимидан ва қуёш ваннасидан фойдаланишни омухта ҳолда қўшиб ишлатиш йўлларини ўрганади.

---

[182] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Физиотерапия - одам организмини турли сунъий таъсирлар (юқори частотали электр қуватини бериш, оғриқ қолдириш учун минералларни электр токи билан организмга сингдириш кабилар) билан даволаш йўлларини ўрганадиган ва амалга оширадиган усул (фан).

Энди санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматига таъриф бериш мумкин. **Санатория-курорт хизмати дейилганда, курорт жойларида жойлашган субъектлар (санатория, профилактория кабилар) томонидан кўрсатиладиган дам олувчиларни жойлаштириш, овқатлантирш, даволаш ва дам олиш ишларини ташкил қилишга қаратилган хизматлар тизими тушунилади**[183]**.**

Мазкур таърифни назарий жиҳатдан асослаш учун қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Биринчидан, санатория-курорт хизматининг курорт жойларида жойлашган субъектлар (санатория, профилактория кабилар) томонидан кўрсатилиши эътироф этилган. Иккинчидан, ушбу хизматлар дам олувчиларни жойлаштириш, овқатлантириш, даволаш ва дам олиш ишларини ташкил қилишга қаратилганлиги ҳам унинг мазмунини тўлиқ ифода этади, деб ўйлаймиз. Учинчидан, дам олувчиларга битта ёки бир гуруҳ хизматларни эмас, балки хизматлар тизимини кўрсатиш лозимлиги ҳам уқтирилган.

Бундан ташқари санатория-курорт ёрдами ҳам бор. **Санатория курорт ёрдами дейилганда, жамиятдаги алоҳида категориядаги одамларни давлат ҳисобидан санаторияларда дам олдириш, *даволаш ва соғломлаштириш хизматлари тушунилади.*** Бундай тоифадаги одамларга иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уларга тенглаштирилган фуқаролар, пенсионерлар, кам таъминланган оила аъзолари кабилар киради.

Санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматига қуйидагилар киради:

- аҳоли (болалар лагерларига йўлланмаларни қўшган ҳолда) шу муассасаларга йўлланма учун тўлайдиган ҳақ. Бу даволаш ва дам олиш муассасалари қайси корхона баланси ёки ихтиёрида бўлса, шу корхона жойлашган ерда ҳисобга олинади;

- дам олувчиларнинг йўлланма қийматига кирмайдиган қўшимча хизматлар учун тўлайдиган ҳақ миқдори; тиш (ясама тиш), косметология, уқалаш ва бошқа даволаш хоналари, дам олувчининг

[183] Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

хоҳишига кўра хонасига қўшимча қулайликлар яратувчи телевизор, совуткич ва бошқа анжомлар билан таъминлаш. Бу хизматлар санатория-курорт ва соғломлаштирувчи муассасалар жойлашган ерда ҳисобга олинади[184].

Эътироф этиш керакки, айрим хизматлар санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматларига киритилмайди. Бундай хизматларга:

- дам олиш жойларига йўлланмасиз келувчиларга хусусий уйларда (уй эгалари билан келишув асосида) турар-жой топиб бериш хизмати, бу хизматлар уй-жой хизмати таркибида кўрсатилади;

- санатория - курорт ва соғломлаштириш муссасалари ходимларининг овқатланиши учун тўланадиган ҳақ миқдори;

- корхоналарнинг санатория-курорт ва соғломлаштириш муассасаларини эгаларча сақлаш маблағи миқдори[185]. Бундай хизмат турлари учун ҳақ олинади. Аммо бу суммалар тегишли равишда бошқа йўналишларда ифодаланади. Масалан, санатория-курорт ва соғломлаштириш муссасалари ходимларининг овқатланиши учун тўланадиган ҳақ миқдори умумий овқатланиш корхоналари оборотида ифодаланади. Яна бир сумма, яъни корхоналарнинг санатория-курорт ва соғломлаштириш муассасаларини эгаларча сақлаш маблағи миқдори сақлаш харажатларида ўз ифодасини топади. Кўриниб турибдики, пулли хизматларни ҳисобга олиш масаласи ҳам ҳисобчи ходимлардан малака ва синчиковликни, профессионал билимни талаб этади. Ҳозирги кадрлар айнан шундай талабларга жавоб беришлари лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда йирик курортлар ва курорт хўжаликлари ташкил қилинган. Бу ҳам ўз ичига бир қанча курорт билан боғлиқ субъектларни қамраб олади. Буни англаш учун уларнинг таърифига аҳамият бериш керак. **Курорт дейилганда, табиий даволовчи минералларга, сув ва бошқа даволовчи ресурсларга бой ҳудудларни одамларни даволаш мақсадида ўзлаштириб, тегишли санатория бинолари, иншоотлар ва инфратузилма объектлари барпо қилинган комплекс тушунилади.** Бундай иншоотлар дуч келган жойда эмас, балки илмий

---

[184] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган. 12 - модда.

[185] Ўша жойда – 12.2. - модда.

жиҳатдан одамларни даволаш мумкинлиги асосланган табиий даволаш ресурсларига бой жойларда барпо қилинади ва улар маълум бир давлат ёки нодавлат органи қарамоғида бўлиши лозим. Ҳозирги пайтда хусусий курортлар ҳам пайдо бўлмоқда. Улар ҳам тегишли тиббий назорат остида бўлиши ва профессионал даволовчи тиббий ходимларнинг фаолият кўрсатишини тақозо қилади.

Курортлар билан бирга, таъкидланганидек, курорт хўжаликлари ҳам пайдо бўлди. Бу ҳам ўзига хос тушунчага эга. **Курорт хўжалиги деганда, одамларни даволаш, соғломлаштириш ва дам олдириш мақсадида санатория-курорт хизматларини кўрсатишга қаратилган субъектлар мажмуи тушунилади.** Бундай субъектларга санаториялар, даволовчи пансионатлар, курорт қошидаги поликлиникалар, минерал сувлар галереяси, пляж, сауна, аквопарклар, манзаравий боғлар кабилар киради.

3. Жисмоний тарбия ва спорт хизматлари тушунчаси, таркиби, уларнинг мазмуни ва ҳисобга олиш йўллари

Жисмоний тарбия ва спорт хизмати инсон камолоти учун катта аҳамиятга эга. Шу туфайли ушбу масалага мамлакатимизда катта аҳамият берилиб келинмоқда. Ёшларда спортга кўникма ҳосил қилиш ва уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан "Болалар спорти жамғармаси" ташкил қилинди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида спорт майдончалари қурилиб ишга туширилди. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, спорт билан шуғулланиш учун тегишли шароитлар яратилди ва бу жараён муттасил давом этмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт хизматлари, дейилганда одамлар соғлигини мустаҳкамлашга, жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама баркамол бўлишга, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, фаол дам олишга қаратилган хизматларни амалга оширишга сарфланган меҳнатлар мажмуи тушунилади[186].

Ушбу таърифни асослаш учун жисмоний тарбия ва спорт хизматларининг мазмунидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан ушбу хизматлар одамлар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, иккинчидан, жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама баркамол бўлишга йўналтирилган хизматлардан иборатдир. Энг

[186] *Мазкур таъриф муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.*

муҳими, учинчидан, мазкур хизматларни ташкил қилиш орқали бу ҳаракат одамларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ва уларнинг фаол дам олишини таъминлашга қаратилган бўлади. Тўртинчидан, мазкур хизматларни амалга ошириш ҳам бевосита ходимлар, инсонлар томонидан сарфланган меҳнат орқали бўлади. Шу туфайли улар меҳнатининг мажмуи ҳам ушбу таърифда ўз ифодасини топган. Шундай қилиб мазкур таъриф ушбу ўрганилаётган хизмат турининг мазмунини тўлиқ ифода этади, деб ўйлаймиз.

Жисмоний тарбия ва спорт хизматига қуйидагилар киради;

- аҳолининг спорт иншооти биноларида ўтказиладиган спорт мусобақалари, байрамлар, спорт-томоша тадбирлари, муддати аниқ кўрсатилган жадвалий ва мусобақавий (матчевый) учрашувларга кириш чипталари, спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ва командаларда соғломлаштиришга йўналтириш, умум жисмоний тайёргарлик, саломатликни чиниқтириш, сузиш, соғломлаштирадиган чопиш ва югуриш, ритмик ҳамда даволаш гимнастикаси, чанғида юриш ва шу каби мактаб, клубларда машғулотларда қатнашиш учун абонемент ва бир марталик чипталарга тўлайдиган ҳақи;

- спорт маҳоратини ошириш ва жисмоний чиниқтиришга ўқитиш, пулли гуруҳларда ишлаш ниятидаги жисмоний тарбия ва спорт йўриқчиларини тайёрлаш учун ҳақ миқдори;

- аҳолининг спорт-техник асбоб-ускуна, анжом, жиҳозлар, тренажер, кийимлардан фойдаланганлик ва спорт иншооти, биноларига кирувчиларга бошқа хизматлар (ҳаммом, сауна, болаларга қараб туриш, кийимларни тартибга келтириш, уқалаш, физиотерапия ҳамда иссиқ сув муолажаси тадбирлари ва ҳоказолар)дан фойдаланганлик учун тўлаган ҳақи[187].

Ҳозирги пайтда жисмоний тарбия ва спорт хизматларининг кўлами кенгайиб бормоқда. Бундай хизматларни амалга оширадиган турли мулк шаклидаги муассасалар пайдо бўлиб, улар ўртасида тадбиркорлик ва рақобат муҳитлари шаклланиб ва чуқурлашиб бормоқда. Келгусида бундай хизматларга эҳтиёж йилдан-йилга ошиб боради. Бу эса мос равишда уларнинг кўламини янада кенгайтириш учун имконият туғдиради.

Энг муҳими, мазкур хизматларнинг ривожланиши аҳоли ўрта-

---

[187] "Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси" // "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган. 10 - модда.

сида соғлом турмуш тарзининг ривожланаётганлигидан, уларнинг фаол дам олишга бўлган эҳтиёжларининг пайдо бўлаётганлигидан, яшаш сифатининг ошаётганлигидан далолат беради. Бу масалалар давлатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг пировард мақсадини ташкил қилади.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил таълим учун саволлар

1. Соғлиқни сақлаш (тиббий) хизматларининг мазмуни ва таърифи.
2. Соғлиқни сақлаш хизматларининг турлари.
3. Соғлиқни сақлаш хизматларини ҳисобга олиш йўллари.
4. Санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматларининг мазмуни ва таърифи.
5. Санатория-курорт хизматларининг турлари.
6. Санотория-курорт хизматларини ҳисобга олиш йўллари.
7. Жисмоний маданият хизматларининг мазмуни ва таърифи.
8. Жисмоний тарбия хизматларининг мазмуни ва таърифи.
9. Спорт хизматлари тушунчасининг таърифи ва мазмуни.
10. Жисмоний маданият ва спорт хизматларининг таркиби.
11. Жисмоний маданият ва спорт хизматларини ҳисобга олиш йўли.
12. Курортология фанининг мазмуни.
13. Больнеологиянинг таърифи.
14. Климатологиянинг таърифи.
15. Диеталогиянинг таърифи.
16. Кинезитерапиянинг таърифи.
17. Аэрологиянинг таърифи.
18. Гелиологиянинг таърифи.
19. Талассологиянинг таърифи.
20. Физиотерапиянинг таърифи.

Калитли сўзлар

Тиббий ёрдам, тиббий хизмат, курорт иши (фаолияти), санатория-курорт хизмати, санатория-курорт ёрдами, курорт, курорт хўжалиги, жисмоний маданият, жисмоний тарбия, спорт, спорт хизматлари, курортология фани, больнеология, климатология, диеталогия, кинезитерапия, аэрология, гелиология, талассология, физиотерапия.

17-мавзу. АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ, ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ

РЕЖА:

1. Агросервиснинг моҳияти ва уни республикада ривожлантиришнинг зарурияти.

2. Аграр тармоқда агросервис тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

3. Агросервисни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси ва улардан республикада фойдаланишнинг асосий йўналишлари.

1. Агросервиснинг моҳияти ва уни республикада ривожлантиришнинг зарурияти

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳар бир йўналишида қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини ривожлантириш билан бирга фермер ва деҳкон хўжаликларига хизмат курсатувчи агросервис тузилмаларини янада шакллантириш ва тараққий эттириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Чунки, қишлоқ жойларида агросервис тизимини шакллантириш ва ривожлантириш қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига маҳсулот етиштириш ва ташиш харажатларини камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжаликларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳам бевосита, ҳам билвосита қўшимча имкониятлар яратиши билан ҳам алоҳида диққатга сазовор масала эканлигини эътироф этиш ўринлидир. Бундан ташқари, агросервис субъектларини кўпайтириш ва ривожлантириш қишлоқда аҳолининг бир қисмини қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлмаган меҳнат фаолиятига жалб қилиш йўлларини очиб бериши туфайли ҳам аграр ислоҳотларнинг ижтимоий кескинлигини пасайтириш имконини беради.

Алоҳида эътироф этиш ўринлики, агросервис хизматларини амалга ошириш нафакат кишлок хўжалиги ишлаб чикарилишини баркарор ривожланишини таъминлайди, балки хизмат кўрсатувчи агросервис субъектларининг сервис хизматларидан оладиган даромадини кўпайиб боришини хам такозо этади. Шундай экан, қишлоқ хўжалигида агросервис алоҳида олинган соҳа сифатида унинг иқтисодиётини ўрганишни такозо этади. Таъкидлаш жоизки, агро-

сервис иқтисодиёти агросервисни алоҳида олинган соҳа сифатида унинг мазмун - моҳиятини, ундаги иқтисодий муносабатларни, иқтисодий қонунларни харакат килиш механизмини хамда аниқ шароитда улардан фойдаланиш йўлларини очиб беради. Бундан ташкари, соҳага оид иқтисодий материалларни ўрганишда иқтисодий тадқикотларнинг турли усулларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлинади. Жумладан,иқтисодий билишнинг монографик, иқтисодий-статистик, таққослаш, анализ, синтез, индукция, дедукция, иқтисодий-математик ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларнинг хаммаси агросервис буйича алоҳида олинган соҳа иқтисодиёти сифатида чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Кишилик жамиятининг ҳар бир соҳа ва жабҳасида, жумладан иқтисодий тизимида, содир бўладиган янги воқелик ва ҳодисалар жараёнларини илғаш ва амалий жиҳатдан ривожлантириш учун уларнинг илмий-назарий асосларини, мазмун ва моҳиятини ҳамда тараққиётнинг кейинги боскичларига қай даражада (ижобий ёки салбий) таъсир кўрсатишини тадқиқ этиш ва башорат қилиш энг муҳим муаммолардан бири эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шу нуқтаи назардан агросервис хизмати соҳасининг ҳам назарий-методологик асослари тадқиқ қилиниб тўлиқ очиб берилмас экан, уни ривожлантириш масаласида субъектив ёндашувлар, назарий жиҳатдан асосланмаган хулосаларнинг бўлиши табиий. Шу жиҳатдан ушбу соҳа билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш, уларнинг мажмуавий ечимларини топиш ва амалиётга самарали жорий этиш бугунги куннинг, айниқса, истиқболдаги стратегик аҳамиятга эга ўта долзарб масалалардан бири сифатида қаролмоғи лозимдир. Ушбу масаланинг илмий-амалий моҳиятини очиб бериш учун айнан шу йўналишга бағишланган тадқиқот ишларини танқидий ва ижодий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Муаллифлар томонидан асослаб берилган илмий-амалий хулосаларга биноан давлат ва жамият, шунингдек, ҳар бир юридик ва жисмоний шахснинг моддий-маънавий эҳтиёжларини қондиришда сервис ва хизмат кўрсатиш тизимининг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва кишилик жамияти тараққиётининг ўзаги ва ажралмас қисми эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Айниқса, республикамизда хизмат кўрсатиш тармоқлари ва сервис

соҳасини ривожлантиришга мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан катта эътибор берилмоқда. Бу борада республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «ўтган йили хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13,4 % ўсишга эришилди... замонавий банк хизматлари, лизинг, суғурта, аудит, инжинирнинг ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз»[188].

Аммо, шуни ҳам эътироф этиш керакки, хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги ўрнини аниқлаш учун ундаги меҳнатнинг характерини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, бир тўхтамга келиб олиш лозимдир. Агар, ушбу соҳа моддий ишлаб чиқариш соҳасига киритиладиган бўлса, ундаги меҳнатнинг характери қандай баҳоланиши ёки ноишлаб чиқариш соҳасига киритиладиган бўлса, бозор муносабатлари шароитида меҳнатнинг характери қандай бўлиши ҳам муҳим назарий муаммолардан биридир.

Умуман, юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчалари, бизнинг фикримизча, иқтисодий моҳияти жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган тушунчалардир. Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, фалсафий ёндашиш нуқтаи назаридан ушбу тушунчаларга алоҳидалик, ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик, уйғунлик ва таъсир этиш тамойиллари доирасида уларнинг ҳар бирига мос таъриф бериш илмий-назарий ва услубий жиҳатдан асосланган бўлиб ҳисобланади.

Сервис хизмат кўрсатишнинг муҳим тури сифатида ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб республикада олиб борилаётган илмий-тадқиқот изланишлари ва амалиётда ўзига хос хусусиятларга эга агросервис хизматлари ҳамда тузилмаларини ташкил қилиш ва ривожлантириш борасидаги муаммолар ўрганила бошланди. Шунингдек, агросервис қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнидаги ташкилий-иқтисодий тизимнинг зарурий ажралмас таркибий қисми эканлиги ҳам илмий-назарий, ҳам услубий-амалий жиҳатдан ҳақли равишда чуқур асослаб берилди.

Аграр соҳадаги сервис хизматлари кўрсатиш тузилмаларининг шаклланиш ва ривожланиш назариясини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, агросервис тушунчаси атрофида кўплаб аграр иқтисодчи олимлар томонидан турлича ёндашувлар мавжуддир.

---

[188] И.Каримов. *Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади* // "Ishonch" газетаси, 2011 йил 22 январь.

Бинобарин, бизнинг фикримизча, агросервис хизматларини ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Агросервис корхоналари ўзларининг аксарият хизматлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади ва бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига таъсир кўрсатади. Мисол учун, ерларни ҳайдаш, ғаллани ўриш, экинлар орасига ишлов бериш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, ҳашорат ва бегона ўтларга қарши курашиш каби бошқа кўплаб хизматлар бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, улар билан боғлиқ сарф-харажатлар маҳсулот таннархига киритилади.

Бизнингча, агросервис субъектлари томонидан кўрсатиладиган ҳар хил турдаги хизматлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, хусусан, фермер хўжаликларининг иқтисодий фаолиятини ташкил этиш, уни барқарор ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам агросервис агросаноат мажмуидаги ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосини ташкил этади.

Агросервис тизими қишлоқ хўжалик корхоналарига маҳсулотни етиштиришдан ташқари, етиштирилган маҳсулотни тайёрлаш, қуритиш, сақлаш ва жойлаштириш, ташиш ҳамда бошқа хизмат турларини кўрсатувчи ва уларнинг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи корхоналар мажмуасини ташкил этади. Агросервис таркибий тузилмаларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ моддий-техника таъминоти, транспорт хизматлари, алоқа хизмати, уруғлик билан таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган объектлар, агрокимё хизмати, мелиорация хизмати, ветеринария ва наслчилик хизмати, ем-хашак таъминоти хизматлари ва бошқалар киради.

Демак, агросервис хизматлари бу бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳа тизимида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, шу жараёнда замонавий техника ва технологияларга асосланган ҳолда истеъмолчилар талаб ва таклифларини ўзаро уйғунликда шакллантирувчи ҳамда уни амалга ошириш даврида даромад келтиришга йўналтирилган мақсадга мувофиқ фаолиятлар мажмуидир.

Бозор муносабатлари шароитида агросервис хизматлари иқтисодий категория сифатида ўзининг бир қатор хусусиятларига эга ва улар, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

– қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликларини фақатгина ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишларига имкон беради ва сервис хизмати кўрсатиш вазифаларидан озод этади;

– агросервис субъектлари бевосита моддий неъматлар яратмасада, аммо улар фаолиятини ривожлантиришга маблағ сарфлаган субъектларга ҳам, улар хизматидан фойдаланган хўжаликларига ҳам қўшимча даромад олиш имконини яратади;

– қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширади, меҳнат тақсимотини мақбуллаштириб, қишлоқ аҳолисини иш билан бандлик муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, агросервис субъектлари хизматлари бу бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар талаб ва таклифи асосида шаклланувчи ҳамда уни амалга оширувчи субъектлар томонидан қишлоқ хўжалиги тармоғининг мажмуавий характердаги хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондирувчи, замонавий техника ва технологияларга асосланган даромад келтирувчи мақсадга мувофиқ фаолиятдан иборатдир. Шу сабабдан ҳам агросервис хизматларини оқилона ташкил қилиш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ошириш масалаларини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни агросервис хизматисиз амалга ошириб бўлмайди. Жумладан, техник хизмат кўрсатиш корхоналари, ЁММ ва минерал ўғит шохобчаларининг ишлаб чиқариш объектларига қулай жойлашуви ҳамда агросервис корхоналари билан тўлиқ таъминланганлиги улар хизматидан фойдаланаётган қишлоқ хўжалик корхоналари учун қулай ва мақбул шароит яратиб беради. Ўз навбатида агросервиснинг шаклланиши қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш шартшароитларини таъминловчи тармоқларни ривожлантириш ҳамда меҳнат тақсимотини янада чуқурлаштириш жараёнлари билан боғлиқдир. Агросервис қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги иқтисодий муносабатларнинг инъикоси ҳисобланади ва шунинг учун ҳам агросервисни бозор талабларига мос такомиллаштириб бормасдан

туриб аграр тармоқ самарадорлигини ошириш ва уни барқарор ривожлантиришга эришиб бўлмайди.

Бугунги кунда республикамизда алоҳида агросервис хизматлари бозори шаклланган бўлиб, у мазмун-моҳияти бўйича бошқа бозорлардан кам фарқ қилади ва бозор муносабатларининг барча умумий жиҳатларига эга ҳисобланади. Шу билан бирга, агросервис қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бошқа барча иқтисодий-ижтимоий жараёнларни ҳам қамраб олади. Яъни, турли хил хизмат кўрсатиш (молиявий, ташкилий, ҳуқуқий, техник, ахборот, экологик ва бошқа) фаолияти билан шуғулланади ва ишлаб чиқаришнинг пировард натижасига билвосита ўз таъсирини кўрсатади. Демак, юқорида илмий-назарий жиҳатдан асослаб берганимиздек, агросервис қишлоқ хўжалиги тармоғи хусусиятлари ва талабларига мос кўрсатиладиган барча йўналишдаги хизматларни ўз ичига олади ва уларни ўзаро уйғунликда ифода этади.

2. Аграр тармоқда агросервис тизимининг ўзига хос хусусиятлари

Бозор муносабатлари шароитида агросервис хизматларини ташкил этиш қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчилар талабларидан келиб чиқиб амалга оширишни тақозо этади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатувчи агросервис тизимини ривожлантириш ва улар фаолиятини такомиллаштиришнинг объектив зарурияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

– хўжалик юритишнинг турли шаклидаги субъектлар - фермер ва деҳқон хўжаликлари сони ва уларга бириктирилган ер майдонлари ўлчамларининг оптималлашуви;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларнинг асосий қисми, яъни фермер ва деҳқон хўжаликларида молиявий ресурсларнинг етишмаслик муаммоларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг иқтисодий жиҳатдан нобарқарорлиги сабабли ҳар бирида барча турдаги хизматларни ташкил қилиш ва сифатли бажариш имкониятининг чекланганлиги;

– қишлоқ хўжалик корхоналаридаги мавжуд техникалар, машина ва механизмлар юкламаларининг бугунги тармоқни модернизациялаш талабларига мос эмаслиги ва бунда товар ишлаб чиқарувчилар имкониятларининг ҳисобга олинмаганлиги;

– сифатли ва ўз вақтида агросервис хизматларини кўрсатиш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишга эришиш мумкинлиги;

– бугунги бозор муносабатларига мос равишда хўжалик юритувчи субъектларда сифатли, кафолатли ва арзон хизмат кўрсатувчи агросервис хизматларига бўлган талабнинг ортиши;

– қишлоқда ортиқча иш кучининг агросервис хизматларини амалга оширувчи субъектлар (турли мулкчилик шаклларидаги) фаолиятига жалб этилиши ва х.к.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, агросервисни ривожлантиришга аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналиши сифатида республика Президенти ва ҳукумати томонидан ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги ўз маърузасида «Фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш зарур»[189] лигини таъкидлаб ўтганлигини эътироф этиш лозим.

Ҳозирги кунда Республикамиз Президенти ва ҳукуматининг аграр тармоқда агросервисни ташкил этиш ва ривожлантиришга кенг йўл очиб берадиган махсус ҳуқуқий-меъёрий ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлигини қайд этиш ўринлидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида»ги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли, 2004 йил 24 декабрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 607-сонли қарорларида ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи, уларни моддий-техника ресурслари билан таъминловчи агросервис корхоналарини ташкил этиш ва ривожлантириш белгилаб берилган. Бугунги кунда бу чора-тадбирларнинг асосий мақсади янги ташкил этилган ва фаолият юритиб келаётган фермер хўжаликларига маҳсулот ишлаб чиқариш

---

[189] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатизни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 84-85.

учун зарур бўлган барча турдаги ресурсларни етказиб бериш ва турли хил хизматларни кўрсатиш шароитини яхшилашга қаратилди.

Айниқса, мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги Фармонига кўра "фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, фермерларнинг ер сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларни ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш ҳисобида механизациялаш даражаси ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантириш[190] га алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325–сонли « Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640–сонли «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларининг қабул қилиниши натижасида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражасини янада оширишга эришилмоқда, турли тармоқ ва соҳаларга, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли бандлиги, биринчи навбатида, қишлоқ жойларида бандлик масалаларини ҳал этишга эришилмоқда.

Бу борада Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала – бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат»[191] лиги иқтисодиётимизнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги муҳим вазифалардан биридир.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг бир қатор ижобий натижасини бераётган бўлсада, аммо, тадқиқотлар натижалари ва амалиёт тажрибалари ҳукумат қарорлари асосида агросервис шохобчаларини ташкил этиш ва ривожлантириш масаласига янада

---

[190] "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Ўз. Р. Президентининг Фармони // *Ўзбекистон овози, 2012 йил 22 октябр.*

[191] Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Овози, 2012 йил 21 январь.

чуқурроқ ёндашиш лозимлигини кўрсатмоқда. Яъни, қарор асосида белгиланган агросервис шохобчаларининг айримлари ташкил қилинмасдан қолмоқда. Бунга бир қатор омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда, жумладан, мавжуд моддий-техника базасининг ўта заифлиги, айрим турдаги шохобчаларни ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги ва бошқалар.

Шунингдек, ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш учун агросервис объектларининг ўзларида эркин молиявий маблағларининг етишмаслиги, солиқ тизимида рағбатлантирувчи механизмларнинг етарли даражада жорий этилмаётганлиги, банкдан кредит олишдаги қийинчиликлар қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, агросервис хизматлари корхоналарини ташкил этиш асосида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга жиддий таъсир қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш турлари бўйича талаб ва таклиф мувозанатининг нобарқарорлиги, шунингдек, агросервис субъектларини ташкил этишда етарли даражада ижтимоий-демографик, ишлаб чиқариш ва иқтисодий омилларнинг етарли даражада ҳисобга олинмаганлиги аграр секторда бозор иқтисодиётини ривожлантириш жараёнига салбий таъсир этаётганини ҳам тан олиш лозим. Бугунги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароити талаблари асосида агросервис хизмат кўрсатиш тизими хусусиятларини қуйидагича тизимлаштириш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, аграр тармоқда агросервисни ташкил этишнинг асосий шартларидан бири ушбу тизим объектларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга яқин бўлган масофада ва улар хизматидан фойдаланишга қулай шарт-шароитларни яратган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг талабларидан келиб чиқиб жойлаштириш ва ташкил этиш ҳисобланади. Бу масалага ҳам жойларда жиддий эътибор қаратилмаётганлиги натижасида хизматларга бўлган талабнинг ошиши ва уларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишига салбий таъсир қилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлик хусусияти ўз-ўзидан агросервис корхоналарини ҳам мавсумийлик асосида фаолият юритишини тақозо этади. Шунинг учун агросервис корхоналарини ташкил этиш жараёнида қишлоқ хўжалигининг мавсумийлик характери етарли даражада ҳисобга олиниши

ва ҳар бир мавсумда (ерларни экишга тайёрлаш, экинларни экиш, вегетация, етиштирилган ҳосилни йиғиб олиш ва бошқалар) агросервис хизматларига бўлган талаб тўлиқ таъминланиши лозим. (17.1-расм).



17.1-расм. **Қишлоқ хўжалигида агросервис хизмат кўрсатиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари[192].**

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида агросервисни шакллантириш ва ривожлантиришга 17.2-расмда акс эттирилган гурухий омиллар таъсирини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга *олиш юқори иқтисодий самара беради.* Таъкидлаш жоизки, агросервиснинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш бу тизимнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ривожлантиришдаги ўрни ва моҳиятини янада аниқлаштиришга ёрдам беради.

[192] Манба: Муаллифларнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.



17.2- расм. **Агросервисни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар тизими[193].**

Бугунги кунда аграр тармоқда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш натижасида тармоқда хизмат кўрсатиш турларининг кўпайиши кузатилмоқда. Бу эса уларни таснифлашнинг мавжуд тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Мамлакатимизнинг бир қатор аграр иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига

[193] Муаллифнинг илмий тад и отлари асосида тузилган.

хизмат кўрсатувчи агросервис субъектлари уч гуруҳга ажратилган.[194]

Биринчи гуруҳга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига агросервис хизмати кўрсатувчи субъектлар, иккинчи гуруҳга ижтимоий сервис субъектлари, учинчи гуруҳга қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилма субъектлари киритилган. Бизнингча, агросервис субъектларини бу каби қатъий чегаралаб уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ эмас. Мазкур олимларнинг илмий қарашларини инкор этмаган ҳолда агросервис субъектлари ўз хизматлари билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ёки билвосита қатнашишларини инобатга олиш жуда муҳим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, ҳар бир хизмат кўрсатиш тури қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзига хос ўринга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳар бирини тармоқ фаолияти ихтисосликларидан келиб чиқиб алоҳида турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатувчи агросервис корхоналари таркибини, фикримизча, қуйидагича тизимлаштириш лозим.

Ушбу расмда акс эттирилган агросервис таркибига кирувчи корхоналар хизматларига қишлоқ хўжалик товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар томонидан талаб ошиб бормоқда. Ўз-ўзидан агросервис хизматларига бўлган талаб асосида таклиф ва рақобат шаклланади. Агросервис таркибидаги корхоналарнинг кўпайиши рақобат муҳитини вужудга келтиради, улар сонининг кам бўлиши эса хизматлар бозорида монополиянинг кучайишига олиб келади. Бизнингча, бугунги бозор муносабатларини ривожлантириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида агросервис хизмати ҳам тўлиғича эркинлаштирилиши ва бунда хусусий сектор салмоғини оширишга эришиш ва агросервис корхоналарининг ноанъанавий турларини устувор ривожлантириш зарур.

Умуман олганда, агросервис корхоналарини кўпайтириш ва улар фаолиятини такомиллаштириш натижасида қуйидагилар амалга оширилади:

---

[194] Хушматов Н.С. Қишлоқ хўжалигида инфратузилма объектларини ривожлантиришнинг асосий муаммо ва ечимлари // Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида қишлоқларда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: Илмий- амалий конференция. – Т.: 2007. – Б. 9-16.; Абдуғаниев А.А. ва бошқалар. Давлатнинг аграр сиёсати. – Т.: Академия, 2006. - 200 б.

- биринчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчилар сони ортади ва улардаги хизматлар сифати яхшиланади, хўжаликларнинг хизмат турларига бўлган талаби қондирилади;

- иккинчидан, сервис хизматини кўрсатиш тизимида рақобат муҳити яратилади, натижада хизматлар сифати яхшиланади ва баҳоси арзонлашади;

- учинчидан, қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланади;

- тўртинчидан, агросервис корхоналарини шакллантириш ва ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишнинг қўшимча манбалари юзага келади;

- бешинчидан, хорижий инновациялар, янги техника ва технологиялар киритиш имкони яратилади. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва тармоқни барқарор ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, қишлоқда агросервис хизматларини янада ривожлантириш мақсадида уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш учун етарли шароит яратилиши, яъни уларга лизинг асосида техника бериш, банклардан имтиёзли шартлар асосида кредит олиш механизмларини соддалаштириш, агрофирмаларга етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган махсус омборларни қуриш ва уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиб берилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, агросервис тузилмалари учун малакали ишчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш жараёни учун тегишли илмий-услубий таъминотни янада такомиллаштириш лозим. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ҳолатини мунтазам баҳолаб бориш ва уларнинг амалиётда самарали ишлатилиши устидан мониторинг ўрнатилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (айниқса, давлат эҳтиёжлари учун) етиштирувчиларига моддий-техник ресурсларни етказиб берувчиларни танлаш учун тендерлар ўтказиш, шунингдек, фермер хўжаликлари томонидан имтиёзли кредит маблағларини ўз эҳтиёжи учун эркин ишлатилишини таъминлайдиган механизмларни босқичма-босқич жорий этиш масалалари ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ташкил этилган агросервис объектлари томонидан фермер ва деҳқон хўжаликларига кўрсатилаётган хизмат турларининг мунтазам кўпайтирилиб борилиши, шу мақсадда вилоятлар, қолаверса, республика миқёсида намунали агросервис тузилмаларида тажриба алмашиш учун мунтазам равишда семинарлар ўтказиб турилиши ҳам агросервисни ривожлантиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, агросервисни ривожлантириш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда қишлоқ жойларидаги ижтимоий масалаларни ҳал қилиш имконини янада кенгайтиради.

3. Агросервисни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси ва улардан республикада фойдаланишнинг асосий йўналишлари

Мамлакатимизда агросервисни шакллантириш ва ривожлантириш босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтиб борар экан, бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларни умумлаштириб, чуқур таҳлил қилган ҳолда уларнинг мамлакатимиз шароитига мос жиҳатларини амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишдги таҳлилларимизнинг кўрсатишича, қишлоқ хўжалигида агросервисни шаклантириш ва ривожлантириш борасида ХХР, АҚШ, Япония, Россия каби мамлакатларда бой тажриба тўпланган.

Ривожланган мамлакатларда агросервис корхоналарини ташкил этишда ўзаро кооперативлар, уюшмалар ва ассоциациялар муҳим ўрин эгаллайди.

Хизматлар бозорини шакллантиришда Хитой Халқ Республикасининг тажрибаси алоҳида ўрин тутади. Ушбу мамлакатнинг агросервис хизматлари тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш буйича муҳим вазифаларнинг оқилона ҳал этилганлигини эътироф

этиш лозим. Улар, жумладан, қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- сервис хизматлари кўрсатиш инфраструктураси бўйича ягона ахборот-коммуникация технологияси (ИКТ) тизимининг яратилганлиги[195];

- қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш мақсадида фан ва техника ҳамда технологиялар соҳасидаги энг илғор замонавий ютуқларни амалиётга татбиқ этиш буйича илмий марказларнинг ташкил этилганлиги ва уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият юритишларининг таъминланганлиги;

- қишлоқ хўжалиги техникалари (тракторлар, комбайнлар ва бошқа техник воситалар) сотиб олишда кафолатланган давлат субсидиялари тизимининг жорий этилганлиги;

- етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва меҳнат унумдорлигига хизмат кўрсатиш соҳасининг билвосита кўрсатадиган таъсирини кучайтиришни таъминлайдиган, маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказиб бериш бўйича мувофиқлашган иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилганлиги;

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кооперацияси учун муҳим бўлган молия - солиқ имтиёзларининг мавжудлиги ва ш.ў[196].

Таъкидлаш жоизки, бу борада 2005 йил май ойида қишлоқ хўжалик соҳасида юқори технологиялар ва инновациялар жорий этиш асосланган Ўзбекистон – ХХР ўртасида илмий кўргазмалар маркази тузиш бўйича келишув имзоланган[197].

Рақобат муҳитини шакллантирадиган хизматлар бозорини вужудга келтириш, хизматлар сифатини яхшилаш ва нархини пасайириш борасида, жумладан, АҚШ тажрибаси ҳам алоҳида хусусиятларга эга. Бу мамлакатда хизмат кўрсатиш тузилмаси шу соҳа тармоқларини эркинлаштириш тамойилига асосланган бўлиб, у ўз навбатида сервис субъектлари ўртасида рақобат муҳитини шакллантирган ҳолда, юқорида таъкидлаганимиздек, хизматлар сифати ва нархини муқобиллаштиришга олиб келади.

Шунинг билан бирга, АҚШда сервис хизматларидан тўлиқ фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва

---

[195] Китай.Пекин."Синьсин". 1999. 143 б.
[196] Китай. Пекин. "Синьсин". 1999. – Б. 143.
[197] Бабаев А. Узбекистан-Китай: новый этап сотрудничество. "Народное слово". № 102 28 мая 2005

унинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат томонидан қишлоқ хўжаликларини кредитлаш тизимини[198] тадқиқ этиш ва унинг натижаларига холисона баҳо бериш алоҳида аҳамият касб этади. Изланишларнинг кўрсатишича, бугунги кунда АҚШ Федерал бюджетидан фермер хўжаликларига қуйидаги молия-суғурта институтлари томонидан кредитлар ажратилмоқда:

а) фермерларни кредитлаш тизими;

b) суғурта компаниялари;

c) фермерларга хизмат кўрсатиш агентлиги.

АҚШдаги қишлоқ хўжалигини кредитлашда фермерларни кредит тизими ҳам бир неча тузилмалардан ташкил топади, жумладан, қишлоқ хўжалиги кредит банки, федерал қишлоқ хўжалиги ипотека кооперацияси, фермерлар кредит тизимини молиявий қўллаб-қувватловчи корпорация, фермер кредит банкларини молиялаштирувчи федерал корпорация. Шунингдек, суғурта компаниялари хизматлари тузилмаси ҳам бир неча турлардан ташкил топади, яъни CRP-катострафик рисклардан ҳимоя қилиш, BUC-ҳосилни тўлаб бериш, GRP-гуруҳ рисклар дастури, NIAP-суғуртавий ёрдам дастури[199] кабилардан иборат. Шунингдек, фермерларга хизмат кўрсатиш агентликлари АҚШ ҳукумати давлат ташкилотлари ҳисобланиб фавқулодда ҳолатлар (табий офат ва ҳ.к.) юз берганда фермерларга амалий ёрдам беради.

Бизнинг фикримизча, АҚШда фермер хўжаликларини кредитлаш тизимининг қуйидаги йўналишларидан республикамиз шароитида фойдаланиш мумкин:

- суғурта ташкилотлари томонидан тармоқли кредитлаш амалиётини қўллаш ва тармоқларни мақсадли кредитлашда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

- товар ишлаб чиқарувчи фермер ва деҳқон хўжаликларига сервис хизматлари кўрсатувчи тизим ва субъектлар ўртасида рақобат муҳитини ривожлантиришда давлатнинг ролини ошириб бориш;

- давлат ва нодавлат молия институтлари томонидан агросервис хизмати ва аграр тармоқлар субъектларини ўзаро боғлиқликда ва уйғун ривожлантириш учун зарурий маблағлар ажратиш ва ушбу

---

[198] Овчинников О.Г. Государственное регулирование аграрного сектора США М: 1999. – С.663

[199] АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари. Swod, USA. 1998. – Б. 156.

тизимни иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш талабларига мос такомиллаштириб бориш ва бошқалардан иборат.

Яна бир диққатга сазовор томони шундаки, АҚШда фермерларга сервис хизмати кўрсатувчи ва зарурий ресурслар билан таъминловчи кооперативлар тизими ривожланган. Бундай кооперативлар фермерлар учун минерал ўғит, уруғлик, заҳарли кимёвий воситалар, чорвачилик учун зарурий препаратлар ва бошқа шу каби ресурсларни сотишни йўлга қўйишган. Ишлаб чиқариш ресурслари кооперативлар томонидан фермерлар билан тузилган шартномага асосан талаб қилинган жойгача олиб бориб берилади. Бундан ташқари, бу ташкилотлар шартномага асосан экинларни ҳашорат ва зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов бериш билан ҳам шуғулланишади. Шунингдек, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш ва уларни сақлаш ҳам кооперативларнинг асосий фаолиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кооперативлар уларнинг хизматларидан фойдаланувчиларни рағбатлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш механизмини ҳам жорий қилган. Яъни, кооперативлар хизматида фойдаланган фермерларга маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари учун имтиёзли кредитлар беради. Бундан ташқари кооперативлар ҳар хил мутахассисликдаги малакали кадрларга эга бўлиб, улар фермерларга экинлар зараркунандаларига қарши курашиш, агротехника тадбирларини ўтказиш ва бошқа зарурий масалалар бўйича маслаҳатлар беради.

АҚШда кооперативлар билан бирга қишлоқ хўжалик корхоналарига кўрсатиладиган сервис хизмати кўп ҳолларда йирик ташкилотларнинг дилерлик пунктлари орқали ҳам амалга оширилади. Дилер ташкилотлар асосан техник сервис хизматлари кўрсатиш билан шуғулланиб, уларнинг фаолияти техникаларни сотиш, ижарага бериш, зарурий эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, трактор ёки бошқа қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Японияда эса қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчиларни зарурий моддий-техника ресурслари билан таъминлашда федерация шаклидаги уюшмалар катта рол ўйнайди. Масалан, «Хокурэн» қишлоқ хўжалиги кооперативлари федерациясига 143 та қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзо бўлиб, улар кўпгина фермер

хўжаликларини ишлаб чиқариш учун зарурий ресурслар билан таъминлаш ва уларга техник ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар (ўғит, озиқа, уруғлик, кўчатлар, қадоқлаш материаллари)нинг бир қисмини ўз таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқарса, бир қисмини импорт қилади.

Умумяпон қишлоқ хўжалик кооперативлари федерацияси ва префектрал федерацияларнинг асосий вазифаси фермерлардан ишлаб чиқариш ресурсларига буюртма олиб, улар номидан ишлаб чиқарувчилар билан бу ресурсларнинг нархи, сифати ва етказиб бериш шарти бўйича шартномалар тузадилар. Бу тизим туфайли фермерларга янада сифатли ва арзон ишлаб чиқариш ресурслари етказиб бериш имконияти туғилади. Умуман олганда, Япониядаги фермерлар олдида танлов имконияти бўлиб, улар ўзлари учун зарур бўлган ресурсларни тўғридан-тўғри чакана савдо тармоқлари орқали ёки кооперативлар орқали олишлари мумкин[200].

Мазкур тизим Япония қишлоқ хўжалигида қуйидаги қулайликларни вужудга келтирган:

- фермерлар учун моддий-техника ресурсларини таъминлаш ва хизмат кўрсатишда янги танлаш имконияти вужудга келган;
- моддий-техника ресурсларини олиш учун олдиндан буюртма асосида шартномалар тузиш ҳамда арзон, сифатли, ўз вақтида етказиб бериш имкониятлари кенгайтирилган;
- федерация уюшма аъзолари учун зарурий ресурслар бўйича ўз истеъмолини тўлиқ қондириш ҳамда уларни экспорт қилиш имконияти вужудга келган.

Россия Федерациясида хизматлар бозори кооперация асосида хизмат кўрсатиш тизимидаги вертикал ва горизонтал алоқаларни уйғунлаштириш тамойиллари асосида мувофиқлаштирилган бўлиб, кўпроқ фермерларга хизмат қилувчи кооперативлар шаклида хизмат кўрсатиш ташкил этилган.

Шунингдек, Россияда ҳам қишлоқ хўжалигига сервис хизмати кўрсатувчи қуйидаги, яъни савдо; техник; ишлаб чиқариш; маҳсулотларни қайта ишлаш; кредит билан таъминлаш ва бошқа йўналишлардаги кооперативларни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган.

---

[200] Накамура Масаси. Роль и функция сельхозкооперативов. Федерация сельхозкооперативов. // Материалы семинара "Маркетинг сельхозпродукции". "Хокурен"- 2000.

Россия Федерацияси агросервис хизматлари бозорининг бизнинг республикамиз шароитида татбиқ этилиши мумкин бўлган жиҳатлари, бизнинг фикримизча, қуйидагилар ҳисобланади:

- хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ўзлари ичида, шунингдек, улар фаолиятидан фойдаланувчилар ўртасида кучли координациянинг мавжудлиги;

- қишлоқ хўжалигида сервис хизматларининг ривожланишида давлат роли ва ёрдамининг ҳар томонлама таъминланганлиги ҳамда бу жараёнда хизматларни молиялаштириш ва солиққа тортиш тизимларида қўшимча имтиёзлар бериш механизмининг қўлланилганлиги, инновациялар, субсидиялар ажратиш ва бошқа механизмларнинг кенг йўлга қўйилганлиги.

Юқоридаги тажрибадан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ҳам фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш билан шуғулланувчи кооперативлар фаолиятини йўлга қўйиш мумкин. Бундай кооперативлар туманлар ёки туманлардаги ҳудудлар миқёсида фермерларнинг ўзаро уюшмалари шаклида тузилиши мумкин. Улар фермерларга зарурий ресурслар етказиб бериш билан бир вақтнинг ўзида улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан ҳам шуғулланишларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундай турдаги кооперативларни ташкил этиш учун уларни аввало иқтисодий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, яъни, узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш, солиқ соҳасида имтиёзлар бериш, бу борадаги мавжуд меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Шунингдек, кооперативлар қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи заводларнинг дилерлари сифатида ҳам фаолият юритишлари мумкин.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган техника воситаларини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳам талаб даражасида йўлга қўйилмаган қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчилар ёки уларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар эҳтиёт қисмлар сотиб олишда турли қийинчиликларга дуч келадилар. Бу эҳтиёт қисмларни ўз вақтида олиш ёки уларнинг нархи билан боғлиқ. Бу борада ҳам хорижий мамлакатларда етарлича ижобий тажриба тўпланган. Жаҳондаги кўпгина йирик қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи компаниялар ўзлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги техникаларини эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи омборлар тармоғини, эҳтиёт қисмларга бўлган

талаб, уларни ишлатиш жараёнларини ўрганиш ва шу асосда эҳтиёт қисмларни сотиш, эҳтиёт қисмлар захираларини бошқариш тизимини яратиб бўлишган. Кейинги йилларда эҳтиёт қисмларни тақсимлаш ва етказиб беришни ташкил қилиш усуллари замонавий алоқа воситалари, компьютерлар, батафсил ва кенг статистик маълумотлар, шунингдек, сотиш тизимининг барча бўғини учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳисобига такомиллаштирилиб борилмоқда.

Олинадиган фойда миқдори, шунингдек, харидорларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш ва сотиш тармоғининг самрадорлиги ва тезкорлигига ёки бошқача қилиб айтганда, бу тизимда ишлайдиган кадрларнинг малакасига боғлиқ эканлигини тушуниб етган ҳолда жаҳондаги қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқарувчи барча йирик корхоналар ўзларининг ходимларини ўқитиш ва малакасини оширишни йўлга қўйганлар. Ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш мазкур компанияларнинг ўз ўқув марказларида ёки ҳудудлар бўйича ташкил қилинган марказларда амалга оширилади. Ўқитиш ходимларнинг мутахассислиги ва вазифасига қараб турли босқичларда ва турли дастурлар бўйича ўтказилади. Ўқитиш жараёнида ходимларга омборларни ва савдони ташкил қилиш услублари, эҳтиёт қисмлар захирасини бошқариш, компьютерда ҳисоб-китоб юритиш ва бошқа соҳалар бўйича билимлар берилади.

Изланишларимиз жараёнида маълум бўлдики, бугунги кунда мамлакатимизда агросервис хизмати кўрсатиш тизими учун махсус мутахассислар тайёрлаш ягона тизим сифатида тўлиқ йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида алоҳида тайёрланган мутахассислар шуғулланиши лозим. Шунинг учун мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида агросервис тизимини махсус тайёрланган мутахассислар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш давр тақозоси эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, бизнинг фикримизча, агросервис тизими учун мутахассис кадрлар ҳозирги кунда вилоят ва туманларда фаолият юритаётган коллежларда махсус дастурлар орқали тайёрланиши мумкин.

Бунинг учун мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар (Тошкент трактор заводи, машинасозлик заводлари) ҳамда минерал ўғит ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлатиладиган бошқа кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи корхоналар («Самарқанд суперфосфат», «Навоиазот»

каби заводлар) билан коллежларнинг доимий ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳим ташкилий масала сифатида ҳал этилиши мақсадга мувофиқ. Бу ташкилотлар томонидан айни пайтда ишлаб чиқарилаётган ва яқин истиқболда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган маҳсулотлар бўйича махсус ўқув дастурлари яратиш ва коллежлардаги ўқитиш жараёнларини ана шу дастурлар асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, йирик корхоналар республикамиздаги коллежларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришда кўмаклашишлари, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг намунавий нусхалари билан таъминлашлари, ўзлари учун ўта зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун ҳомийлик фаолиятини йўлга қўйишлари лозим. Алоҳида таъкидлаш керакки, агросервис хизматларини кооперация асосида шакллантириш ер майдонлари оптималлашган фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари фаолият юритаётган ҳозирги шароитда муҳим аҳамият касб этади.

Агросервисни ривожлантириш бўйича ривожланган мамлакатлар билан бирга бозор муносабатлари эндигина шаклланиб келаётган давлатларда бир қатор ўзига хос яхши тажрибалар тўпланиб бормоқда. Бу борада бугунги кунда Қирғизистон Республикасида қўлланилиб келаётган фермер хўжаликлари ўртасида кооперация муносабатларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда уларга қўшимча даромад олиш имконини берадиган кооперативларни ташкил этилганлиги қишлоқ хўжалиги учун бир қатор қулайликларни вужудга келтирган. Маълумки, қишлоқ хўжалик ерлари қишлоқ оилаларига улуш асосида тақсимланганлиги оқибатида уларнинг молиявий имкониятлари чекланиб ва ҳатто уларда қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга қурби етмайди. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ўзаро бирлашиб кооператив ташкил этиш асосида юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал этиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, кооперативлар қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш учун Қирғизистон Агросаноат Молия корпорациясидан имтиёзли ставкаларда кредит олиш ҳуқуқига эга бўлиши билан бирга таъсисчилар томонидан сотиб олинган қишлоқ хўжалик техникалари ҳисобидан бошқа (таъсисчи бўлмаган) фермер ёки ер эгаларига хизмат кўрсатиш ҳисобига қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжаликлари ўртасида кооперация муносабатларини ривожлантириш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уларга қўшимча даромад олиш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда фермерлар фаолиятини ривожлантиришнинг ҳозирги ва кейинги босқичларида улар ўртасида кооперация муносабатларининг афзалликлари, фермерлар учун қулайликлари ва иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги тўғрисида тушунтириш ишларини йўлга қўйиш лозим. Чунки, тадқиқотларнинг кўрсатишича, айни пайтда фермерларнинг аксарияти кооперацияларнинг моҳияти, ўзи учун фойдали бўлган томонлари тўғрисида етарли тушунчага эга эмас.

Бугунги кунда агросервис хизматлари ичида сувдан истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) ҳам энг муҳим хизматлардан бири бўлиб ҳисобланади. АҚШ, Хитой ва бошқа шу каби бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича бой тажрибаларга эга. Таъкидлаш керакки, СИУлар демократик асосда бошқарилади ва унинг раҳбари ҳар йили аъзолар томонидан овоз бериш йўли билан сайланади. СИУлар ўз аъзоларини белгиланган вақт ва керакли миқдорда экинларни суғориш суви билан таъминлаш мажбуриятини олган ҳолда, бу соҳада керакли чора-тадбирларини амалга оширишга масъулдирлар.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фермерлар учун энг зарур агросервис шохобчаларидан бири ҳисобланган СИУларни ривожлантириш учун хорижий сармоялар, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўриш, уларга имтиёзлар бериш ва рағбатлантириш механизмларини жорий этиш лозим.

Умуман олганда, ривожланган хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи агросервис корхоналари асосан хусусий ёки кооператив ташкилот ҳисобланиб, улар кучли рақобат шароитида фаолият юритади. Бундай шароитда ҳар бир корхона иложи борича арзон, сифатли ва қулай хизмат кўрсатишга ҳамда кўпроқ мижоз билан ишлашга ва фойда олишга ҳаракат қилади. Бу эса, албатта, ўз-ўзидан уларнинг хизматидан фойдаланувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратади.

Ривожланган ва ривожланаётган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, агросервис корхоналарининг муваффақиятли фаолият юритишига бир қатор омиллар таъсир қилади. Булар қуйидагилардан иборат:

- қарорларнинг ўзаро келишган ҳолда қабул қилиниши;
- хизмат кўрсатувчи ва ундан фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иш юритилиши;
- кўрсатиладиган хизматлар нархига минимал устама ҳақ қўйилиши;
- олинган фойданинг таъсисчиларнинг мулкдаги улуши ва меҳнатда иштирок этишига қараб тақсимланиши;
- хизматлардан фойдаланишда рағбатлантириш механизмларининг жорий этилганлиги ва ҳ.к.

Бинобарин, мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг навбатдаги босқичларида агросервис корхоналари ўртасида рақобат муҳитини яратиш, давлат улуши мавжуд бўлган хизмат кўрсатиш ва таъминот корхоналарига рақобатчи сифатида хусусий мулкобил корхоналарнинг ривожланишига қулай шарт-шароитлар туғдириш, фаолиятининг дастлабки даврида камида 3 йил муддатга уларга имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, юқорида келтирилган тажрибага асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида таъминот ва агросервис хизматлари кўрсатиш корхоналари ҳамда улар хизматларидан фойдаланувчи хўжаликларга имтиёзли кредитлар бериш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш истиқболда яхши самара беришини эътироф этиш лозим.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил ишлаш учун саволлар

1. Агросервис хизмати кўрсатишнинг таърифини келтиринг.
2. Қишлоқ хўжалигида агросервис зарурияти нималардан иборат?
3. Агроервис хизматларининг ўзига хос хусусияти нимада?
4. Агросервис хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлатимиз раҳбарининг эътибори нималарда намоён бўлади?

5. Агросервис хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга каратилган давлат сиёсатининг устувор вазифаларини айтиб беринг?
6. Агросервис хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий табиати нималарда намоён бўлади?
7. Агросервис хизматларини ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси нималардан иборат?
8. Агросервис хизматларини хорижий тажрибасининг ижобий томонларини Республикамиз аграр соҳасида қўллаш имкониятларини айтиб беринг.

Калитли сўзлар:

Агросервис, агросервис тизими, агросервис хизматлари бозори, агросервис субъектлари, агросервис омиллари, сервис хизматлари кўрсатиш инфраструктураси, қишлоқ хўжалик кооперативлари федерацияси.

18-Мавзу: АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Агросервис иқтисодиётида иқтисодий муносабатлар тизимининг моҳияти ва унинг таркибий элементларининг хусусиятлари.

2. Қишлоқ хўжалигида сифатли моддий-техника ресурслари таъминоти-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш имкониятлари.

3. Агросервисни молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш.

1. Агросервис иқтисодиётида иқтисодий муносабатлар тизимининг моҳияти ва унинг таркибий элементларининг хусусиятлари

Республикамиз иқтисодиёти ва унинг асосий тармоқларидан бири қишлоқ хўжалигининг босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтиши бугунги кунда тармоқнинг келгусидаги тараққиётини белгилаб берувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари – фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда агросервис корхоналари ўртасида бозор тамойилларига мос ўзаро иқтисодий муносабатларни шакллантиришни тақозо этади.

Юқорида баён этилган агросервис хизматлари ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асосларига таянган ҳолда, агросервис хизматлари бозори (АХБ) бу бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида сервис хизматига бўлган истеъмолчилар талаб ва таклифи асосида шаклланувчи ҳамда уни амалга оширувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан боғлиқ эҳтиёжларни қондирувчи, замонавий техника ва технологияга асосланган юқори даромад келтирувчи, сотувчи (ишлаб чиқарувчи), истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш механизмларини қамраб олувчи яхлит тизимдир.

Республикада агросервис хизматлари бозорининг ўзига хос муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- республикамизда агросервис хизматлари бозори туйинмаган бозорлар сирасига киришлиги (яъни, хизматларга бўлган эҳтиёж етарлича қондирилмаганлиги);

- агросервис хизматлар бозори тармоқ хусусиятига эга (фақат бир тармоқ - қишлоқ хўжалик тармоғида амал қилиши) эканлиги;

- агросервис хизматлар бозорида вақтнинг даврийлиги (қишда амал қилмайди), табиий иқлим шароитига боғланганлиги;

- агросервис хизматлар бозори алоҳида олинган бозор эканлиги, ҳуқуқий институционал асослари ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш зарурлиги, техника-технологияни ривожланган даражасига боғлиқлиги.

Бироқ, агросервис хизматлари бозори (АХБ) шаклланишининг ҳозирги босқичида ресурсларни марказлашган ҳолда тақсимлашнинг айрим элементларининг сақланиб қолиши, давлатнинг бевосита аралашувининг мавжудлиги, кўрсатилаётган сервис хизматлари миқдори ва сифатига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик бевосита амалдаги иқтисодий муносабатларнинг етарлича такомиллашмаганлиги билан изоҳланади. Ваҳоланки, агросервис хизматлари бозори иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш - ҳосилни йиғиштириш ташиш сақлаш қайта ишлаш ва уни истеъмолчига етказиб бериш жараёнларининг ўзаро узлуксизлигини таъминлашга қаратилган. Шу боис ҳар бир жараён бўғинларидаги муаммолар ва камчиликларнинг бошқаларига салбий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, уларни доимий равишда бартараф этиш лозим бўлади. Ушбу жараёнларнинг моҳиятини чуқурроқ асослаш учун, авваламбор, ҳар бир жараёнда бевосита ва билвосита иштирок этувчи агросервис хизматлари бозори субъектларининг бажарадиган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ўзига хос хусусиятларини мужассамлаштирган иқтисодий муносабатларнинг реал ҳолатини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Маълумки, агросервис хизматлари бозорида иқтисодий муносабатлар бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликларига агросервис субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва уларнинг турлари бўйича талабнинг қай даражада қондирилиши билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигида агросервис хизмати кўрсатувчи корхоналарни шаклла-

тиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- агросервис корхонаси фаолиятининг иқтисодий механизми, уни режалаштириш, ишловчиларни моддий рағбатлантириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш имкониятлари ҳамда манбаларини излаб топиш;

- агросервис корхонаси билан унинг хизматидан фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар, яъни шартномавий муносабатлар, хизмат баҳолари, унинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кафолат, истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни талаб асосида шакллантириш;

- агросервис объектларини ташкил этишда биринчи навбатда жойлардаги уларга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар жойлашган ҳудудларни ҳар томонлама ўрганиб, тўлиқ таҳлил қилинган ҳолда белгилаш кабилардан иборат.

Бугунги кунда ташкил этилган агросервис хизматлари субъектларининг аксарияти Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан фермер хўжаликларига айлантирилган ширкат хўжаликлари негизида ўз фаолиятини бошлаган. Шу сабабли ташкил этилаётган агросервис субъектларини нафақат ер ўлмачлари майдони оптималлаштирилган фермер хўжаликлари сонига қараб, балки жойларда олдиндан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари, уларнинг туман марказларига узоқ-яқинлиги, қайси хизмат турларига талабнинг юқорилиги кабиларни инобатга олган ҳолда фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида фермер ва деҳқон хўжаликлари бевосита иштирок этадилар. Улар эса бевосита ва билвосита хизматни амалга оширувчилар - агросервис субъектлари хизматидан фойдаланадилар. Бу жараён улар ўртасида ўрнатиладиган муносабатларнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари қай даражада бозор тамойилларига мос келишига боғлиқ бўлади. Шу асосда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва агросервис субъектлари ўртасидаги хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ бўлган муносабатлар тартибга солинади.

Юқоридаги асосларга кўра республикамиз қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликлари ва агросервис субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар тизимини, бизнингча, қуйидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқ (18.1-расм).



18.1-расм. **Фермер ва деҳқон хўжаликлари билан агросервис субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими**[201].

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан агросервис субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тартибга солиб туради. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш агросервис субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини чуқур ўрганиш тақозо этилади. Зеро, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқарувчилар,

[201] Манба: Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

яъни фермер хўжаликларининг фаолиятини бозор муносабатларисиз, бозорнинг бошқа субъектлари билан ўзаро алоқалар ва муносабатлар тизимидаги иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида республика қишлоқ хўжалиги агросервис хизматлари бозорида вужудга келган иқтисодий муносабатлар қуйидаги йўналишларда шаклланмоқда:

- агросервис хизмат кўрсатиш корхоналари ва фермер (деҳқон) хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий асосланган шартномавий муносабатлар;

- агросервис корхоналари томонидан фермер хўжаликларига кўрсатилган хизматлар бўйича икки томон манфаатларига асосланган тўлов баҳоларини келишиш муносабатлари;

- юқори бошқарув органлари ва агросервис субъектлари ҳамда фермер (деҳқон) хўжаликлари ўртасидаги давлат томонидан тартибга солинадиган маъмурий муносабатлар;

- агросервис хизматлар бозорида агросервис субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар кабиларни киритиш мумкин.

Шунинг учун ҳам жойларда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун талаб ва таклиф шаклланишига тўла шароит яратиб бериш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар билан агросервиснинг барча субъектлари ўртасида ихтиёрий равишда бирдай алоқа ўрнатиш зарур ҳисобланади. Бу алоқалар, яъни ўзаро иқтисодий муносабатлар натижаси икки томонлама тузилаётган шартномаларнинг қай даражада тузилиши ва ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бугунги кунда республикамиз фермер хўжаликлари билан агросервис субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатлар ҳолати бўйича чуқур монографик тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамизда агросервис субъектлари томонидан хизмат истеъмолчилари билан мос шартномавий муносабатларга киришилган ҳамда шу асосда ҳақиқатда хизматлар амалга оширилган ва бу кўрсатилган хизматлардан даромадлар олинган. Бунда хизмат кўрсатишдан олинган даромад миқдори (қиймати) тузилган шартномалар сони ва суммасига ҳамда кўрсатилган хизматнинг ҳажми (сони) ва қийматига боғлиқ бўлган. Ушбу ҳолатни, жумладан, Самарқанд

вилоятидаги агросервис субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларда ҳам кўришимиз мумкин.

Бироқ, таҳлилларнинг кўрсатишича, бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида шартномаларда кўпинча, хизмат кўрсатувчиларнинг манфаатлари устун қўйилмоқда. Бизнингча, улар ўртасидаги муносабатлар кўпроқ деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлашга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бунда хизмат кўрсатувчи субъектларнинг фаолияти (хизмат кўрсатиш маданияти, ходимларнинг малакаси, хизмат турлари ва нархлари) бозор талабларига ҳар томонлама мос келиши лозим бўлади.

Умуман, тадқиқот натижаларига кўра бугунги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда агросервис субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ижобий томонга силжишига тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар 18.2-расмда акс эттирилган.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида агросервис хизматлари кўрсатиш тизимини ташкил этиш ва уларда иқтисодий муносабатларни ривожлантириш бозорга тез мослашувчи, тезкор субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базаси ва малакали мутахассислар билан таъминотини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият юритишга қодир бўлган менежер, маркетолог, агротехнолог каби кадрлар ҳамда зарур илмий-услубий қўлланмалар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, агроинновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий-институционал шарт-шароитлар яратилишини зарур қилиб-қўяди.

Шу нуқтаи назардан ҳам, бугунги кунда шаклланаётган агросервис хизматлари бозоридаги мавжуд иқтисодий муносабатлар ўзида бевосита давлатнинг аралашуви, тартибга солиш механизми билан бозор тамойилларига мос усулларнинг ўзаро номутаносиблиги шароитида амалга оширилаётганлигини, лекин ҳали тўлақонли рақобат муҳити шаклланмаганлигини таъкидлаш жоиз.



18.2-расм. **Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда агросервис субъектлари иқтисодий муносабатларининг асосий муаммолари[202].**

[202] Манба: Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Ушбу жараённи чуқурроқ ўрганиш учун, энг аввало, АХБи асосий сегментлари ва иқтисодий муносабатларининг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш лозим. АХБидаги иқтисодий муносабатлар аграр тармоқда такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этишини, хизматни истеъмол қилувчилар билан агросервис хизматини амалга оширувчилар ўртасида товарлар (маҳсулотлар, хизматлар), пул, меҳнат ресурслари, ахборотлар ҳаракатини таъминлашда вужудга келадиган муносабатлар бўлиб, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан ўзаро мутаносибликда фаолият юритиши ва барқарор ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади (18.3-расм).

Иқтисодий муносабатлар унинг иштирокчилари ўртасида асосан шартномалар тузиш ва уларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатларда намоён бўлади. Шартномавий муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан «Фуқаролик кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунлар, «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябр 383-сонли қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасидаги шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиш мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом» асосида ҳамда «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Республикамиз Президентининг 3287-сонли фармойишлари(2009 йил 22 октябр)га асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Шартномалар асосан ҳар бир АХБ иштирокчисининг бизнес-режаларидан келиб чиққан ҳолда хизмат турларининг хусусиятларига кўра тузилади. Шартномада субъектларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва умумий ҳолатлардаги жавобгарликларида ўз аксини топган бўлади.

Иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида асосий хўжалик субъектлари, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулот-



18.3-расм. **Агросервис хизматлари бозорининг асосий сегментлари ва йўналишлари[203].**

лари ишлаб чиқарувчи билан уларга хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги муносабатлар бирламчи характерга эга бўлиб, хизмат кўрсатув ўртасида бўладиган ва бевосита АХБ субъектлари бўлмаган хўжалик юритувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Албатта, ушбу учала йўналишлардаги иқтисодий муносабатлар бир бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг барчасидаги салбий ҳолатлар умумиқтисодий муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади. АХБидаги иқтисодий муносабатларнинг бозор тамойилларига мос келиши учун хизмат кўрсатиш соҳасида монополияга барҳам бериш ва соғлом рақобатни муҳити шакллантириш, уларнинг мукобил ва хусусий шаклларини ривожлантиришга эътибор қаратиш зарур.

Бугунги кунда фаолият юритаётган агросервис хизмати субъектлари шаклланишига эътибор қаратадиган бўлсак, аксарият

[203] **Манба:** Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

жиҳатдан улар фаолиятида маъмурий ёндашувнинг мавжудлиги, ҳудудлардаги табиий-иқтисодий салоҳият, фермер хўжаликларининг ихтисослашуви, мавжуд қишлоқ хўжалиги экин майдонлари каби ҳолатлар тўлиқ инобатга олинмаслиги каби ҳолатларнинг салбий оқибатлари билан характерланади. Шунингдек, агросервис хизмати субъектларининг асосий фаолиятидаги устуворлик давлат буюртмаси сақланиб келинаётган пахта-ғалла экинлари етиштирувчи фермер хўжаликларига хизмат қилувчиларга берилган бўлиб, бу ерда давлат ташкилотлари, хусусан, маҳаллий ҳокимият аралашувининг ҳанузгача сақланиб қолаётганлиги, хизмат турларининг чекланганлиги, сифатининг пастлиги, нархларнинг юқорилиги, ўз вақтида амалга оширилмаслиги, АХБ субъектлари ўртасида дебиторлик-кредиторлик қарзларининг мавжудлиги, уларнинг моддий-техника базасининг заифлиги, кадрлар малака ва амалий тажрибаларининг сустлиги каби камчиликлар бевосита иқтисодий муносабатларнинг самарали ишлашига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ваҳоланки, иқтисодий муносабатлар асосини мулкий муносабатлар ташкил этар экан, улар бевосита бозор унсурлари, яъни талаб ва таклиф, нарх ва рақобат шартларига мос келишлари лозим. Шунингдек, фермер арзон, сифатли ва ўз вақтида кўрсатилиши лозим бўлган хизмат турларини танлаш имкониятига эга бўлиши, бунинг учун эса уларнинг ушбу мезонларга жавоб берадиган агросервис хизмати кўрсатувчиларининг мавжуд бўлиши ва улар иқтисодий муносабатларнинг бозорга мос ривожланишида муҳим омиллардан ҳисобланади.

АХБида иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолатини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- биринчидан, иқтисодиётда содир бўлган туб институционал ва таркибий ўзгаришлар натижасида нодавлат шаклида фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг вужудга келганлиги;

- иккинчидан, агросервис соҳасида соғлом рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида мукобил турдаги турли мулкчилик шаклларига асосланган хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ташкил этилиши;

- учинчидан, давлатнинг бевосита амалий кўмагида агросервис хизмати кўрсатувчиларнинг ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб қувватланиши;

- тўртинчидан, агросервис хизматлари фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши босқичида моддий-техника таъминоти, кадрлар муаммоси, ташкилий-иқтисодий жараёнларда айрим камчилик ва номутаносибликлар мавжудлиги билан характерланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, агросервис хизматлари кўрсатишдаги иқтисодий муносабатларни шакллантиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- агросервис хизмати кўрсатиш объектларини ташкил этишда маъмурий ёндашувга барҳам бериш, бу борада қуйи бўғин ташаббусини қўллаб-қувватлаш, яъни ҳудудлардаги тегишли хизматларга бўлган ҳақиқий талабни инобатга олган ҳолда ташкил этиш;

- марказлаштирилган тақсимот тизими элементларидан босқичма-босқич тўлиқ воз кечиш ва соғлом рақобатга асосланган ресурслар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- агросервис хизматлари кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришга имтиёзли, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳамда солиқ имтиёзларини жорий қилиш;

- ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда агросервис хизмат кўрсатиш субъектларининг манфаатларини кўпроқ акс эттириш ва уларни ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

- хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пировард натижасига боғловчи манфаатдорлик механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш каби масалалар ўз ечимини топиши лозим.

Тадқиқот натижаларига кўра агросервис корхоналари ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг муҳим асоси ҳисобланган шартномавий муносабатларни такомиллаштиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

- шартнома шартларини бажармасликлари сабабли кўриладиган зарарни қоплашда томонлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ зарарни ундиришни амалга ошириш;

- олдиндан тузилган шартномалар учун келишилган туловларни амалга ошириш шартларини бажаришни қатъий қилиб белгилаш, бажарилмаслик ҳолатларида жазо чораларини қўллаш;

- агросервис субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни эркинлаштириш (икки томон хохишига кўра шартнома шартларини ўзгартириш мумкинлиги) ва шу кабилардан иборат.

Шундай қилиб, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида агросервис субъектлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, шунингдек, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бўйича берилган тавсияларни қўллаш натижасида республикамиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги фермер хўжаликлари ҳамда агросервис субъектлари рентабеллик даражасининг қўшимча 4,5-5,0 % га ошириш мумкинлиги илмий асосланилди.

Агросервис хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришда хизматлар баҳосини дифференциялаш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда кўрсатилган хизматлар учун мавсум даврлари ҳамда иш ва хизматларни бажариб бериш муддатига қараб ўзгарувчан (дифференциялашган) баҳоларни шакллантиришни жорий этиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунда:

- агросервис хизматлари бўйича тўлов баҳоларини маълум бир белгилари меъзонларига қараб табақалаштириш, хизматлар бўйича буюртма берилган катта ва кўп ҳажмдаги ишларга нисбатан пастроқ баҳо ҳамда кам ва кичик ҳажмдаги ишларга нисбатан юқорироқ баҳо белгилаш;

- мавсум даврларида агросервис хизматлари учун ўзгарувчан баҳоларни белгилаш, яъни катта эҳтиёж асосидаги ишларга мавсум даврида юқори баҳо белгилаш;

- баҳо белгилашда дифференциялашган коэффицентлардан фойдаланиш, яъни олдиндан хизматлар учун туловни амалга оширганда пастроқ коэффициент ва аксинча ҳолатларда юқорироқ коэффицент белгилаш ва шу кабилардан иборат.

Мазкур таклифларни амалиётга қўллаш натижасида фаолият юритаётган агросервис субъектлари хизматлари самарадорлиги қўшимча, 3-4 %га ошириш имконияти илмий асосланилди.

Таъкидлаш жоизки, келгусида фермер хўжаликларига агросервис хизмат кўрсатувчи субъектларни ривожланиш даражаси ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятига ҳам боғлиқлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки, бугунги кунда ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш даражасига боғлиқ бўлган ўзига хос агросервис тузилмалари тизими шаклланган. Дарҳақиқат, агросер-

вис субъектлар етарли даражада шаклланган шароитдагина фермер хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларни танлаш имконияти пайдо бўлиб, бу эса, ўз навбатида, хизмат кўрсатувчилар ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келади, сифатли ва арзон хизмат кўрсатишга асос бўлади. Лекин, бугунги кунда айрим сабабларга (субъектив ва объектив) кўра бу нарса амалда кузатилмаяпти ва натижада агросервис хизмати кўрсатувчи субъектлар ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар томонлар манфаатини қондирмасдан, (шарномавий шартларни бажармаслик ва хизмат тўловларини амалга оширмаслик) аксинча, моддий ва маънавий зарарлар кўрилиб бутун қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий ривожига салбий таъсир этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, келгусида фермер хўжаликлари ва агросервис субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларини янада такомиллаштириш мақсадида, мавжуд жиддий нуқсонларни, жумладан, истеъмолчи талабини қондирмаётган хизмат сифатининг мавжудлиги, хизмат кўрсатувчиларни истеъмолчига нисбатан узоқ масофада жойлашганлиги, буюртмачилар (фермерлар) ва моддий-техника воситаларини етказиб берувчи шохобчалар ўртасида ҳисоб-китоб механизмларининг такомиллашмаганлиги кабиларни бартараф этиш мақсадга мувофиқдир. Фақатгина, томонлар манфаатига мос самарали иқтисодий муносабатларгина қишлоқ хўжалигидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари молиявий – иқтисодий фаолиятини ёмонлашувидан сақлаб қолади, агросервис субъектлари рентабеллик даражасининг пасайиб кетиши каби салбий оқибатларни бартараф этади. Шуни ҳисобга олганда, келгусида республикамизда фермер хўжаликлари билан агросервис субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни иқтисодиётни модернизация талабларига мос доимо такомиллаштириб бориш тақозо этилади.

2. Қишлоқ хўжалигида сифатли моддий-техника ресурслари таъминоти-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш имкониятлари

Мамлакатимиз аграр соҳасида моддий-техника ресурслари таъминоти қишлоқ хўжалиги корхоналари билан агросервис корхоналари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг барқарорлигини белгилаб беради. Маълумки, республика қишлоқ хўжалиги корхона-

ларига кўрсатилаётган агросервис хизматларининг самарали фаолияти кўп жиҳатдан моддий-техника таъминотига боғлиқ ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти аграр соҳадаги моддий-техника таъминоти тизимини ҳам тубдан ўзгартириш заруратини келтириб чиқарди. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнидан кўзланган устувор вазифалардан бири бу аграр соҳада моддий-техника таъминотининг марказлаштирилган усули ўрнида, талаб ва таклиф қонуни, шунингдек, бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган таъминот тизимини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Бироқ таҳлилларнинг кўрсатишича, қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритувчи шакли ҳисобланган – фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашда режали-тақсимот тизими асосидаги марказлаштирилган фонд тақсимоти айрим унсурлари (пахтачилик ва ғаллачилик) сақланиб қолмоқда. Моддий-техника ресурсларининг марказлаштирилган тарзда тақсимланишининг ижобий томони хўжаликлар, туманлар ва вилоятлар таъминотини барқарорлаштиришга имконият берсада, лекин бизнинг фикримизча, бу борада бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан:

- бугунги кунда деҳқон хўжаликлари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари (узум, меваразаворлар, полиз экинлари)нинг 47-52 фоизи, сабзавот ва картошканинг 67-83 фоизи, чорвачилик маҳсулотлари (сут ва гўшт)нинг эса 95-96 фоизидан ортиқроғи ишлаб чиқарилсада, аммо улар моддий-техника ресурслари билан таъминлашнинг марказлаштирилган тизимига киритилмаган. Шу билан бирга, зарур турдаги (минерал ўғит, уруғлик, ЁММ) моддий-техника ресурларига боғлиқ эркин бозорнинг шаклланмаганлиги сабабли бундай ресурсларни сотиб олиш имкониятлари чекланган;

- моддий-техник ресурслар асосан пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларига марказлаштирилган равишда етказиб берилсада, аммо бошқа турдаги маҳсулот етиштирувчи фермерлар бу имкониятдан фойдаланмайдилар. Натижада, чорвачилик, мева ва сабзавотчилик, картошкачилик билан шуғулланаётган фермерларда моддий техника-ресурсларини етишмаслиги оқибатида ҳосилдорлик, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва умуман, маҳсулот миқдорини кўпайтириб бориш муаммолари юзага келади;

- агросервис хизматлари бозорида марказлашган тарзда тақсимлаш тизимининг мавжудлиги талаб ва таклиф асосида хизматлар баҳосининг юзага келиши ва тўловларни ўз вақтида амалга оширишни чеклайди.

Шунга қарамасдан, бизнинг фикримизча, марказлаштирилган моддий-техника таъминоти тизимидан ҳозирда ҳам фойдаланиш зарурати бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ. Жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатининг заифлиги, ташқи бозордан моддий-техника ресурсларини сотиб олишдаги муаммоларнинг мавжудлиги ва имкониятларнинг чекланганлиги асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумий характерга эга эканлиги, таъминотчи корхоналарнинг монопол мавқеи, транспорт харажатларининг ошиб кетиши, транзит, божхона тўловларининг юқорилиги, инфляция жараёнининг мавжудлиги, ва бошқа қатор омилларга бориб тақалади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиётининг дастлабки даврларида марказлашган моддий-техника таъминоти тизимининг давлат буюртмасидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта ва ғалла)ни етиштириш учун сақланиб қолиши билан бирга, республика аграр тармоғида моддий-техника ресурсларини олди-сотдисини амалга оширадиган эркин бозорни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса қуйидаги янги имкониятларни очиб беради:

- эркин рақобат муҳитини шакллантиради;
- таъминотчи корхоналар монопол мавқеини чеклайди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат маҳсулотлари (техника, ўғит ва ҳ.к.лар) нархлари мутаносиблигини юзага келтиради;
- аграр тармоқни модернизациялаш жараёнини тезлаштиради;
- агросервис хизматларини бозор тамойилларига мос талаб ва таклиф асосида ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Юқорида келтирилган омиллар таъсирида республика қишлоқ хўжалигида охирги 10 йил ичида техника таъминоти даражаси кескин камайган ва бу тенденция бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий техника турлари билан 1000 га экин майдони ҳисобига таъминланиш даражаси таҳлилига

қараганда, деярли барча техника турлари сони бўйича пасайиш кузатилмоқда

Жумладан, республика бўйича 2010 йилда 1999 йилга нисбатан барча турдаги тракторлар билан таъминланиш даражаси 95,1 фоизни, ем-хашак ўриш комбайнлари 25,2 фоизни, пахта териш машиналари 4,1 фоизни, чигит экиш сеялкалари 44,7 ва омочлар 37,8 фоизни ташкил қилган. Фақатгина ғалла ўриш комбайнлари 16,2 фоизга ошган. Буни ғаллачиликка бўлган эътиборнинг ортиши, юқори унумли «Кейс» ғалла ўриш комбайнларини ишлаб чиқаришда кенг қўламда қўллаш билан изоҳлаш мумкин.

Техника билан таъминланиш суръатларини пасайиши қишлоқ хўжалигини энергетик қувватлар билан таъминланиш даражаси кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Республика бўйича агар 2000 йилда энергия билан таъминланганлик 100 гектар ҳайдов ер майдони ҳисобига 420,9 от кучи ва энергия билан қуролланганлик ўртача йиллик ишчи ҳисобига 5,2 от кучига тенг бўлган бўлса, 2010 йилда эса 373,2 ва 4,7 от кучидан иборат бўлган. Демак, бошқача қилиб айтганда 2000-2010 йиллар давомида республикада энергетик қувватлар билан таъминланиш даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Фақатгина 2007-2010 йилларда эса бирозгина ўсиш бўлган. Шунингдек, таҳлилларнинг гувоҳлик беришича республика қишлоқ хўжалигининг асосий турдаги минерал ўғитлар билан таъминланиш даражаси ҳам пасайиб борган.

Демак, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари жумладан, минерал ўғит, ёнилғи мойлаш материаллари, техника воситалари ва бошқа ресурслар билан таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш талаб даражасида эмас. Шу боисдан ҳам, биринчидан, турли мулкчилик шаклларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техника ресурслари билан бозор қонунлари асосида таъминлаш тизимини такомиллаштириш зарур бўлса, иккинчи томондан хўжалик субъектларини мавжуд ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланишга бўлган манфаатдорлик механизмини ишлаб чиқиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника таъминотининг заифлиги, аксарият хўжаликлар ер майдонларининг кичиклиги ва молиявий нобарқарорлиги шароитида мавжуд моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эгадир. Ҳозирда қишлоқ

хўжалиги учун етказиб берилаётган моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ сарфларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш харажатидаги улушининг юқорилиги ҳам бу заруратни асослаб бермоқда. Ҳар бир турдаги ресурс бирлиги ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга ресурс сарфини камайтириш ушбу масаланинг негизини ташкил этади. Бугунги кунда ушбу масала эътибордан бирмунча четда қолиб кетмоқда, асосий масала маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган, сарф қилинаётган ресурс ҳажми, маҳсулот сифати, ишлаб чиқаришдан олинаётган якуний молиявий натижа кейинги ўринга суриб қўйилган.

Шу боис, бугунги кунда барча турдаги ресурслардан, шу жумладан, моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига улар сарфини камайтириш, натижада маҳсулот таннархининг арзон бўлиши ва пировард натижада маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўпроқ эътибор бериш лозим. Чунки, тадқиқотларнинг кўрсатишича, аксарият ҳолларда минерал ўғитлар, ЁММдан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Демак, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, сарфланаётган ресурс бирлиги ҳисобига олинган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалиги самардорлигини белгиловчи асосий меъзонлардан бўлиши лозим.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий юксалишининг муҳим асосларидан бири бу ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш асосида юқори самарадорликка ва молиявий-иқтисодий барқарорликка эришиш ҳисобланади. Айниқса бу борада Республикамиз Президенти И.Каримов қайд этганидек, «қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш»[204] бугунги кунда иқтисодиётимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шу мақсадда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи агросервис корхоналаридаги хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиришнинг ички резервларини излаб топиш ниҳоятда долзарбдир. Бу борада 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини

[204] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисодиёт, 2009. 59-бет.

таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури туғрисида»ги республика Президентини Фармони алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи агросервис корхоналари бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- иқтисодий ночор хизмат кўрсатувчи агросервис корхоналарини молиявий соғломлаштириш;
- мазкур корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш;
- агросервис корхоналарини малакали ишчи-ходимлар билан таъминлаш;
- агросервис корхоналари иқтисодий ўсишининг барқарор суръатларини таъминлаш.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури талаблари асосида агросервис корхоналарида хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим (18.4- расм).



18.4 -расм. **Агросервис хизматлари харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишлари**[205].

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархининг йилдан-йилга ортиб боришининг асосий сабабларидан бири бу моддий-техника ресурслари нархларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларига нисбатан тез суръатлар билан ўсиб боришидир. Натижада уларнинг

[205] **Манба:** Муаллиф илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

салмоғи маҳсулот таннархи таркибида 45-55 фоизни ташкил этмоқда. Пахта ва ғалла давлат томонидан белгиланган баҳоларда сотиб олинаяпти, лекин хўжаликлар уни етиштириш учун сарфланадиган ресурсларни эркин баҳоларда сотиб олмоқдалар. Бизнингча, бу ерда давлат томонидан сотиб олинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун ресурслар имтиёзли нархларда сотилиши лозим

Таҳлил натижаларига кўра, бугунги кунда барча турдаги моддий-техника ресурсларидан аввалги ширкат хўжаликларига нисбатан фермер хўжаликларида самарали фойдаланишга эришилмоқда. Бунинг энг асосий сабабларидан бири бу мулк, етиштирилган маҳсулот ва олинган даромадни эркин тасарруф этиш имкониятининг мавжудлиги, меҳнат мотивациясининг юқорилигидир. Бирок, шунга қарамасдан бугунги кунда уларнинг молиявий ҳолати моддий-техника базасини мунтазам равишда янгилаб бориш ва мустаҳкамлаш имконини бермаётир. Натижада техника воситаларини ишлатиш (эксплуатацион) харажатлари ошиб кетмоқдаки, бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулоти таннархини юқори бўлиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп жиҳатдан уларга турли хил сервис хизматлари кўрсатувчи тузилмаларнинг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган Самарқанда вилоятида ташкил этилаётган ҳар бир сервис корхонаси ҳисобига тўғри келувчи фермер хўжаликлари сонининг ўзгариши йиллар бўйича динамикада таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларига кўра, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан бир агросервис субъектига тўғри келадиган фермер хўжаликларининг сони кескин камайган. Бунга сабаб фермер хўжаликларининг ер майдонларининг мақбуллашуви натижасида Самарқанд вилояти бўйича таҳлил қилинаётган йилларда 45,2 % га камайган. Аммо бу жараён мавжуд фермер хўжаликлари учун агросервис субъектлари томонидан сифатли агросервис хизматларини амалга ошириш имконини беради. Фаолият юритаётган агросервис тузилмаларини хўжаликлар фаолияти самарадорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари,

масалан, буғдой етиштириш харажатлари таркибида кўрсатилган сервис хизматларининг улуши таҳлил қилинди.

Таҳлилий маълумотларга кўра, фермер хўжаликларида 1 ц. Буғдой маҳсулоти таннархи таркибида 2010 йилда техникавий хизматлар улуши - 20,2 %, минерал ўғит ва агрокимё хизмати – 9,8 %, ахборот-маслаҳат хизмати – 2,1 %, транспорт хизмати улуши эса 17,2 %дан иборат бўлган.

Умуман, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ хўжалик агросервис хизматлари харажатларини камайтириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ, яъни:

- биринчидан, агросервисни модернизациялаш ва хизматлар сифатини яхшилаш;
- иккинчидан, мавжуд барча ресурслар ва ички имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига агросервис хизматлари харажатларини 20%гача пасайтириш;
- учинчидан, агросервис хизматлари билан боғлиқ энергия ресурслари нархининг ўсиш даражасини 6-8% дан оширмаслик;
- тўртинчидан, агросервис корхоналарини имтиёзли кредит ресурслари асосида қўллаб-қувватлаш;
- бешинчидан, маҳалийлаштириш дастури асосида агросервис хизматларининг янги маҳаллий турларидан (чорва моллари сотиш хизматлари, органик ўғитлар етказиб бериш хизматлари) фойдаланишни ривожлантириш кабилардан иборат.

Маҳсулот таннархи таркибидаги юқори улушга эга бўлган хизматлар кўрсатувчи сервис корхоналари асосан давлат тасарруфидаги монопол мавқега эга тузилмалар ҳисобланади ва уларнинг хизмат кўрсатиш баҳолари юқори бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳсулот етиштириш самарадорлигининг паст бўлиши, фермер ва ширкат хўжаликларининг молиявий нобарқарорлигига олиб келмоқда. Республика қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурслари ва хизматлар билан таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Шу боисдан ҳам, бизнинг фикримизча, ушбу масаланинг ўта долзарблигини ҳисобга олиб, уни ҳал этишнинг истиқболли чора-тадбирларини ишлаб чиқишда мазкур тадқиқот жараёнида асослаб берилган хулоса ва тавсияларни жорий қилиш яхши самара беради.

3. Агросервисни молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш

Маълумки, барқарор молиявий ҳолат агросервис хизматлари бозори (АХБ)нинг келгуси тараққиётини белгилаб беришда муҳим рол ўйнайди. Зотан, хўжалик субъектларининг барқарор фаолият юритиши жараёнида иқтисодий муносабатлар асосан молиявий ресурслар орқали амалга оширилади ва уларнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (18.5 -расм).



18.5-расм. **Агросервис хизматлари бозорида барқарор иқтисодий муносабатларни таъминлашнинг асосий молиявий манбалари**[206]

Бугунги кунда агросервис хизматлари бозори иштирокчиларининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни босқичида қишлоқ хўжалик корхоналари тўлов қобилиятининг пастлиги уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмокда. Шунингдек, АХБнинг асосий хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзларида ҳам ички фаолиятни молиявий ва кредит ресурслари билан таъминлаш даражасининг пастлиги туфайли шартнома ва тўлов муносабатларидаги номутаносибликлар юзага чиқмокда. Шу нуқтаи назардан ҳам, АХБнинг субъектларини молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъ-

[206] Манба: Муаллиф илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

минлашнинг ҳозирги ҳолати ва унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, мавжуд имкониятларни ишга солиш, муаммолар ва номутаносибликларни ҳал қилиш бугунги кунда аграр соҳадаги долзарб масалалардан биридир.

Шунинг учун ҳам АХБ субъектлари хизматларининг асосий истеъмолчилари ҳисобланган фермер (деҳқон) хўжаликларини молиялаш ва кредитлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш амалга оширилаётган таҳлилларимизнинг асосини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида унга давлат томонидан ҳар ишлаб чиқариш йили учун тегишли миқдорда молия ва кредит ресурслари ажратиб келинмоқда. Бироқ, мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлик даражасини таҳлил қилиш учун, авваламбор, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини молиялаш тизимининг ҳозирги ҳолатини амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни молиялашнинг стратегик йўналишлари ва тижорат турлари шакллантирилиб ва такомиллаштирилиб борилмоқда.

Жумладан, қишлоқ хўжалигини молиялашнинг стратегик йўналиши бевосита давлат эҳтиёжи учун етиштирилаётган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари учун ажратиладиган имтиёзли (3%ли) кредитлардан иборат бўлса, тижорат турлари эса бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган фермер ва деҳқон хўжаликларига тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобланади.

Молиялашнинг асосий манбаларидан ҳисобланган кредит ресурслари бевосита тўлов муносабатларида қатнашиб, қишлоқ хўжалиги субъектларининг самарали фаолият юритишларини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб келган ва ҳозирги кунда улар бу соҳада ўз мавқиени сақлаб қолмоқда. Шунинг учун ҳам, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хўжалик субъектларини кредитлаш ссудаланган маблағларнинг ўз вақтида банкларга қайтарилишини таъминловчи тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган бўлмоғи лозим. Лекин, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида айланма маблағларни тўлдиришга қаратилган қисқа муддатли кредитлар

катта улушга эга, ваҳоланки, асосий воситаларни тўлдириб, янгилаб туриш учун узоқ муддатли кредитларга эҳтиёж каттадир.

Айниқса, иқтисодиёт тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнининг ҳозирги даврида ушбу механизмни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Чунки, узоқ муддатли кредитлар улушининг камлиги ва фоиз ставкаларининг нисбатан юқорилиги нафақат фермер ва деҳқон хўжаликларининг, балки уларга агросервис хизматлари кўрсатувчи субъектлар фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса бевосита қишлоқ хўжалигида барча хўжалик юритувчи субъектларнинг барча босқичлар-ишлаб чиқариш, ҳосилни йиғиштириш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида самарали фаолият юритишларини таъминлайдиган молиялаш ва тўлов механизмини таъминлай оладиган кредитлаш тизимини шакллантиришни тақозо этиши табиий ҳолдир.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлашда асосий устуворлик давлат буюртмаси сақланиб қолаётган маҳсулотлар етиштирувчи фермер хўжаликларига берилган бўлиб, бошқа йўналишдагилар учун эса бозор тамойилларига мос тизими шаклланмаган. Шунингдек, АХБ субъектларининг ҳам фаолияти бевосита ушбу икки йўналишда амалга оширилиши натижасида уларни молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлашда икки томонлама ёндашув мавжуд.

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни молиялашнинг стратегик тури бўйича ажратиладиган имтиёзли кредитлар бевосита фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун етиштирадиган маҳсулотларига технологик карта бўйича бир гектар экин майдонига сарф қилинадиган харажатлар асос қилиб олинган бўлиб, бундай тизим маҳсулот етиштирувчилар ва уларни молиялаштирувчилар манфаатлари ўртасида маълум бир зиддиятларни вужудга келтириб, учинчи иштирокчи-агросервис хизмати кўрсатувчиларнинг манфаатлари эътибордан четда қолмоқда. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариш, деҳқончиликда экинлар ҳосилдорлиги ва чорвачиликда чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига кўп маҳсулот етиштиришга эришиш учун

юқорида таъкидланган субъектларнинг фаолияти ўзаро мувофиқлаштирилиши лозим.

Ушбу жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда республика қишлоқ хўжалиги амалиётида қўлланилаётган молиялаштириш ва кредитлаш механизмини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш жараёнида агросервис хизматлари субъектлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда, аввалам бор, тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳудудларнинг табиий-иқтисодий шароити, қишлоқ хўжалиги корхоналари, истеъмолчилар, хизмат кўрсатувчиларнинг худудий жойлашуви, юридик мақоми ва фаолият тури бўйича тутган ўрни ҳамда бошқа бир қатор омиллар ҳисобга олинмоғи керак. Чунки, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари нафақат табиий-географик, экологик, балки ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий омилларга ҳам бевосита боғлиқ.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, АХБини ривожлантириш, унинг субъектларида барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, хўжалик юритиш фаолиятини молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида, аввалам бор, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш, тўловга лаёқатсиз ёки тўлов қобилияти паст бўлганларини молиявий соғломлаштириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоғи лозим:

- молиявий соғломлаштириш учун фермер хўжаликларининг мавжуд қарзларини кечиш ёки уларни тўлаш муддатини узайтириш;
- қишлоқ хўжалигига бериладиган кредит ресурсларини узоқ муддатга бериш амалиётини кенгайтириш ва фоиз ставкаларини камайтириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган саноат маҳсулотлари ва агросервис хизматлари баҳоларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш;
- етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ўз вақтида тўловларни амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бўнак маблағларини ажратиш;

- давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган маҳсулот қийматининг бугунги 60% лик улуши энг камида 75% миқдорда имтиёзли кредит бериш механизмини жорий этиш;

- давлат эҳтиёжларидан ташқари етиштирилаётган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари учун ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини гаровга қўйиш ва кредит фоизларини 12-15 фоиздан оширмаслик шарти билан қисқа муддатли кредитлар бериш;

- хўжаликларнинг мол-мулкини гаровга қўйиш орқали асосий ишлаб чиқариш воситаларини тўлдириш, янгилаш, шунингдек, илғор агротехнологияларни жорий этиш, маҳсулотни қайта ишлаш ва бошқа йўналишлар учун узоқ муддатли (10-15 йил) кредитлар ажратиш;

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятига аҳоли ва молиявий барқарор фермер ва деҳқон хўжаликларининг бўш пул маблағларини жалб этиш учун нодавлат кредитлаш тизими-кредит уюшмаларини ташкил этиш лозим.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва унинг субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши исбот талаб қилмайдиган ҳолдир. Ушбу жараённинг яна бир ижобий натижаси сифатида қишлоқ хўжалиги субъектларига агросервис хизматлари кўрсатувчилар молиявий ҳолатини ҳам яхшилашга олиб келишини эътироф этиш ўринлидир.

Қишлоқ хўжалигида содир бўлаётган навбатдаги туб таркибий ва ташкилий-иқтисодий ўзгаришлар, бизнинг фикримизча, ўзига хос янги агросервис хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга мустаҳкам асос яратади. Бу жараён, ўз навбатида, республика аграр соҳасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига агросервис хизматлари кўрсатишни ҳар томонлама яхшилаш, шунингдек, уларнинг фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва кредит ресурслари таъминоти тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Авваламбор, АХБ субъектларини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг амалдаги тизими таҳлили шундан далолат берадики, улар асосан юқорида 3.2-расмда келтирилган асосий бешта манба ҳисобидан амалга оширилмоқда. Агар ушбу жараёнга янада чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, агросервис хизматлари кўрсатувчи-

ларнинг молиявий ва кредит ресурслари билан таъминланиш манбаларини икки ҳолатда кўриш мумкин. Яъни, биринчидан, уларнинг балансига ўтказилган тугатилган ширкат хўжаликларининг молиявий ресурслари ва мол-мулки қиймати, юқори ташкилотлар, вазирлик ва идоралар томонидан ажратиладиган маблағлар, дастлабки фаолиятни банклар томонидан молиялаштириш учун ажратилган бошланғич сармоялар, фермер хўжаликлари ҳамда бошқа ҳомийлар томонидан қўшилган моддий-молиявий ресурслар ҳисобланса, иккинчадан, фаолият юритаётган АХБ субъектларини ривожлантиришнинг асосий молиявий манбасини улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун олинадиган тўловлар ташкил этади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, агросервис хизматлари кўрсатувчи субъектлар ташкил этилишининг дастлабки босқичида уларнинг асосий молия манбаси асосан ҳукумат қарорларига мувофиқ тугатилган ширкат хўжаликларининг молиявий маблағларига боғлиқ бўлган. Масалан, 2005 йилда тугатилган ширкат хўжаликлари ўрнида 407 та муқобил машина трактор парклари (ММТП), 376 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ), 322 та ёқилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) сотиш шохобчалари, 171 та минерал ўғит сотиш шохобчаси, 113 та ахборот таъминот ва консалтинг, 134 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва 116 та зооветеринария хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган бўлиб, уларнинг балансига 15,2 млрд сўмлик қийматдаги мол-мулк ўтказиб берилган (3.5-жадвал).

Жадвал маълумотлари таҳлилига биноан биринчи хулоса шундан иборатки, авваламбор 2005 йил АХБ субъектларини оммавий тарзда шакллантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирлари кенг амалга оширилган давр, иккинчидан, шу даврдан бошлаб агросервис хизматлари кўрсатувчилар хизмат ҳақининг асосий салмоғини фермер хўжаликларининг тўлов суммалари ташкил этганлиги ва, учинчидан, агросервис хизматлари ҳақларини ундиришнинг сезиларли даражада паст бўлганлиги яққол кўзга ташланади. Табиий монополия мавқеига эга бўлган агросервис корхоналари ресурслари, жумладан, ЁММ ва минерал ўғитлар ҳақи тўлиқ давлат буюртмаси учун етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисобидаги ундирилган бўлиб, қолган хизмат турлари бўйича ундириш даражаси паст бўлган.

Албатта, ушбу жараён, биринчидан, агросервис хизмати кўрсатувчиларининг иқтисодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, АХБида рақобат муҳитини шакллантириш имкониятини бермайди. Шунинг учун бугунги кунда ҳам АХБида молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлашнинг стратегик турига устуворлик берилиши фақат давлат буюртмаси маҳсулотлари етиштирувчиларга агросервис хизмати кўрсатувчиларининг самарали фаолият юритишини таъминласада, бошқа агросервис хизмат кўрсатиш турлари кўрсатувчи субъектларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Демак, АХБида молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлаш тизимини бозор тамойилларига мос ҳолда такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоғи лозим.

Таҳлил натижаларидан маълумки, республика АХБда агросервис хизмат кўрсатиш субъектлари ҳамда хизмат истеъмолчилари - қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг талаб даражасида эмаслиги намоён бўлмоқда. Ҳисобкитобдан кўриниб турибдики, агросервис корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловнинг ундирилиши нисбатан паст даражада эканлиги аниқланилиб, бунда ММТП-66,1 %ни, СИУ-61,6 %ни, ЁММ сотиш шохобчалари-82,5 %ни, минерал ўғит сотиш шохобчалари-82,5 %ни, зооветеринария шохобчалари эса–87,2 %дан иборат бўлган.

Республикамиз аграр соҳасида АХБининг ривожланишига авваламбор, қатор омиллар таъсир кўрсатади. Уларни табиий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий омилларга ажратиш мумкин.

Таҳлилда таъкидлаганимиздек, агросервис хизмати кўрсатувчи субъектларнинг фаолияти бевосита молиявий ресурсларга боғлиқ бўлиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини унинг дастлабки шаклланиш босқичи ва кейинги ривожланишида бозор тамойиллари асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. У қатор объектив ва субъектив сабабларга боғлиқ бўлиб, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- агросервис хизмати кўрсатувчи субъектларнинг моддий-техника ва молиявий ресурслар таъминоти, малакали кадрларнинг етишмаслиги, хизмат сифатининг пастлиги ҳамда нархининг юқорилиги билан боғлиқ камчиликлар ва номутаносибликлар;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари тўлов қобилиятининг нисбатан пастлиги;

- АХБи субъектлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бозор тамойилларига тўлиқ мос келмасслиги;

- агросервис хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг ҳудудий хусусиятлари ҳамда талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда оптимал жойлаштирилмаганлиги;

- АХБи иштирокчилари ўртасида тўлақонли рақобат муҳитининг мавжуд эмаслиги.

Қишлоқ хўжалигида агросервис хизматлари кўрсатишнинг энг муҳим ўзига хос хусусияти соҳадаги мавсумийлик билан боғлиқ бўлган талабнинг йил давомида ўзгариб туришидир. Мавсумийлик эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг агротехнологик жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, унинг маълум турларига талаб юқори бўлиб, ўз вақтида талабнинг қондирилиши ижобий натижаларга олиб келади. Бироқ, хизмат кўрсатишда йўл қўйилган кечикиш ёки камчиликлар салбий натижада олиб келади. Шунинг учун ҳам АХБида ушбу жараён жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, иштирокчиларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқ бўлади.

Таҳлилларимиз натижалари ҳам АХБининг самарали фаолияти аввалом-бор унинг субъектларининг молиявий таъминланганлик даражасига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, агросервис хизматлари субъектларини молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш учун, муаллиф фикрича, бир қатор ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоғи лозим:

- агросервис хизмати кўрсатувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида уларнинг иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигида агросервис хизматлари кўрсатувчи ҳар бир ҳудуднинг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда, молиявий қўллаб - қувватлаш ва кредит ресурслари билан таъминлаш масалалари тўлиқ акс этган мақсадли Давлат дастури ишлаб чиқиш;

- ҳудудларнинг табиий-экологик шароитида келиб чиққан ҳолда, шароити оғир ҳудудлардаги агросервис хизмати субъект-

ларига давлат бюджетидан дотация ва субсидиялар ажратиш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- АХБ субъектларини кадрлар билан таъминлаш ва мунтазам равишда уларнинг малакасини ошириш тадбирларини молиялаштириш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш ва агросервис хизматлари кўрсатувчи субъектлар учун керакли янги техника ва технологияларни олиб келиш ва жорий қилишни молиявий қўллаб-қувватлаш;

- давлат эҳтиёжи учун етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларининг тўлов қобилиятини ошириш учун давлат буюртмаси механизмини такомиллаштириш ҳамда уларга агросервис хизмати кўрсатувчиларга молиявий ресурслар таъминотида имтиёзлар тизимини шакллантириш;

- агросервис хизматлари кўрсатувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш учун хусусий шахслар маблағларини, ички ва хорижий инновацияларни жалб қилиш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий шароит яратиш;

- АХБ иштирокчилари ўртасида ва уларнинг хизматларидан фойдаланувчи асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар-фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш.

Ушбу тавсия этилаётган чора-тадбирлар тизими мажмуавий характерга эга ва уларни амалга ошириш бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, АХБнинг барча иштирокчиларининг фаол қатнашишларини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ушбу жараёнда устуворлик, авваламбор, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари ва қулай муҳит яратиш чораларини амалиётга оқилона татбиқ этишга боғликдир. Зотан, бизнингча, ўтиш даври иқтисодиётига мансуб республикамиз шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига агросервис хизмат кўрсатувчи субъектларни ташкил этиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳукумат миқёсида қабул қилинган мақсадли ва манзилли Давлат дастури асосида изчил амалга оширилиши муҳим рол ўйнайди.

Мазкур дастурда, аввало табиий шароити оғир, ишчи кучи кам, автомобил йўллари ва бошқа коммуникация шохобчалари етарли даражада ривожланмаган, вилоят ва туман марказларидан

узоқда жойлашган ҳудудларда уларни ташкил этишни молиялаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Дастурда бундай ҳудудларда инфратузилма шохобчаларини ташкил этиш учун юридик ва хусусий шахсларга узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш, улар фаолиятининг дастлабки 5 йили давомида ҳар хил солиқлардан озод қилиш, айланма маблағ учун қайтариб олмаслик шарти билан асбоб-ускуналар олиб келишда божхона тўловларидан озод қилиш, айнан мана шу мақсад учун имтиёзли кредитлар бериш, янги технологиялар билаш ишлашга ўрганиш учун мутахассисларни хорижий мамлакатларда билим олиш ва малака оширишини бевосита давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш лозим.

Агросервис хизматларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйишда давлат томонидан ажратиладиган маблағлар етарли бўлмаслигидан келиб чиққан ҳолда, ҳукумат томонидан уларни ривожлантириш учун ички ҳамда хорижий инновацияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратилиши лозим. Ушбу соҳани ривожлантиришга хусусий шахслар маблағларини жалб қилиш учун сарфланган инновацияларнинг қайтарилиши давлат томонидан кафолатланиши, ушбу соҳа учун инновация сарфлаган корхоналарга солиқ бўйича имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ.

Агросервис хизматини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири улар хизматидан фойдаланувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий барқарорлиги ва уларнинг агросервис хизматидан фойдаланиш имкониятининг кенгайишидир. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий имкониятларининг кенгайиши учун эса давлат эҳтиёжи учун сотиб олинаётган пахта ва ғалла учун давлат томонидан мақбул харид нархларининг белгиланишидир. Яъни, қишлоқ хўжалик корхонаси фойда билан ишлаган шароитдагина унинг турли хил хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгаяди ва бунинг натижасида инфратузилма шохобчалари ҳам ривожланиб боради. Ҳисоб-китобларга қараганда, пахта харид нархининг 5 фоизга оширилиши пахтачилик билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш рентабеллигининг 2 фоиз ошишига олиб келади.

Агросервис хизматлари субъектлари фаолиятининг барқарор ривожланишида ўзаро тўловлар механизми муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оши-

рилишини таъминлаши лозим. Бу, хам қишлоқ хўжалик корхоналари, ҳам агросервиснинг молиявий-иқтисодий ҳолатининг яхшиланишида мустаҳкам омил бўлиб хизмат қилади

Бугунги кунда агросервис корхоналари хизматларининг тўлови ва шартнома муносабатларининг пировард мақсадларини амалга ошириш учун, энг аввало, қишлоқ хўжалигида фермерлар фаолиятини кредитлашнинг ҳуқуқий-иқтисодий асосларини таҳлил қилиш натижасида ички имкониятларни излаб топиш зарур. Зеро, агросервис хизматлари бозоридаги ўзаро муносабатлар тизимида кредит берувчи ташкилотлар учун кредит олувчи корхонанинг (агросервис субъектлари, фермер, деҳқон хўжаликлари) кредитга лаёқатлилик даражасини билиши муҳим ҳисобланади. Хориж тажрибасининг кўрсатишича, аграр соҳада кредит берувчи кредит олувчини ҳар томонлама баҳолаши лозим. Баҳолаш ишида унинг ишончлилигини белгилаб берувчи бир нечта муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор берилади, яъни:

- кредит олувчининг шахси, унинг бизнес оламидаги мавқеи, мажбуриятларни бажаришдаги қобилияти, масъулият ва тайёрлиги;
- молиявий ишончлилиги, яъни олинган ссудани жорий тушум ёки активларни сотиш орқали қоплаш қобилияти;
- мол-мулк, яъни капиталнинг ҳажми ва таркиби, асосий акциядорлар ёки хусусий тадбиркорнинг шахсий мол-мулки;
- кредитнинг гаров мол-мулки билан таъминланганлиги, яъни кредит олиш учун гаров сифатида қўйиладиган активлар тури ва қиймати;
- умумий шарт-шароитга ва кредит олувчининг ҳолатига таъсир қилувчи бозор конъюктураси ва бошқа ташқи омиллар (масалан, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва бошқалар).

Шу билан бирга, кредит таҳлили амалиётида кенг қўлланувчи молиявий ҳисоботларни батафсил ўрганиш ва коэффициентларни ҳисоблаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман, бу жараёнда ҳар бир банк ўзининг ҳисоблаш ва баҳолаш услубидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Аграр соҳа бўйича кредит шартномаларини тузишда кредит олувчи корхоналарнинг (агросервис субъектлари, фермер, деҳқон хўжаликлари) класслари бўйича кредитга лаёқатлилик даражасини белгиловчи меъзонлардан фойдаланиш мумкин. Бунда, кредит ресурсларини олувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари дастлаб

ўзларининг молиявий ҳолатини мустақил баҳолашлари муҳимдир. Бу эса уларга ўзларининг кредит олишга лаёқатлилик даражасини ҳаққоний аниқлаш имконини беради. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини белгилаб берувчи, шунингдек, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ҳажмини ҳисоблаш учун асос бўлувчи асосий тавсифлардан бири бу улардаги айланма ва ўз ички маблағларининг мавжудлигидир. Кредит олувчининг баланс активи унинг кредитга бўлган талабини ифодалайди, пассив эса – кредит берувчилар таклифини билдиради. Бу ердан эса кредит олувчининг талаби ва кредит таклифи учун алоҳида кредитнинг мумкин бўлган максимал ва минимал ҳажмини аниқлаш зарурлиги келиб чиқади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий қисми учун банклар томонидан берилаётган кредитларнинг юқори фоиз ставкалари биринчи навбатда бу кредитни олишга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Бу соҳада республикадаги асосий муаммо, аввал таъкидланганидек, қишлоқ хўжалик корхоналари тўлов қобилиятларининг паст даражада эканлигидир. Бунинг устига, қишлоқ хўжалигида фермерларига кўрсатилаётган сервис хизматлари бўйича микромолиялашга бўлган талаб тўлиқ қондирилмаётган ҳозирги даврда тижорат банклари томонидан фермер ва деҳқон хўжаликларини микрокредитлашда гаров таъминотининг етарли эмаслиги ҳам муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Тижорат банклари томонидан кредит олувчига қўйиладиган асосий талаблардан бири кредитни ва унинг фоизини ўз вақтида қайтаришни максимал таъминлашдир. Лекин, бу талабни бажаришда республикамиз қишлоқ жойларида банк муассасалари шохобчаларининг кенг ташкил этилмаганлиги, кредитни расмийлаштириш жараёнларининг мураккаблиги сабабли маълум қийинчиликлар туғилмоқда. Шунингдек, улардан ташқари тижорат банклари ҳам деҳқон хўжаликларига унчалик катта бўлмаган кредит миқдорини бериш учун катта харажатлар қилиши зарурлиги, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг юқори таваккалчиликка асосланганлиги, суғурта тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги, деҳқон хўжаликларининг кўпчилиги юридик шахс мақоми олмасдан фаолият юритаётганлиги, уларга ишончнинг камлиги, уларнинг реал иқтисодий ҳолатини баҳолаш қийинлиги, баъзи ҳолларда эса банкларда агробизнес соҳасидаги мутахассисларнинг етишмаслиги каби сабаблар ҳам кредит ресурслари олиш ва улардан самарли

фойдаланишга маълум даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, масалан, деҳқон хўжаликлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда мини техника ва технологиялар зарурлиги микролизинг хизматларини ташкил этиш ва ривожлантиришга катта эҳтиёж борлигидан далолат бермоқда.

Шу боисдан ҳам, муаллиф фикрича, АХБда жаҳон тажрибасида қўлланилаётган микрокредитлаш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда жаҳон амалиётида микрокредитлашнинг бир қатор усуллари мавжуд. Бундай усуллар жумласига гуруҳ бўлиб микрокредитлаш ва қишлоқ кредит кооперативини киритиш мумкин. Жумладан, аграр соҳада гуруҳ бўлиб микрокредитлаш усулини қўллашнинг жуда катта афзаллик ва ички имкониятлари мавжуд. Бу усулда молиявий маблағга эҳтиёж сезган қишлоқ хўжалиги корхоналари учун (фермер, деҳқон хўжаликлари) ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини гуруҳ бўлиб микрокредитлаш имконияти вужудга келади. Гуруҳ бўлиб кредитлаш механизмига биноан банк ходимлари томонидан бажариладиган вазифалар кредит гуруҳи зиммасига юкланади. Унинг шаклланиши эса микрокредит ташкилоти ходимининг ташаббусига кўра юз беради.

Гуруҳ, биринчидан, мижозларни ўзи текширади ва таркибига ким кириши мумкинлигини ўзи ҳал этади, иккинчидан, гуруҳ аъзоларининг кредитни қайтариш имкониятларини баҳолайди, учинчидан, кредитлашни босқичма-босқич ўзининг ички маблағлари ҳисобидан унча катта бўлмаган миқдорда қарз беришдан бошлайди ва ўз фаолиятини аста-секин кенгайтириш чораларини кўриб боради, тўртинчидан, қарз муддати бузилса ёки тўланмаса гуруҳ қарздорни то ўз қарзини тамоман узмагунича навбатдаги кредитни олиш имкониятидан маҳрум этади ва бошқа ўз ваколати доирасидаги вазифаларни бажаради.

Бу усулнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- кенг қамровлиги, зеро гаров асосида кафолатлаш ўрнига гуруҳ бўлиб кафолатлаш механизмидан фойдаланиш микромолиялаш ташкилотларига ўз хизматларини, юқорида таъкидланганидек, гаров таъминотини топиш қийин бўлган тадбиркорларга (деҳқон хўжаликлари ва бошқалар) кўрсатиш имконини беради;

- кредит гуруҳи аъзолари ўзлари устидан назоратни ўзлари таъминлайди, чунки гуруҳ аъзолари бир бирини яхши танигани учун бу назорат одатда самарали кечади;

- иш юритиш учун кам сарф–харажат қилинади, зотан бу гуруҳ кредит бериш жараёни (кредит гуруҳини шакллантириш, ўрганиш ва мониторинг юритиш)да маъмурий ишларнинг бир қисмини ўз зиммасига олади.

Гуруҳ бўлиб микрокредитлаш *усулидан жаҳондаги кўпгина* микрокредит ташкилотлари фойдаланиб келмоқда.

Навбатдаги микрокредитлаш шаклларидан бири қишлоқ кредит кооперативлари ҳисобланади. Қишлоқ кредит кооперативи бу қишлоқ жойларида истеъқомат қилаётган ёки фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг биргаликда жамғармаларни ташкил этиш ва ўзаро қарз (кредит) бериш мақсадидаги ихтиёрий бирлашмасидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар (фермер ва деҳқон хўжаликлари), қайта ишловчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотлар, кичик тадбиркорлар ҳамда кредит ресурсларини шакллантиришда ўз улуши билан иштирок этадиган жисмоний шахслар қишлоқ кредит кооперативи аъзолари бўлиши мумкин. Қишлоқ кредит кооперативининг банкдан фарқи шундаки, унда ҳар бир аъзо ўз фикрини эркин ифода этиши ва қарорларга бевосита ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Кооперативнинг энг юқори органи аъзоларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Унга кўра ҳар бир аъзо кооперативдаги пай улуши қанча бўлишидан қатъий назар бир овозга эга бўлади.

Шундай қилиб, юқоридаги усуллардан фойдаланган ҳолда фермер ва деҳқон хўжаликларини микромолиялашни йўлга қўйиш уларнинг агросервис хизматларидан фойдаланиш даражасини оширади ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришга ёрдам беради.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил ишлаш учун саволлар

1. Агросервис хизматлари тизимида иқтисодий муносабатлар нималардан иборат?
2. Агросервис иқтисодиётида иқтисодий муносабатлар тизимига таъриф беринг?

3. Қишлоқ хўжалигида моддий техника ресурсларини таъминотини амалга оширишдаги иқтисодий алоқалар нималардан иборат?
4. Агросервисни молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлашдаги иқтисодий муносабатлар механизмининг моҳиятини тушунтириб беринг?
5. Агросервис иқтисодиётида иқтисодий муносабатлар тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўллари нималардан иборат?

Калитли сўзлар

Иқтисодий муносабатлар, агросервисда иқтисодий муносабатлар тизими, моддий техника ресурслари таъминоти, иқтисодий алоқалар, агросервисни молиялаштириш, агросервисни кредит ресурслари билан таъминлаш.

19-мавзу. ДЕҲҚОНЧИЛИКДА КЎРСАТИЛАДИГАН АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ, ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ

РЕЖА:

1. Деҳқончиликда агросервиснинг зарурияти, моҳияти ва турлари.
2. Деҳқончилик тармоқларида агросервисни ривожлантиришнинг йўналишлари.
3. Деҳқончиликда агросервис кластери самарадорлиги.

1. Деҳқончиликда агросервиснинг зарурияти, моҳияти ва турлари

Бугунги кунда республикамизнинг иқтисодий ривожланиши ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутадиган ва агросаноат мажмуининг белгиловчи тармоқларидан ҳисобланган деҳқончиликда модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини жадал ташкил қилиш ҳамда деҳқончилик маданиятини юксалтириш устувор вазифалар сифатида ҳал этишни тақозо этади. Зеро, республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Деҳқончилик секторини ривожлантириш муаммолари Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи муаммолардандир»[207], шундай экан «...деҳқон бой бўлмас экан, ишчи ҳам, зиёли ҳам тўқ бўлиши мумкин эмас, халқимизнинг ҳаётини, келажагини фаровон қилиб бўлмайди»[208].

Зотан, республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлмиш деҳқончиликни тараққий эттириш, энг аввало, унинг аграр соҳадаги иқтисодий мавқеи ва аҳамияти билан белгиланади. Республикамиз деҳқончилигининг асосий маҳсулотлари ҳисобланган пахта ва ғаллага давлат буюртмасининг ўзига хос тартиб ва шартларда белгиланиши ўсиб бораётган республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса маҳаллий хом ашёга бўлган талабини қондиришда ниҳоятда муҳимдир.

Айниқса, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам муҳим ижобий натижалар қўлга киритилиб, 2010 йилда 2009 йилга

---

[207] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.–Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 24.
[208] Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон., 2011. – Б. 440.

нисбатан 6,8 фоиз ўсишга эришилгани ҳолда асосий тармоқларидан ҳисобланган пахтачилик ва ғаллачиликда маҳсулот етиштириш мос равишда - пахта хом ашёси 3428,7 минг тонна, дон эса 6966,5 минг тоннани ташкил этган. Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2009 йил 1 январ ҳолатига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида картошка (117,7 %), полиз маҳсулотлари (116,8%), сабзавотлар (111,7%) етиштириш нисбатан сезиларли даражада ўсган бўлса, фақат узум ўтган йилга таққослаганда 89,9 % даржасида ишлаб чиқарилган.

Айниқса, деҳқончиликда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши сезиларли ошган. 2009 йил якунлари маълумотларига кўра мамлакатимизда пахта хом ашёсининг 99,2% ва ғалланинг 81,4%и, картошканинг 18,1%и, сабзавотнинг 35,2%и фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига киритилган ўзгартириш асосида (2009 йил 25 декабр) фермер хўжаликлари республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъекти, деб эътироф этилди.

Маълумки, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги асосий хўжалик юритувчи ҳисобланган фермер хўжаликларининг ер майдонлари оптималлаштирилиб, «уларга 4 млн. 390 минг гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртача 92,0 гектар ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди»[209].

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва унинг деҳқончилик тармоғида эркин бозор иқтисодиёти муносабатлари таъсирида асосий деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми таҳлил қилинаётган кейинги йилларда (1990-2010 йй.) кескин ўзгарган. Агар 2010 йилда 1990 йилга нисбатан дон етиштириш 4,0 мартага яқин, картошка ишлаб чикариш 5,0 марта, сабзавотлар 223,3 %, мевалар ва резаворлар 2,6 марта ошган бўлса, ғўза майдонларининг қисқартирилиши ва пахта монокультурасига барҳам берилиши натижасида таҳлил қилинаётган йилларда пахта хом ашёси етиштириш ҳажми 32,2 % га камайган.

---

[209] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини ўрганиш бўйича қўлланма.-Т.: Иқтисодиёт, 2009.-Б. 45.

Шунингдек, шоли етиштириш кўп сув талаб қилиши ва шу даврларда қисман бўлсада сув тақчиллигининг вужудга келиши сабабли шоли майдонлари 50,3 % гача қисқартирилди.

Айниқса, асосий стратегик экин – пахта етиштириш жараёнидаги барча ишларни, жумладан, ғўзани ягоналаш, суғориш, ҳосилни механизмлар билан йиғиштириб олиш каби сермеҳнат ишларни механизациялаштирмасдан туриб, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, маҳсулот бирлигига меҳнат ҳақи сарфини камайтириш асло мумкин эмас[210]лиги илмий асослаб берилди.

Тадқиқот жараёнида олинган хулосаларга таянган ҳолда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалигининг асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган деҳқончилик тармоғининг истиқболдаги тараққиётини белгилаб берувчи муҳим йўналишлардан бири агросервис хизматларини ривожлантиришдир.

Аграр соҳада сервис хизматини ривожлантиришда ҳукуматимиз томонидан чиқарилган ҳуқуқий–меъёрий ҳужжатлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жумладан, аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш талабидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октабрдаги Ф-3077-сонли «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 22 октябрдаги 3287-сонли «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишларини таъкидлаш мумкин. Бу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни ҳал этиш тадбирларини ҳаётга изчил татбиқ этиш аграр соҳада аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш ва хўжалик юритувчи субъектлар сонини мақбуллаштириш, шунингдек, аграр соҳада эркин иқтисодиётни шакллантиришга жуда катта ёрдам бермоқда.

Шунингдек, республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги (2006 йил 17 апрел) қарори қишлоқда хизмат кўрса-

---

[210] Мирзаев Қ., Муртазаев О., Ахроров Ф. Рентабелликни ошириш мумкинми?// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5. Тошкент.1999. –Б. 17.

тиш тизимини янада кенгайтириш ва диверсификациялаш жараёнини чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қарор қишлоқда бозор инфраструктурасини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жуда катта имкон яратди.

Қишлоқ хўжалиги, айниқса, унинг деҳқончилик тармоғига мос агросервис хизматлари бозорини шакллантириш ва такомиллаштириш бугунги кундаги республика аграр соҳаси олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, хусусан, деҳқончилик тармоғига кўрсатилаётган агросервис хизматларининг асосий турларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ ва улар, бизнинг фикримизча, қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- фермер ва деҳқон хўжаликларига кўрсатилаётган ММТП хизматлари;
- СИУ (сув истеъмолчилари уюшмаси) хизматлари;
- ЁММ сотиш хизматлари;
- уруғчилик хизматлари;
- минибанк хизматлари;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш хизмати;
- агрокимё ва минерал ўғит таъминоти хизматлари;
- ахборот – консалтинг хизматлари ва бошқалардан иборат.

Деҳқончиликда бугунги кунда шаклланаётган агросервис хизматлар бозоридаги қишлоқ хўжалик корхоналари учун кўрсатилаётган агросервис хизматларини ўзига хос муҳим хусусиятлари ва йўналишлари бўйича турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, биринчидан, техник хизмат кўрсатиш йўналишлари, иккинчидан, ресурслар таъминоти билан боғлиқ хизматлар ва учинчидан, деҳқончиликда молиявий маблағлар ва иқтисодий ахборотлар билан таъминлаш хизматларини ривожлантиришдан иборат.

Юқорида таъкидлаб ўтилган барча хизмат турларини самарали амалга ошириш, уларнинг сифати ва нархларини бозор талабларига мос мувофиқлаштириш мақсадида республикамизда фермер ва деҳқон хўжаликларига агросервис хизматлари кўрстувчи субъектлар сонини кўпайтириш ва уларнинг дислокациясини оқилона ҳал этиш чора-тадбирларининг ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида амалга оширилаётганлиги ўзининг яхши самарасини бермоқда. Буни 2006-2010 йилларда Самарқанд вилоятида амалга оширилган тадбирлар натижаларидан ҳам кузатиш мумкин (19.1-жадвал).

19.1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2006-2010 йилларда деҳқончилик соҳасига хизмат кўрсатувчи агросервис субъектлари сонининг ўзгариши

Хизмат кўрсатувчи корхоналар	Йиллар:				
	2006	2007	2008	2009	2010
1.ММТПлар сони	187	241	241	241	171
2.СФУлар сони	35	35	35	29	35
3.Агрокимё ва минерал ўғит сотиш шохобчалари	76	91	91	84	84
4.Ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш шохобчалари	96	105	118	121	121
5.Ахборот таъминот ва консалтинг хизмати шохобчалари	16	17	17	17	17
6.Минибанклар	71	71	130	202	230
7.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш шохобчалари	55	60	60	60	53
8.Транспорт хизмати кўрсатиш шохобчаси	14	16	16	16	16
9.Тара ва идиш таъминоти хизмати	9	9	9	9	9
10.Агрофирмалар	10	10	10	10	80

Республикамизда қишлоқ хўжалиги субъектлари - фермер ва деҳқон хўжаликларига кўрсатилаётган агросервис хизматлари ривожланиши бир қатор тўсиқ ва муаммоларга дуч келмоқда. Чунки бутунги аграр соҳасида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бошқа соҳалар каби хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар бундай тўсиқ ва муаммоларни бартараф этишни тақозо этмоқда. Шу сабабли қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган деҳқончиликда агросервис хизматларини ривожлантириш бўйича бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб улар хизмат кўрсатишнинг сифатига ҳамда деҳқончилик маҳсулот етиштиришга салбий таъсир қилмоқда (19.1.-расм).

19.1- расм. **Дехқончиликда агросервис хизматларини ривожлантиришдаги муаммолар**

Зотан, агросервис субъектлари сонини ошириш ўз ўзидан ушбу соҳадаги барча муаммоларни ҳал этади деган фикрдан йироқда бўлиш лозим. Чунки республикамиз шароитида деҳқончилик тармоқларига кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни эътиборга олмаслик салбий натижаларга олиб келиши табиийдир. Шу боисдан, бизнинг
фикримизча, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- агросевис корхоналарининг моддий-техник базаси;
- деҳқончилик маҳсулотларига бўлган талаб (эхтиёж)нинг жаҳон бозорида ўзгариши;
- хизмат кўрсатувчилар ўртасида рақобат муҳити;
- деҳқончилик хизматларига бўлган эҳтиёж;
- хизматлар баҳоси;
- деҳқончиликда хизмат кўрсатувчи субъект ва объектларнинг молиявий маблағлар билан таъминланганлик даражаси;
- деҳқончиликда кўрсатилаётган хизматнинг сифати ва ўз вақтида амалга ошириш ҳолати;
- деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари;
- табиий – иқлим шарт-шароитлари ва шу кабилардан иборат.

Республикамизда бугунги кунда қишлоқ хўжалиги субъектларига кўрсатилаётган агросервис хизматларининг қандай даражада самара бераётганлигини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган деҳқончилик ишлаб чиқариш самарадорлигига кўрсатилаётган агросервис хизматлари таъсири ўрганилди. Таққослама таҳлилни амалга ошириш учун деҳқончиликдаги асосий ишлаб чиқариш жараёни характерловчи кўрсаткичлар бўйича агросервис субъектлари тизимли ташкил этилгунча бўлган давр – 1999-2001 йиллар (ўртача уч йиллик) билан агросервис субъектлари тизимли фаолияти амалга оширилиб турган кейинги давр – 2008-2010 йиллар (ўртача уч йиллик) кўрсаткичлари таққослаб ўрганилганда агросервис хизматлари ташкил этилган давр самарали эканлиги иқтисодий жихатдан асосланилди.

Деҳқончилик тармоғида самарали агросервис хизматлари кўрсатишни ташкил этиш натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари кескин ўзгарган. Республика бўйича таҳлил қилинаётган 2008-2010 йилларда 1999-2001 йилларга нисбатан пах-

та етиштириш 3,7 %га, дон ишлаб чиқариш эса 86,8% га ошган. Бу даврда ушбу асосий экинларнинг ҳосилдорлиги мос равишда 8,7 ва 58,0 %га кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, таҳлил қилинаётган йилларда маҳсулот бирлиги (1 центнер) ҳисобига тўғри келадиган соф фойда пахта бўйича 44315,1 сўмга, дончиликда эса 43277,2 сўмга ошгани ҳолда ишлаб чиқариш рентабеллиги мос равишда пахтачиликда 34,0 ва дончиликда эса 21,8 пунктга кўпайган.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, республикамиз қишлоқ хўжалиги ва унинг асосий тармоғи деҳқончиликда бозор талаби ва таклифи асосида сифатли маҳсулот етиштириш фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатувчи агросервис хизматлари бозорини шакллантиришни тақозо этади. Деҳқончилик маҳсулотлари ва агросервис хизматлари бозори бу бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар талаб ва таклифи асосида шаклланувчи ҳамда уни амалга оширувчи, деҳқончилик маҳсулотлари билан боғлиқ эҳтиёжларни қондирувчи, замонавий техника ва технологияга асосланган юқори даромад келтирувчи, истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи механизмдир.

2. Деҳқончилик тармоқларида агросервисни ривожлантиришнинг йўналишлари

Республикамизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ва унинг алоҳида олинган асосий тармоқларини ривожлантириш борасида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори доимий равишда ўсиши таъминланди. Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички махсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 30,1% ташкил этгани ҳолда, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 17,1%дан иборат бўлган. Хусусан, 1990-2011 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5,0 баробар, сабзавот 2,2 баробар ошди. Шу билан бирга, мамлакатимиз бўйича бу даврда асосий деҳқончилик махсулотлари ҳосилдорлигини оширишга эришилди, жумладан, пахта ҳосилдорлиги 1990 йилда 22,6 ц./га дан, 2010 йилда 25,6 ц/га га, дон экинлари мос равишда 20,2 ц/га дан 44,2 ц/га га, картошка 80,0 ц/га дан 194,9 ц/га га, сабзавотлар 192,0 ц/га дан 252,5 ц/га га ошганлигини кўришимиз мумкин. Аграр соҳада амалга

оширилган бундай иқтисодий ислоҳотларнинг самараси сифатида республикамиз бўйича 2011 йилда 6,8 млн. тонна ғалла, 3,5 млн. тонна пахта, 8,2 млн тонна сабзавот ва полиз, 3 млн тонна боғдорчилик махсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди.

Бугунги кунда республикамиз аграр сохасини кейинги тараққиёти тармоқлар ичида етакчи мавқега эга бўлган дехкончилик тармоғида агрорсервисни алоҳида олинган тармоқлар миқёсида (пахтачилик, ғаллачилик ва бошқалар) ривожлантиришни тақозо этади.

Республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек «хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши... қишлоқ жойларида бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда»[211] Алоҳида эътироф этиш ўринлики, "...2012 йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалиги экинлири- ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳконлари мўл хосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла...йиғиб териб олинди"[212].

Юқоридаги иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил этиш асосида олинган хулосаларга асосланган ҳолда республикамизда деҳқончилик тармоқларига кўрсатилаётган агросервис хизмат турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлик жиҳатларини қуйидагича туркумлаш мумкин, (19.2-расм).

Республикамиз дехкончилигида агросервисни шакллантиришни тармоқлар тизимида ўрганиш ва уни узлуксиз ривожлантириш зарурияти қуйидагиларда ўз аксини топади. Биринчидан, қишлоқ хўжалигидаги тармоқларни ўзига хос хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олиб пахтачиликда зарур бўлган айрим хизматлар (масалан, чеканка қилиш) ғаллачилик тармоғига зарур эмас, ёки жуда кам миқдорда (масалан қатор ораларида ишлов бериш хизмати) керак бўлади. Бундай ҳолатлар эса пахтачилик ва галлачиликка ихтисослашган хўжаликларга алоҳида олинган агросервис тузилмаларини бўлишини тақозо этади. Иккинчидан, тармоқларнинг ўзига хос хусусмиятларидан келиб чиқиб бир турдаги агросервис хизматлари турли даврларда агротехник жараёнларда зарур бўлади.

---

[211] Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Овози, 2012 йил 21 январь.

[212] Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизациялаш йўлини қатъият билан давом эттириш // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январ.

Масалан пахтачиликда ғўзани суғоришда 3-4 марта суғориш, июн-август ойлари амалга оширилса, ғаллачиликда эса бу жараён 1-2 марта – апрел-май ойлари амалга оширилади.

Пахтачиликда агросервис Бизга маълумки, мамлакатимиз аграр сохасида пахтачилик етакчи тармоқ хамда мамлакатимиз иқтисодий кудратини мустаҳкамлашда муҳим стратегик хом ашё билан таъминловчи соха хисобланади. Шу сабабли бундай тармокдаги агросервис хизматларини ривожлантириш тақозо этилиб у куйидагилар билан асосланади:

Жумладан, пахта хом ашёси етиштириш билан боғлиқ агросервис хизматларини ривожлантиришни йўлга қўйиш ва бунда, айниқса, ғўза экинини экишга тайёрлаш, уни экиш, суғориш, минерал ва органик ўғитлар билан таъминлаш, хосилини йиғиштириб олиш, зарур техника таъминоти етиштирилган махсулотни бозорда сотиш ва бошқа шу каби жараёнлар билан боғлиқ сервис хизматларини амалга оширувчи агросервис тузилмаларини шакллантириш зарур бўлади. Шундай экан пахтачиликда агросервисни ривожлантириш уни кўп қиррали агротехнологик жараёнлар билан боғланганлиги билан изоҳланади.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги кунда пахта етиштиришда бир қатор кўп қул меҳнати билан бажариладиган сермехнат ишларни агросервис субъектлари томонидан машина механизмлар ёрдамида амалга ошириш имконияти яратилади. Бундай хизматларни амалга оширувчи ишлар жумласига, пахтачиликда ММТП агросервис субъектлари томонидан бажариладиган чигитни экиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, пахта ҳосили йиғиштириб олиш каби жараёнлардаги хизматларни амалга оширадиган ишларни киритиш мумкин. Айниқса, СФУлар томонидан бажариладиган бугунги кунда муҳим агротехник тадбир сифатида ғўзани ўз вақтида суғориш ҳамда етарлича сув таъминоти пахтачилик самарадорлигини оширишда муҳим ҳисобланади. Ҳисоб-китобларга кўра ўртача бир йилда ғўзани ўз вақтида 4-5 марта суғорилсагина етарлича ҳосил олиш имкониятига эга бўлинади.

Пахтачиликда яна бир муҳим агротехник тадбир бу ғўзани озиқлантириш ҳисобланади. Бу жараён минерал ўғитлар билан таъминлаш хизматларини амалга оширувчи агросервис шохобчалари томонидан амалга оширилади. Тадқиқотларни кўрсатишича,



19.2 – расм. **Деҳқончилик соҳасига кўрсатилаётган агросервис хизмат турларининг классификацияси ва уларнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари**[213]

[213] Манба. Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

1 тонна пахта ҳосилини етиштириш учун ўрта ҳисобда 50-60 кг азот, 15-20 кг фосфор, 50-60 кг калий сарфланиши меъёр асосида талаб этилади. Бу жараённи сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш пахтачиликда юқори иқтисодий самара беради. Пахтачилик самарадорлигини оширишда агросервис субъектларидан уруғчилик таъминоти хизматининг алоҳида ўрни бор. Бунда пахтани маҳаллий шароитларини ҳисобга олган ҳолда республика минтақалари табиий шароитига жавоб берадиган навларни сотиб олиш ва фермерларга етказиб бериш хизматларни амалга ошириш, ушбу тармоқ ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиқиб агросервис субъектлар томонидан ғўзанинг қуйидаги навларини олиб келиш ва сотиб олиш ишларини амалга оширилмоқда. Булар жумласига "Омад", "Бухоро-102", "Оқдарё-6", "Бухоро-8", "С-6581" каби навларни ўз вақтида ва етарлича таъминлаш хизматларини амалга ошириш юқори иқтисодий самара беради.

Ғаллачиликда агросервис. Республикамиз макроиқтисодиётида ва аграр сохасида муҳим тармоқлардан бири ғаллачилик хисобланади. Иқтисодчи олимларнинг фикрларига кура "Ўзбекистонда 15-20 турдаги маданий ғалла экинлари 2,5-3 минг йиллардан бери экилади"[214]. Республикамизда ишлаб чиқариладиган ғалланинг асосий кисми - 91,4 %ни (2011 йил) буғдой ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда барқарор ғаллачилик самарадорлигига эришиш учун ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор агротехнологик ва агротехник тадбирларни амалга ошириш зарур булади. Бундай жараёнларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш эса сифатли сервис хизматлари фаолиятини йўлга қўйишни талаб этади. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Ғаллачилик тармоғида ғаллани экиш, ер майдонларини тайёрлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш бўйича агросервис хизматларини амалга ошириш ММТПлар томонидан олиб борилади. Маълумки, ғаллачилик самарадорлигини оширишнинг муҳим йўлларидан бири бу ғалла хосилини ўз вақтида ва кисқа муддатларда йиғиб-териб олиш хисобланади. Масалан, Республикамиз шароитида мутахассисларни фикрича кузги буғдой пишиб етилгач уни тез кунларда (8-12 кунда) ўриб-янчиб олиш зарур хисобланади. Бу эса тезкор

[214] Исмонлов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. – Т.: Молия. 2005.- Б. 317.

механизациялашган агросервис хизматларини йўлга қўйишни тақозо этади.

Масалан, бу борада алоҳида эътироф этиш ўринлики, кейинги йилларда ғалла ўриш комбайнлари билан таъминланганлик даражаси Ўзбекистонда ҳар 1000 га ғалла майдонига 3,2та комбайн тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Россияда 6 та, Англияда 12 та, Германияда 20 та, Францияда 14 та ва АҚШда 16 тани ташкил қилган[215].

Ғаллачиликда СФУ хизматлари эса - ғаллани сувга бўлган талабини барқарор таъминлаш ишларини амалга оширувчи агросервис субъекти ҳисобланади. Бизга маълумки, Ўзбекистон шароитида кузги буғдойдан 1 тонна хосил олиш учун ўртача 700-1000 метр куб сув сарфланиши ҳисобга олсак, қанчалик даражада СФУ хизматларини замонавий асосда йўлга қўйиш зарурлигини билишимиз мумкин бўлади.

Ғаллачиликда минерал ўғит таъминоти хизматларини амалга оширувчи шохобчалар хизматини йўлга қўйиш асосида ғаллага агрокимёвий ўғит етказилиши амалга оширилади. Маълумки, Ўзбекистон шароитида суғориладиган ерлардан 1 тонна буғдой олиш учун маҳаллий навларга 11-12 кг фосфор, 34-37 кг азот, 23-25 кг калий зарур бўлади. Бу эса бундай ўғитлар таъминотини тезкорлик асосида йўлга қўйиладиган агросервис хизматларини ривожлантиришни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, ғаллачиликдаги бугунги кундаги энг долзарб муаммо бу маҳаллий шароитга мос навлар билан таъминлаш ҳисобланади. Ушбу таъминот тизимини ғаллачиликда уруғчилик таъминотини хизматларини ривожлантириш орқали йўлга қўйиш мумкин бўлади. Бугунги кунда республикамиз ғаллачилигида қуйидаги ғалла навларини экиш фермерлар томонидан кенг кўламда амалга оширилмоқда. Жумладан, ғалланинг энг кўп экиладиган "Краснодар 99", "Таня", "Уманка", "Салянка", "Никония" каби навлар билан таъминлаш хизматларини йулга қўйиш шулар жумласидандир.

Бизга маълумки бугунги кунда ғаллачилик давлат буюртмасидаги маҳсулот етиштирувчи тармоқ хисобланиб етиштирилган ғалланинг 50% дан ошикроғини деҳқон бозорларида сотиш имконияти мавжуд. Шу сабабли ғалла маҳсулотларини сотиш хизмат-

[215] Ўша жойда, Б. 101.

лари бўйича агросервис тизимини ривожлантириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Айниқса, бугунги кунда ғаллачиликда тезкор ахборот – консалтинг хизматларини ривожлантирмасдан, ғаллачилик самарадорлигини оширишнинг имкони йўқ. Шу сабабли мазкур агросервис хизматларини сифатли йўлга қўйилиши фермер ва деҳқон хўжаликларининг зарурий ахборотларга эга бўлиши билан бирга турли кўринишдаги ўз вақтида ва малакали маслаҳатлар олиш имкониятига эга бўлади.

3. Деҳқончиликда агросервис кластери самарадорлиги

Республикамизда агросервис хизматларини ривожлантириш жараёни, табиийки, фаолият кўрсатаётган ва янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликларига турли хил таъминот ва сервис хизматлари кўрсатувчи тузилмаларни ҳам устувор ривожлантиришни тақозо этади. Жумладан, 2002 йилга нисбатан 2010 йилда муқобил МТПлар сони 13,3 марта, уларда ишловчилар сони эса 30,8 мартага ошган, ушбу кўрсаткичлар агрокимё ва минерал ўғит сотиш шохобчалари бўйича 7,2 ва 26,1 мартани, нефт маҳсулотларини сотиш шохобчалари бўйича 9,8 ва 19,2 мартани, СИУлар бўйича эса 12,1 ва 23,7 мартани ташкил этган. Уларнинг ҳар бирида банд бўлганлар сони ҳам мос равишда ортиб борган. Масалан, агар 2002 йилда қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир ишчи ҳисобига 0,23 та хизмат кўрсатишда банд бўлганлар тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 0,37 ва 2009 йилда эса 0,41 тани ташкил этиб, 2002 йилга нисбатан мос равишда 60,9 ва 78,3 % га ошган. Шу давр мобайнида қишлоқ хўжалигида банд бир ишловчи ҳисобига таъминот, савдо ва умумий овқатланиш каби соҳаларда банд бўлганлар сони, масалан, 2002 ва 2009 йилларда 0,75 ва 1,39 кишини ташкил қилиб, 85,6 % га кўпайганлигини қайд этиб ўтиш ўринлидир.

Бизга маълумки, тармоқ ва соҳаларда кўрсатилаётган хизматлар рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим йўналишлари ва иқтисодий дастакларини аниқлашда кластер ёндашуви муҳим аҳамият касб этади. Бу борада бугунги кунда бир қатор иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Уларнинг фикрига кўра кластер - «жой бўйича чекланган тармоқнинг локаллаштирил-

ган таркибий қисми бўлиб»[216] у «маълум соҳа фаолиятини ташкил этишда ўзаро бир-бири билан боғланган, рақобатчи, аммо бир вақтнинг ўзида ҳамкорликда фаолият юритувчи, шу соҳага ихтисослашган товарлар етказиб берувчи ва хизматларни амалга оширувчи фирмалар ҳамда географик белгиларига кўра ўзаро бир-бири билан боғланган компаниялар гуруҳи»[217]дан иборат.

Шундай экан, республикамиз қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган агросервис тузилмалари фаолиятини яхлит бир тизим асосида йўлга қўйишда кластер ёндашуви ниҳоятда аҳамиятлидир. Биз бу борада чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориб, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган деҳқончиликдаги мавжуд агросервис хизматларини амалга ошираётган тузилмаларни таҳлил этиш асосида яхлит бир мажмуавий имкониятларни юзага келтирувчи деҳқончиликда агросервис тузилмаларининг кластер тузилишини таклиф этдик (19.3-расм).



19.3-расм. **Республика деҳқончилигида агросервис тузилмаларининг кластер тузилиши**[105]

---

[216] *Воронов, А.* Кластерный анализ – база управления конкурентоспособностью на макроуровне // -М.: Маркетинг. 2003. № 1(68). С. 16.

[217] *Портер, М. Э.* Конкуренция. Учеб. пособие: пер. с англ. – М.: Вильямс, 2000. С. 205.

Бизнинг фикримизча, таклиф этилаётган кластер тузилиши деҳқончиликда қуйидаги имкониятларни яратади:

- агросервис хизматлари бозорида деҳқончиликдаги барча ресурслар (иқтисодий, молиявий, интелектуал ва б.лар)ни жалб қилиш ва барча омиллардан фойдаланиш имкониятини очиб беради;
- агросервис субъектлари ва хизматларини истеъмолчилари, назорат қилувчилар субъектлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни оширишни кўрсатиб беради;
- давлат томонидан агросервис хизматларини ривожлантириш бўйича аниқ механизмларни яратиш имкониятларини очиб беради;

агросервис субъектларининг хизмат кўрсатиш натижаларидан манфаатдорлигини ошириш ҳамда уларни яхлит бир тизим шаклида узлуксиз ва самарали ривожлантириш имкониятларини белгилаб беради.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил ишлаш учун саволлар

1. Деҳқончиликда агросервиснинг моҳияти нималардан иборат?
2. Деҳқончиликда агросервиснинг таърифини келтиринг.
3. Деҳқончиликда агросервиснинг асосий турлари нималардан иборат?
4. Деҳқончиликда агросервис самарадорлигини қандай аниқлаш мумкин?
5. Деҳқончиликда агросервис хизматларини ривожлантиришда муаммолар нималардан иборат?
6. Пахтачиликда агросервис хизматлари моҳиятини очиб беринг?
7. Ғаллачиликда агросервис хизматларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
8. Деҳқончиликда агросервис тузилмалари кластер тузилишини тушунтириб беринг?

Калитли сўзлар:

Деҳқончиликда агросервис, сув истеъмолчилари уюшмаси хизмати, ММТП хизмати, ЁММ сотиш хизмати, уруғчилик хизмати, ахборот консалтинг хизмати, пахтачиликда агросервис, ғаллачиликда агросервис, агросервис тузилмалари кластери.

20-мавзу. ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА КЎРСАТИЛАДИГАН АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ, ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ

РЕЖА:

1. Чорвачиликда агросервис хизматларининг моҳияти, зарурияти ва турлари.
2. Чорвачиликда ем - хашак таъминоти агросервис хизматларини тавсифи.
3. Наслчилик агросервис хизматларини ривожлантириш механизмлари.
4. Чорвачиликда агросервисни модернизациялаш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари.

1. Чорвачиликда агросервис хизматларининг моҳияти, зарурияти ва турлари

Ўзбекистон иқтисодиётида ва унинг ривожланишида чорвачилик тармоғи муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 40% дан ортиғи[218] ушбу тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика аҳолисининг ўсиши, ўз навбатида, чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабнинг кўпайишига олиб келиши табиийдир. Бу эса республикада чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтиришни талаб қилади. Акс ҳолатда эса уларни импорт қилиш зарурати юзага келиб, бу жараён ўз навбатида иқтисодиётимизда молиявий сарфларнинг кескин ортишига олиб келади. Демак, мамлакатимизда чорвачиликнинг ривожланиши катта миқдордаги чет эл валютасини мамлакат иқтисодиёти учун тежаб қолиш ва республиканинг иқтисодий барқарорлигини таъминлайди. Шунингдек, мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, «чорвачиликдаги самарадорликни атиги 1 % га ошириш мамлакат бўйича ўртача 35-40 минг тонна сут, 5-8 минг тонна гўшт, 12,5-15,5 миллион дона тухумни қўшимча равишда олиш имконини беради.»[219]

---

[218] Лерман Ц., Ўзбекистонда чорвачиликнинг барқарор ривожланиши: ҳозирги аҳвол ва тавсиялар. Таҳлилий тавсиянома. № 1 – Т.:UNDP. 2008. - 12 б.
[219] Хусанов Р.Ҳ., Додобоев Ю.Т., Додобоев Д.Ю. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. Ўқув қўлланмаси – Т.: 2003. – Б. 740.

Мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматининг чорвачиликни ривожлантиришга берилаётган эътибори натижасида бугунги кунда бир қатор йўналишларда ижобий натижаларга эришилди, жумладан:

1. Республикада қорамоллар сони охирги 5 йилда 2,6 млн. бошга ёки 145 фоиз кўпайиб, 8,5 млн. бошга етди. Шу жумладан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида 2,2 млн. бошга (138 фоиз), фермер хўжаликларида 200 минг бошга (162 фоиз) ошди;

2. Зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791 та пунктлар ташкил этилиб, уларнинг сони 2443 тага етказилди. Шу йиллар давомида пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 6 баробарга ошди;

3. Аҳоли қарамоғидаги чорва молларини кўпайтириш ва бандлигини ошириш мақсадида қорамоллар сотиб олиш учун охирги 4 йилда 125,6 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди;

4. Паррандачилик фермер хўжаликлари сони охирги уч йилда 370 тага ошиб, 677 тага етказилди»[220].

Чорвачилик тармоғи республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда алоҳида ўринни эгаллайди. Маълумки, чорвачилик маҳсулотлари оқсил ва турли витамин хамда аминокислоталарга, инсон организми учун зарур бўлган бошқа қимматли микроэлементларга бойдир. Олимларнинг илмий хулосаларига кўра инсон ўз фаолиятини олиб бориши учун зарур бўлган энергиянинг 60 фоизидан кўпроғини чорвачилик маҳсулотлари истеъмол килишдан олади ва бу нормал ҳисобланади.

Илмий манбаларга кўра, «иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда яшовчи тахминан 20% жаҳон аҳолиси 1 кунда 100 гр.дан кўпроқ, иқтисодиёти кучсиз мамлакатларнинг халқлари эса 10-25 гр. чорва оқсили истеъмол қиладилар».[221] Айни пайтда, чорвачилик тармоқларининг ривожланиши деҳқончиликнинг ривожи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, узоқ йиллар давомида интенсив деҳқончилик қилиш тупроқ унумдорлигининг

---

[220] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. - 2010. – Б. 157-158.

[221] Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. – Т.: Молия 2005. - Б. 268.

пасайишига, тупроқда гумус моддасининг камайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида деҳқончилик самарасининг пасайишига сабаб бўлади. Маълумотларга кўра, республикамиздаги тупроқларда мавжуд бўлган гумус моддаси 10-13 фоизга камайган. Бу ҳолатнинг олдини олишда чорвачиликнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чорвачиликдан олинадиган қўшимча маҳсулотда ўсимликларнинг ривожланиши учун зарур бўлган элементларнинг деярли барчаси учрайди. Аграр соҳа олимларининг берган илмий тавсияларига кўра ҳар бир гектар ерга йилига 15-20 тонна миқдорда гўнг солиш тупроқнинг унумдорлигини ошириб, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятини яратади. Ўзбекистон Республикасида 4,2 млн. гектар ерга суғорилиб деҳқончилик қилинишини ҳисобга олсак, ҳар йили қишлоқ хўжалиги учун 63-84 млн.тонна гўнг кераклигини ҳисоблаш қийин эмас. Бу миқдордаги гўнгни етиштириш учун республика қишлоқ хўжалигида 13,0-14,5 млн. бош шартли қорамол боқилиши керак бўлади. 2010 йил маълумотлари асосида бизнинг ҳисобимизга кўра, республикада мавжуд чорва ҳайвонлари шартли қорамолга айлантирилганда уларнинг сони 11,0 млн. бошни ташкил этади. Чорвачиликнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ушбу тармоқ қишлоқ хўжалигида аҳолини иш ўринлари билан таъминлайди ва қишлоқ аҳолисининг даромад олиш манбаларидан бири ҳисобланади.

Чорвачилик республикада жуда катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, уни ривожлантириш аграр ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда муҳим ижобий ролни ўйнайди ва концептуал йўналишларни белгилаб беришни тақозо этади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантириш асосан уч йуналишда амалга оширилмоқда (20.1-расм).

Республика Президенти И.А.Каримов ва ҳукуматимизнинг олиб борган оқилона сиёсати натижасида мустақиллик йилларида чорвачиликка алоҳида эътибор берилди. Натижада чорвачиликнинг асосий қисми аҳоли тасарруфига ўтказилди. Бу жараён чорвачилик таркибининг яхшиланиши (жами корамоллар сонида сигирлар улушининг ортиши), ижобий табиий танланишнинг юзага келиши, ем-хашак экин майдонларининг йилдан йилга қисқариб боришига карамасдан чорва озиқаси муаммосининг қисман ҳал этилишига олиб келди.



20.1-расм. **Чорвачилик соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**[222]

Буларнинг хаммаси эса, республикада чорвачиликни ривожлантиришнинг янги даврини бошлаб берди. Эндиликда чорвачиликни устун даражада деҳқон хўжаликларида ривожлантириш, унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, чорва моллари зотини яхшилаш, чорвачилик билан шуғулланаётган хўжаликлар учун хизмат кўрсатиш тизимлари ишини такомиллаштириш каби чора-тадбирлар ҳамда хусусий чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш энг устувор вазифалардан қилиб белгиланди.

Шунингдек, ҳукумат қарори асосида чорва молларини хусусийлаштирган ва сотиб олган шахсларга ҳар бир шартли мол бошига 0,30-0,45 гектар суғориладиган ер майдони, лалмикор ердан эса 1 гектар ер ажратиш ҳамда 10 йил муддатга имтиёзли кредитлар бериш белгиланди. Аммо, турли сабабларга кўра хусусийлаштирилган чорва моллари учун ер ажратиш ва имтиёзли кредитлар бериш тадбирлари тўлиқ охиригача етказилмасдан келмоқда.

Бу борада республикамиз Президенти И.Каримов алоҳида қайд этганларидек «масалан, чорвачилик соҳасини оладиган бўл-

---

[222] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятни барпо этиш- устувор мақсадимиздир" ҳамда "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. 2010. – Б. 155.

сак, бу борада ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир».[223]

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида (2006 йил 23 март) чорва молларини сонини кўпайтириш устувор вазифа қилиб белгиланди. Шу билан бирга, ушбу қарорга асосан республика хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтириш асосида ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришда катта имконият яратилган. Айниқса, ушбу қарор 2006-2010 ҳамда ундан кейинги йиллар давомида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш ва тармоқ самарадорлигини ошириш учун дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишга алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Давлат статистикаси қўмитаси маълумотларига кўра бугунги кунда, республикамизда жами 8510,8 минг қорамол мавжуд бўлиб, уларнинг 93,1 фоизи деҳқон хўжаликларида, 5,8 фоизи фермер хўжаликларда, 1,1 фоизи қишлоқ хўжалиги ширкатлари ва бошқа шаклдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўғри келади. Бундан ташқари 2010 йилда республикамиз бўйича қўй ва эчкилар сони 14,4 млн. бошни, отлар 180,6 минг бошни, паррандалар 33,02 млн бошни, чучқалар 96,4 минг бошни ташкил этган (6.1 - жадвал).

Бугунги кунда ушбу тармоқда 1367 минг тоннага яқин гўшт (тирик вазнда), 5778,9 минг тонна сут, 2,8 млрд. донага яқин тухум, 24,9 минг тонна жун, 897,9 минг донага яқин қоракул тери етиштирилмоқда.

Ушбу тармоқ самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган йўналиш бу чорвачиликка курсатиладиган агросервис хизматлари ҳисобланади. Чорвачиликда агросервис хизматлари тармоқ ривожида қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

– биринчидан, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун қулай шарт - шароит вужудга келади;

– иккинчидан, аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади;

---

[223] Каримов И.А. *Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади* // "Ishonch" газетаси, 2011 йил 22 январ.

– учинчидан, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш харажатларини камайтириш имкониятлари яратилади;

– тўртинчидан, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиш имкониятлари кенгайтирилади ва ш.ў.

Чорвачиликда қуйидаги агросервис хизматлари кўрсатилмоқда:

- хўжаликларга ем-хашак, зотли моллар сотиш бўйича хизматлар;
- зооветеренария ва сунъий урчитиш хизматлари;
- чорва молларини сўйиш ва қушхона хизматлари;
- чорвачиликга кўрсатиладиган минибанклар хизматлари;
- сотиш хизматлари;
- сутни қабул қилиш ҳамда гўшт ва сутни қайта ишлаш корхоналари хизматлари ва бошқалардан иборат.

Чорвачилик соҳасида фаолият юритаётган агросервис субъектлари таҳлил қилинаётган кейинги йилларда тармоқ ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларига ижобий таъсир қилган.

Юқорида санаб ўтилган чорвачилик агросервис хизматлари кўрсатувчи хўжалик юритиш субъектларининг ўзгариш динамикаси Самарқанд вилояти мисолида қуйидаги 20.1-жадвалда акс эттирилган.

Илмий тадқиқот таҳлили натижаларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда Самарқанд вилояти чорвачилик соҳасида жами 868 та агросервис хизматлари субъектлари фаолият кўрсатган. Шундан энг асосийси зооветеринария пунклари (304 та), чорва молларини суйиш майдончалари (272 та), сунъий қочириш пунктлари (124 та), ем-хашак сотиш шохобчалари (106 та)дан иборат бўлган. Аммо бугунги кунда Самарқанд вилоятида чорва учун энг муҳим ҳисобланган ем-хашак (озиқа) ҳамда ветеринария соҳалари бўйича тезкор хизматларга эҳтиёж сезилмоқда.

Шунинг баробарида, тадқиқотларимизнинг кўрсатишича бугунги кунда чорвачилик тизимида агросервис хизматларини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар 3-иловада қайд этилган.

20.1-жадвал

Самарқанд вилоят чорвачилигида агросервис хизматлари субъектлари сонининг ўзгариши[224]

№	Хизмат кўрсатаётган субъектлар	ЙИЛЛАР:				
		2006	2007	2008	2009	2010
1.	Зооветеринария пунктлари	104	192	299	304	309
2.	Суньий қочириш пунктлари	62	74	128	124	129
3.	Чорва молларини суйиш майдонлари хизмати	84	99	256	272	272
4.	Чорвачиликда қушхона хизмати	-	11	13	15	15
5.	Ем-хашак сотиш шохобчаси	-	81	92	106	106
	Жами:	**250**	**457**	**788**	**821**	**831**

Шу боисдан ҳам чорвачилик агросервис хизматлари кўрсатиш даражасини ҳисобга олган ҳолда республика чорвачилик агросервис хизматлари бозорини қуйидагича ташкил қилиш масадга мувофиқ (20.2- расм).

Чорвачилик агросервис хизматлари чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сотиш, қайта ишлашга доир хизматлар бозори ҳисобланиб, у республика миллий бозорининг муҳим қисми ҳисобланади.

Бугунги кунда, республика чорвачилик агросервис хизматлари бозорининг ўзига хос муҳим хусусиятлари республика аграр тизимида ушбу бозорнинг нисбатан яхши ривожланмаганлиги ҳисобланиб, ушбу бозорда товар танқислиги, бозорнинг тўйинмаганлиги каби ҳолатлар мавжудлиги билан характерланади.

[224] Манба: Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари асосида тузилган.



20.2 - расм. **Чорвачилик агросервис хизматлари бозори**[225].

Демак, чорвачилик агросервис хизматлари бозори – бу иқтисодий эркин бўлган ҳамда бозорнинг асосий субъектлари ҳисобланган чорва маҳсулотларини сотувчилар (деҳқон, фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари), агросервис хизматларини амалга оширувчилар (чорвачиликда агросервис субъектлари) ва харидорлар ўртасида амалга ошириладиган олди-сотди муносабатлари тизими, механизми ва уларнинг ўртасидаги (товар ва хизматлар юзасидан) иқтисодий айирбошлаш муносабатларини шакллантирувчи ва мувофиқлаштирувчи механизмларни ифодаловчи ва қамраб олувчи яхлит тизимдир.

[225] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Республика чорвачилик агросервис хизматлари бозори асосан ички ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда қисман ташқи бозордан импорт қилишдан олинган товарлар ва хизматлар эвазига фаолият кўрсатади. Шу билан бирга, чорвачилик маҳсулотларининг айрим турлари ташқи бозорларга ҳам экспорт қилинади (қаракул тери, жун ва бошқалар). Республикамиздаги чорвачилик агросервис хизматлари бозори тўйинмаган (товар танқислиги мавжуд) бозорлар сирасига киради. Аммо, республикада ушбу бозор турли омиллар таъсири остида ривожланмоқда. Масалан, Ўзбекистонда чўчқачиликни ривожлантиришга маҳаллий минталитет билан боғлиқ хусусиятлар ва аҳолининг унга бўлган муносабати ушбу бозорга маълум маънода салбий таъсир кўрсатади.

Чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон бозорларида сотилади. Аммо, уларни сотиш ташкил этилган (таклиф этадиган) магазин ва супермаркетларнинг етарлича ривожланмаганлиги ушбу бозорда маҳсулотларнинг сифатини тўлиқ назорат қилиш имконини бермайди. Бу эса ушбу бозорда сотиш тизимини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда республикамизда чорвачилик агросервис хизматлари бозорининг бир қатор муҳим хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси чорвачилик агросервис хизматлари бозорида мавсумийликнинг устунлиги ва уни ҳисобга олиш зарурлиги. Бу бозорда таклифнинг феврал-апрел ҳамда июн-август ойларида нисбатан камайиши билан характерланади. Чунки январ ойида, яъни қишда ва ёзнинг жуда иссиқ вақтларида чорва молларини боқиш қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради ва қўшимча харажатларнинг кўпайишига олиб келиб, чорва молларини сифатли озиқа билан таъминлаш нисбатан ёмонлашади. Натижада чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни сотишдаги харажатлар кескин ошади. Олимларнинг бу борада олиб борган илмий изланишлари шуни кўрсатадики, қиш ойларида чорва молларини боқиш 15-25 фоизгача кўп харажатни талаб қилиб, бозорда эса чорвачилик маҳсулотларини сотишда ушбу нарх ўзгаришлари тўлиқ ҳисобга олинмайди. Демак, бизнинг фикримизча, чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга табиий шароит билан боғлиқ (жумладан, қиш ойларида бўладиган совуқ натижасида меҳнат ва моддий сарфларнинг ошиб кетиши) харажат-

ларини ҳисобга олиш ва шу асосда нарх белгиланишида уни қоплаш билан боғлиқ давлат томонидан ҳимоя механизми (имтиёзлари)нинг жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, ушбу бозорнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда хизмат кўрсатаётган тузилма субъектлари фаолиятининг асосий қисми монопол характерга эга эканлиги билан характерланади. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатиш тизимида хусусий тадбиркорлар хизмати ҳам ривожланиб бормоқда. Аммо, унинг бозордаги ўрни жуда кичик бўлиб, ижобий таъсири талаб даражасида эмас. Шу сабабли чорвачилик маҳсулотлари ва хизматлар бозорида бозор инфратузилмасини ривожлантириш, уларнинг янги турлари ва объектлар сонини кўпайтириш, айниқса бу соҳада рақобат муҳитини яратиш долзарб ҳисобланади.

Учинчидан, бу бозорга кириб келаётган маълум бир чорва маҳсулотлари (масалан, мол гўшти) деярли қайта ишланмасдан истеъмол қилинаётганлиги. Бу жараён бир томондан аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб амалга оширилаётган бўлса, иккинчи томондан ушбу маҳсулотларни қайта ишлаш имкониятининг талаб даражасида эмаслиги ва замон талабига мос йўлга қўйилмаганлиги билан характерланади. Шу сабабли чорвачилик озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашда янги замонавий технологияларни қўллаш тақозо этилади.

Тўртинчидан, республикадаги чорвачилик агросервис хизматлари бозорида хизмат кўрсатиш сифатининг истеъмолчи талаблари даражасида эмаслиги. Шу сабабли бу борада фермер ва деҳқон хўжаликлари учун амалга оширилаётган сифатли агросервис хизмат кўрсатиш меъёрларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

2. Чорвачиликда ем - хашак таъминоти агросервис хизматларининг тавсифи

Чорвачилик тармоқларини ривожлантириш, чорва моллари маҳсулдорлиги, маҳсулотлари сифати ва уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мустаҳкам озиқа базасини яратишга бевосита боғлиқдир. Аммо, сўнгги йилларда тармоқда ем-хашак экинлари майдони салмоғининг пасайиб кетиши ва умумий озиқа миқдорининг камайиши, шунингдек, чорвачилик хўжаликларини ем-

хашак билан таъминлаш билан боғлиқ хизматлар даражасининг қониқарли эмаслиги каби камчиликлар ушбу соҳадаги асосий муаммолар мажмуасини ташкил қилади.

Бу эса, ўз навбатида чорвачиликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, агар 2000 йилда республика бўйича ем-хашак экин майдонлари умумий суғориладиган ерларнинг атиги 10,2 фоизини ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич янада камайиб, 7,6 % ни ёки 320,4 минг га. ни ташкил этган. Бир қатор вилоятлар хўжаликларида бу кўрсаткич ҳаттоки 6,5-7,0 фоизгача тушиб кетган. Бу каби нисбатлар нафақат деҳқончилик тармоқларида алмашлаб экиш тизимининг ишдан чиқишига, балки шунинг таъсирида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигининг мунтазам пасайишига, шунингдек, чорвачилик тармоқлари озиқа базасининг заифлашишига олиб келиши табиийдир.

Айниқса, бугунги кунда республикамиздаги 7,4 млн га яйлов ерларидан техноген бузилиши оқибатида 5,0 млн гектари чўлланиш хавфи остида эканлиги чорва озиқа базасини камайишига ва тармоқ ривожига салбий таъсир қилмоқда[226]. Шунингдек, бугунги кунда республика фермер хўжаликларида ўртача ҳар бир шартли чорва *мол ҳисобига 0,34 га суғориладиган ер тўғри келган ҳолда бу кўрсаткич* вилоятларда турлича бўлиб чорвачиликнинг ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида бу кўрсаткич 0,20-0,24 га. ни ташкил этган, холос.

Шу сабабли республикамиз чорвачилигини интенсив ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш мақсадида тармоқнинг озиқа базасини янада мустаҳкамлаш ҳукуматимизнинг доимо диққат марказидаги масалалардан ҳисобланиб келинади. Бу борада республикамизда чорвачилик хўжаликлари, жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун зарурий ем-хашак тайёрлаш хамда таъминлаш бўйича махсус қарорлар қабул қилинган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «... қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда»[227]. «Мамлакатимизда қорамолларни аҳолига ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали

---

[226] Мирзаев К.Ж., Исломов Ш.М., Курбонов А.Ю. Важнейшие *направления повышения эффективности* сельского хозяйства Узбекистана. - Экономика и финансы. -М., 2009. №14 (167) -С. 42.

[227] Каримов И.А. Жаҳон-молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон 2009. –Б. 25.

сотиш, уларга мақсадли ва имтиёзли кредитлар бериш, ветеринария хизмати кўрсатиш сифати ва ҳажмини ошириш, озиқа билан таъминлаш бўйича самарали механизмлар яратилди»[228].

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолини етарли дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб, ҳукуматимиз томонидан ғалла мустақиллигига эришиш вазифаси устувор қилиб белгиланган. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида ем-хашак экинлари (1990 йил - 1,04 млн га.) учун ажратиладиган суғорма майдонларининг бир қисмини қисқартириш ҳисобига ғалла экинларини экиш учун ажратиб берилди. Бу эса республикада чорвачилик учун муҳим ҳисобланган айрим экинлар, жумладан беда ва маккажўхори экинлари экиладиган майдонларнинг нисбатан камайишига, бироқ, шу билан бирга омухта ем етиштириш имкониятларини кенгайтиришга сабаб бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, экин майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш асосида фермер хўжаликларини йириклаштириш чора-тадбирларининг оқилона амалга оширилиши натижасида ҳозирги кунда деҳқончилик маданиятининг асосий компонентларидан бири бўлиб ҳисобланган экинларни илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини қайтадан тиклаш ва янада ривожлантириш учун етарли даражада имкониятлар яратилмоқда. Истиқболда бу имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш чорвачилик тармоқларининг озиқа базасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши табиийдир.

Статистика маълумотларига кўра, агар 1990 йилда озиқа экинлари учун ажратилган ер майдони 1,04 млн. гектарни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб 429,0 минг гектарга яқин майдонни ташкил этган ҳолда 2010 йилда бу кўрсаткич 320,4 минг гектардан иборат бўлган, яъни пасайиш тенденцияси кузатилган.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги чорва молларини талаб даражасида илмий асосланган рационлар таркибига мос озиқлантириш учун етарли миқдорда ем-хашак билан таъминлаш тизимида махсус агросервис хизматларини ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

---

[228] Ўша жойда, - Б. 27.

Бизнинг фикримизча, бу борада чорвачиликда ем-хашак таъминотини амалга оширувчи қуйидаги хизматларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ:

- дағал хашакни етиштириш ва йиғиштириб олиш ҳамда бу озиқани чорвачилик фермер ва деҳқон хўжаликларига истеъмол даражасида етказиб бериш хизматларини ташкил этиш ва ривожлантириш;

- ширали озиқа ва омухта ем тайёрлаш хизматларини йўлга қўйиш;

- ем-хашак (дағал, ширали ва омухта озиқалар) сотиш шохобчалари хизматларини кенгайтириш;

- силос тайёрлаш иншоатлари ва хизматларини ташкил этиш;

- ем-хашак экинларини экиш, ўриб олиш ва йиғиштириш учун зарур бўлган МТП хизматларини йўлга қўйиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, республикамизда чорва молларини озиқа турлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Маълумки, ҳозирги пайтда чорва молларига бериладиган озиқа таркибида асосий ўринни сомон ёки дағал-хашак эгаллайди. Жумладан, қорамолларга берилаётган дағал хашакнинг 85-95 фоизини сомон ташкил қилаётганлиги зарурий озиқа рациони талабларига етарли даражада риоя қилинмаётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, чорва моллари озиқа рационининг 5-10 фоизи кўк - ўт ёки макка пояси, 5-15 фоизи эса омухта емлардан иборатдир. Ҳисоб-китобларга кўра 1 литр сут ишлаб чиқариш учун 1,6 озиқа бирлиги, 1кг тирик вазн олиш учун 12,7 озиқа бирлиги талаб қилинади.

Бунинг устига кейинги йилларда республикамиз далаларида беда ва маккажўхори экин майдонларининг йилдан-йилга камайиб бориши, шунингдек, ғалладан кейинги такрорий экин сифатида экиладиган озиқа экинларининг режадан кам экилиши ёки умуман экилмай қолиши, айниқса улар ҳосилдорлигининг ўта паст бўлиши чорвачилик озиқа базасининг мутлақо ёмонлашувига олиб келмоқда. Масалан, дон экинлари майдони 2010 йилда 1559,9 минг гектарни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 3,4 % га камайгани ҳолда (2010 йилда) 3,8 тонна озиқа бирлиги етиштирилган. Шунингдек, 2010 йилда ем-хашак экинларининг умумий майдони 320,4 минг

гектарни ташкил этгани ҳолда жами экин майдонидаги салмоғи 2000 йилга нисбатан 2,75 % ёки 108,6 минг гектарга камайган.

Белгиланган норматив ҳужжатларга асосан мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар, чорвачилик билан шуғулланаётган йирик хўжалик юритиш субъектларига бир шартли мол бошига 0,30-0,45 гектардан, деҳқон хўжаликларига эса камида 0,10 гектар ер майдонлари ажратиш мақсадга мувофиқ. Таҳлилларга қараганда, сўнги йилларда республикада алмашлаб экиш тизимининг бузилганлиги ва ем-хашак экинларига эътиборнинг пасайиб кетганлиги сабабли уларнинг салмоғи 8-10 фоиздан ошмаётир.

Шу билан бир қаторда республикамизда чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларини ем-хашак экинлари уруғликлари билан таъминлаш масаласи ҳам ўз ечимини топмаган. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ем-хашак экинлари уруғликларини хусусий тадбиркорлар ва ширкат хўжаликларидан сотиб олиш билан бирга, қисман ўзлари етиштирмоқда. Бу уруғликларнинг сифати эса талабга жавоб бермаслиги сабабли улардан юқори ҳосил олиш имконияти бўлмаяпти. Шу сабабли бугунги кунда озиқа экинлари бўйича уруғчилик хизматини ривожлантириш талаб этилади.

Чорвачиликда сўнгги йилларда озиқа экинларини йиғиб олиш техникаси билан таъминлаш масаласи мутлақо эътибордан четда қолган. Натижада, хўжаликлар етиштирган ем-хашак экинларини ўз вақтида ўриб-йиғиб ололмаётганлиги сабабли, масалан, беданинг бир ўрими 50-60 кунгача чўзилиб кетмоқда. Демак, озиқа экинларини экиш ва ўриб-йиғиштириб олиш учун керакли бўлган техника воситалари билан таъминлашни алоҳида кўриб чиқиш зарур. Жумладан, бизнинг назаримизда, ички хўжалик ишларини бажара оладиган майда техника воситаларини хўжаликлар ва фермерлар ўз балансида сақлашлари ва фойдаланишлари, МТП-ларда эса йирик ўт ўриш комбайнлари, пресслаш ва шу каби техника воситаларини тўплаш ва улардан ўзаро тузилган шартномалар асосида фермер ва бошқа тегишли истеъмолчи хўжаликларга хизмат кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Республикамизда фермер хўжаликларини омухта ем билан таъминлаш масаласида ҳам қатор муаммолар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир. Улар ўзларида етиштирилган доннинг бир қисмини чорва учун ем сифатида ишлатишга мажбур бўлмоқда.

Чорва молларига озиқа сифатида берилаётган бундай дон қайта ишланмаган, микроэлементлар билан бойитилмаган, нархи нисбатан қимматлиги билан фарқланади. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, фермерлар ихтиёрида қолган донни омухта ем тайёрлаш мақсадида қабул қилиш ва кўрсатилган хизмат ҳақини ундириш асосида тайёр омухта емни яна фермерларга қайтариш амалиётини ташкил этиш бугунги кунда ниҳоятда зарурдир. Бизнингча, донни қабул қилиш ташкилотлари бу ишни амалга оширса янада мақсадга мувофиқ бўлар эди. Олинган донга мутоносиб ҳолда бойитилган ем билан фермерларни таъминлаш орқали мавжуд сара донни ўзларига олиб, унинг ўрнига дон чиқиндиларидан бойитилган ем тайёрланса бу иқтисодий жиҳатдан самарали бўлади деб ҳисоблаймиз.

Дон чиқиндисини бойитиш учун сарфланган харажатларни, яъни сара дон билан дон чиқиндиси ўртасидаги фарқни ўзлаштириш масаласини фермер ва донни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ўзаро келишув асосида йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу ташкилий-иқтисодий механизмни жорий этиш чорва моллари маҳсулдорлиги ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Бугунги кунда чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш мақсадида омухта ем ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шрот таркибидаги протеин моддасини 55-56 фоизга етказиш, омухта емнинг 1 кг даги озиқа бирлигини 1,01 кг бўлишини таъминлаш зарур. Республикамизда чорвачилик билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликларида чорва молларини омухта ем билан таъминлаш ҳам талаб даражасида эмас. Маълумки, ҳозирги кунда омухта емни эркин сотиш йўлга қўйилган булиб, албатта, бозор шароитида ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин, ем сотиладиган дўконлар асосан аҳоли кўп яшайдиган пунктларда мавжудлигини ҳисобга олсак, уларни сотиб олишда айрим узоқроқ манзилда жойлашган деҳқон хўжаликлари учун муаммоли вазият бўлиб қолмоқда.

Маълумки, пахтачилик фермер хўжаликлари ўзлари етиштирган пахтасини сотишлари эвазига кунжара, шелуха олишади. Бу жараёнда ҳам маълум муаммолар мавжуд. Фермерлар ўзларига тегишли кунжара, ёғ ва шелухани махсус ишланган график асосида олишлари йўлга қўйилмаган ва пахта чигитини қайта ишловчи корхоналарнинг ихтисослашган дўконлари фаолияти кўпгина туманларда ташкил этилмаган. Бу ишларни тўғри ва оқилона ташкил

этиш фермерлар учун катта моддий манфаатдорликни юзага келтириб, тармоқни интенсив ривожлантиришга мустаҳкам замин яратади. Омухта ем билан таъминлашни ривожлантириш учун қишлоқларда савдо шохобчаларини кўпайтириш ва улар орқали омухта емнинг эркин сотувини ташкил қилиш зарур. Бундай шохобчаларнинг фаолиятини назорат қилишни тегишли давлат назорат органларига топшириш мақсадга мувофиқдир.

Сўнгги йилларда омухта ем билан таъминлаш масаласини ҳал этиш баробарида силос ғамлашга ҳам алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу жараённи амалга оширишда ер майдонларининг чекланганлигини ҳисобга олиб, такрорий экин сифатида силос учун маккажухори экишга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, чорвачилик тармоқлари ривожланишининг энг муҳим асоси ҳисобланган ем-хашак таъминоти хизматларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат. Жумладан:

- чорвачилик билан шуғулланувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари учун дағал озиқа тайёрлаш ва сотиш хизмати;
- фермер ва деҳқон хўжаликларига чорва моллари учун тўйимли озиқалар (кепак, дон, кунжара) ва омухта ем тайёрлаб, истеъмолчиларга сотиш (етказиб бериш) хизмати;
- чорвачиликда ширали озиқалар (силос, сенаж) тайёрлаш ва сотиш хизматлари;
- аҳоли истеъмоли маҳсулотлари чиқиндилари (сабзавот, картошка ва полиз пучоқлари) ҳамда ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашдан чиққан чиқитлар (жом, барда, қайта ишланган сут қолдиқлари, суяк уни, балиқ уни) ва шу каби чиқинди маҳсулотларни чорва моллари учун тўплаш, тозалаш ва сотиш хизматлари;
- озиқа экинлари ҳосилдорлигини оширувчи уруғчилик хизматлари ва шу кабилардан иборат.

Республика чорвачилигини ривожлантиришда зарурий ем-хашак билан таъминлаш ва улар тезкор таъминоти хизматларини йўлга қўйиш бугунги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади. Таклиф этилаётган бундай тезкор ем-хашак таъминоти хизмати шохобчаси қуйидаги бошқарув тузилмаси асосида шакллантирилса кўпроқ самара беради (20.3-расм).



20.3-расм. **Тезкор ем-хашак таъминоти хизмати шохобчаси бошқарув тузилмаси**[229].

Ушбу шохобча чорвачилик агросервис хизматлари бозорини шакллантиришда қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширади;

- биринчидан, мижозларни озиқага (ем-хашак) бўлган эҳтиёжини (турлари бўйича) ўз вақтида ва сифатли қондириш;

- иккинчидан, мижозлар эҳтиёж асосида ем-хашакни белгиланган жойга етказиб бериш хизматини кўрсатиш;

- учинчидан, мижозларга озиқанинг таркиби, рационининг чорва моллари организмига таъсири кабилар бўйича зарурий маслаҳатлар бериш кабилардан иборатдир.

Бундай тезкор ем-хашак етказиб бериш шаҳобчасини кўпроқ шаҳарлар, кичик шаҳарчаларда ва *шаҳар атрофларида* (эҳтиёжга қараб) кўпроқ ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, бундай шохобчаларни ташкил этишда истеъмолчи мижозлар ва хизмат кўрсатувчи субъект ўртасидаги муносабатларни ва уларни ҳуқуқий – иқтисодий асосларни аниқ белгилаш, турли кўринишдаги мижозларга имтиёз бериш, жумладан, масалан, гаров асосида қарзга ем-хашак тарқатишни йўлга қўйиш кабиларни ривожлантиришдан иборат.

[229] Манба. Муаллиф ишланмаси.

3. Наслчиляк агросервис хизматларини ривожлантириш механизмлари

Лекин, шуни алоҳида урғу бериб таъкидлаш керакки, чорвачиликда фақатгина озиқа таъминотини яхшилаш билан чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва соҳа маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва, демак, самарадорлигини ўстириш вазифаларини ҳал этиб бўлмайди, зеро бу ўринда наслчиликнинг ҳам алоҳида ўрни мавжуд. Республикамизда чорва моллари зотини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 25 февралда қабул қилинган 82-сонли «Чорвачиликда наслчилик ишларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан «Насл-хизмат» Республика наслчилик уюшмаси ташкил қилиниб, республикада чорвачилик тармоқларида наслчилик хизматларини оқилона ташкил этишга кенг имкониятлар очиб берди.

Бу эса қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун чорва моллари зотини яхшилаш масаласига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганидан яққол мисолдир. Чунки, бугунги кунда наслчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар ва фермерларни давлат томонидан қўллаб-қувватламасдан туриб, наслчилик ишларини замон талабларига мос ташкил қилиш ва ривожлантириш ниҳоятда қийин.

Республикамизда олиб борилган мониторинг натижаларининг кўрсатишича, мавжуд чорва молларининг зотлари кейинги йилларда нисбатан талаб даражасидан пасайган. Чунки, уларнинг зотини яхшилаш узоқ йилларни ва доимо эътиборни талаб қиладиган тадқиқот жараёнидир. Бу борада иш юритаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг ҳозирги имкониятлари ниҳоятда чеклангандир. Шу боисдан ҳам, бугунги кунда республикамизда чорва молларининг зотини яхшилаш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бориш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, чорва моллари зотини яхшилаш билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларга давлат томонидан етарлича шарт-шароит ва катта имкониятлар яратиш зарур бўлади. Ҳозирги пайтда бу борада сарф харажатларнинг юқори эканлигини ҳисобга олиб, дастлабки босқичларда уларнинг маълум бир қисми давлат томонидан амалга оширилиши керак деб ҳисоблаймиз. Зотан, дав-

лат томонидан бу тадбирга етарлича инновациялар ва бошқа харажатлар ҳисобига зарур шароитлар яратилгандан кейингина наслчилик ишлари ўзининг ижобий самарасини беради. Истиқболда эса чорва молларининг зотини яхшилаш ишларини тўлиқ бозор талаблари асосида амалга ошириш айни муддаодир.

Иккинчидан эса, чорва молларининг зотини яхшилаш илмий-амалий йўналишларига кўпроқ соҳа мутахассислари ва олимларини жалб этиш, уларни эришган ютуқларига мос моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бир қаторда бошқа давлатлардан республикамиз шароитига чидамли зотдор чорва молларини келтириб, уларни мутахассисларнинг қаттиқ назорати остида маҳаллий табиий-иқлимга мос адабтация даврини ташкил қилиш ишларини янада кенгайтириш керак. Бу масалага давлат аралашуви ва молиявий кўмаги зарур. Бунда, зотли молларни келтириш, улардан олинган ёш молларни эса фермерлар, ширкатлар ва деҳқон хўжаликлари ва аҳолига сотишни ташкил этиш зарур. Бу борада биринчи галда ишларни зотли моллардан олинган ёш молларни фермерларга сотишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки бугунги кунда зотли молларни деҳқон хўжалигига сотишдан кўра фермерларга сотиш фойдалироқ ҳисобланади. Шунингдек, зотли буқаларни 30 ва ундан ортиқ сигири мавжуд фермер хўжаликларида ушлаб туриш ва улардан аҳоли эса шартнома асосида фойдаланиши кўпроқ самара беради.

Маълумки, чорва молларининг зотини яхшиламасдан туриб уларнинг маҳсулдорлигини келажакда талаб даражасида ошириш мутлақо мумкин эмас. Бу борада Самарқанд вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, вилоятга наслли қорамолларни сотиб олиш ишлари белгиланган режа асосида олиб борилган.

Юқоридаги хулосаларга асосан, республикамизнинг чорвачилик тармоқларида наслчилик хизматларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, муаллиф фикрича, қуйидагилардан, яъни:

- чорва молларини сунъий қочиришда селекция хизматлари ва илмий-тадқиқот соҳаларини диверсификациялаш;
- зотли молларни чет давлатлардан сотиб олиш (келтириш) хизматларини ривожлантириш;
- табиий зотдор маҳсулдор моллар подасини яратиш тадбирларини ташкил этиш ва кўпайтириш хизматларини йўлга қўйиш;

- чорва моллари зотини яхшилашга қаратилган зооветеринария хизматларини ривожлантириш;

- наслчилик хизматларини яхшилашга молиявий маблағ берувчи минибанк хизматларини ривожлантириш;

- наслчилик хўжаликлари ва заводлари фаолиятини самарали ва илмий асосда ташкил этишга кўмак берувчи агросервис хизматларини (ахборот-консалтинг) ривожлантириш ва бошқалардан иборат.

Чорвачиликда наслчилик ишларини замонавий асосда ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланиб, бу борада, таҳлилларимизнинг кўрсатишича, республика чорвачилигида катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, бу борада деҳқон хўжаликларидаги чорва моллари зотдорлигини яхшилашда уларни сунъий қочириш масаласи қайта кўриб чиқилиши зарур. Чунки, бугунги кунда деҳқон хўжаликларидаги чорва молларининг асосий қисми зотдор бўлмаганлиги сабабли уларнинг маҳсулдорлиги ниҳоятда паст. Бунга бир сигирдан йил давомида ўртача 1741 кг сут, ҳар 100 бош сигир ҳисобига ўртача 54-56 бош бузоқ олинаётганининг ўзи ҳам яққол далилдир. Қора-молларнинг бир суткада ўртача семириш вазни эса 370 граммдан ошмаётир. Бу кўрсаткичлар ўз ўзидан чорва молларининг биологик имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш чора-тадбирларини тубдан қайта кўриб чиқишни, деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этиши табиий ҳолдир.

Шунинг учун ҳам, деҳқон хўжаликларига зотдор моллар сотиб олиш ва умуман чорва моллари зотини яхшилаш мақсадида узоқ муддатли кредит бериш масаласини ҳал қилиш зарур. Айниқса, бу борада деҳқон хўжаликлари етиштираётган маҳсулотларни сотиш хизматларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Улар томонидан етиштирилаётган гўшт, сут, жун ва қоракўл тери каби маҳсулотларни сотиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу маҳсулотларни харид қилувчи ташкилотлар монопол бўлиб, фақат ўз манфаатларини ҳисобга олиб фаолият юритаётгани бозор иқтисодиёти қонунларига зиддир.

Республикамизда наслчилик ишларини таҳлил қилган халқаро эксперт мутахассисларнинг хулосаларига кўра, «зотни яхшилаш учун сунъий қочиришдан фойдаланиш деҳқон хўжаликларида ҳам, чорвачилик фермер хўжаликларида ҳам сут соғиш ҳажмини 30

фоиздан ортиқ кўпайтиради. Деҳқон хўжаликларида сут соғиш ҳажми сунъий қочирилмаган сигирдан йилига олинадиган 925 кг ўрнига, сунъий қочирилган сигирдан 1210 килограммгача етади; чорвачилик хўжаликларида сунъий қочириш ҳар бир сигирдан йилига 1120 кг ўрнига 1520 кг гача сут олиш имконини бериши мумкин»[230]. Шунингдек, «сунъий қочиришнинг сут соғиб олиш ҳажмига жиддий таъсирини эътиборга олган ҳолда давлат сиёсати сунъий қочиришни тарғиб қилиш компанияларини уюштиришни рағбатлантириши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда деҳқонлар ҳам, фермерлар ҳем сунъий қочиришдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Нуфузли манбалардан уруғ материалини сотиб олиш орқали сунъий қочиришда фойдаланиладиган уруғлар сифатини яхшилаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим»[231].

Деҳқон, хўжаликларида етиштирилган чорва маҳсулотларини сотиш тизимида рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида муқобил сотиш хизматларини йўлга қўйиш катта иқтисодий самара беради. Жумладан, бугунги кунда чорвачилик тармоқларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш чоралари амалга оширилаётган бўлиб, айниқса, улардан чорва молларининг зотини яхшилаш учун зооветеринария хизматини йўлга қўйиш, нау-хау ва инновацион технология ютуқларини кенг жорий қилган ҳолда бу хизмат турини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. 2010 йилда республикада 2540 та чорва молларини сотиш ва зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчалари фаолият юритган бўлса Самарқанд вилоятида эса уларнинг сони 2008-2010 йилларда ўртача 261 тани ташкил этган.

Ушбу хизматнинг асосий вазифаси аҳолига зотли молларни етказиб бериш, чорвачилик фермалари ва аҳоли қўлида бўлган моларнинг зотининг ёмонлашиб кетишига йўл қўйилмаслик ҳамда чорва молларига юқумли инфекцион касалликларнинг юқишини олдини олиш кабилар киради. Ҳозирда ушбу хизмат ўзига бириктирилган вазифаларни тўлиқ бажариш имкониятига эга эмас. Чунки, ушбу хизматлар асосан туман марказларида ташкил этилган бўлиб, уларнинг хизматидан четда жойлашган аҳоли деҳқон хўжа-

---

[230] Лерман Ц., Ўзбекистонда чорвачиликни барқарор ривожланиши: ҳозирги аҳвол ва тавсиялар. Таҳлилий тавсиянома № 1 – Т.:UNDP. 2008. – б.12.

[231] Ўша жойда.

ликлари фойдалана олмаяпти. Бу борада бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, жумладан, бир томондан бундай хизматни амалга ошириш учун махсус транспорт воситалари етишмаса, иккинчи томондан уларга ажратилаётган дори-дармонлар етарли эмас. Ушбу дори (препарат)ларнинг каттагина бир қисми импорт қилинади. Импорт қилинадиган дори-дармонлар эса бизнинг чорвадорлар учун (албатта ушбу дори-дармонлар учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади) анча қиммат. Шу сабабли республикада шундай турдаги дори-дармонларни ишлаб чиқариш ишларини кенгайтириш зарур.

Тезкор ветеринария хизмати шохобчаси - бугунги кунда чорвачилик тармоғи учун ўта зарур хизмат турларидан бири ҳисобланади. Бундай шохобчанинг асосий вазифаси турли касалликларга чалиниб, даволанишга муҳтож бўлган чорва молларига ўз вақтида ва малакали ҳамда тезкор ветеринария хизматлари кўрсатишдан иборат бўлиб, қуйидаги бошқарув тузилмаси шаклида фаолият юритиши мумкин (20.4-расм).



20.4-расм. **Тезкор ветеринария хизмати шохобчасининг бошқарув тузилмаси**[232]

[232] Манба. Муаллиф ишланмаси.

Мазкур шохобча чорвачиликда қуйидаги қулайликларни яратади:

- чорва моллари касалликларини тезкор аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш хизматини амалга ошириш;
- мижозларга тезкор ветеринария консалтинг маслаҳатлари бериш;
- мижозларга уларнинг чақируви асосида турли ветеринария даволаш хизматларини йўлга қўйиш ва бошқалардан иборат.

Бугунги кунда аҳолига зотли молларни етказиб бериш ва зооветеринария хизматини амалга оширишдаги муҳим муамолардан бири бу хизматлар нархининг нисбатан қимматлигидир. Бироқ, таҳлилларнинг кўрсатишича, ушбу хизматда юқори малакали мутахассислар ишлашларига қарамасдан уларга ташкилотлар томонидан тўланадиган иш ҳақи нисбатан паст. Шу сабабдан айрим мутахассисларнинг ўз хизматларини аҳолига таклиф этиши ҳам хизмат нархини оширмокда.

Республикамизда наслчилик ишлари ва хизматларини йўлга қўйишда чорвачиликнинг бир қатор тармоқларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, қўйчилик ва унинг алоҳида тармоғи қоракўлчиликда бу борада эътиборга молик ишлар олиб борилаётганлигини эътироф этиш мумкин. Ҳозирги вақтда республика бўйича қоракўлчилик йўналишида 18 та наслчилик заводи ва 13 та наслчилик хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Аммо, изланишларимиз натижаларига кўра шуни таъкидлаш лозимки, қоракўлчиликда наслчилик ишларини амалга ошираётган заводлар ва хўжаликларда қўйларнинг зотдорлик белгиларини сақлаш, уларнинг авлоди бўйича мониторинг олиб бориш, озиқа базасини янада мустаҳкамлаш ва илмий асосланган рационларга амал қилган ҳолда парваришлаш, шунингдек, энг муҳими селекция ва наслчилик ишларини юқори даражада ташкил этиш талаб этилади. Бу тадбирларни амалга ошириш наслчилик ишлари самарадорлигини ошириш билан бир қаторда қўйларнинг маҳсулдорлик даражасини кўтариш ва қўйчилик хўжаликлари молиявий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, вилоятдаги қуйчилик наслчилик хўжаликларида кейинги йилларда ижобий натижаларга эришилган.

Жумладан, тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган «Сахоб ота», «Қарнаб ота», «Катта-

қўрғон», «Ўзбекистон» ва Раззоқ Жахонгиров номли қоракулчилик хўжаликларида наслчилик ишлари ва хизматлари яхши ташкил этилганлиги сабабли юқори иқтисодий самарадорликка эришилган. Бу ҳолатни янада чуқурроқ таҳлил этиш мақсадида вилоятдаги қоракулчилик хўжаликлари маълумотлари асосида илмий тадқиқотлар ўтказилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинаётган кейинги 5 йилда қоракулчиликдан олинган фойда 166,6 млн. сўмга ёки 53,1 % га (01.01.2010 йил 01.01.2006 йилга нисбатан), шунингдек, кўрсатилган зооветеринария ва наслчилик хизматлари қиймати эса шу даврда 124,9 млн. сўмга кўпайган.

Аммо бугунги кунда республикамизда қоракул қўйлар сони ва уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари кўпчилик хўжаликларда озиқа ресурслари, айниқса, омухта ем етишмаслиги натижасида камайган. Бунга қўйларни сақлаш ва зооветеринария ишларини бажариш муддатининг бузилиши, хизмат сифатининг ёмонлашуви, чўпонлар меҳнатига ҳақ тўлашдаги камчиликлар асосий сабаб бўлган. Шу билан бирга, қоракўлчиликда маҳсулотларни бирламчи қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш муаммолари ҳам мавжуд бўлиб, ушбу муаммолар товар маҳсулотларининг ўз вақтида сотилишини ташкил этиш, маркетинг фаолиятини такомиллаштириш маҳсулотларни бирламчи қайта ишлашга ёрдам кўрсатиш, савдо биржалари ва аукционлар ташкил этиш каби хизматларни амалга оширишни талаб этади.

Республикада наслчилик хизматларини такомиллаштириш асосида қўйчилик, жумладан, қоракўл қўйчилиги, жун ва гўшт берадиган бошқа зотдаги қўйчиликни ҳам ривожлантириш бўйича катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ҳисори қўйлар зотини кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Республиканинг барча тоғ ва тоғ олди зоналарида ҳисори қўйларни кўпайтириш мумкин.

Маълумки, ҳисори қўйлар дунёдаги энг катта ва кўп гўшт қиладиган қўй ҳисобланади. Унинг қўчқорлари 120-190 кг бўлиб, она қўйлари 90 кг.ни ташкил этади. Думбаси 34-40 кг бўлади. Ўзбекистоннинг ярим чўл зонаси учун Эдилбоев зоти мос келади. Бу зотдаги қўйларнинг тирик вазни 110-115 кг.ни ташкил этади ва улар гўштга сўйилганда 58-60 фоиз гўшт чиқади. Бу имкониятдан кенгроқ фойдаланиш зарур. Биринчидан, республика аҳолисининг

катта қисми қўй гўштини севиб истеъмол қилади. Иккинчидан, қўйлар қорамолларга нисбатан тез етилади. Агар қорамоллар гўштга боқилганда 18-20 ойда етилса (ҳозирда республика деҳқон хўжаликларида асосан 32-36 ойда етилмоқда), қўйлар 12-14 ойда етилади[233]. Бундан ташқари қўй гўштининг калорияси қорамол гўштига нисбатан каттадир. Учинчидан, қўйчиликни ем-хашак билан таъминлаш қорамолчиликдагига нисбатан осонрок. Қўйлар ўз хусусиятларига кўра ем-хашакни асосан табиий яйловчилардан олиб, ортиқча сарф харажат талаб қилмайди.

Қўйчилик билан бир қаторда эчкичиликда ҳам наслчилик ишларини оқилона ташкил қилиш республика аҳолисини парҳез гўшт ва жуда фойдали сут билан таъминлашни яхшилашга олиб келади. Аммо, бу тармоқдаги асосий камчилик шундан иборатки, маҳалий эчкиларнинг зоти тоза бўлмасдан, сут бериш маҳсулдорлиги нисбатан жуда пастдир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, маҳалий эчкилар бир йилда 2,5-3 ой сут беради ва ҳар биридан бир кунда соғиб олинадиган сут 1 литрдан ошмайди. Шу билан биргаликда, кейинги йилларда қўшни давлатлар орқали Ўзбекистонга кириб келаётган зотли эчкиларнинг кўпайиб бориши кузатилмоқда. Уларнинг сут бериш локтация даври 9-10 ойни ташкил этади ва ҳар бири кунига 2-3 кг.дан кам сут бермайди. Хонадонларда соғилаётган зотли эчкиларнинг асосий қисми 2,5-3 кг.дан кунига сут бермоқда. Агарда эчкининг бир бош қорамолга нисбатан 5-6 марта кам озиқ бирлиги истеъмол қилиши, эчки сутининг инсон организмига фойдалилиги ва ёғлилигининг юқорилиги, шунингдек, парҳезлигини ҳисобга олсак, бу соҳани ривожлантиришнинг катта аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Йирик шохли молларнинг зотини яхшилаш ишига бугунги кунда устун даражада давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ишларни, фикрмизча, икки йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, ушбу ишга қаратилган мавжуд илмий ва амалий салоҳиятни, шунингдек, барча зарурий воситалар ва маблағ билан таъминлашни янада кучайтиришни лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳисоб-китобларга кўра республикада ҳар йили энг камида 10000 бош зотли қорамол (ғунажинлар, сигирлар) келтирилиши талаб қилинади. Олиб келинган зотли қорамоллар энг

---

[233] Ҳакимов Р., Ўзбекистон Республикаси чорвачилик маҳсулотлари бозори ва тармоқда иқтисодий ислоҳотларни йўналишлари., Монография ТДИУ.Т.2005.- Б. 124.

аввало, зотли моллар етиштириш билан шуғулланадиган илмий ишлаб чиқариш муассасаларига берилиши ва асосан чорвачилик фермер хўжаликлари ва хусусий чорвачилик фермаларига сотилиш керак. Иккинчидан, бу йўналишдаги агросервис хизматларини самарали йўлга қўйиш давр талаби эканлигини эътироф этиш лозим. Айниқса, бу борада кўрсатилаётган наслчилик хизматлари арзон ва сифатли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чорвачиликда кўрсатиладиган агросервис хизматлари малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши ва замон талабига жавоб берищи ниҳоятда зарурдир.

4. Чорвачиликда агросервисни модернизациялаш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, чорвачилик хизматлари бозорини ривожлантиришдаги мавжуд муамоларни ҳал этишда чорвачиликда агросервисни модернизация модулини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада республикамиз Президенти И.Каримов қуйидагига таъкидлаган эди: «...иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда».[234]

Республикамиз чорвачилигида агросервисни модернизациялаш модулини жорий этиш механизми қуйидагилардан ташкил топади:

1. Фан ва техника эришган охирги ютуқларига асосланган чорвачилик агросервис субъектларини интенсив ривожлантириш.

2. Агросервис бўйича миллий қонунчиликни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ишларини амалга ошириш.

3. Давлат субсидияларини кўпайтириш ва шу асосида хизмат кўрсатувчи субъектларни молиявий жиҳатдан давлатнинг қўллаб-қувватлаш механизмини кучайтириш.

---

[234] Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади // "Ishonch" газетаси, 2011 йил 22 январ.

4. Агросервис субъектлари ва хизматининг истеъмолчилари ўртасида иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш, хизматлар баҳосини табақалаштириш, шаклланган рақобат муҳитини яратиш.

Агросервисни модернизациялаш модулини жорий этиш механизмининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат (20.5-расм).



20.5-расм. **Чорвачиликда агросервисни модернизациялаш модулининг иқтисодий механизмлари.**

Таклиф этилаётган ушбу модернизациялаш модули чорвачиликда хизматлар бозори самарадорлигини оширишнинг қуйидаги янги имкониятларини очиб беради:

1. Хизмат кўрсатувчи субъектлар ва уларнинг истеъмолчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари) ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳамда уларнинг шартномавий муносабатларини такомиллаштириш имконини беради.

2. Республикамизда «Зооветеринария хизматлари тўғрисида»ги, «Озиқа таъминоти хизматлари тўғрисида»ги, «Наслчилик хизматлари тўғрисида»ги каби қонунларни қабул қилиш чорвачилик хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг норматив - ҳуқуқий асосларини таъминлайди.

3. Агросервис хизматлар субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамловчи янги техникаларни сотиб олиш, наслли маҳсулдор ҳайвонларини республикага келтириш каби хизматларни ривожлантиради.

4. Республикамиз чорвачилигидаги ҳудудий (вилоят) ҳамда мавсумий хусусиятларни ҳисобга олувчи ҳамда истеъмолчи талабини тез ва интенсив асосда қондирувчи кичик ҳажмдаги хизмат кўрсатувчи агросервис субъектларини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари яратилади.

5. Рақобат муҳитига асосланган чорвачилик хизматлари бозори шакллантирилади.

Самарқанд вилоятида чорвачиликда агросервисни модернизациялаш модулини жорий этиш бўйича таклифларини амалиётга қўллаш натижасида вилоят чорвачилик хўжаликларидан олинган даромад қўшимча 2,5-3 % гача ошириш имкониятига эга бўлинди.

2009 йилда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат Дастурида ҳам республикамизда чорвачилик маҳсулотлари ва хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш асосий йўналишлардан бири сифатида ўз ўрни ва ифодасини топган. Ушбу Давлат дастурида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Демак, чорвачилик ривожланишининг асосий йўналишлари ҳамда 2009 йилда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури (2009 йил 26 январ, ПК 1046-сонли қарори)га асосан, фикримизча, чорвачиликда агросервис хизматларини ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишлари қуйидагилардан иборат (20.6 - расм).

Бизнинг фикримизча, республикамиз чорвачилигини ривожлантириш учун белгиланган Давлат дастуридан (2009-2013 йиллар) келиб чиққан ҳолда қуйидаги аниқ ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир, яъни:



20.6–расм. **Чорвачиликда хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари**[235]

- республикада наслчилик хизматларини яхшилаш мақсадида сунъий урчитиш салмоғини 20 фоизга кўпайтириш ва қўшимча 7 минг бош наслдор молларни келтириш;

- чорвачиликни етарли табиий ем – хашак билан таъминлаш хизматларини ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқиб, чорва озиқаси экинлар майдонини қўшимча 46,4 минг гектарга кўпайтириш натижасида умумий экин майдонини 324,6 минг гектаргача етказиш;

- республикамиз чорвачилигини концентрат (омухта) озиқаларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бу йўналишда агросервис хизматларини ривожлантириб, омухта озиқа ишлаб чиқаришни 803,5 тоннага етказиш;

- чорвачиликда сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш талаби асосида янги 98 та зооветеринария хизматлари пунктлари ташкил этиш ҳамда уларнинг хизмат сифатини ошириш;

[235] Манба. Муаллиф ишланмаси.

- чорвачилик тармоғи эҳтиёжи ва рақобат муҳитини шакллантириш заруриятидан келиб чиқиб мутлақо янги турдаги, яъни тезкор ветеринария, тезкор ем-хашак етказиб бериш хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш ва ривожлантириш кабилардан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, чорвачилик тармоғида кўрсатилаётган агросервис хизматларини ривожлантиришнинг устувор вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

Биринчидан, чорвачиликни ем-хашак билан таъминлаш йўналишидаги агросервис хизматларини, айниқса, ширали (омухта) озиқа тайёрлаш, фермер ва деҳқон хўжаликлари чорва моллари учун дағал ем-хашак сотиш ва сотиб олиш каби агросервис хизматларини замонавий асосда ривожлантириш.

Иккинчидан, чорвачиликнинг интенсив ривожланишига имкон берувчи сунъий урчитиш ва наслчилик хизматларини йўлга қўйиш, шунингдек, хориждан зотли чорва молларини сотиб олиш, уларни аҳолига ва фермер хўжаликларида сотиш хизматлари кўламини кенгайтириш.

Учинчидан, чорва молларини сақлаш ва парваришлаш бўйича зооветеринария хизматларини, чорва молларини сўйиш, қушхона хизматларини янада кенгайтириш ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш.

Тўртинчидан, чорвачиликнинг молиявий-иқтисодий имкониятини кенгайтириш мақсадидан келиб чиқиб агросервис субъектларига кўрсатилаётган мини банк хизматларининг янги турларини ривожлантириш.

Бешинчидан, чорвачиликда асосий даромад манбаи ҳисобланган чорва маҳсулотларидан тайёр маҳсулот олишни йўлга қўювчи, жумладан, маҳ-сулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказиб бериш агросервис хизматларини янги замонавий асосда ривожлантириш.

Олтинчидан, чорвачиликдаги мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб, мутлақо янги турдаги агросервис хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш, булар жумласига тезкор ветеринария хизмати, тезкор озиқа етказиб бериш, тайёр чорвачилик маҳсулотларини истеъмолчилар хонадонига етказиб бериш хизматларини ташкил этиш кабилардан иборат.

Мавзуни такрорлаш ва мустақил ишлаш учун саволлар

1. Чорвачиликда агросервис хизматлари моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Чорвачиликда агросервис хизматлари асосий турлари нималардан иборат?
3. Чорвачиликда ем хашак таъминоти агросервис хизматлари моҳиятини тушунтириб беринг?
4. Наслчилик агросервис хизматлари моҳияти нималардан иборат?
5. Чорвачиликда агросервисни модернизациялашнинг иқтисодий моҳиятини асослаб беринг?
6. Чорвачиликда агросервис хизматларини кўрсатишни ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини асослаб беринг.

Калитли сўзлар:

Чорвачиликда агросервис, ем хашак таъминоти агросервис хизмати, зооветеринария хизмати, наслчилик агросервис хизматлари, чорвачиликда сунъий уруғлантириш ва кушхона хизматлари,

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т: Ўзбекистон,2001.-38 б.
2. Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни (янги таҳрири)Т:, 2004.
3. Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 1995. 1995 йил 25 декабрда қабул қилинган. Унга 1996 йилда, 1997 йилда, 1998 йилда, 1999 йилда, 2001 йилда, 2005 йилда, 2009 йилда, 2010 йилда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрири қабул қилинди.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги қонуни. 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган. Мазкур қонунга 2006 йилда, 2008 йилда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрири қабул қилинди.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонуни. 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган. Мазкур қонунга 1999 йилда, 2002 йилда, 2003 йилда, 2005 йилда, 2006 йилда, 2008 йилда, 2010 йилда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрири қабул қилинди.
6. Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолотлари тўғрисида"ги қонуни. (Янги таҳрирда). 2000 йил 25 майда қабул қилинган. Унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Қонунчилик Палатаси томонидан 2012 йил 29 февралда қабул қилинган. Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган. 2012 йил 2 майда имзоланган. 2013 йил 30 апрелда яна ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрири қабул қилинди.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. - Т.: Ўзбекистон, 2002. - Б. 226.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Ўзбекистон", 2008. - 176 б.
9. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Овози, 2012 йил 21 январь.
10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатизни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 84-85
11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995, 43 б.
12. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади // "Ishonch" газетаси, 2011 йил 22 январь.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.–Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 24.
14. Каримов И.А. Жаҳон-молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон 2009. –Б. 25.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон., 2011. – Б. 440
16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизациялаш йўлини қатият билан давом эттириш // "Халқ сўзи" газетаси, 2013 йил 19 январь.
17. "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида". Президент қарори. 2007 й 23 май.
18. "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 майдаги ПҚ-640-сонли "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори ҳақида" Самарқанд вилояти ҳокимининг 2007 йил 29 майда қабул қилган 88-К-сонли қарори.
19. "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 май Қарори.
20. "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июль Фармони.
21. "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июль Фармони.
22. "Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 8 август Қарори.
23. Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2013. – 326 б. – 23,4 б.т.
24. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашр.– Т.: " IQTISOD-MOLIYA", 2010. – 384 б.
25. Абдуғаниев А.А., ва бошқалар. Давлатнинг аграр сиёсати. – Т.: Академия, 2006. - 200 б.
26. Воронов А., Кластерный анализ –база управления конкурентоспособностью на макроуровне // -М.: Маркетинг. 2003. № 1(68). С. 16.

27. Даля В., Граматический словарь. – М.: Русский язык. -1989 г.
28. Зокиров О. Пардаев А. , Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – Т.: "УАЖБИТ" маркази, 2003. – Б. 264.
29. Ибрагимов Р. Маркетинг. Дарслик.- Т.: Шарқ.-2002.-256 б.-14,8 б.т
30. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. – Т.: Молия. 2005.- Б. 268.
31. Котлер Ф. Основы маркетинга. – М.: Прогресс, 1992. - 734 с.
32. Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Экономикс.-Принципы, проблемы и политика. /В 2 –х томах. Пер.с анг. –Таллин. Римол. 1993. Т.: 1. – 398 с.
33. Мирзаев Қ.Ж. Хизматлар бозори // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2010. - №5 – Б. 32.
34. Мирзаев Қ.Ж. Деҳқончиликни ривожлантиришда агросервис хизматлари самарадорлиги // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2011. - №1 – Б. 27-29.
35. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис иқтисодиёти. Монография.–Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2013. – 212 Б. – 13,25 б.т.
36. Mirzayev Q.J. Chorvachilik xizmatlari bozorini shakllantirishning muhim xususiyatlari // O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi. – Тошкент, 2011, - №2. – Б. 92-94.
37. Mirzaev K. The market livestock service of the Republic Uzbekistan // Spanish journal of rural development University of Santiago de Compostela. Volume II, - №2. Spain. 2011. – P. 97-106.
38. Mirzaev K. Approaches and issues for developing livestock services in Uzbekistan // International Cross-Industry Research Journal Perspectives of Innovations, Economics and Business. Volume 8, Issue 2, Praga. 2011. – P. 23-25.
39. Накамура Масаси. Роль и функция сельхозкооперативов. Федерация сельхозкооперативов. // Материалы семинара "Мааркетинг сельхозпродукции". "Хокурен"- 2000.
40. Овчинников О.Г. Государственное регулирование анрарного сектора США М: 1999. – С.663.
41. Ожегов С.И. и. др. Граматический словарь русского языка. -М.: Русский язык. 1991. – 432 стр.
42. Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқух дунёси" нашр уйи, 1999. - 346 бет.
43. Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Рисола. Т.: 'Fan va texnoloqiya', 2007. – 28 б.-2,0 б.т.
44. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: "Иқтисод-молия", 2011. – 172 б. – 11,0 б.т.

45. Пардаев М.Қ., Исроилов Ё.Ж. Автомобиль транспорти хизматини кўрсатувчи корхоналар таҳлилининг айрим жиҳатлари. – Т.: "Ноширлик ёғдуси", 2011. – 65 б. – 4,88 б.т.
46. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Ўзбекистон саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланиш босқичида: иқтисодий хавфсизлик масалалари. Самарқанд, СамИСИ, 2008 . – 20 б. – 1,25 б.т.
47. Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Рисола. Самарқанд, "Зарафшон", 2008 йил. – 47 б. – 3,0 б.т.
48. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Ғаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Рисола. Самарқанд. "Зарафшон", 2009. - 66 б.- 4,1 б.т. (Ж.И.Исроилов ва А.Қ.Ғаппаровлар билан ҳаммуаллифликда).
49. Пардаев М.Қ., Исроилов Ё.Ж. Автомобил транспорти хизматини кўрсатувчи корхоналар таҳлилининг айрим жиҳатлари. // Т.: "NOSHIRLIK YOG'DUSI", 2010. - 70 б.- 4,9 б.т.
50. Пардаев М.Қ., Тухлиев И.С. ва бошқалар. Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 304 бет. – 19,0 б.т.
51. Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н., Рахимов Х.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: "Иқтисодиёт", нашриёти, - 2013. – 230 б. – 14,4 б.т.
52. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик Монография. – Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2012.–162 б. – 10,2 б.т.
53. Портер М. Э., Конкуренция. Учеб. пособие: пер. с англ. – М.: Вильямс, 2000. С. 205.
54. Самуэльсон П.А. Экономика. - М.: МГП. «Алтон», ВНИИСИИ, 1992.
55. Тўхлиев Н., Ўзбекистон иқтисодиёти. - Т.: Ўқитувчи, 1994 ва 1998.
56. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Услуги, технологии и продукты в туризме.-Т.: Гос. Науч. Изд-во "Ўбек-истон миллий энциклопедияси", 2009 – 624 с.
57. Тухлиев И.С., Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик.(Лотин алифбосида) – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – 260 бет. – 16,25 б.т. (Шу нашриётда крил алифбосида 2010 йил – 264 б.)
58. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрини. Рисола. Т.: 'Fan va texnoloqiya', 2007. – 16 б.-1,0 б.т.
59. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Маъруза матни. Самарқанд, 2007. – 208 б.-13,0 б.т.
60. Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: 'Fan va texnoloqiya', 2007. – 28 б.-2,0 б.т.

61. Кудратов Ғ.Х., Мирзаев Қ.Ж. Аграр соҳадаги иқтисодий муносабатлар ва агросервис хизматларини ривожлантириш йўналишлари. Монография. Тошкент: IQTISOD-MOLIYA. 2010.
62. Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // Сервис. – Самарқанд, 2009. - №1. – Б. 56-64.
63. Ҳусанов Р.Ҳ., Додобоев Ю.Т., Додобоев Д.Ю. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. Ўқув қўлланмаси – Т.: 2003. – Б. 740.
64. Эндрю Ф. Сигел. Практическая бизнес - статистика. 4-е издание, М. –Спб, 2002 – С. 389-450.
65. Grönroos, C., Service Management and Marketing, Macmillan/Lexington Books, New York, NY, 1990.
66. АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари. Swod, USA.1998.- Б. 156.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	**3**
1-мавзу.	**ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**	**7**
1.1.	Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг предмети ва вазифалари	7
1.2.	Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг методологик асоси, методи ва усуллари	10
1.3.	Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг ўзига хос принциплари ва бошқа фанлар билан алоқаси	16
1.4.	Мамлакатимизда хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг шаклланиши ва ривожланишга оид асарларнинг яратилиши	21
1.5.	Хизматлар соҳаси иқтисодиёти фанининг таркибий тузилиши	25
2-мавзу	**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**	**30**
2.1.	Хизмат кўрсатиш соҳасига оид тушунчаларининг таърифларини ишлаб чиқишнинг назарий масалалари	30
2.2.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти	33
2.3.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлатимиз раҳбариятининг эътибори ва давлат сиёсатининг устувор вазифалари	35
2.4.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий табиати ва унинг назарий масалалари	38
3-мавзу.	**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**	**43**
3.1.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлар ва омиллар	43
3.2.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг турлари бўйича турли қарашлар тизими	49
3.3.	Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичига кўра хизмат турлари	51

4-мавзу ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ 59

4.1. Хизмат кўрсатиш соҳасини равожлантиришнинг концептуал йўналишлари 59

4.2. Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишдаги роли..... 63

4.3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайтирилган ишлаб чиқариш тизимидаги ўрини..... 69

5-мавзу ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ 79

5.1. Модернизация тушунчасининг таърифи..... 79

5.2. Модернизациянинг турлари ва уларни асослашнинг назарий масалалари..... 80

5.3. Диверсификациянинг таърифини асослашнинг назарий масалалари..... 84

5.4. Диверсификациянинг турлари ва уларнинг назарий масалалари..... 85

6-мавзу ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУРЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ..... 90

6.1. Инновациянинг таърифини асослашнинг назарий масалалари..... 90

6.2. Инновациянинг турлари ва уларнинг таснифи бўйича концептуал йўналишлар..... 97

6.3. Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи..... 98

6.4. Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш..... 101

6.5. Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи..... 103

6.6. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш..... 104

6.7. Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш..... 105

6.8. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш..... 106

6.9. Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш..... 108

7-мавзу ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА САМАРАДОРЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ, УЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА АНИҚЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ..... 111

7.1. Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик, унинг мезони ва кўрсаткичларининг назарий масалалари..... 111

7.2. Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва таснифи..... 117

7.3. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш йўллари..... 120

8-мавзу ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА СИНЕРГЕТИК САМАРА ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ..... 128

8.1. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самара ва унинг назарий масалалари..... 128

8.2. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорлик ва уни аниқлаш йўллари..... 134

8.3. Хизмат кўрсатиш корхоналарида синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари..... 135

9-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ..... 140

9.1. Кластер усулининг мазмуни ва унинг таърифини асослаш бўйича назарий масалалар..... 140

9.2. Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш кластери ва ундан фойдаланиш имкониятлари..... 145

10-мавзу. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА РАҚОБАТ ВА БИЗНЕС МУҲИТИ, УЛАРНИНГ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ 150

10.1. Хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат ва бизнес муҳити тушунчалари ва уларнинг таърифи..... 150

10.2. Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишдаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари..... 153

10.3. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги муаммолар..... 158

11-мавзу АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАР, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, МОҲИЯТИ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ..... 162

11.1. Мамлакатимизда пулли хизматларни кўрсатишни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари..... 162

11.2. Пулли хизматлар тушунчаси ва уларнинг турлари..... 174

12-мавзу АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАДИГАН УЙ-ЖОЙ, КОММУНАЛ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТЛАР, УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБЛАРИ..... 181

12.1. Уй-жой хўжалиги хизматларининг мазмуни ва уларнинг турлари ҳамда ҳисобга олиш йўллари..... 181

12.2. Коммунал хизматларнинг мазмуни ва уларни ҳисобга олиш йўллари..... 184

12.3. Пулли хизматларнинг бошқа гуруҳлари ва уларни ҳисобга олиш йўллари..... 187

13-мавзу ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИ, УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ..... 197

13.1. Автомобилларда йўловчи ташиш хизматларини амалга оширишда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари..... 197

13.2. Йўловчиларни ташишнинг турлари ва улар тавсифининг назарий масалалари..... 214

13.3. Хизматлар тизимида йўловчи ташиш транспорти хизматлари ва уларнинг назарий масалалри..... 221

13.4. Йўловчи ташиш транспорти хизматларининг турлари ва ҳисобга олиш йўллари..... 225

13.5. Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлиги ва транспорт воситаларига оид атамаларнинг таърифлари..... 229

14-мавзу АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ХИЗМАТЛАРИ МАЗМУНИ ҲАМДА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ..... 234

14.1. Алоқа хизматларини кўрсатиш: мазмуни ва уларни ҳисобга олиш йўллари..... 234

14.2. Алоқа ва ахборотлаштири билан боғлиқ хизматларнинг истиқболи..... 236

14.3. Таълим тизими хизматларининг мазмуни ва уларни ҳисобга олиш йўллари..... 239

15-мавзу. МАДАНИЙ, МАИШИЙ ВА САЙЁҲЛИК – ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ..... 244

15.1. Маданий хизматларнинг мазмуни, турлари ва уларни ҳисобга олиш йўллари..... 244

15.2. Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми ва уларни ҳисобга олиш тартиблари..... 246

15.3. Сайёҳлик–экскурсия хизматлари турлари, уларнинг мазмуни ва ҳисобга олиш йўллари..... 251

16-мавзу. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ (ТИББИЙ), САНАТОРИЯ-КУРОРТ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ, ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, МАЗМУНИ ҲАМДА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ..... 256

16.1. Соғлиқни сақлаш (тиббий) хизматлари, уларнинг турлари ва ҳисобга олиш йўллари..... 256

16.2. Санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматларининг турлари, мазмуни ҳамда уларни ҳисобга олиш йўллари.... 259

16.3. Жисмоний тарбия ва спорт хизматлари тушунчаси, таркиби, уларнинг мазмуни ва ҳисобга олиш йўллари..... 263

17-мавзу АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ, ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ..... 266

17.1. Агросервиснинг моҳияти ва уни республикада ривожлантиришнинг зарурияти..... 266

17.2. Аграр тармоқда агросервис тизимининг ўзига хос хусусиятлари..... 271

17.3. Агросервисни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси ва улардан республикада фойдаланишнинг асосий йўналишлари..... 279

18-мавзу АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ..... 290

18.1. Агросервис иқтисодиётида иқтисодий муносабатлар тизимининг моҳияти ва унинг таркибий элементларининг хусусиятлари..... 290

18.2. Қишлоқ хўжалигида сифатли моддий-техника ресурслари таъминоти-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш имкониятлари 303
18.3. Агросервисни молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш 310

19-мавзу ДЕҲҚОНЧИЛИКДА КЎРСАТИЛАДИГАН АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ, ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ 325
19.1. Деҳқончиликда агросервиснинг зарурияти, моҳияти ва турлари 325
19.2. Деҳқончилик тармоқларида агросервисни ривожлантиришнинг йўналишлари 332
19.3. Деҳқончиликда агросервис кластери самарадорлиги 338

20-мавзу ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА КЎРСАТИЛАДИГАН АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ, ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ 241
20.1. Чорвачиликда агросервис хизматларининг моҳияти, зарурияти ва турлари 241
20.2. Чорвачиликда ем - хашак таъминоти агросервис хизматларининг тавсифи 350
20.3. Наслчилик агросервис хизматларини ривожлантириш механизмлари 258
20.4. Чорвачиликда агросервисни модернизациялаш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари 368

Адабиётлар рўйхати 372

М.Пардаев, Қ.Мирзаев, О.Пардаев

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ

(Ўқув қўлланма)

Муҳаррир Э. Бозоров.

Бадиий муҳаррир М.Одилов.

Компьютерда саҳифаловчи М.Сайдалихўжаева.

Нашр. лиц. АИ № 174, Босишга рухсат этилди 1.10.2014.
Қоғоз бичими 60х84 $^1/_8$
Ҳисоб- нашр табоғи 24 б.т.
Адади100 дона. 79 – буюртма.

«IQTISOD - MOLIYA» нашриётида тайёрланди.
100084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7- уй.

«HUMOYUNBEK- ISTIQLOL MO`JIZASI»
Босмахонасида чоп этилди.
100000. Тошкент. А. Темур шоҳкўчаси, 60 «A»- уй

Цена
28000

65.43я73
П180

ISBN 978-9943-13-486-1